

84(54)7
M22

Поҳир Малик

ТИРИКЛИК СУВИ

*Сувнинг соғлиги унга қиймат бергани каби,
номус инсоннинг қадрини оширади.*



Моҳир Малик

ТИРИКЛИК СУВИ



«DAVR PRESS»

Тошкент

2019

УЎК 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)6

М 22

Малик, Тохир

М 22 Тириклик суви [Матн] : адабий-бадий нашр
/ Тохир Малик . – Тошкент : «DAVR PRESS»
НМУ, 2019. – 256 б.

Мазкур китобга одамийлик ҳуснининг гултожи хисобланган номус ва хаё фазилати баробарида энг хунук иллатлардан бўлмиш номуссизлик ва беҳаёлик иллатлари ҳақида баҳс юритувчи бадиий асарлар жамланган. Номус фазилатига эришганлар саодатга етишсалар, шайтонга тиз чўкиб ибодат қилувчи номуссизларни кутаётган азоблар ҳақида ҳам сўз боради.

УЎК 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)6

Abdulla Qodiriy nomidagi

viloyat AKM

INV № 169044- 10196

ISBN 978-9943-5555-4-9

© Тохир Малик, 2019

© «DAVR PRESS» НМУ, 2019

ФАЛАК

Асрларни боғлаб турған воқеалар баёни

«Шамсибекнинг «асл олтин олмоқ учун инсон қони даркор», деган гапи Улугбекни гоят тааж-жусубга солиб, бир қимирлаб олди.

— Қон? — деб сўради қошларини чимириб.

— Ҳа, сизга юборилган узукнинг олтинини қайта қўйиб, қўритилган қон билан сифат бериб эдим.

— Қонни қаёрдан олдинг?

— Ўзимдан...

— Олтинга сифат бермоқ учун ўз қонингни тўқдингми? Сен... — Улугбек бир нафас сукут қилди, сўнг кескинроқ оҳангда сўради: — ўз қонингни ҳамиша ишлатавермайсан-ку?

— Мен асл олтиндан ҳамиша ҳам узук ясайвермайман.

Шу топда аzon чақириги эшишилди. Аср нализининг вақти етгани эди. Улугбек юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан қўзгалди: Шамсибек ҳам туриб, қўл қовуштирганича шаҳриёрнинг юришини кутди. Улугбек бир-икки қадам ташлаб тўхтади-да, ҳалигача ҳурмат юзасидан қўл қовуштириб турган Шамсибекка юзланди:

— Бундан буён олтинга қон ишлатишни ман этаман. Инсон қонини тўкмак танбеҳга лойиқ ишидир. Ва бундай қилгувчи кишининг умри қисқа бўлур. Улугбек салтанатида инсон қони безак учун тўкилмаслиги даркор. Үқдингми?»

МУХТАСАР МУҚАДДИМА

Муниса кампир бувисидан қолган ёдгорликни набираси-га беришига мажбур эди. Унинг аждодлари неча юз йиллардан бери бу қоидага амал қилиб келишган. Бувидан набира-га қолдириладиган бу фалак түйдан кейин қирқ кун мобай-нида деворда осиeliқ тураси. Сўнг авайлаб олиб қўйилади. «Бу фалак дунё тургунча туриши керак» – неча юз йил ил-гари тилдан учган васиятга неча юз келин амал қилиб кел-ган. Муниса бувисини кўрмаган. Фалакни онаси «бувингдан ёдгорлик», деб берган. Салкам олти юз йил мобайнода тил-дан тилга кўчиди келган васиятни ҳам онасидан эшифтган. Энди набирасига узатиши керак. Кувонч билан эмас, кўн-гилхижиллик билан беради. Лекин нашлож, бошқа набираси йўқ. Набираси Нозима инглис диёрида түгэлган. Ота-онаси хориждаги хизматларини яқунилаб, юртга қайтдилар-у, лекин «қизимиз яшироқ билим олсин», деб ўша Лондонда қолдириб келишиди. Нозима ҳар таътилга келганида Муни-са унинг ҳаракатларини зидан кузатади, тилидан учган сўзларга диккат қиласди. Ўслига бир неча марта «қизингни энди четга юборма, шу ерда ўқийверсин, зеҳни бўлса, қунт қиласа, қаерда ўқишнинг фарқи йўқ», деди. Гапларига эъти-бор бермадилар. «Беруний билан Фаргонийлар Лондонда ўқишмаган-ку?» деган гапидан кулиб, «ойижон, эскича ўй-лайверманг, ахир йигирманчи аср охирлаяпти», дейишди, кейин «йигирма биринчи асрда яшаётганингизни қачон ҳис қиласиз?» деб маломат ҳам қилишиди. Мунисага кўп нарса керак эмас. Онасидан юқтирған фазилатларни набираси-да кўришини истарди холос. Оврупонинг маданияти бора-сида Нозиманинг ками-кўсти йўқ эди. Лекин...

Бувисини «эски хотин» дегувчи шу набирасига насли-насаби учун энг азиз бўлган ёдгорликни топшириши керак. Лекин... ноумид – шайтон. Балки хавотири ноўриндир. На-биради балки бу ёдгорликнинг қадрига етар, кўз қорачиги-дай асрар, аждодлар робитаси узилмас...

Нозима Лондонга қайтадиган куни Муниса жавондан фалакни олди-да; набираси қаршисида ёйиб кўз-кўз қилди. Нозиманинг ҳайрат билан «вой, мунча чиройли!» дейишини кутди. Нозима бир бувисига, бир матога қараб, совуққонлик билан «нима бу?» деб сўради. Бу совуқ руҳ камтирнинг баданини музлатиб юборди. Фалакни тахлаб, жойига қўйишини хоҳлади. Лекин бундай қилолмасди. Ажододлар анъанаисига қарши чиқолмасди. Кўнгил чинниси дарз кетганини сезидирмаслик учун чуқур хўрсиниб олди-да, набирасининг саволига жавоб берди:

— Бу – фалак, осмоннинг тасвири. Мирзо Улугбек замонида яшаган катта бувимиз шу фалакни тикиб, подшоҳга совга қилган эканлар. Ёвуз одамлар катта бувимизни ўлдиришигандан подшоҳнинг ўзи жсанозага келиб, тобут устига шу фалакни ётган экан. Катта бувимизнинг ўшиллари ўшанда гўдак эканлар. Яхши одамлар тарбия қилишишибди. Бу фалакни ҳам эҳтиёт қилиб сақлашишибди. Катта дадамиз улгайиб, уйланибдилар. Қизларини күёвга узатиш пайтида шу фалакни сепга қўшган эканлар. Ўшандан бери бу фалак бувидан набирага ўтиб сақланади. Энди бу сеники. Күёвгә чиққанингда қўрқ-кун мобайнида уйинг деворига осиб қўясан. Кейин эҳтиётлаб сақлайсан. Сўнг набират қизингга топшириб, мендан эшишганларингни айтаб, кўз қорачигидай асраши кераклигини тайинлайсан. То қиёматга қадар шундай бўлиши керак. Қиёмат куни жсаннатда катта бувиларимиз билан дийдор кўришганимизда шу фалак бизга шафоат бўлар экан...»

Нозима бу гапларни ҳақиқат эмас, тўқилган афсона сифатида қабул қилгани учун ҳам ҳаяжонсиз тинглади. Фалакнинг олти аср давомида сақлаганига ишонмади. Бувисини ранжитмаслик учун фалакни қўлига олиб, эътиборсиз тарзда тахлаб, «раҳмат...» деб қўйди. Кўшини хонага чиқиб «шу ерда қолаверсин, қўтариб юраманми», деган эди, онаси «бунинг нима оғирлиги бор, олиб кетавер, Англияда шунақа эски нарсаларга ишиқбозлар бор, сотиб бирон нимага ишлатарсан», дегач, ноиложк олди...

САБОҚДОШЛАР

Корабайирни етаклаб келаётган йигит мадрасага яқинлашиб тұхтади-да, бинога ҳайрат билан қараб қолди: тұрт гумбазли, тұрт минорали, икки қаватли иморат унинг ҳүшини олди. Эртаклардаги мұъжизага дуч келган каби киприк коқмай тикилди: мадрасанинг пештоқи гумбаз билан, мовий гумбаз эса осмон билан пайваста, йигитнинг назаридан мадраса гумбази самони ушлаб турғандай, бино вазнидан эса гүё Ернинг умурткаси кирсиллаб кетаётгандай эди. Девордаги накшлар қуёш нурида күзни олгудай товланарди... У маҳлиә бўлгани ҳолда устозининг таърифини ёдга олди: «Мадрасанинг тоғ шукухли ҳайъати устухонбанд мустаҳкамлигидин фалак биносидин тинчликни олғон, юксаклик жиҳати бўлмиш азаматиншон пештоқи оғирлигидин еру заминга зилзила солғон, анинг олий даражалик кўнгираларини кудрат устаси фалак айвонининг муқарнас-корлиги бирлан бир хилда ёсоғон, ложувард кошинларини казо накқош фалакнинг чароғон юлдузлари бирлан бир тартибда накш килуб, аларга дахлдор қилғон; қуёш каби жилvasи, зарнигор накшлари гўзал фалак гумбази бирла ҳамвазн эрур...» Иморат ҳайбатидан лол қолиб турган йигит беихтиёр, «мадраса азамати олдида бу таъриф денгиз сахнига бир чизикча тортилгани кабидир», деб қўйди.

Йигит мадрасадан чиқиб келган узун чакмонли, бошига катта оқ салла ўраган басавлат кишига яқинлашди. Салом берди. Киши қироат билан мулойимгина алик олгач, ундан сўрашга жазм этди:

- Тақсир, айбга буюрмайдилар, мен толиби илмлардан бирини истаб келиб эдим.
- Кимни?
- Мулла Абдулваҳобни.
- Абдулваҳобними?! – Кишининг қоши сал чимирилди. Йигитта бошдан-оёқ разм солди. Ундаги бу ўзгариши йигит сезиб, нокулай аҳволга тушди. Киши эса нохуш оҳангда яна сўради: – У кимингиз, акангизми?

– Акам эмас, сабоқдошмиз. Падари бузрукворларининг дуоларини етказмоқ ниятида эдим:

– Шундай денг?.. – Киши тусини ўзгартирмай, яна бироз жим қолди. Кейин яна ўша ноҳуш оҳангда сўзлади: – Абдулваҳобингизни бу ердан топа олмассиз.

– Сабаб?

– Дўстингиз бунда сабоқ олмоқ ўрнига қўрнамаклик қилди. Шаккоклиги учун жазога лойиқ эрди. Лекин Худо асраб, давлатпеноҳнинг марҳаматин насиб этди. Илм олиш истаги йўқ эркан, мадрасани тарқ этибдир. Шукрким, мадраса бир нобакордан ҳоли бўлибдир.

– Уйига кетдими?

– Билишимча, у хонақоҳда кўринар эмиш.

– Манави ердами? – Йигит мадраса биқинидаги хонақоҳга қаради.

– Йўқ, у бу ерга келмайдир. Шахристон этагидаги хонақоҳни қаранг-чи, эҳтимолки, учратиб қоларсиз.

Йигитга шу гапнинг ўзи кифоя қилмоғлиги лозим эди. Бироқ, бир ҳақиқатни аниқлаб олишга фикри ожизлик қилгани сабабли, нотаниш кишини яна сўроқقا тутиш одобдан бўлмаса-да, хижолатдаги одам овозида сўрамоқни лозим топди:

– Тақсир, агарчи қамина тўғри англаган бўлсан, мулла Абдулваҳоб ўзларини тариқат аҳли қаторида кўрмакликни афзал билибдиларми?

– Нима дедингиз? Тариқат аҳли? – У киши савол назари билан қараб, масхараомуз кулимсиради: – Тариқат аҳли кимлардир, билма смисиз? Илмдан юз ўтирган банда тариқат аҳлидан бўлмоғи кулгили ҳол эмасми? Бирорлар борким, дунёдан юз ўтиридим, дерлар. Бироқким, дунё ҳаловатларига берилмаслик, хусусан, алданиб қолмаслик бошқадир, илмдан юз ўтирмоқлик ўзга ҳолдир. Бундин шундай маъно чиқурким, сабоқдошингиз ҳаракати мўминликдин эмасдир.

От ниманингдир хавфини сезгандай, бурнини кериб пишқирди. Йигит жониворнинг бўйнига эркалаб шапати

уриб қўйди-да, кишига ҳам ташаккур, ҳам узр айтиб, келган йўлига қайтди. Намозгарга ҳали вақт бор, шу боис у аввал карvonсаройга қўниб, кейин масжидга чиқишини ихтиёр қилди. Самарқандга йўл олганида Абдулваҳобни қўрипни умид қилиб эди. Мусофирик тузини энди totаётган йигит учун шахристонда таниш кишисининг борлиги анча далда бўларди.

Абдулваҳобларнинг ери уларнига туташ, лекин учтўрт баробар катта бўлиш баробаринда серсув сойга яқин эди. Қишлоқнинг аксар ахли Абдулваҳобларнинг ерида ишлаб, ризқини териб ерди. Андижон йўлидаги адирда ҳам, ўш теварагидаги тоғларда ҳам Абдулваҳобнинг хонадонига тегишли чорва ўтлаб юрарди. Йигитнинг Абдулваҳоб билан сабоқдошлиги ҳам рост, улар далоилхонада бирга саводларини чиқаришган эди. Абдулваҳобнинг хотири заифроқ, укуви ҳам мақтарли даражада эмасди. Мадрасага бормоқлик истаги бўлмаса-да, отасининг пўписасидан қўркиб, Самарқандга отланган эди. Беш йил муқаддам ота-бола биргалашиб, Мирзо Улуғбек салтанатининг бошкентига йўл олишган эди. Бир ойдан сўнг бойбува оғзи кулоғида – кувонч булатлари устида сузиб қайтди. Энди унинг ўғли хақида гап очилса, «Мулла Абдулваҳоб» деб иззатланадиган бўлинди. Беш йил мобайнода Абдулваҳоб қишлоғига бир марта ҳам келмади. Бойбуванинг ўзи бориб-келиб турди, сафардан қайтгач, ўғлининг таҳсил билан банд эканини сўзлай-сўзлай чарчамади. Бу йил баҳорда йўлга отланган чоғида унга бир хасталик илашди-ю, юролмай қолди...

Болаликда бир қишлоқ чангини ютиб катта бўлган сабоқдоши наҳот мадрасани тарк этган бўлса? Бойбуванинг олкишлари кайда-ю, ҳозир эшитган хабари қайда?! Абдулваҳобнинг илм йўлидан юз ўғиргани мусофири йигит умидига соя солса ҳам, ҳамкишлоги билан учрашиш ниятидан воз кечмади. Бир томони, бойбува бериб юборган омонатни топшириш вазифасини бажармоқлик бўлса, иккинчи томони, уни қаландарлик жандасида қўрмоқликка истак уйғонган эди.

Йигит қорабайирни отхонага боғлаб, ўзи қаршидаги хужрага жойлашди. Кейин ҳовуз лабида турган обдастани олди-да, унга разм солди. Ҳатто қорнига чертиб-чертисиб кўйди.

– Ҳа, меҳмон, хуш ёқдими? – деди елкасига сочиқ ташлаган яғриндор киши.

– Миси тоза экан, – деди йигит.

– Ҳа... мендаги молларнинг бари асл. Мисгармисиз, дейман-а?

– Йўқ, заргарман.

Намоз вақти яқинлашгани учун йигит гапни қисқа қилиб, таҳорат олди-да, кўчага чиқди. Масжидга бора-боргунича учраган қаландарларга қараб, Абдулваҳобни кўриб қолишдан умид қилди. Бироқ истаган одамини учрата олмади. Масжидда одам кўп эди, шу боис намозини пойгакроқда ўқиди. Юзига фотиха тортиб, бошқалар қаторида ўрнидан тургач, минора тарафдаги икки қаландарга кўзи тушди. Абдулваҳобни шулардан билай-чи, деб ўша томон юрди. Сўрашга оғиз жуфтлаган ҳам эдики, қаландарлардан бири унга пешвоз чиқди:

– Шамсибек??

Йигит унга хайрат билан қаради – Абдулваҳоб! Қорайибди, озибди. Еноқ суяклари туртиб чиқиб, кўзлари киртайиб, қовоқлари салқиб қолибди. Бетларидаги кулгич ҳам йўқолган. Агар хоргин оҳанг инобатга олинмаса, овози ўзгармабди.

Кўришишди. Кейин бозор этагидаги чойхонага ўтдилар. Абдулваҳоб кутилмаган учрашувдан қувонди. Ҳар ҳолда Шамсибек ҳамқишлоғи, ундан ота юртининг иси келади. Шамсибек эса на хурсанд, на хафа эди. Сабоқдошидан кўз олмай, ундан илгариги Абдулваҳобни кидирарди. Олти йил аввалги Абдулваҳобдан ҳеч нима қолмаса-я!

Тикилиб қарайвериш ўзига ҳам ноқулай туюлиб, ўзини кизиқтирган саволни беришдан тийилмади:

– Мадрасани тарк этдингизми?

– Мен шариатни парда қилиб олиб, диннинг путурини кетказаётган дўзахилар даврасидан чекиндим. Охират ан-

дишасини деб, пириминг этакларини тутдим. Бандаларга Ҳақдан иймон сўраб, умрни тоат-ибодат ила ўтказмоқдан улуғроқ савоб йўқтур.

Шамсибек мийигида кулиб, чинни пиёладаги кўк чойдан бир ҳўтилади. Кейин фонуснинг нурида ялтираётган ботиқ кўзларга қараб, деди:

Ё Rab, лойимни-ку, қорган ўзингсан,
Ўрии-арқоғимни ўрган ўзингсан.
Ёмонманми, яхши, мен қандоқ қиласай?
Тақдир манглайини берган ўзингсан...

Буни эшитган Абдулваҳобнинг чойнак тутган қўли тираб кетди:

– Астағфируллоҳ! – деди овозини кўтариб. – Неларни демоқдасиз? Тавба қилинг, дарҳол истиғфор айтинг.

Нариги сўридагилар унинг овозини эшитиб, ажабланиб қараб қўйиши.

– Тавбага не ҳожат? – деди Шамсибек хотиржам равишда. – Бу ҳикматни Умар Хайём айтганлар. Мен гуноҳ иш қилмоғимиз ҳам, савобга қўл урмоғимиз ҳам Аллоҳ таолонинг изнидадир, демоқчи эдим, холос. Ўзгалар тақдирни учун ибодатга берилмоғингиздан, шу йўлда умрни ҳазон қилмоқликдан не наф бор экан, ақлим лол. Ҳамонки ҳар банда лаҳадга ўз амаллари билан кирадир экан, ўз гуноҳи учун ўзи истиғфор айтиб яшамоги дуруст эмасми? Бешикдан лаҳадга қадар илм олмоқлик фарз қилинганини унутиб, илмдан юз ўтириб, умрни жувонмарг қилмоқлик гуноҳ эмасми экан?

– Алҳазар! Тилингизни тийинг! Дўзахиларнинг сўзларини айтманг.

– Хўп, сизнингча, бу дўзахиларнинг сўзи, ҳаракатингиз эса тарийқат экан, унда аввалги йўлингиз-чи? Илм олмоқликни нимага асосланиб, гуноҳ санай бошладингиз?

Абдулваҳоб сұхбатдошига ёвқарашиб қилди-ю, жавобдан тийилди. Жавобсиз қолган саволдан сўнг улар жим қолиш-

ди. Шамсибек нариги сўрида гурунглашаётганларга қараб ўтирар, Абдулваҳоб эса қўлидаги тасбех доналарига тикилиб қолганди.

Шамсибек сабоқдошининг сўзларида сунъийлик сезди: Абдулваҳобнинг ҳайратини ифода этиш мақсадида ёқа ушлаб қўйиши, калима келтириши, кимларгадир тақлид қилувчи масхарабозни эслатарди. Унинг «охират андишасини деб, бандаларга иймон сўрамоқ учун» қаландарликни касб этганига ҳам унча инонмади. Чунки патгиламлар устида югуриб катта бўлган, боши парёстиқларга ўрганган Абдулваҳоб табиатида ўзгалар тақдири учун куйиниш фазилати йўқ эди. Унинг табиати отасига тортган эди. Турдигой қурдирган масжидда намоз ўқишини истамаган Бойбува боғи этагига ўз номидан бир кичик масжид қурдириб, усталирнинг ярим ҳақини уриб қолгани етмагандай, харажатни қишлоқ аҳлидан турли баҳоналар ила ундириб олган эди: Абдулваҳоб мактабга келганида қўйнида ҳамиша бита оқ кулча нон бўлар, болалар бор овозлари билан сабоқни тақрорлашга тутингланларида у энгашиб олиб, тебранганича ўғринча нон кавшаб ўтиради. Бунинг учун бошига калтак тушган пайтлар ҳам кўп бўларди. У ҳеч маҳал ўртоқларини сийламасди. Аксинча, хабаркашлиги учун барча уни ёмон кўрарди. Кунларнинг бирида отаси бериб юборган пайшанбалик пулининг бир чақасини яширганидан хабар топган болалар, ундан ўч олиш қасдида бу қилмишини дарҳол домлага етказган эдилар. Ҳам домласидан, ҳам отасидан жазо олган Абдулваҳоб сабоқдошларини ёмон кўриб қолди. Мадрасага кетадиган йили Шамсибекларнинг қўрғонига ўт тушган, ён қўшни бўла туриб на Абдулваҳоб, на Бойбува ҳаттоки бир марта девор ошиб қараб ҳам қўйишмаган эди.

Шу одам энди бандаларнинг охирати хусусинда ташвиш чекяптими?

Балки... ҳам ўзининг, ҳам отасининг ўтмиш гуноҳлари эвазига энди тавбага юз тутган бўлса не ажаб?

Наҳотки?

Оқ яктакли киши чойни янгилаб кетгач, Абдулваҳоб энди нохуш оҳангда сўради:

– Келишингиз боиси нимадир?

– Давлатпаноҳ йўклабдилар. Сабаби менга қоронғу

– У ҳолда Кўҳакка бормогингиз лозим экан. Тунда иблислар билан сұхбат қурмок қасдида Бөғи майдонга йўл олишган.

– Сўзларингизни англамадим?

– Нега англамайсиз, бу барчага маълум нарса – юлдузларни санайдилар.

– Кўҳак деганингиз олис ердами?

– Йўқ, айтарли олис эмас.

– Ҳамроҳ бўла оласизми?

– Майлингиз...

Сұхбатлари қовушавермагач, Шамсибек олиб келган омонатини топширди-ю, сўнг совуққина хайрлашдилар.

Эртаси куни чошгоҳда шу ерда учрашиб, совуққина омонлашишди. Абдулваҳобнинг улови бўлмагани сабабли икковлари пиёда йўл олдилар. То шаҳардан чиққунларига қадар Абдулваҳобнинг қўлига ким бир чақа, ким нон берди. Шамсибек отини етаклаб, унинг ёнида бораверди. Йўлда Абдулваҳоб дини исломни хокисор қўлмоқ қасдидаги фосиклар хусусинда сўзлай кетди. Сўз ораларида уларни қарғашдан ҳам тийилмади. Обираҳматга яқинлашишганда, йўл четидаги нақшинкор карвонсарой чойхонасида тўхташди. Ариқдаги тиник сувда юз-қўлларини ювиб, тол соясидаги сўрига ўтиришди. Дўпписининг пилтаси кўриниб қолган, сал оқсайдиган пучук бола чой-нон олиб келиб кўйди.

Ариқ лабидаги супада давра қурган қариялардан бири қўлига танбур олди. Майнин куй таралди. Дўпписини тиззасига қўйиб олган кўзлари юмалоқ киши қўлидаги ликопчани чертганича куйга жўр бўлди:

*Ул киму гўзалларга хандон лаб бермии,
Ишқ аҳлига жигар қонин заб бермии..*

*Қисматимиз шодлик бўлмаса не зам,
Шодмиз, чунки замни минг-минглаб бермиш...*

Абдулваҳоб хонандага ҳўмрайиб қараб қўйди-да, «ношукр банда, осий банд»а, деб асабий тарзда пичирлади. Шамсибек унинг сўзларини яхши англамаган бўлса-да, кайфияти бузилганини фаҳмлади. Ёшроқ хонанда биринчи қўшикка иккинчисини улади:

*Кўруб гултек кўзунг рангини кўздин юз чаман бўлди,
Ақиқ эрнингни кўргали кўзум ҳоли яман бўлди.
Тун оқшом тўлгану сунбул бикин зулфингдин оҳ урдум,
Ҳавони голия туттти жсаҳон мушки хўтсан бўлди.
Қилиб раъно қадинг ёдни саҳарда онча йиғлади,
Кўзумнинг жсўйбори ичра сарви норвон бўлди.*

Хонанданинг ширали овозига хуши кетган Шамсибекнинг хаёлини Абдулваҳобнинг қаҳрли хитоби бўлди:

– Ё Аллоҳ! Булар қандай мусулмонларки, фиску фуржуга берилиб, охиратни унутсалар?! Узлатга чекинишни истамаган осий бандаларингга иймон бер, ё Парвардигор!
– Унинг овози паастлаб нималардир деб пичирлади. Кейин яна овозини кўтарди: – Арвоҳларнинг қарғишига қоляпмиз... Қиёмат яқин... Қиёмат! Фосиқ бандалар рўзи маҳшарни эсламай кўйишиди. – У бошини эгид олди-да, тасбех ўтирганича гапини давом қилди: – Давлатпаноҳингизга ҳазрат Қусом арвоҳларининг қарғиши тегди...

Мавзунинг тўсатдан бу томон бурилиши Шамсибекка ғалат туюлди. Султон Улугбек одил бўлгани боис раияту, ҳабисаю, ятимчаю – барча мўъмину мусулмон эртаю кеч онинг дуосида бўлганлари ҳолда сабоқдоши тилидан учган бу гап заҳаролуд тиф каби кўнглини тилиб, танбех бермоқ мақсадида оғиз жуфтлади:

– Ундей демангиз...
– Танбехингизда асос йўқтур. Ҳар бир султон учун йилда бир марта ҳазратнинг қабрларини зиёрат қилиш фарз

баробариндаги одат экани барчага маълумдир. Давлатпашохингиз бу йили ҳам удумни яна бузди. Ҳазратнинг даҳмаларига бош қўйишдан оғринди.

– Бунни сизга ким айтди?

– Мұхтасибимиз Сайийд Ошиқ масжидда ёлғиз ўзларри таҳажжуд намозини адо этгач, тиловоти Куръон қилиб ўлтурғанларида арзу само бирдан қисирлаб, Шоҳизинда томонда яшин чакнаб кетибди экан. Ҳазратнинг қабрлари устинда бир соя қад ростлабди-да, ҳазарти мұхтасибимизга қараб, хитобон: «Султон Улугбек зиёрат қилмоқни лозим топмай, кибр отига миниб гуноҳкор бўлди. Бундан мусулмон аҳлини огоҳ эт. Самарқанд аҳли бу гуноҳни қон билан ювмас экан, бошлари кулфатдан чиқмас!» дебди...

– Яна кулфат уясини кавлашни бошладиларингми?

Нариги сўрида уларга орқа килиб ўтирган қорувли кишига эътибор беришмаган экан. Маҳобатли бу сипоҳ Абдулваҳобнинг сўзларини эшитиб, ғазабга келган эди. Қовоғи уюлганидан пешонасидаги ажинлар йифилиб, қалин қошлари туташиб кетганди. У яқин келиб, Абдулваҳобнинг елкасидан тутди:

– Қани, юр-чи, фисқу фужурларингни ҳазрати шаҳриёр ҳам эшитсинлар!

Абдулваҳоб унинг чангалидан осонроқ равища кутулиш учун «ё-ху», деб жазавани бошлади. Одамлар: «Қаландарга озор берма!» деб норози бўлишса ҳам, сипоҳ: «Қаландар бўлса, тоат-ибодат қилсин, султоннинг муборак номларини булғамасин!» деб, уни турта-турта йўлга солди. «Сен ҳам юр», дегач, Шамсибек ҳам амрга ноилож итоат этди.

Бир тегирмон сув окувчи ариқ ёқалаб анча юқорилашиди. Кўҳак этагидаги боғ қўйнида қад ростлаган қасрга етиб келгунларига қадар асабий тарзда юриб бораётган сипоҳнинг жафи тинмади. Авзойидан Абдулваҳобни калтаклаш истаги бор эди-ю, лекин бир андиша уни ушлаб турарди: у «Худонинг гадолари»га қўл кўтармоқлик гуноҳидан қўркарди.

Сипоҳни Боги майдон олдида турган дарвозабеги тайир эди, шу боис улар йўли тўйилмади. Нозик дид билан бино қилинган зариф боғ оралаб бироз юрилгач, ажиб иморат қаршисидан чиқдилар: устунлари тошдан бўлган ошиёнинг тўрт тарафи айвон эди. Улуғ айвон ичидаги оқ мармар тошдан ишланган бир мўъжаз тахт бор эди. Абдулаҳобга бу ерлар таниш. У қирқ устундан иборат иморатнинг «Чилстун» дейилишини, сал нарида изораси тамом чиннидан бўлган «Чинний» қаср борлигини биларди. Шамсибек эса бундан бехабар. У кеча Улуғбек мадрасасини қандай таажжуб, ҳавас, ифтихор билан кўрган бўлса, ҳозир ҳам бу ажабтовор иморатга шундай завқ билан тикилиб қолди. Атрофдаги зар тўнли одамлар эътиборни кўпам тортмади. Сипоҳ уларни боғ ичкарисига олиб ўтиб, бошқа бир сипоҳга топшириди-да, изига қайтди. Намозни шу ерда ўқиб олишди. Намоздан кейин уларни олиб келган сипоҳ яна пайдо бўлди:

— Қани, ҳалиги фасод гапларингни шаҳриёрнинг ўзларига айт-чи!

Яна Чилстун қаршисидан чиқишиди. Энди бу ер гавжум эди. Айвонда юрт акобирлари, улус амирлари ва доруғалари, тахтда эса, эгнига самоваш тўн кийиб, бошига симоби салла ўраган мулойим чехрали бир киши ўтиради. Шамсибек уни илгари ҳеч кўрмаган бўлса-да, давлатпаноҳ эканини англаб, тиз чўкиб, бошини этганича таъзим қилди. Абдулаҳоб эса салгина эгилиб, салом берган бўлди.

Улуғбек индамади. Унинг ёнида ўтирган оқ соқолли қария сипоҳга юзланиб сўради:

— Буларни ҳайдаб келишинг боиси надир?

Сипоҳ таъзим қилганидан кейингина сўзлашга журъят этди:

— Тақсир, бу фосид хаёллар шаҳриёрнинг муборак номларини бўхтон балчиғига булғаётган эрканлар. Ўз кулоғим илиа эшишиб, ғазабга миндим.

Қаландардан кўз узмай ўтирган Улуғбек бу изоҳдан сўнг кулимсираб кўйди:

– Қамариддин, эски танишни яна олиб келибсан-да, нахот уни танимаган бўлсанг? – деди у.

Сипоҳ бир қаландарга, бир Шамсибекка каради-ю, шахриёрнинг сўзларини англамай жавобга тараддулланди.

– Сен Худонинг бу гадосини анча аввалорк толиби илм либосида эканида олиб келиб эдинг. Таҳассурким, мулла-ваччалик йўлидан буткул кайтиб, ўзига мос асл либосини энди топибдир. Қани, сўзлайвер-чи, бу нималар деди экан?

– Арвоҳ қон тилаганимиш...

Сипоҳ шундай деди-ю, бу фасодни ўзи тўкиб чикаргандай уялиб, бор гапни баён қилишдан истиҳола қилди. «Султон Улуғбек гумроҳ, дахрий» деган сўзларни айтмоқликка тили айланмади. Бироқ, шахриёр шу қиска баённинг ўзиданоқ гапнинг мазмунини уқди. Шамсибек унинг ғазбланишини, қаландарни жазога буюришини кутган эди, лекин не ажабки, султон боши узра дарғазаблик булути кўринмади, аксинча, жилмайиб қўйди:

– Шугинами? Худонинг телба гадосини беҳудага овора қилибсан-да, – Улуғбек шундай деб, қаландарга юзланди:

– Хўш, Абдулваҳоб, сен бу кулоҳу жандани кай мақсадда кийиб эдинг?

– Охиратни деб...

– Балли. Вазифанг – бандаларнинг гуноҳини Ҳақдан сўраб, ибодат қилиш. Аммоким, бандалар гуноҳини сўрай-дурғон банда аввал ўзини поклаб олмоғи зарур эмасми? Фисқу фужур ила банд банданинг ибодати ўз гуноҳини ювишга ҳам етмасмикин, валлоҳи аълам?!

– Фисқу фужурдан Аллоҳнинг ўзи арасин, – деди Абдулваҳоб бошини кўтариб. – Мен охират осойишталигини кўзлаб, бандаларни арвоҳнинг талабидан огоҳ қилдим, холос.

– Аввали шуки, сен раият осойишталиги хусусинда кайгуриб, ўзингни уринтирма. Бу – султоннинг юмушидир. Сен арвоҳнинг сўзларидан кай ҳолда огоҳ бўла қолдинг, шуниси ажабланарли. Уни ўзинг кўрдингми?

– Йўқ... пирам кўрганлар.

– Арвоҳ факат пириңгга кўриниш берибди-да. Ажаб... ажаб! Арвоҳ яна нималар дебди? Ҳа, султон зиёратни лозим кўрмади, дегандир, а? Агар шундай деган бўлса, ул ҳам ёлғон сўзлабдир. Пириңг ҳам ёлғондин ўзни тута билмабдир. Сабабки, ул куни Барҳаёт шоҳ мақбараси остонасида тиловат қилганимга Қодири мухторнинг ўзи шохид... Энди ўзинг айт, Фиску фужурдан парҳез қилмаган қаландарнинг ёсоги не бўлгай?

Абдулваҳобнинг ўрнига сипоҳ жавоб қилди:

– Ҳазрат шаҳриёrim, бул телбанинг ташҳизи хотири учун чўби ёсок зарурмикин?

Улуғбек унинг гапга аралашганидан норози бўлиб, «жим» дегандай ўнг қўлини сал кўтариб қўйди-да, Абдулваҳобга тикилиб, ундан жавоб кутди. Абдулваҳоб шаҳриёрга тик қарашдан ўзини тиймади:

– Менинг жоним – Аллоҳнинг омонати. Лозим бўлса, бул омонатни сизнинг қиличингиз тифи ила олажак.


Улуғбек бу зардали гапни эшитиб, кулимсираганича бош чайқади:

– Йў-ўқ... Қиличим қонсираган эмас. Бобом Соҳибқирони акбар шамширини ҳар нарсага ҳам уравермас эдилар. Мен ҳам урмагайман. Қамариддин, уни кўчага узатиб қўй. Аммо азият етказа кўрма. Унга Аллоҳ инсоф берсин. Инсофга юрмас экан, жазони ҳам Тангри таолонинг ўзи бергай.

Шамсибек «Шаҳриёр Абдулваҳобни жазоламаса эди», деб хавотирланиб турган эди. Йўқ, у дўстининг аянчли қисматига ачинмас эди. Аксинча, қаландар жазолангудай бўлса, султонга қарши янги фасоду иғволарнинг бош кўтаришидан хавфсиради. Қамариддин Абдулваҳобнинг елкасига аста туртиб, дарвозага олиб борувчи йўлга имлади, кейин Шамсибекка қараб унга ҳам «юр» ишорасини қилди.

– Тақсир, ҳазрат шаҳриёrimизга бир арзим бор эрди, – деди Шамсибек шошилиб.

– Кандайин арз? – деб сурорди султон ёнида ўтирган кария.



Шамсибек қўйнидан мўъжаз пойгир чикарди. Қамаридин ундаги муҳрни кўриб, уни дарров йигит қўлидан олди-да, таъзим билан бориб, султонга узатди. Улуғбек пойгирни очиб, рико билан ёзилмиш мактубга кўз югуртиргач, Шамсибекка бошдан-оёқ разм солди:

– Шамсибек Исмоил ҳожи ўғлимани, дегин... Нечун барвактрок айтмадинг?

Шамсибек жавоб ўрнига «ўзингизга кўриб турибсиз-ку» дегандай таъзим қилди. Улуғбек эса пойгирни нависандага узатгач, яна Шамсибекка каради:

– Каландарга ҳамроҳи бўлиб қолишинг сабаби недир?

– Бу билан сабоқдошмиз, ҳазрат шахриёrim.

– Ажаб, икки дўстнинг бири давлатимнинг ажниҳида иғво ила, яна бири раиятни алдаш ила машғул бўлса?

– Улуғбек «бу ҳолга не дерсизлар?» дегандай атрофидаги аъёнларига қараб олди. Катта-кичик аъёнлар «бу нақадар ёмон аҳволдир», дегандай бош чайқаб қўйдилар. Давлатпаноҳ каршисида таъзим қилиб турган Шамсибек бошини кўтариб, унга савол назари билан қарашга журъат этди.

– Сен мисни қалбаки олтинга айлантириш илмидан хабардор эмишсан? – деди Улуғбек йигитга синовчан тикилиб.

– Хабарим бор, ҳазрат шахриёrim. Мисни олтинга айлантира олишим рост, соч толаларидан кумуш ажратиб олишим ҳам ростдир.

– Шу макр ила фукарони алдаб бойлик тўплашинг-чи? Буни нечун айтмайсан?

– Агар шул гап чин десангиз, тўпланмиш бойлигим салтанатингиздаги хисобсиз икки хазинанинг бири, эҳтимолки, унданда зиёдроғи бўлмоғи мумкин эди. Аммо, устодларим «Сирот кечмай, қаҳ-қаҳ кулма», деб каминани фукаро ҳакига хиёнат килмоқликнинг нақадар гуноҳ эканидан огоҳлантиришган. Тавбалари қабул бўлгур бобом ҳар янги ишга қўл урганимда фотиха бериб, дердиларким:

*То қайғу қўлидан ичмасдан шароб,
Кувониб ичмадим асло майи ноб.
Ҳеч кимнинг тузига нон ботирмайман,
То ўз жигаримдан емайин кабоб...*

Бу ҳикматни эшитгач, Улуғбекнинг юзида мамнунлик кулгиси жилва қилди. Бундай ҳолларда унинг кўзлари яна ҳам меҳрли боқарди. У соқолини силаб ёнидаги қарияга деди:

— Мавлоно, тахминингиз таҳсинга лойик. Йигит сиз айтгандай қобил. Ажнихимизга чакириб янглишмабмиз.

Шамсибекнинг ёнида турган Қамариддин уни салгина туртиб қўйди. Шамсибек таъзим қилганича Улуғбек таҳтига яқин келиб, тиз чўқди. Зангори дигора сариқ зар билан безак берилган тўннинг этагини ўпиб, кўзларига суртди. Шу аснода устозининг сўзларини эслади: «Охиратда Худо ёрлақагур соҳибқирони акбар ҳаёт эканликларида мирзо Улуғбек устозлари Қозизодай Румий илмларини хурматлаб, ул зотнинг этакларидан ўпган эканлар. Шунда соҳибқирони акбар жуда ранжиб, «шахзодаларнинг этак ўпмоқликлари буткул ножӯя, дунё сенинг оёғинг ўпмоғи лозим», деган эканлар. Шахриёр боболари сўзларини кулоққа олсалар ҳам, илм аҳлига бўлган эътиборларини камайтирганлар. Ажаб эмаским, сиз ҳам ҳазрати султоннинг паноҳида униб-ўссангиз...»

Улуғбек Шамсибекнинг елкасидан енгил ушлаб турғизди-да, ҳалигача қўл қовуштириб турган сипоҳга қаради:

— Қамариддин, меҳмонимизнинг адувбанди экансан, уни ўзингга топширай. Бироз ҳордик чиқаргач, оқшомги сұхбатимизга бошлаб келгайсан.

Улар таъзим қилиб, тисланиб чиқишиди.

АСЛ ОЛТИН ВА ИНСОН ҚОНИ

Оқшом чоғи Шамсибекни Чилстун томонга бошламадилар. Сўл томондаги гулзор ёқалаб, фаввора отилиб турган саҳнга чиқишиди. Қуёш уфқ сари бош қўйган, унинг

кучсиз нури бир-бирига урилаётган марварид сув томчиларида акс этарди. Фавворадан сал наридаги шоҳсупада Улугбек мутолаа қилиб ўтиради. Шамсибек султонга халал бермай, деган истиҳолада туриб қолди. Буни сезган Қамариддин унга секингина:

– Ҳазрати давлатпаноҳнинг ўзлари амр этганлар, бораверинг, – деди. Шамсибек илдам юриб супага яқинлашиди-да, тиз чўкиб қуллуқ қилди.

Улугбек китобдан бош кўтарди. У оддий сариқ тўн кийиб олган, шу топда султонга эмас, кўпроқ мударрисга ўхшаб кетарди. Унинг бу ҳолатини кўрган Шамсибек ёдига устозининг гаплари тушди: «Султон Улугбек «Улугжон» деб эркаланган бола чоғларида боболари Соҳибқирони акбарнинг Кўксаройдаги кутубхоналарида мутолаага берилмоқни хуш кўрар эканлар. Гарчи, боболари сафарларда бирга олиб юрсалар-да, ҳарб илмига қизиқишлари, шунинг баробаринда, давлат ишларига рағбатлари ҳам йўқ экан. Бир куни ҳумоюн толеълик Соҳибқирони акбар «Кўзимнинг нури, салтантимнинг умидли ниҳоли» деб эркарайдиган суюкли набирасини йўқлаганларида шаҳзодани кутубхонада эканини эшлитиб, ёnlаридағи Шоҳмаликка қараб: «Бул китоб жинниси охир оқибат девони олийга ҳам мунший бўлолмас, деб кўрқадирман», деб ҳазил гап айтгон эрканлар».

Шу воқеани эслаган Шамсибек тиз чўкиб, тўннинг барини ўпгач, Улугбек кўрсатган жойга омонат ўтиреди. Қамариддин сухбатдан воқиф бўлмоқликка эҳтиёж йўқлигини англаш, таъзим билан изига қайтди.

Улугбек тўрт оёғи шерпанжа усулида ишланган хитойи хон устидаги муковаси саҳтиён қизил теридан ишланган китоб билан қофозларни эҳтиётлаб олиб кўйди.

– Бу тун Миррих Ерга яқинлаша бошлайди, – деди у йигитга қараб. – Расадхона аҳли шу учрашувга тайёрланяпти. То юлдуз тошгунинга қадар сен билан яқинроқ танишай деб эдим.

– Қулингизман, ҳазрат шахриёrim, – деди Шамсибек бош эгиб.

Сенаменинг эмас, Аллоҳнинг қулисан. Бул ҳақиқатни зинхор унутма. Сени дастлаб таърифлашганда, улусни алдашингни айта туриб: «Ул иймонсиз гумраҳ ҳамдир» дейшишиб эди. Бул таърифнинг боиси недир?

Шамсибек бошини кўтармади. Дарров жавоб қайтармади. У шариат тақиқлаган китобларни мутолаа қилгани учун шаҳриёрнинг қаҳри келар, деб ўйламасди. Аксинча, Улугбекнинг шариат пешволари сўзларини кўпам инобатга олавермаслигини эшитган эди. Уни бошқа бир сир сукут сақлашга мажбур этган эди. Шамсибек ўзи ҳақидаги бу қадар батафсил маълумотнинг олампаноҳ кулогига қай йўсинда ва кимларнинг сабй-ҳаракатлари туфайли етиб келганини билолмай гаранг эди. У султоннинг тик назарига қарамоққа ботинмай, бошини эгиб гапирди:

— Мен «Махариқ ал-Анбиё» билан «Хиёл ал-Мутана-бийин»ни¹ мутолаа қилиб, мазмунини баъзи биродарларга тушунтириб эдим.

— Ажиб... демакки, пайғамбарларнинг муборак номларига тил тегизибсан-да?

— Мен устозимнинг сўзларини фикри ожизим даражасида ўзимча талқин этдим, холос.

Устод-дедингми? Ар-Розий-устодликка арзигулик аллома!

Шамсибек ҳонтахта устидаги китобларга кўз қирини ташлади. Уларнинг бири Абу Райхон Берунийнинг «Қонуни Маъсъудий», иккинчиси – Батлимуснинг «Ал-мажистий»² асари эди. Шамсибек Батлимуснинг китобини кўрди-ю, хаёлига келган бир фикрни айтишга журъат қилди:

— Ар-Розий Батлимусу Афлотуну³ Ақлидуслар⁴ билан илм бобида беллашадиган аллома.

¹ «Пайғамбарларнинг қилмишлари», «Сохта пайғамбарларнинг хийласи» – 865–925-йилларда яшаган буюк ҳаким, алкимёгар, файласуф аллома абу Бакир Муҳаммад ар-Розий асарлари.

² Тахминан 170-йилда вафот этган юонон олими Птоломейнинг «Алмагест» асари. Шарқда «Ал-Мажастий», баъзан «Ал-Масжида» деб ҳам юритилган.

³ Платон – буюк юонон алломаси.

⁴ Эвклид – буюк юонон алломаси.

– Ахсанта! Ҳақ гапни айтдинг. Уни-ку, устод деб би-либсан, шараф сенга. Вале, абу Али ибн Сино ҳам ар-Розийни устод деб билганини унутмагил. Таҳассурким, шундайин улуг алломанинг йўлин туттганлар бу кунларда ғоят кам эрур.

– Аммо фалакиёт илмига сиз каби ихлос қўйганлар бисёр.

Улуғбек йигитга синовчан тикилди. Шамсибек, ножӯя гап айтиб қўйдим шекилли, деб ўрнидан туриб, қўл қо-вуштирганича узр сўради. Улуғбек қўли билан ишора қилгач, жойига қайтиб ўтирди.

– Фикрингча, фалакиёт илми табобат ёки риёзиёт ёинки кимёдин пастроқ даражада турурми? – Улуғбек йигитнинг яна турмокқа ҳозирланганини сезиб, қўшиб қўйди: – Илм хусусинда сўзлаш чоғингда ўзингни эркин туттигил.

Шахриёр эркин сўзламоқ ихтиёрини берган бўлса-да, Шамсибек фикрини очиқ баён этмоққа ботинмади, тилидан учар ҳар бир сўзни аввал ақл тарозисида ўлчаб, кейин айтди:

– Табобат ва кимёда ул замонлар устознинг tengi йўқ эди. Мен ҳам устоз каби кўпроқ Ер илмларидан баҳраманд бўлмоқликка ихлос қўйгандурман. Раият учун шу илмларнинг нафи бисёрдир, деган мулоҳазам бор. Айниқса, тиб илми фуқаро оғияти учун зарур. Устоз ар-Розийга қадар инсонлар чечак билан оғриб, кўп озорлар кўрганлари тарихда муҳрлангандир. Устоз чечакни қайтарувчи эм йўлин каашф этдилар-у, бу оғат азоблари барҳам топа қолди. Тиб илми хасталикларни тарқатувчи инсу жинсларни каашф этди. Афсусим шуким, бани Одам бундан ҳануз бехабардир. Инсонлар ҳакимлар сўзларин қулоққа олмайдурлар. Аллоҳнинг улуг неъмати ҳисобланмиш оғият қадрига етмайдурлар. Шу боис ўлим кўп, умр эса ғоят қисқа. Агарчи, давлатпаноҳнинг ихтиёrlари ила тиб илми билан кимё илми ривож топса, нур аъло нур бўлур эди.

– Яъни?

– Яъниким, дорулшифоиялар курилса, раият оғияти бисёр хўб бўлурмикин, демоқчиман.

— Истагинг кўп маъкулдир. Бироқ фалакиётни назарга илмаганинг чакки. Бир бармоқнинг кучи ҳеч қанча эмас. Илм ҳам шундайдир. Аллоҳ берган замин илмларининг барчаси бир-бири ила робитадир. Донишманд аллома бу илмларнинг барчасидан хабардор бўлмоғи даркордир. Устозинг шундай алломаи замон эди. У фалакиётнинг табобатга кўп таъсири мавжудлигини ҳам билган. Замин узра хасталик тарқаб, қирғин бошланишига фалакдаги ўзгаришларнинг сабаб бўлишини ўйлаб кўрмаган экансан-да? Билки, гавҳари анжум⁵ самога шунчаки сочиб юборилган эмас. Улар Аллоҳнинг иродаси ва улуғ мўъжизаси ила туркум-туркум бўлиб жойлашганларки, бир-бирларин инсон ақли бўвар қилмовчи куч ила тортиб туурлар. Курраи арзни ҳам фалакдаги бўлак сайёralар ажиб бир қувват ила тортиб туурлар. Агар-чи, тортиб тургувчи бу қувват бўлмас экан, юлдузлару сайёralар коришиб кетиб улуғ бир фалокат юз берур эди. Шунингдек, бу қувват мавжудликдан йўқолгудай бўлса, осмонга қарата отилган тошдан тортиб, тўморигача⁶ заминга қайтиб тушмас эди, тепамизда қуш пати сингари учеб юрар эди. Самонинг бул қуввати курраи арз илмларини ҳам бир-бирига монанд тутиб туур. Бири-биридан узилса, муддаога етиб бўлмас. Хўш, айт-чи, фикрингча, табобат умрни узайтира олишга қодирми?

Улуғбек бу саволни атайн шу тарзда берди. У «ҳар қандай хасталикка шифо топа олгумен», дегувчи мақтанчоқ табиблар ҳакида эшитган эди.

— Умрни, истаса, Аллоҳ узайтиради. Куръони каримда яхшилар умрини узайтириши ҳакида ваъдаси бор. Табобат сабабчи, холос.

Бу жавобни эшитган Улуғбек мамнун жилмайди.

— Аслида, умр одам боласи тугилмасидан илгариёқ тақдир ёзуғига муҳрланган. Агар, киши умри эллик йилу эллик кун, деб белгиланган бўлса, у бир соат ҳам ортиқча яшамайди. Белгиланмиш дақиқада омонатини топширади.

⁵ Юлдузлар гавҳари.

⁶ Ўқ-ёй.

Аллохнинг ваъдасини ўзгачароқ тушунмоқ керак. Банда номининг жисмоний ўлимидан сўнг яшаб қолиши унинг умри узайишидир. Тарихда ўтмиш устодларнинг умри шу фикрга бир мисолдир. Улар жисмоний умрларини яшаб адо-қилганлар. Хайрли ишлари учун эса, ҳамон тириклар. Мен савол сўраганимда бу хусусни назарда тутмаган эдим. Фикрингни давом эт.

– Бирон хасталикка чалинган одам ёзугига ўлим ёзилмаган бўлса, шифо топқусидир. Устодлар Аллоҳ марҳамати бўлмиш шифо йўлини кўрсатиб кетганлари ҳолда, нечундир ҳеч бир кимса бунга амал қилмайдир. Энг оддийси – устоз ҳакимларнинг асабни эҳтиётлаш хусусиндаги қоидаларини бажо келтирмоқлик мумкин эмас. Асаб томирлари аста-аста ишдан чиқиб бориб, оқибатда умрни эговлади.

– Демакки, шифо истагидаги банданинг умиди синик экан-да?

– Аллоҳ марҳамат қилмаса, табобат ҳам ожиз. Ноумид бўйласлик жоиз – бадбинликдан юз ўгириб, шифо бергувчи Аллохнинг мўъжизасига умид қилиб яшамоқ аълороқдир.

– Иншааллоҳ!

– Унгача балки юз йил, балки ундан кўпроқ йиллар ўтар, ҳакимлар баракали умр кўрмоқлик сирларидан воқиф бўйларлар, бугун бедаво ҳисобланмиш хасталикларни шифолаш усууларини кашф этарлар. Айтайлик, танбур торлари ҳадеб чертилаверилса, оқибат соз бузилажак. Одам асаби ҳам шундайиндир. Бола туғилганида асаб торлари созланган бўлур. Йиллар ўтавергач, соз бузилур. Ана шу пайтда яна бир қайта созланса, хасталик чекинур.

– Баракаллоҳ! Табобатдаги зеҳнингни менга айтишмаган эди. Иқтидорингни фикрларинг ошкор қилиб қўйди... Сохта олтин куйишингни хабарлаган эдилар. Аммоким, сен ишлаган бир узукни кўриб, таажжубда қолдим. Олтинни сохта десам, соҳиби иёр⁷ бундай даражадаги соф олтинни то ҳануз учратмаганини айтди. Бу муаммога тушуна олмадим?

⁷ Олтин-кумушларининг софлик даражасини аниқловчи.

— Ҳазрат шаҳриёrim, дарҳақиқат, мен сохта олтин, сохта кумуш қуя олурман. Бу ҳам устозимнинг таъсири. «Китоб сирр-ал-Асрор»да баён қилинган усулларни хўп англаб олгандирман. Устоз фуқарони алдаш йўли билан бойимоқликни ўзларига эп кўрмаганлар. Мен ҳам ул зот чизиб кетган қоида йўлларидан чиқмадим асло. Асл олтин ёки кумушга муҳтож бўлмаган буюм безакларигагина соҳасини ишлатар эрдим. Сиздаги узукка ишлатилган олтинни ар-Розийнинг шогирдигина олиши мумкин.

— Қай йўсинда? Ё бу сир эрурми?

— Шундай..., ҳазрат шаҳриёrim... ровийлар демишларки, буни амалда кўрсатиб бермаганлари учун Хурросон ҳокими Абу Солиҳ Мансур устоз Розий бошларига китоб билан урдириб, ул муҳтарам зот кўзларини кўр қилган экан.

— Донишмандни жазолаш иблиснинг иши. Шоҳ нуфузи бирлан донишманддан устун бўлса, донишманд шоҳдан билими ила улуғдир. Донишманднинг шоҳга эҳтиёжи йўқ, бироқ, шоҳ донишманд илмига ҳамиша муҳтождир. Алломага жазо бермиш султонда на ақл ва на иймон бўлади.

Орага сукут чўкди.

Соҳиби илм ва шоир Убайд Зоконий янги битилмиш рисолаларин форс подшоҳи Абу Исҳоққа тақдим этмоқ мақсадида борсалар, эшикоға ул зотни саройга киритмабдур ва дебдурким: «Саройга масҳарабоз жаноблари ташриф буюргонлар, подшоҳ айни шу пайтда онинг бирлан сұхбат қуриб ўлтурибдир». Буни эшлитиб, ул зот ўйлабдирларким: «Наҳотки, масҳарабозлик бирлангина султонга яқинлашмоқ мұяссар ўлса? Масҳарабозлар мақбулу фозиллар хилватда хор-зор эрканларда? Шундок бўлғоч, подшоҳ ҳузурига яна бормоқлик машаққатининг не зарурати бордир?»

Шамсибек ўз тилининг айбидан уялганича бош эгди. Ҳаёлига келмиш шу воқеа таъсирида Мирзо Улуғбекнинг ақл-заковатига таҳсиллар айтиб, сирни қисман бўлса-да, очишга эҳтиёж сезди. Зотан, Улуғбекнинг бу сирдан огоҳ бўлиши, Шамсибекнинг назарида, фойдадан холи эмасди.

— Афв этинг, ҳазрат шаҳриёrim, менинг бундай фикрим йўқ эди. Фақат... устоз фожиаси хаёлимга келганидан

айтиб юборибман... Воқеан шундайки... асл олтин олмоқ учун инсон қони даркор.

Бу гап Улуғбекни ғоят таажжубга солиб, бир қимирлаб олди.

— Қон? — деб сўради қошларини чимириб.

— Ҳа, сизга юборилмиш узукнинг олтинини қайта күйиб, қуритилган қон билан сифат бериб эдим.

— Қонни қаердан олдинг?

— Ўзимдан...

— Олтинга сифат бермоқ учун ўз қонингни тўқдингми?

Сен... — Улуғбек бир нафас сукут қилди, сўнг кескинроқ оҳангда сўради: — Ўз қонингни ҳамиша ишлатавермайсан-ку?

— Мен асл олтиндан ҳамиша ҳам узук ясавермайман.

Шу топда аzon чақириғи эшитилди. Аср намозининг вакти етган эди. Улуғбек юзига фотиха тортиб, ўрнидан қўзгалди. Шамсибек ҳам туриб, қўл қовуштирганича шахриёрнинг юришини кутди. Улуғбек бир-икки қадам ташлаб тўхтади-да, ҳалигача ҳурмат юзасидан қўл қовуштириб турган Шамсибекка юзланди:

— Бундан бўён олтинга қон ишлатишни ман этаман. Инсон қонини тўкмак танбехга лойиқ ишдир. Ва бундай қўлғувчи кишининг умри қисқа бўлур. Улуғбек салтанатида инсон қони безак учун тўкилмаслиги даркор. Үқингми?

— Амрингиз бош устига, ҳазрат шахриёrim.

— Эртага дам ол. Шанба нонуштадан сўнг заргарларга бош бўлиб, ҳазинадаги олтин-кумушларни саралайсан. Сўнг дорулшифоия учун дорилхалофатдин жон танла. Тиб илмига ихлос қўйганларни, энг зукко ҳакимларни тўплагаймиз ва алалокибат фирмавсмонанд Самарқанд тиб илмининг ҳам маркази бўлғусидир, иншааллоҳ!

— Амрингизни адо этмоқлик мен учун бир шарафдир.

— Қамариддинга ҳамроҳ бўлиб, шаҳар айлан, сўнг меъмор билан маслаҳат қил.

— Бажонидил, ҳазрат шахриёrim. Узрим шуки, жой танламоқ учун шаҳар айланмоғимдин аввал Қамариддин

тақсиримнинг бир неча соғлом қўзи сўйдиришлари лозим бўлади.

— Сабаб?

— Гўшт бўлакларини шаҳарнинг барча даҳаларига, очик ҳавога илиб чиқамиз. Гўшт қайси даҳада секин бузилар бўлса, ўша ерга дорулшифоия қуриш мақсадга мувофиқдир.

— Ахсанта! Зеҳнинг таҳсинга лойик.

— Ҳазрат шаҳриёрим, яна бир узрим бордир.

— Айт.

— Амрингизни бажариб бўлгач, уйимга қайтмоғимга ижозат берсангиз.

— Сабаб?

— Сабаб шуки... кўтарчин⁸ эркинликни севади.

— Маъқул ҳикмат... Аммоким, тоза осмондаги беозор кўгарчинга нодон қирғийлар ҳамла қилишини фикр тарозусига солиб кўр-чи?

— У ҳолда ота юртимга бориб-келмоққа ижозат берсангиз, аҳли байтимни олиб қайтсам.

— Бу қароринг маъқул. Қамариддин сафар анжомларингни тайёрлаб, ўзи ҳам сенга ҳамроҳ бўлажак. Хазинадаги юмушларни сафардан сўнг бошлигайсан.

Шамсибек аср намозини сарой аҳли, хусусан, Мирзо Улуғбекнинг шогирдлари қаторида ўқиди. Тун ёйилганда Қамариддин уни қўноққа узатиб кўйди. Йўл-йўлакай Шамсибек шаҳриёр билан бўлган шарафли сухбатини ҳикоя қилди. Қамариддин буни эшитиб, кўнглига чироқ ёқкан фахр оҳангига:

— Ҳа, бу фоний дунёда улуғлар кўп, аммоким, Улуғбек битта! — деб кўйди.

БЕКОР ҚИЛИНГАН ҲУКМ

Улар бомдод намозини Бибихоним масжидида ўқишиди-ю, йўлга чиқишиди.

⁸ Каптар

Шамсибек кетиши олдида Абдулваҳобни йўқламоқчи эди, тополмади. Масжидда ҳам учратмади... Шаҳар дарвозасидан чиқаверишда отнинг тизгинини тортди. Йўл четидаги пастаккина толга суюниб мудраб ўтирган Абдулваҳобни таниб, отдан тушди-да, унга яқинлашиб салом берди. Абдулваҳоб кўзларини очиб алик олгач, эринибгина ўрнидан турди.

– Уйга қайтяпман, истасангиз, бирга кетайлик, – деди Шамсибек.

– Юмушларингиз битдими?

– Юмушлар яқин орада битадиган эмас эркан, шу боис бориб, завжамни олиб келмоқни ихтиёр эттим.

– Завжамни? Уйланганингизни менга айтмовдингиз?

– Ҳа... бу хусусда сўз очишнинг мавриди бўлмади.

– Кимга куёв бўлгансиз?

– Шербек заргарга?

– Завжангиз... Маҳфузами?

– Ҳа...

Шамсибек Абдулваҳобнинг Маҳфузага совчи қўйганини биларди. Бироқ Шербек заргар Абдулваҳобни хуш кўрмай, шогирдини – Шамсибекни куёв қилди. Самарқандда юрган Абдулваҳоб, албатта, бундан хабарсиз эди. У Маҳфузани балоғат ёшида кўрмаган бўлса-да, кўнглида Шамсибекка нисбатан ҳасад уйғонди. «Маҳфузами?» деганида Шамсибек Абдулваҳобнинг кўнглига шайтон уфурганини, юрагида ёмонлик уйғонганини сезди. Лекин сир бой бермади. Қамариддин уни шошириш мақсадида томоқ қириб қўйгач, гапни калта қилиш лозимлигини англаб, яна қайта сўради:

– Борасизми?

– Йўқ...

– Ота-онангизга, сўраган дўсту ёронларга нима деб қўйяйин?

– Ҳеч нима кўрмадим, денг.

Фуқаронинг гуноҳларини сўраб Аллоҳга муножот килиб яшамоқни афзал билган бу қаландар киндик кони

түкілған жойдаги яқинларига дуойи жон, дуойи хайр йұлашни унуди...

Шамсибек отга минди...

Абдулваҳоб мунғайганича туриб қолди...

Унинг күзлари олдини алам тутуни қоплади...

Осмонга тошган булатни шамол ҳайдаб, қүёш юзини очади. Ҳасад үтидан үрлаган тутун осон тарқамайди. Осмондаги булатдан ҳаёт томчилари ёғса, ҳасад тутунидан бало дүллари ёғади...

Доруссалтанатдан бироз узоқлашишгач, кичик карвон-сарой яқинида водий сари йұлга отланаётган карвонга құшилиб олишди.

Үттизга яқин түя олдинда узоқ ва оғир йұл борлигини билгандай вазмин юради. Түялар ҳар оёқ ташлашганида бүйниларидаги құнғироклар зорли жаранглайды. Түякашлар ахён-аҳёнда овоз чиқарып құядылар, гүё бу билан жониворларга ихтиёрлари кимда эканини билдириб қўйғандай бўладилар. Қуёш үзининг үтли тиги билан карвонни эринмай таъкиб этади.

Қамариддин билан Шамсибек тизгинни бўш қўйишган, отлар бошларини эгиб түялар ёнида боришади.

– Ҳалиги телба гадони олиб кетмокчи эдингизми? – деб сўради Қамариддин.

– Ҳа... Бу ахволига ачиндим.

– Жуда қўнгилчан одам экансиз. Бу фоний дунёда, айникса фосикларга яқин борилганда ҳаддан зиёд қўнгилчан бўлиш ҳам ярамайди. Шахриёримиз меҳри иссиқлик қилиб, бу девонавашларни эркин қўйдилар. Мана оқибат: улар тухмату иғводан бўшамай қолишли. Султонимизга қарата фасод тошлари отилувига мен чидай олмасман.

Қамариддин шундай деб, қўлини қиличдай сермаб жимб қолди. Бир неча нафасдан сўнг Шамсибекка қараб, яна сўз очди:

– Аммо ҳазрат шахриёримиз муҳтасиби хўб мот килган-да, эшитганингиз бордир?

– Йўқ...

— Ана холос... Ҳамманинг оғзида дув-дув гап-ку? Учтүрт ҳафта бурун ҳазрат шаҳриёрга қўшилиб, жума намозини адо этгали Бибихоним масжидига бордик. Намоздан сўнг ахли муслим тарқалиш тадоригида турганида муҳтасиб давлатпаноҳнинг шаънига номуносиб сўзларни айтиб юборди. Бу гапларни эшитиб мени ғазаб олови ўраб олди, қўлим беихтиёр қилич дастасига югурди, ўзимни титроқ босди. Шаҳриёр эса бу гапларга эътибор бермай, итоб ўрнига кулимсираб ўтирибдилар. Муҳтасиб сўзларини тугатгач, ҳазрат шаҳриёр ўринларидан турдилар. Масжид қавми султон ҳозир муҳтасибни жазога тортсалар керак, деган хавотирга тушди. Бироқ давлатпаноҳ барчани лол қолдириб, муҳтасибни саволга тутдилар: «Шундай бир гап эшитдим-ким, пириңгиз мартабангизни ҳазрати Мусо алайҳиссалом даражасига қиёслабдилар, шу ростми?» Бу саволга Сайд Ошиқ тасдиқ ишорасини қилгач, шаҳриёр яна сўрадилар:

— Сиз ўзингизни ҳазрати Мусо алайҳиссаломдан устун деб билурмисиз?

— Йўқ, асло!

— Балли. Ҳеч бир мусулмон ўзни пайғамбардан устун тутмас, teng ҳам кўймас. Энди айтинг-чи, Фиръавн улуғми ёинки менми?

Бу саволдан муҳтасиб пича довдиради. Савол берилган, жавобни султонгина эмас, масжид қавми ҳам кутмокда эди. Жонини суғуриб олгандай жавоб қилди:

— Сиз...

— Балли. Аллоҳ таоло «Фиръавнга қаттиқ-қаттиқ гап айтма, ҳатто у билан муомалани юмшоқ қил», деб ҳазрати Мусо алайҳиссаломга фармойиш берганини билармисиз?

— Ҳа...

— У ҳолда сиз айтинг, қавм эшитсин: нима учун ҳазрат Мусо алайҳиссаломдан паст бўлган жанобингиз Фиръавндан баландроқ бўлган каминага бу қадар қўполлик қиляпсиз? Мусулмоннинг мусулмонга қўполлик қилмоғи зулмдир. Аллоҳ таоло ўзига зулмни ҳаром қилгани ҳолда нима сабабдин жанобингиз бу ҳаромдин ўзин тутмас?»

— Султонимизнинг бу танбехларидан сўнг бечора мухтасиб оғиз очолмай қолди. Назаримда, ўша топ ер ёрилса-ю, жарга кириб кетса, қавм маломатидан осон кутулур эрди. Ҳар ҳолда мен ҳалойик олдида мулзам бўлгандин кўра; ўлимни афзал билурман. Мухтасиб ўша он ақли қосирлигини шундай намойиш этди-кўйди. Қамариддин ҳамоҳи маъсаба Қамариддин яхши ҳамроҳ эди. Шамсибекни зериктирмади. Қези келганда илм бобида ҳам баҳслашди. Баҳс унинг мағлубияти билан якунланганида иягини қашиб афсус билан кулимсираганича «ёшлигимда илм олишга рағбат қилмаганман да», деб кўйрди. Қамариддин гўзаликлар ва латифаларни накл этувчи қаламдан фойдаланиш ўрнига сувдек нақшли ханжар ва олов сочувчи қилични ишлатиш, найзабозлик ва камондан ўқ, отиш санъатини ўрганганд, чунки чаққонлик билан бел боғлаб, олам очувчи шамшир ишга тўширилмаса, билиш мумкинки, мамлакат қалам воситаси ила муҳофазат этилмагай. Султон Улубекка тобелик ва итоаткорлик ҳалқасини бўйнига осиб, хизматкорлик камарини белга маҳкам боғламиш бўлган Қамариддиннинг мамлакат осойишталиги ва рифоҳияти хусусидаги фикри шундай эди.

Унинг илмдан бебахралиги тўтри, айни чоғда туғма полвон эканлиги ҳам ҳакикат. Самаркандинг манман деган шеройлаклари ҳалигача унинг курагини ерга тегиза олмаган эди. Қамариддинни кўтариб ерга ўриш учун ҳам унча-бунча куч киғоя қўйламади. Агар отга ўтиrsa, четдан қараган кишига жониворнинг бели синиб тушадигандай кўринади. Қамариддин курашлар, килич чопишилар ҳакида гапиргудай бўлса, унинг қизиқарли баёни то манзилга ётгунларича ҳам тугамаслиги мумкин эди. Лекин пурдил нечундир бу ҳақда гапирмади. Шамсибек бу мавзуда сўз очиши билан гапни буриб юбораверди.

Сойбўйи билан Жиззах оралиғидаги Илонўти деган тор йўлдан ўтаётгандарida Қамариддин отни қоятош сари бўрди. Шамсибек унинг мақсадини англади. Қамариддин кўрсатмоқчи бўлған қоятошдаги ёзувни ўСамарқанд сари юр-

арконнинг учи ҳазрат шаҳриёрнинг қўлидадирми? Бирор кимса йўлдан тойгудай бўлар бўлса, тортиб-тортиб қўймоклик унинг истаги ила амалга ошилурми? Мен-чи? Киндиқ қоним тўкилган жойни ташлаб, шаҳристонга келмокка мажбур бўляпман-ку?! Наҳот одамнинг изми ўзида бўлмаса? Одамни боғлаган ҳалқанинг номи «тирикчилик» аталурми? Одам шу тирикчилик важхидан бошқа бир кимсага бўйин эгарми? Онадан туғилган онда гўдакларда фарқ йўқдир – яланғоч, бир парча жиши бўлиб туғиладир. Лекин кимнингдир фарзанди зарга ўралса, бошқасиники чурук лахтакка йўргакланур. Нечун шундай? Охир-оқибат лаҳадда ётар чоғларида либосларида фарқ бўлмас экан, у ҳолда бир чимдим умрда айри-айри мартабада яшамоқликларида қандай маъно бордир? Бу муаммога ҳазрат шаҳриёр хам жавоб беролмасалар керак... Ҳар нечукким... фуқаронинг барини зарга ўраб бўлмайдир...»

Андижонга яқинлашишгач, катта карвондан ажраб, йўлни боғ кўчага буришди. Қамариддин отдан тушиб, жониворни етаклаб бораверди. Бир маҳал тўхтаб, сал орқа-роқда келаётган Шамсибекка қаради:

– Ҳов ерда қасаба бор кўринадур, – деди у камчин дастаси билан магриб томонни кўрсатиб.

– Ҳа, бор, – Шамсибек шундай деб ўша томон тикилиб колди. Ҳали коронги тушмай туриб машъалалар ёқилганига ажабланди.

– Тўй бўляптимикин? – Қамариддин машъалалар ёқилганига караб шундай фикрга келган эди.

– Йўқ... тўйда қишлоқ четида тўпланмаслар, машъала ҳам ёқмаслар, куёв бўлмишнинг ҳовлисига гулхан ёқарлар. Машъала ёқилгани бежиз эмасдир, қишлоқ нотинч кўриладир.

– У ҳолда борайлик, четлаб ўтмайлик...

Қамариддин чакконлик билан эгарга ўтириб, отни йўрттириб кетди. Оломон тўпланган беш пахсалик девор олдига келиб, тизгинни тортидилар. Узоқдан қараганларида деворнинг вазифасини англамаб эдилар, яқин келиб кўришгач,

ташландик кўрғоннинг қолдиғи эканин билдилар. Яктаги йиртилган, юзлари калтаклар зарбидан мўматалоқ бўлиб кетган қорувли йигит девор пойида тиз чўкканича бошини эгиб ўтиради. Юзини дуррачаси билан тўсиб, дир-дир титраганича йиғлаётган қизга дамодам қарайди-ю, далда бера олишга қодир сўз айтольмай, лабини тишлайди. Сал нарида эса катта оқ салла ўраган, узун қора соқолли пакана бир одам ниманидир безовта кутиб, тасбех ўтириб турарди.

Қамариддин отдан тушди, томошаталаб одамлар орасидан ўтиб, «нақиб шу кишидир», деган тахмин билан саллали кишига яқинлашгач, салом берди. Пакана одам унга бошдан-оёқ разм солиб олгач, беписандлик билан алик олди.

— Тақсир, бу тўпланишнинг боиси недир? – деб сўради Қамариддин.

— Кишлок аҳли гуноҳкорларга жазо бермоқ учун тўпланган.

— Гуноҳкорлар ким, буларми? – деди Қамариддин йигит билан қизга ишора қилиб.

— Ха, айни шу бадбахтлар... – деди узун соқолли киши тасбех ўтиришдан тўхтамай.

Жаройими-недур?

— Буни қишлоқ аҳлидан сўрангиз, – пакана одам ноҳуш оҳангда шундай дегач, «сиз билан сўзлашмоққа тоқатим йўқ», дегандай бошини буриб олди. Бундан Қамариддин оғриниб кескинроқ оҳангга кўчди:

— Мен сиздан сўрайдирман!

Тасбех ўтираётган киши «астағфируллоҳ» деб пичирлаб чап қўли билан соқолини силади-да, ўтирилиб, Қамариддинга хўмрайди:

— Ўзлари ким бўлурларким, бу қадар қизикиб қолдилар? Мусоғир кўринадилар, шу боис, ҳар нарсани билишга қизиқавермаганлари маъқулмикин, валлохи айлам?! Мусоғир ўз иззатини билмоғи маъқул.

Қамариддин унинг бу танбехидаги заҳарли оҳангни маълол олса ҳам ундаги кибрни мулойимлик билан енгмоқчи бўлди:

– Айбга буюрмайдилар, тақсир, биз ҳазрат шаҳриёр-нинг амри олийлари билан Самарқанддин Андижон сари йўл тутганимиз. Бу оломонга кўзимиз тушиб, қишлоқда бир нотинчлик кўринадур, деган гумон ила тўхтаб эдик.

Қамариддин шундай деб якtagининг ич чўнтағидан олтамғали руқъани чиқарди. Ўпид кўзларига суртди, саллали кишига узатди. Пакана кишининг авзойи бирдан ўзгариб, муҳрланган ўрамни эҳтиётлаб олгач, у ҳам ўпид, кўзларига суртди-да, очиб, ундаги сўзларни ўқимаёқ икки букилиб таъзим қилди. Уларни кузатаётган оломон нима гап бўлганини англамасалар-да, улар ҳам таъзимга берилдилар.

– Биз ожиз бандаларни айбга буюрмайдилар, – деди пакана киши бошини кўтармай.

Фамбода кишилар орасида турган Шамсибек бу манзарани кўриб кулимсиради. Ёнидаги қариядан аста сўради:

– Буларнинг жаройимлари нима эркан?

– Ажаб айблар қўйиляпти, – деди қария ҳасратли овозда. – Бу йигит шу музофотнинг паҳлавони эди. Қозикалоннинг жияни ҳам полвон экан, ўтган бозорда бел боғлаб, майдонга тушган экан, уни бир кўтаришдаёқ ерга қўйибди-да! Қозикалоннинг бу курашдан кўп нарса умид қилганини эшитганимиз бор. Пешиндан кейин бу бечораларни ҳайдаб келиб, қийнайдилар.

– Нечун?

– Зинкор, демоқдалар, яна дейдиларки, ул никоҳдаги ожиза билан дон олишибди экан.

– Жаройимларини ўзларинг ҳам аниқ билмайсизларми?

– Ҳамманинг оғзида ҳар хил гап. Қай бирига инонмоғимизни билолмай гарангмиз. Аллоҳдан адолат бўлишин ти-лашдан ўзга чорамиз йўқдир бизларнинг.

Шамсибек «во ажаб!» деганича орасидан ўтиб бориб, Қамариддинга яқинлашди. Қамариддин унинг маънодор қарашидан бунда қандайдир адолатсизлик зохир эканини англауб, катта саллали кишига ўткир нигоҳини қадаб, яна сўради:

– Тақсир, буларнинг жаройими не эканини айтишин-гизни кутяпман.

– Айбситмайсиз, ҳозир ҳамма гапни бир бошдан баён этурман. Қўриб турганингиз бу нобакор киз чаҳоршанба куни Аҳмадбойваччага никохланиб эди. Кеча, тўй арафасида иблисга кул бўлган анави шайтонвачча қиз бошин айлантириб, олиб қочмоқни ихтиёр килибди. Одамлар уларни ушлаб, хузуримга келтирдилар. Биз «зинокорлар деворга бостирилсинг», деб ҳукм чиқардик.

– Уларни айб устида ушлашибдими? Зинокор эканликларига гувоҳлар борми? – деди Шамсибек унинг гапини бўлиб.

Катта саллали пакана киши «бунингиз ким бўлди?» дегандай Қамариддинга норози киёфада каради.

– Тақсир, бу йигит исмлари Шамсибек, ўзлари ҳазрат шахриёрнинг муборак назарлари тушган аҳли илмдан. Ҳазрат шахриёр бу кишини ўз ажниҳлари остига олганлар.

Аввалги манзара такрорланди: аввал саллали киши, сўнг тўпланган оломон Шамсибекка таъзим қилди.

– Аҳмадбойвачча билан никохга кизнинг ўзи рози бўлиб эдими? – деб Шамсибек саволига аниқлик киритди.

– Ҳа, мен ўзим гувоҳман.

Шамсибек унинг гапига ишонмай кизга яқинлашиб, суради:

– Синглим, айтинг-чи, Аҳмадбойвачча никоҳига ўзингиз рози бўлиб эдингизми?

Қиз индамади. Қўркув ва даҳшат ҳали ҳам унинг вужудини музлатиб турар эди. Шамсибек уни даҳшат тўридан тортиб олиш мақсадида меҳрибон аканинг овозида деди:

– Айтингиз, синглим, қўрқмангиз.

Қиз тузокка тушиш хавфидан чўчигандай аста бош чайкади, кейин паст овозда «йўқ» деб қўйди.

– Дадангиз-чи, ўз ихтиёрлари билан ризо бўлганмилар?

– Қарзлари эвазига...

Яна бошқа сўз айтмокка титроқ лабларнинг қуввати етмади. Шамсибек бу жавобдан қаноатланиб, изига кайтди.

– Тақсир, ожизанинг ризолигисиз ўқилган никоҳ инонгатга ўтадирми? Отасининг ризолиги ҳам холисаниллоҳ

бўлмаса-чи? Бу никоҳ шариатга хилоф эмасмидир? – деб сўради катта саллали кишидан.

– Хилоф эмасдир. Биринчи никоҳда қизнинг ризолигин олмоқ шарт эмасдир, отаси ёинки васийси ризо бўлса басдир. Ҳамонки қизнинг отаси ризолик бермиш экан, никоҳга шубҳа билан қарамоқлик макрухдир. Сизнинг шубҳангиз ўринли бўлгани ҳолда, бу нобакорларнинг ҳаракатини нима деб баҳоламоқ керак?

– Айбларидан ўтмоқлик мумкин эмасми? Ёш умрларини ҳазон қилмоқ ҳам гуноҳи азим саналур?

– У ҳолда динимиз поклигини қай ҳолда сақламоқ кеरак? Бандаларни зинодан қандай қайтармоқ лозим? – деди саллали киши норозилигини яширмай.

– Адолат йўли билан... – Шамсибек шундай деб у кишига синовчан тикилди: – Тақсир, ўzlари буларни зинокор деб ҳисоблайдиларми?

– Айни рост. Иккови белига қадар кўмилиб, сўнг устларига кўриб турганингиз девор йикитилур. Зинокорлар шундай ўлим топгайлар.

– Тақсир, ҳукмингиз шариатга андак хилоф эмасми?

– Бизнинг қўлимиз шариат ҳукмида қатъийдор!

– Агар малол олмасангиз, шариат ҳукмига доир бир-икки саволни сўрасам... – Шамсибек шундай деб Қамариддинга бир қараб олди. Айни нафасда саллали киши ҳам «бу йигит ҳаддидан ошмаяптими?» деган маънода Қамариддинга норози қиёфада қаради. Қамариддин бу нигоҳни сезмагандай, Шамсибекка «сўрайверинг», дегандай имлаб кўйди.

– Тақсир, маълумингизким, шафиъул-Музнибин Расуллулоҳ саллолоҳу алайҳи васаллам бир одамни зинода айблаб ражмга буормоқдин аввал обдан сўраб-суриштирганлар. Бу хусусдаги шарафли ҳадисларни сизга эслатмоқнинг зарурати йўқдур. Бу бандаларнинг зино қилганлари, яъниким, шаҳватларини ҳаром йўл ила қондирғанларига гувоҳларингиз борми?

– Бор, – саллали киши ишонч билан шундай дегач, сал нарида турган икки йигитни имлаб, ёнига чорлади. – Гувохлар – шулар.

Шамсибек яқинлашган йигитларнинг саломларига алик олгач, яна саллали кишига юзланди:

– Тақсир, гувохлик учун тұрт одил мусулмон эр лозим-лигин унугтанингиз йүктүр?

Саллали киши жавобдан бүйин товлаб, назарини олиб кочгач, Шамсибек йигитларга юзланди:

– Сизлар бунларни қандайин шармандали ҳолда күрдингиз?

Йигитлар «ким аввал жавоб беради?» дегандек, бир-бирларига қараб олишгач, мүйлови ўсиб тепа лабини босаётган йигит ўзига ҳам ишонмаган тарзда ғап бошлади:

– Бой отам буюрдиларки... никохларига олганларини бир боши бузук олиб қочган экан... «Кувинглар», дедилар. Кейин «ушланг, ушлаган ерингизда үлдириңг», деб буюрдилар. Омма биз үлдирадиғон жаллод эмасмиз. Буларни ўш йүлида тутдигу, изларига қайтардик.

– Шу холосми? – деб сұради Шамсибек.

– Ҳа, шу холос, – деди иккинчи йигит шеригини қувватлаб.

– Сизлар күрганингизда булар қай ҳолатда әдилар?

– Қыз от устида... бу йигит пастда... жиловни ушлаб олған әди.

– Демак, буларни шармандали ҳолатда күрмадингизми?

– Ие, тақсир, саволингиз жуда қызық-ку? Күппа-кундузи, яна одамлар ўтиб турувчи йўлда...

– Шу ғапларингизни бу тақсиримга ҳам айтдингизми?

– Йўқ, булар сўрашмади, биз айтмадик.

Шамсибек «сизларга ижозат», дегач, йигитлар оркага қайтиб, осон кутулғанларига шукр қилиб, оломон даврасига қўшилдилар. Шамсибек эса Қамарииддинга «ҳали масала тўла ҳал этилмади», дегандай маънодор қараб қўйиб, саллали кишига юзланди.

– Тақсир, энди зинокор деяётганингиз йигитни чорланг-чи, бу ҳукмда гуноҳкорнинг икрори ҳам даркор бўлур.

Саллали кишининг ишораси билан йигитни бошлиб келдилар. У Аллоҳнинг номини зикр этгани ҳолда қасам ичib, қўйилмиш айбни инкор эттагач, Шамсибек яна саллали кишига мурожаат қилди.

– Тақсир, аввало шуки, буларнинг зинокор эканликлари тасдиқ топмади. Яна шуки, йигит уйланмаган, қизнинг никоҳи эса шубҳали, аввали – унинг никоҳга ризолиги йўқдир, сўнг эса никоҳлангани билан эр-хотин сифатида яшамаган, демакким, у ҳам оиласиз мақомидадир. Шундоқ экан, улар зинокор бўлган тақдирларида ҳам, сиз лозим топганингиз ҳукм – белга қадар кўмиб, сўнгра устларидан деворга бостирмоқлик буларга эмас, бесоқолбозларга хоссатандир. Лут алайҳиссаломнинг лаънатланмиш қавмига Аллоҳ томонидан юборилган жазога кўра, шариатимиз ҳам айби исбот топган зинокорларни шунга муносаб топганлар. Яна шуки, булар ғўрлик қилиб номаъқул йўлга киришга уринибдиларким, бунга жазо – таъзирдир, ўн дарра кифоядир.

Қамариддин Шамсибекнинг бу мантиқий таҳлилига қойил қолиб, «Жавоби не бўлур экан?» деган маънода пакана кишига қаради. Саллали киши жавоб бермай, тасбеҳи доналарини айлантиравергач, Шамсибек Қамариддиннинг қулогига пичирлади. Қамариддин ҳамроҳига ажабланиб қаради-да, сўнг саллали кишига юзланиб:

– Тақсир, бу йигит пурдил эмиш, шу ростми? – деб сўради.

– Ҳа, бу иблисда филнинг кучи бор, – деди саллали киши ғазабини яширишга уриниб.

– У ҳолда мен уни синааб қўрайин. Мен ҳазрат шаҳриёримиз амрларига кўра, пурдил йигитларни тўплаб юриб эдим. Агар чиндан ҳам филнинг кучи бўлса, сарой хизматига олинур.

– Ихтиёргиз, – деди саллали киши ночор оҳангда.

– Йигитга оғирлик қилмасмикин, анча азоб чеккан, – деди Шамсибек.

— Пурдил азоб не эканин билмас, — Қамариддин кескин охангда шундай деб йигитга яқинлашди: — Бел олишмоққа чоғингиз борми?

Йигит Қамариддинга бургуткараш килди. Құл-оёклари ечиб қүйилгач, билакларини уқалаб чигилни ёзган бўлди.

— Қийик беринглар! — деди кимдир.

Кимдир белдаги қийикни ечиб узатди. Йигит шошилмай, белини маҳкам боғлаб, Қамариддинга рӯпара бўлди. Шамсибек шундагина унинг Қамариддиндан кам эмаслигини сезди.

Қамариддин ҳарифини бир неча муддат бўш қўйди. Йигит ҳам шошилмади. Икковлари бир-бирларининг белбоғларидан маҳкам ушлаганларича бир ерда айланишар, гўё даст кўтариб ерга урмок учун фурсат пойлашарди. Майдончага яқинлашиб давра ҳосил қилган одамлар бир неча дақиқа аввалги ташвишли ҳолатни унтишган, энди барчанинг эътибори ўртадаги курашчиларда эди. Икки полвоннинг олишуви катта тўйлар ёки бўлак маросимларда бўлгувчи курашга ўхшамасди. Одамлар «Қани, кўтар энди!», «Бўш келма, азамат!», «Ҳа баракалла, устозингга балли!» деб қичкиришмас, кувонишмас, баҳслашишмас эди. Кураш осойишта бошланиб, осойишта давом этарди. Халойик бу курашнинг нима сабабдан бошланганидан, ғолибни нималар кутишидан бехабар эди.

Қамариддин уч-тўрт айлангач, йигитни ўзига тортди. Йигит хушёр эди — бели букилмади. Шунда Қамариддин даҳанини йигитнинг елкасига қаттиқ тираб, унинг белини бор кучи билан кисди. Бел букилмади. Қамариддин энди йигитнинг оёғини бироз бўлса-да, ердан узиб, ёнбошга олмоқчи бўлди. Йигит гўё заранг дарахт каби эди, Қамариддининг усули бу сафар ҳам иш бермади. Қамариддин энди курашга астойдил берилган, йигит эса унга жавоб килишга шошилмасди. Бу орада давранинг осойишталиги бузилди, айrim бетоқатлар «Нега қараб турибсан!» деб бакира бошлашди.

Бошини Қамариддиннинг елкасига тираб олган йигит яланг оёклари билан ерни пайпаслагандай бўлди. Сўнг бир

нафас ҳаракатдан тўхтади. Қамариддин унинг ҳамлага тайёрланаётганини сезди. Ҳамлага вақтида жавоб бермоқ учун дикқатини тўплади. Дархақиқат, кейинги нафасда йигит куч ишлатди. Бироқ Қамариддиннинг бели букилмади. Шунда йигит ўзини хиёл орқага ташлади-да, ҳарифини айлантирмоқчи бўлди. Эплай олмади. Бундан давранинг ҳаяжони ортди. Йигитга куюнгандар энди унга далда бера бошлидилар. Курашчилар бир-бирларини дамодам тортиб-тортиб қўйиб, айланганларича майдонни халқадай ўраб турганларга яқинлашишди. Одамлар шошганларича тисландилар. Шу дамда йигит ўнг оёғини Қамариддин сари ташлаб унга яқинлашди-да, қаттиқ куч билан силтаб ўзига тортди. Бу сафар Қамариддиннинг бели бу силтовга дош бера олмади. Шунда йигит «ё пирим!» деб ҳайқирганича уни даст кўтарди. Оломон кувончдан қичқириб юборди. Қамариддин йигит кўлида – қаршилик кўрсатишга ожиз эди. У ерга қаттиқ урилишини кутди. Лекин йигит ёнбошга ҳам олмади. Майиб қилиб қўйишдан эҳтиётлагандай ҳарифини аста ерга қўйди. Полвонлар орасида бундай тантлиликни фақат ўзига ишонгандар қила олади. Қамариддин йигиттга тан бериб, уни бағрига босди. Йигит унинг бағридан бўшагач, «жазоларинга тайёрман, мен марҳамат тиламайман», дегандай мағрур юриб, аввалги жойига – қиз ёнига қайтди.

– Масала ҳал, – деди Қамариддин саллали кишига қараб. – Мен бу пурдилни ҳазрат шахриёр ихтиёrlарига олиб кетурман.

– Мен шариат ҳукмини буза олмайдирман. Ҳукмга ахли ислом гувоҳ бўлган.

– Шундайинми? – Қамариддин унинг қайсаrlигидан ранжиса-да, бошқа гап айтмай, оломонга юзланди: – Азиз фуқаро! – деди баланд овозда. – Булар ўз жигарбанdlаринг экан. Фўр эканларки, гуноҳ қилибдилар. Айбларидан ўтса бўлурми?

Ҳар томондан «бўлади, айбидан ўтинг», деган овозлар келди.

— Ана тақсир, шариатга мос келмайдиган ҳукмингизнинг бекор бўлмоғига ахли ислом рози, — деди Қамариддин. Шамсибек уни қўллади:

— Аллоҳ самиййул алийм – ҳар нарсани кўриб, билиб тургувчи буюк зот, айбсиз бандаларини ўзи ҳимоя қиласди. Тавбаларни қабул қилишга ваъдаси бор Аллоҳ кичик бир гуноҳни кечар бўлса, сизнинг қайсарлигинги ноўриндир. Бильякс, ҳукмни ўз оғзингиз билан бекор қиласар экансиз, ҳазрат шахриёрнинг марҳаматларидан баҳраманд бўлмоғингизга мана, биз кафил.

Шахриёрнинг марҳаматларини эшитгач, саллали киши тасбеҳ тутган қўлини баланд қўтариб:

— Гуноҳлари бўлса, Қиёматда Тангри таоло олдида ўзлари ҳисоб бергайлар! — деди.

Оломон аста тарқала бошлади. Қиз билан йигит олдига ҳеч ким яқинлашмади. Гарчи ҳукм бекор қилинган бўлса-да, катта саллали пакана одамнинг норизо назарига тушиб қолишдан ҳайикдилар. Шамсибек ҳукм бекор қилингани ҳамон тўдадан ота-оналарнинг отилиб чиқиб, фарзандлари томон интилишини кутган эди. Лекин бундай бўлмади. Катта саллали киши таъзим билан Қамариддинга юзланди:

— Тақсир, қадам ранжида қилиб, ғарип қулбамизни чароғон этсангиз, хизматингизда бўлсақ, — деди тавозу билан.

— Қуллуқ, — деди Қамариддин бу таклифга жавобан енгил таъзим қилиб, — марҳаматингиздан бошимиз кўкка етди. Бу кеч манзилимизга етиб олишимиз лозим. Қўниб ўтарга фурсатимиз йўқ.

Яна бир қанча мулозаматлардан сўнг катта саллали киши ва унинг яқинлари ҳам қишлоқ томон йўл олдилар. Улар майдондан узоқлашишгач, дараҳтзор томонда турган аёл ва икки мўйсафид гуноҳи азимда айланган ёшларга яқинлашишга журъат этишди. Қиз юзини девор томон ўғириб, йигит эса бошини қуий эгиг ўтиради. Аёл қизнинг бoshига юпқа қора тўн ёпди. Мўйсафидлар йигитни қўлтиғидан олишди. Қамариддин билан Шамсибек уларга яқинла-

шишгач, йигит қўлини кўксига қўйди-да, мағрур бошини эгди. Унинг бу таъзимида мағлублик нишонаси йўқ эди.

– Куллук, тақсир, – деди йўғон овозда.

– Сизлар ҳар нечук бу гўрларнинг волидлари дидирсизлар? – деди Қамариддин мўйсағидларга юзланиб.

– Йўқ, тақсир, – деди қариялардан бири, – кўриб турганингиз бу йигит бизни кида қўноқ эди. Жойи жаннатдан бўлгур отаси биз билан улфат эди. Кўриб турганингиз бу ожиза аҳли аёлимиздир.

– Кизнинг волидайни нечук кўринмайдир?

– Тақсир, улар бу воқеани шармандалик деб билиб, қизларини оқ қилганлар.

– Исли насабинг нима? – деб сўради Қамариддин йигитдан.

– Фанимурод Тўхтамурод ўғли, – деди қария йигитнинг ўрнига жавоб бериб.

– Фаниполвон, тонгга қадар йўл ҳозирлигини кўриб кўй. Бомдоддан сўнг йўлга чиқамиз, – Қамариддин шундай деб қарорини маълум килгач, Шамсибекдан сўради: – Карвонсаройга ҳали қўп юрамизми?

– Ха, хийла бор.

– Тақсир, – деди гапга аралашмай, кўл қовушириб турган қария, – айбга буюрмайдилар, биз ғарибларга илтифот кўрсатиб, кўнглилизни тоғдай кўтардингизлар. Карвонсарой хийла узокда. Шу боисдан янга марҳаматларингни аямай, бизга қўноқ бўлсалар. Боримизни баҳам кўрсак.

– Бажонидил. Аммо сизларни безовталаб кўймасак эди...

– Камбағалнинг уйи тор бўлса ҳам кўнгли кенг, тақсирим.

Ортиқча мулозаматга тоқати бўлмагани сабабли Қамариддин бу таклифни дарров қабул қилди. Қишлоққа етиб, чоғроқ ҳовлига киришди. Мехмонлар учун қора чироқ ёниб турган, қизил шолча солинган уйга жой қилинди. Мехмонларнинг бу хонадонга қўноқ бўлганларидан хабар топган қишлоқ аҳли бирин-сирин тўплана бошлади. Кўй сўйилди.

Афтидан уй эгасининг кўни-кўшнилари ҳам марҳаматли меҳмонларнинг ташрифидан қувонишиб, топган-тутгандарини олиб чикишган эди.

Уй эгаси ташқарига йўналиб, холи қолишлари билан Шамсибек ҳамроҳидан: «Таксирнинг таклифини нечук ерда колдирдингиз?» – деб сўради.

– У ҳам Сайд Ошиққа ўхшаган бир одам-да, сўзи ширину тилида заҳар бор. Кўнгли эса корадир. Риё билан берган бир бурда нонини мен ғазм қила олмасман.

– Ҳаракатингиздан шундайдир, деб тахмин қилиб эдим, тўғри чиқди, – деди Шамсибек кулимсираб. Кейин эшик оғзида кўринган мўйсафидга қараб: «Эшигингизда тўй бўлиб кетди, шекилли?» – деди.

– Албатта, албатта, сизлардек табаррук зотлар келадилару, тўй бўлмайдими?

– Сиз Фаниполвонга волид ўрнида экансиз, шу издиҳомни унинг тўйига айлантиrsак, ажаб иш бўлурмикин?
– деди Қамариддин айёrona жилмайib.

– Ажиб... Ажиб, – деди қария қувониб. – Агар Фанижонни олиб кетмоқлик фикрида собит экансиз, тўйини кўриб қолсак...

– Имом хатибни чакираверинг, – деди Қамариддин унинг сўзини бўлиб, – никоҳ ўқиб қўйсун.

– Таксир, ўzlари мулло кўринадилар, – деди қария Шамсибекка мурожаат этиб. – Агар малол келмаса, никоҳни ўзингиз ўқиб қўйсангиз. Масжидимиз имоми бунга журъат этолмас.

Шамсибек бу кутилмаган таклифдан гангид колди. Дарров жавоб бермади. Унинг бу ҳолатидан ажабланган Қамариддин бетоқатланди.

– Айни онда мен ҳам журъат эта олмасман, – деди Шамсибек афсусли оҳангда.

– Сабаб? – деди Қамариддин.

– Бу ҳолатда никоҳ ўқимоқлик сизлар ўйлаганчалик осон эмасдир. Майдонда эканимизда кизнинг ризолигисиз ўқилган никоҳнинг кучи йўқ, дейишимдан мақсад, уни

ўлим жазосидан күтқариб қолмоклик эди. Аслан, ўқилмиш никоҳ ҳалол, деб даъво қилмоқликка уларнинг асослари бор эрди. Айрим фиқхий масалаларни ечишга каминанинг ақли қосирлик килиб қоладир. Хусусан, бу масалада... Эҳтимол, никоҳига олмиш одам бу ожизани талоқ қилса...

– Муаммо шунинг ўзигинами? Ўша одамни олдириб келтирайинми? Эл олдидা талоқни тилга олсинму?

– Тақсир, олиб келтиришнинг ҳожати йўқдир, – деди қария, – Аҳмадбойвачча қизнинг қочганини эшитибок, «бу бузук менга ҳаром, талоқ қўйдим», деганини эшитганлар бор.

– Ана, йўл очик экан-ку?

– Идда-чи? Талоқдан сўнг бир юз йигирма кун никоҳга ижозат йўқ.

– Никоҳ ўқилгани билан улар бирга яшашмаган?

– Тақсир, айтганимдай бу масалаларни мен ечолмайман. Энг маъкули... сабр килганимиз маъқул. Икки ёшга саодат эшигини очамиз, деб фитна-ю фасодлар қопқасин очиб қўймайлик. Яна... Андижон қозисининг бу масаладаги фатвосини олайлик-да, қайтар маҳали бир ақллашайлик. Унга қадар Ғаниполвон шу ерда қизга номаҳрам мақомида турса турсинлар.

Қамариддин билан қария бир-бирларига савол назари билан қараб олишгач, бу маслаҳатни маъқул топдилар. Никоҳ хусусида бошка сўз очилмади. Межмонлар шарафига бошланган зиёфат охирлаб, одамлар тарқалишгач, Қамариддиннинг ихтиёри билан ўрик дарахти панасидаги супага ўрин-кўрпа солинди. Қария ўзи учун супанинг четига якандоз солди.

– Ғаниполвоннинг волидларидан жой қолмаган эдими?

– деб сўради Шамсибек ётар чоғида.

– Э, таксир, бунинг тарихи узун, – деди қария якандозга омонат ўтириб. – Ғанижоннинг дадалари ҳам ном чиқозгон полвон эдилар. Эс-эс биламан, ҳатто буваларининг ҳам курраги ерга тегмаган. Тўхтамурод полвон кураш тушармиш деса, музофотнинг одамлари ёғилиб келар эди. Мард одам эди, омма! Ҳарифига сира шикаст етказмас эди-да...

Бу гапни эшигтан Қамариддин майдондаги воқеани күз олдига келтириб бир қимирлаб олди. Мўйсафид унинг холатини сезмай ҳикоясини давом эттириди:

– Бир куни денг, шу Аҳмадбойваччани дадалари хатна қилдирган кунлари эди шекилли, улок бердилар. Тўйнинг дабдабаси-ю шуҳрати музофотга тарқалсин, деган ниятда энг зўр полвонларни ҳам чорлаган эканлар. Катта кураш бўлди. Тўхтамурод ўргага тушмай, ёнимизда жилмайб туравердилар. Карасак, курашга тушгилари йўк. Полвонлар ҳам, одамлар ҳам шу кишига ажабланиб қарашади. Охири бойбуванинг ўзлари, майдонга туш, деб буюрдилар. «Айбиситманг, бойбува, бугун тушолмайман», дедилар Тўхтамурод. Шунда бойбува кишининг иззат-нафсиға тегадағон хунук сўзларни айтиб юбордилар. Тўхтамуроднинг ҳамиятлари кучли эди. Белбоғни маҳкам боғлаб, ўргага чиқдилар. Икки-уч айлантиришда давранинг зўри бўлиб турган полвоннинг курагини ер тишлатиб, белбоғни ечиб, елкага ташладилар-у, совринни ҳам олмай кетвордилар. Оркаларидан бордик. Курашга тушмай турганларининг боисини сўрадик. Тўхтамурод тўнни ечиб, яктакларини кўтардилар. Белларига денг, ёнғоқдай келадиган иккита чипқон чиқкан экан... Биз тўйга қайтдик. Полвоннинг совринни олмагани бойбувага малол келибди. «Мени менсимади», деб оғринибдилар. Кечаси полвонларни сархуш килиб, Тўхтамуродга юборибдилар. Номардлар денг, у кишини аямай дўппослабдилар. Эрталаб борсак, Тўтамуроднинг бошлари ёрилган, кўллари синган. Тўхтамурод нима бўлганини айтиб ўтирамдилар-у, «Энди бу кишлоқдан бош олиб кетмасам бўлмас, шахристонга бораман», деб қарор қилдилар. Уч-тўрт кундан сўнг кўч-кўронларини аравага ортиб бердик. Тўхтамуроднинг иссиклари баланд, кўзлари киртайган эди, сихатингиз маромига тушгунча шошилманг, десак ҳам кўнмадилар. Аравага завжалари билан Ғанижонни чиқариб ўзлари отни етаклаб пиёда йўлга тушдилар. Ашинда Ғанижон атак-чечак киладағон ёшда эди. У кишидан ўн олти, ё ўн етти йил дарак бўлмади. Ўтган қовун пишиғида Ғани-

жон келдилар. Эски аравада волидалари хаста ётибдилар экан. Марғилондаги бир курашда Тұхтамуроднинг беллари қаттиқ лат еб, шу хасталик сабаб бўлибдию, қазо қилибдилар. Ганижоннинг волидалари уч кундан кейин омонатларини топширдилар. Тұхтамурод қишлоқдан чиқиб кеттач, уларнинг эшикларини Аҳмадбойвачча ўзининг мулкига кўшиб оған эди. Ганижон талашиб ўлтирмадилар. Бизнигига кўноқ бўлдилар. Марҳумани ҳам шу эшикдан чиқардик...

Ховли ўртасида ёқилган гулхан аста-аста учиб борди. Бир-икки учкун саҷрагач, қизил чўғ ҳам сўна бошлади. Саҷраган учқунлар худди юлдузга айланишга шайланган дай қўкка сапчиди, лекин ердан бир кулоч узилмай енгил кулга айланиб, заминга қўнди. Борлик қоронғилик бағрига сингди. Анчагача ухломмаган Шамсибек қишлоқ осудалигини бузаётган итларнинг хуришига қулоқ солиб ётиб, кўзи илинганини сезмади.

Бомдодга туришганда қария сафар жабдуқларини тайёрлаб қўйганди. Нонуштадан сўнг отларни етаклаб кўчага чиқдилар.

– Манзилингиз Андижонми, тақсир? – деб сўради қария.

– Андижондан беш фарсан йўл. Булоқбоши деган қишлоқ, – деди Шамсибек.

Хайр-хўшлашиб, қишлоқ аҳлининг дуосини олиб йўлга тушдилар. Бир-бирига кўнгил кўйган қиз билан йигитнинг жонини асраб қолганларидан икковлари ҳам хурсанд эдилар.

ИЖРО ЭТИЛГАН ҲУКМ

Андижонга оқшом қўна бошлаган маҳалда кириб бордилар. Тунни карvonсарайда ўтказиб, вилоят подшохининг ҳузурига қайтар маҳали киармиз, деган қарор билан тонгда Булоқбошини қоралаб, отларга енгил қамчи босдилар. Адирга яқинлашганларида Қамариддин жиловни тортиди.

– Ҳеч нарса ўзгармабди, – деди у атрофга назар ташлаб.

– Бу ерларга илгари ҳам назарингиз тушиб эдими? – деди Шамсибек унинг ёнида тұхтаб.

– Тавбалари қабул бұлгур падари бузрукворим шу ерларда шахид бұлғанлар.

– Қайси мухорабада шахид бўлиб эдилар?

– Солномачилар бу мухорабани тарих саккиз юз ўн еттинчи йилнинг муҳаррамаси деб зикр этганлар. Мен у дамлар норасида эрдим. Падари бузуркворим мени ўзла-ри билан бирга олиб юрар эрдилар. Ҳазрат шаҳриёrimiz мирзо Амирак Аҳмад устига қўшин тортиб эканлар. Аҳси қальасининг мухосара қилинганининг шоҳиди бўлиб эдим. Аҳси менинг кўзим тушган қалъалар ичинда энг маҳобатлиси эди. «Қалъа мезаналаридан фалак бошокларини⁹ термоқ мумкин, ундан арши аъзам элининг¹⁰ ғулғуласи эши-тилур», дейилмиш таърифлар кўп маротаба қулогимга кирган. Ҳазрат шаҳриёrimizning ғалабаёр лашкари қалъани эгаллагач, амирлар ва хукмфармолар мавқеъ ва мансабла-рига яраша қимматбаҳо саруполар, мурассаъ шамшир ва ханжарлар, тилло ва кумуш камар, мурассаъ эгар-жабдуқ урилмиш аргумоклар, нақдиналар ила суюргол йўсининда сийланишгач, онҳазрат раиятга тинчлик майдони ва омон-лик маконидан ўрин бериб, Андижон сари йўл олдилар. Мирзо Амирак Аҳмад давлатпанохнинг қаҳридан кўркиб, тоғлардан макон топиб эркан. Ҳазрат шаҳриёrimiz амир Мусако ихтиёрлари билан амир Мұхаммад Тобонларни аё-латни¹¹ идора этмоққа тайинлаб, Самарқандга қайтдилар. Падари бузургворим амир Мусако ихтиёрлари билан ул зотнинг хизматида қолдилар. Ой ораламай, мирзо Амирак Аҳмад Андижонга яна юриш қилибdir. Амирлар раиятга озор бермаслик қасдида шаҳардан ташқарига чиқдилар. Падари бузургворим мухораба майдонидан омон қайтма-дилар. Мирзо Амирак Аҳмад амирларни ҳам қатлға етка-

⁹ Юлдузлар

¹⁰ Фаришталар

¹¹ Вилоят

зиди. Аммо амир Рустам Андижонни мирзога бермай, бизни ҳам омон сақлаб қолган эди.

– Бу воқеалардан менинг-да хабарим бордир. Шаҳидларни дағи этмоққа қабристон торли қилди, деган гапларни ҳам эшитганим бор. Биз бу фожианинг фаҳмига кўпам етмас эдик. Ўликдан кўрқар эдик.

Қамариддин отни никтади.

– Падари бузургворим жасадларини менга кўрсатишиган. Бошларидан қилич еган эканлар. Минг қатла шукрларким, сultonимиз бесабаб қилич суғурмайдилар. Падари бузургворим «Мирзода соҳибқирони акбарнинг жангарилик расми кўринмайдур», деб айтардилар.

Қамариддин энди Улуғбекнинг юришлари ва ҳимматлари ҳақида сўзлаб бораради. Улар жиловни бўш кўйишган, отлар адир йўлларидан кўп маротаба юриб ўрганиб қолгандек, аста юрардилар. Адирдан ошиб ўтилгач, узокда дарахтларга бурканган қишлоқ кўринди. Ҳамроҳининг гапларини эшлиб келаётган Шамсибек унинг сўзини беихтиёр бўлди:

– Ана, келдик, – деди у ички бир ҳаяжон билан. Қамариддин унга қараб кулимсиради:

– Жаннатгами? – деди ҳазил оҳангига.

– Жаннат деб атамоққа арзимайдими? – деди Шамсибек қувлик билан.

– Бундай жойларни «жаннатнинг сояси» деб аташларини биламан.

Ҳамроҳининг уйга ошиқаётганини сезган Қамариддин отни тезлатди.

Кун чошгоҳдан ўтган, қишлоқ сокин эди. Чуғурчуқларнинг чирқиллаши, тартаракларнинг овозларигина баланд ишкомлар орасида одамлар борлигидан дарак беради. Шамсибек отни ўзи яшайдиган уй томон бурди. Офтобда қизиб, билқиллаб турган тупрокни от туёқлари аёвсиз тўзитади. Қамариддин ҳовлиларни шийпон қаби тўсиб турган ишкомлардан кўз узмайди. Яна хиёл юришгач, чоғроқ ялангликка чиқишиди. Майдонча ўртасида булоқ қайнаб

туарар, сув илдиз каби тараалган ариқчаларга тарқаб, күёш нурида жимир-жимир қилиб оқарди. Булоқ бўйида икки бола лойдан қубба ясаб ўйнар, соchlарини майдада ўриб, пиллик тақиб олган беш-олти қизалоқ эса кўл ушлашиб чуғурлашишарди:

*Читтогулу читтогул,
Этагингга чит босай:
Кўлим қўлбозда,
Белим белбозда,
Ҳа-ю, читтогул,
Ҳа-ю, читтогул...*

Шамсибек уларга кулиб қаради-ю, отдан тушиб рўпадаги эшикни итарди. Очилмагач, қамчинининг дастаси билан тақиллатди.

– Атта ҳич ким йўқ, – деди кубба ясаётган бола, лойкўлини иштонига артиб.

– Қаерга кетишди? – деб сўради Шамсибек, унга ажабланиб қараб.

Бола « билмасам » дегандай елка қисиб, бурнини тортиб кўйди. Шамсибек унга яқинлашиб сўради:

– Эшикларингда ким бор?

– Бувим...

– Даданг-чи?

Бола яна елка қисди.

– Югур, бувингга айт: Шамсибек акам келибдилар, дегин-чи.

Дам ўтмай ён эшик орқасида шарпа сезилди. Кейин аёл кишининг синиқ овози эштилди:

– Келинг, эсон-омон қайтдингизми?

– Ассалому алайкум, буча¹², соғ-омонмисиз, акам саломатмилар? Бизникилардан хабарингиз йўқми?

– Улар сиздан кейиноқ Ширмонбулоқقا кўчишдилар. Дадангизнинг бўлалари олиб кетдилар.

– Нимага?

¹² Кичик буви, кичик ая – хурмат маъносида.

– Невлай... Сизни «жодугар, кофир» деган гап тарқалиб қолди. Қайнин отангизни Андижонга олиб кетишибди, деб эшитаман.

Шамсибек бу янгиликдан тамоман гангиб, яна сўради:

– Нимага?

– Невлай... Акангиз гапирмайдилар. Қўшнилар айтишяптики, қайнин отангиз энди Андижонда хизмат қилар эмишлар. Подшоҳдан шунаقا амр бўлганмиш. Мехмонингиз борга ўхшайди, меҳмонхонга кира туринглар, акангиз ҳали-замон келиб қоладилар.

– Куллук, буча. Ширмонбулоқка чика қолайлик.

Қамариддин гапларни эшитиб турган эди. Шунинг учун индамай Шамсибекка эргашди. Бу сафар отларини етаклаб, тупроқ йўлдан пиёда боришли. Тупроқнинг иссиғи этикдан ўтиб, оёққа нохуш илиқлиқ берди. Уларнинг ортидан бир зумгина караб қолган қизалоклар яна ўйинларини бошладилар:

*Бойчечагим ҳиллолик,
Ҳамён-ҳамён тиллолик.
Бойчечагим bonaси, bonaси,
Қулогида донаси, донаси.
Олай деса,вой ўлай,
Югуриб чиқди онаси, онаси...*

Қамариддин орқасига ўгирилиб қизалоклар томон қарди:

– Ҳак таолонинг қудратини қаранг, одамзотга шунча ташвиш билан бирга, кўзлари кувонсин деб ажойиб неъматлар ҳам берган-а. Бу неъматларнинг одамзот билан иши йўқ, одам ўляптими, қоляптими, барибир, ёғилаверади...

Шамсибек унинг бу гапларини эътиборсизлик билан тинглаб, худди ўзига ўзи сўзлагандай паст овозда деди:

– Ҳа... бойчечакка етган етади, етмаган йўқ.

Дала ёқалаб кетган йўлга чиқишгач, отга минишибди. Ярим йиғоч йўл юриб, яна жаннатмонанд кишлоққа кириб боришли. Бир арава сиқкули тор, айланма кўчалардан тез

ўтишди. Шамсибек бир эшик яқинида жиловни тортиб, узангига оёқ тираб турди-да, буй чўзиб девор оша ичкарига қаради. Пешайвонда эмаклаб юрган ўғлини, унга ҳай-ҳайлаб турган онасини кўрди-ю, кўнгли тинчиб бетларига қизиллик югорди. Отдан чакконлик билан тушиб, қамчи дастаси билан эшикни такиллатган бўлди-да, ичкаридан жавоб кутмаёқ остона ҳатлади. Қамариддин уларнинг сўрашиб олишларини, аёлларнинг ичкари ховлига ўтишларини кутиб кўчада қолди.

Шамсибекнинг дадаси бир юмуш билан Ўшга тушган экан, икки кундан сўнг қайтди. Шамсибек шундан кейингина шаҳриёрнинг амрини бажо келтириб, Самарқандга кўчиши лозим эканини оила ахлига маълум килди. Исмоилбек мошгурунч бўлиб колган бир тутам соколини силай туриб, аста хўрсинди:

– Султон Улугбек шундай бўларин ихтиёр этган бўлсалар, биз нима дердик, «Аллоҳим, ўзинг паноҳингда асра!» деб дуо килиб қолишдан ўзга чорамиз йўқ.

– Ҳаммамиз бирга борсак-чи, – деди Шамсибек, ризолик жавобига умид килиб.

Исмоилбек кулимсираб бош чайкади:

– Султонга сиз кераксиз, бизлардан не наф бўлур?

– Ҳар нечук...

– Йўқ, ўғлим, шунча ташвиш бизларга етиб-ортяпти. Дарахтни қариганда янги жойга кўчириб ўтқазсангиз тутмайди. Укангиз таҳсилни яримлатди. Ҳали замон бағрилизга кайтади, орзу-ҳавасга етишимизга оз қолди.

– Укам доруссалтанада таҳсил олса, деб эдим.

– Самарқандга борди нимаю, Андижонда таҳсил кўрди нима? Барибир эмасми? Қайнатангиз энг баобру мударрисларга ҳам дарс бера оладиган илмга эгалар. Мана ўзингиз, у муҳтарам зотдан илм олиб кам бўлмадингиз-ку! Ана, каранг, мадраса тупроғини яламай туриб, султон назарига тушдингиз. Мадрасага борган Абдулваҳоб нима каромат кўрсатяпти? Одамлар «таҳсилдан юз ўгириб, дарвешликни касб килганмиш», деб юришибди. Айтмоқчи, сиз уни учратмадингизми?

Шамсибек жавоб беришга тараддуудланди. Отасига ёлғон гапира олмай деди:

– Одамлар айтишаётган бўлишса, балки...

Исмоилбек ўғлини хижолатдан қутқариш учун гапини бўлди:

– Ноқобил бола бўлди. Фарзанднинг гарданидаги туз ҳақини унутиши – волидайннинг шўри.

– Дада, бувимдан сўрамадим, қўққисдан бу ерга кўчишингиз сабабини билмоқчи эдим.

– Қўққисдан кўчмадик. Ҳамма нарса Аллоҳнинг хоҳиши билан навбатма-навбат келаверади. Сиз кетгач, қози баримизни дабдурустдан шаккокка чиқариб қўйди. «Ўғлинг иблиснинг тилини билади, иблислар билан тиллашади», деб тинчимизни бузди. Бир томондан қайин отангизга ҳам тошлар отилди. У киши Андижондан паноҳ топдилар. Келганингизда излаб юрманг, деб биз шу жойга қўноқ бўла қолдик. Ташвиш чекиниб, иш яхшилик томон бурилибди, иншааллоҳ, яна қишлоғимизга қайтармиз энди. Султоннинг назарларига тушибсиз, Худо хоҳласа, қўксимизга офтоб ҳам тегиб қолар.

– Иншааллоҳ, шундай бўлажак, – деди ота-бала сухбатига жимгина кулоқ бериб ўтирган Қамариддин. – Ўғлингиз назаркарда йигит. Қайтар маҳалимиз аёлат подшохини бу нотинчилклардан воқиф қилиб ўтурмиз. Ҳазрат шаҳриёрнинг марҳаматлари бошингиз устидаги фитна булутларини ҳайдаб юборса, ажаб эмас.

– Шояд айтганингиз келса...

Шамсибекнинг кўчиши муҳокаматалаб воқеа эмасди. Шу боисдан аёллар овоз чиқариб йиғлаб юбормаслик учун лабларини тишлиб, унсиз кўз ёши тўкиб сафарга тайёрланишди. Исмоилбек ҳар намоздан сўнг қаъдада ўтириб, ўғли, келини ва ширинтой набирасининг номларини қайта-қайта тилга олиб дуода бўлди. Ҳақ таолога муножот қилиб, шафиқона марҳаматини аямаслигини илтижо қилди.

Күёвининг қайтгани ва Самарқандга кўчиб кетажагини эшитган Шербек заргар Андижондан етиб келди. Қама-

рилдин уларни шоширмас, унга сари Шамсибек хижолат чекарди. Нихоят, жума намозидан сўнг бир жонлик сўйиб, хайри-худойи килишни, шанба бомдодидан сўнг, тупрок уйғонмай йўлга чиқиши режалашди.

Эркаклар тунда бироз мизғиб олишди. Аёллар ичкарида ивиришиб юришиб, тиним билишмади. Уларнинг тун бўйи қилган меҳнатлари самарааси тонгда дастурхонда кўринди. Нонуштадан сўнг яна бир карра куръон тиловат килингач, қўзғалишди. Шамсибек онасининг дусосини олиб хайрлашмоқ мақсадида ичкарига ўтди. Аёллар унинг елкасига қўлларининг учини теккизиб, юзларига фотиха тортишди. Пиқиллаб йиғлаганлар ҳам бўлди. Шамсибекнинг волидаси тандирда қизариб пишган нонни титроқ кўллари билан унга тутди:

– Тишлаб кетинг, болам, насибангиз... шу ерда қоляпти, илоҳи бағримга эсон-омон қайтиб келинг...

Шамсибек нонни тишлаетганида қўзлари ёшланди. Лаблари енгил титради. Томоғини нимадир бўғиб, лукманни ютолмай қолди. Бир тишлам нон томоғида гўё тош каби туриб қолгандай бўлди. Лекин дархол үзини босиб, хаёлини жойига йиғди-да, хайр-хўшлашиб, ташкарида кутиб турган эркаклар каторига чиқди. Исмоилбек ўғли чикқач, оstonани теша билан чўқилади-да, бир сиким тупроқ олиб халтачага солди.

– Юрагингизга мадад бўлади. Туморингизни йўқотсангиз ҳам бундан ажралманг, – деб ўғлига узатди.

Шамсибек халтачани қўзларига суртган бўлиб чап томондаги ич чўнтағига солди.

Икки арава ва икки отлик қишлоқни маъюс ҳолда ташлаб чиқиб кетди.

* * *

Шербек заргар вилоят подшохининг хизматига ўтган эди. То саройга борилгунча бир қанча одам уларга эгилиб салом берди. Шамсибек қайнотасининг Андижон ахли хузуридаги мартабасини шу муомаладан билди.

Вилоят подшохига мирзо Улуғбек номасини топширишгач, Қамариддин полвонлар курашини кўрмоқ мақсадида Марғилонга йўл олди. У шахриёрнинг истаги билан пурдил йигитларни Самарқандга олиб кетиши лозим эди.

Шамсибек эса аср намозини ўқигач, мадраса томон йўл олди. У Ширмонбулоқда эканлигида отаси Андижонга хабар килиб, кенжасини чақиртиrmокчи бўлганида «тахсилидан узилмасин, қайтишда кўришармиз», деб унамаганди. Шамсибек бир қаватли пастак иморатга жойлашган мадраса дарвозасидан ичкари кириб, туриб колди. Саҳнда ҳеч ким йўқ. Бирор овоз ҳам эштилмайди. У бир фурсат тарааддулланди-да, кейин укасининг ҳужраси томон юрди. Ҳужра ҳам бўш эди. Нима қиларини билмай турганида ҳовлида чойнак-пиёла кўтарган йигит кўринди. У Шамсибекка яқинлашиб салом берди.

– Агар хотирим фаромуш бўлмаса, сиз мулло Хуршидбекнинг акаларисиз?

– Адашмадингиз. Укамни йўқлаб келиб эрдим. Ҳужраларида йўқлар.

– Улар бу окшом дўстлари билан илмий мажлис қурганлар. Юринг, мен узатиб қўяйин.

Йигит шундай деб Шамсибекни ҳовли этагидаги ҳужралардан бирига бошлади. Шамсибек остона ҳатлаши билан муллаваччалар меҳмонни кўриб, ҳурмат юзасидан ўринларидан турдилар. Шамсибек укаси билан кучоқ очиб кўришди. Бошқалар билан ҳам алоҳида-алоҳида сўрашгач, унга давра тўридан жой бердилар. Хайрли дуо қилиниб, юзга фотиҳа тортилди. Шамсибекка ўтирганларнинг аксари таниш эди. Аввал келганларида бир-икки сухбат ҳам куриб, илм толибларининг саъй-ҳаракатларидан мамнун бўлиб эди. Ўртага ёзилган куроқ дастурхон саҳобаларнинг дастурхонини эслатарди: у ер-бу ерга бир ҳовуч, бир ҳовуч туршак, магиз қўйилган, нон йўқ эди.

– Мен кириб сухбатларингизга халал бердим шекилли?

– деди у давранинг жимиб қолганидан ўнғайсизланиб.

– Асти ундей эмас, – деди муллаваччалардан бири.

– Сұхбатлари сир бұлмаса, давом этса, мен хижолат-ликдан қутулур эрдим.

– Нимаси махфий бұлсın! Сизнің иштирокингиз биз учун айни муддао.

Шамсиеккa гул туширилмаган сопол пиёлада чой тут-дилар.

– Мулла Самад, сиз фикрингизни баён килмоқ ихтиёри-да эдингизми? – деди чой узатган йигит. Афтидан, у хужра эгаси, даврабоши эди.

– Мен мулла Тұрабекнинг «Дунё ғам-алам билан бош-ланиб, ғам-алам билан үтур ва тугаши ҳам шундай бұлур», деган фикрларини қувватлаш ниятида әдим. Бу ҳикмат айни ҳақиқатдир.

– Ғалат! Ғалат! Ундей әмас! – пойғакда үтирган йигит дүріллаган овози билан унинг гапини узди. – Дунё Аллох-нинг мұъжизаси билан бошланғандир, тугаши билан Аллохнинг улуғ мұъжизаси билан бұладур. Шундай әмасми, тақсир?

Баҳсга бу қадар тез чорланиши кутмаган Шамсиек пи-ёлани дастурхон устига қўйиб ўйланиб қолди. Кейин савол берган йигитга каради:

Сиз ҳақ гапни айтдингиз, мулла. Аллоҳ таолонинг етуқ ҳикмат ва тұлық құдрати билан Одам алайхиссаломни яратгани ҳам, унинг фарзандларидан айримларини расул қилиб, ҳақ йўлга даъват этсинлар учун халқ орасига юбор-гани ҳам бир мұъжизадир. Бу осмон бир тарзда айланавер-майди. Қуёш ҳам айни шундай. «Ёсин» оятларидаги Аллох-нинг бу хусусдаги қаломини эслайлик: Худонинг құдрати ва мұъжизасига бандалар учун Ер юзида нишоналар кўп-дир. Нишоналардин бири шуки, Аллоҳ кечадан кундузни зойил қилғандур ва чиқарур. Ногоҳ бандалар коронғилик-да қолурлар ва ухлаб роҳатланурлар. Офтоб эса ўз муайян кароргохи сари харакатда давом этаверар. Бу ҳам ғолиб ва доно Парвардигорнинг муқаддароти, яъни белгиламиш тақдиридир. Ойга ҳам манзиллар мұкаррар қилиб белгилаб қўйилмишdir. Ой бул манзилларда харакат қилуб, то ўз

жойига қайтгунча қуриган хурмо шохидек эгилиб қолур. Аллоҳнинг ҳикматларидан яна бири шулким, офтоб ҳаракат қилиб, ойга жам бўлмайдир, етишиб ҳам олмайдир ва на кеча ҳаракат қилиб, кундуздин ўтиб кетмайдур, балки ҳар қайсиси ўз фалакида ҳаракат қиласкерар. Фалак-айланиши жараёнида бир бандадан шодликдан масрур бўладир, бошқаси ғам-алам булути остида яшайдир. Дунёда ғам-алам билан яшаб, қайғу кафанига ўралиб фоний дунёни ташлаб кетиши банданинг ўзига боғлиқ. Бу хусусда эътиroz билдиришингиз мумкинки, шодлик ҳам, қайғу ҳам тақдир ёзуғига ёзилмиш деб. Бу ҳам айни ҳақиқатдир. Аммо Аллоҳ таоло бандаси муқобилига икки йўлни қўймишdir. Раҳмон йўлинин танлаб саодатга етишмоғи учун бандага ақл-заковат берилмишdir. Сарвари коинот Мұхаммад саллолоҳу алайҳи васаллам дедиларки: «Аллоҳ таоло марҳаматини аямай сенга яхшилик қилган эркан, сен ҳам кишиларга яхшилик қилғил». Алалхусус, ҳамонки дунёда бирон киши бокий қолмас эркан, ундан фақат яхшилик ёдгор бўлгани маъқулdir. Яхшилик мавжуд экан, ғам-алам унут бўлур. Бильакс, яхшилик ўрнига зулм ихтиёр қилинар экан, банданинг боши қайғудан чиқmas. Зотан, Аллоҳ таборак ва таоло «Эй Одам фарзанди, мен ўзимга зулмни ҳаром қилдим, бас, бир-бирларингизга зулм қилманглар», деб огоҳлантиргани ҳолда бандада зулмни касб қилиб олса, охирати не бўлур?

– Кўп маъқул гап айтдингиз, – деди хужра эгаси, – ҳожатмандларга инсоф ва адолат эшиклари очиқ бўлса, иншааллоҳим, ғам-аламдин холи бўлғаймиз.

– Аммо «Бахтиёрлик ичра сен бахтсизликка учрапдин қўрққил», дейилмиш ҳикматни унумоқлигимиз буткул ножӯя, – деди Тўрабек исмли муллавачча.

Шамсибек кулимсираб қўйди. Кейин хужра эгасига қараб деди:

– Мулла, мени суҳбатдан баҳраманд этиб бағоят қувонтирдингиз. Мен акбод пайвандимнинг¹³ диллари субҳи со-

¹³ Жигаргўша

дикдек пок дўстлари борлигидан беҳад мамнунман. Энди маъзур кўрасиз. Хуршидбек билан бу файзли мажлисни тарк этсақ, Худо хоҳласа, бундай иймонлашиш сұхбатлари бизларга яна насиб этгусидир.

Барчалари ҳурмат юзасидан туриб уларни кузатиб қўйдилар. Шербек заргар «Хуршидбекни, албатта, олиб келинг» деб тайинлаган эди. Шу боис ҳужрага кириб сұхбат курмай, шомга қадар манзилга етиб бориш учун йўлга тушиши. Хуршидбек акасидан беш ёш кичик, улар орасидаги уч фарзанд турмаган эди. Уч фарзанд доғидан сўнг дунёга келгани учун Хуршидбек эрка ўсанди. Шамсибек мактаб таҳсили якунлангач, бўлғуси қайнотасидан илм ўрганиб эди. Унинг мутолаага иштиёқи баланд, Хуршидбек эса акасининг акси эди. Шунга қарамай, отаси уни мадрасага берди.

Ака-ука ўтган-кетганлардан гаплашган бўлдилар, сўнг Шамсибек мақсадга кўчди:

— Истасанг, Самарқандга олиб кетай. У ердаги зукко ва доно мударрислардан сабоқ олсанг, нур аланнур бўлурмикин?

Аканинг хайрли таклифи укага ёқинкирамади, фикрини яширмай, очик баён қила қолди:

— Ҳожат бормикин? Илмга чанқоқлигим сизничича бўлтанида ҳам бошقا гап эди. Мен ўзимни сиз каби илмга бахшида эта олмайман. Шунга мажбур қилинган тақдиримда ҳам бирор маъно чиқишига кўзим етмайди.

— У ҳолда мадрасада таҳсил олишингда қандай маъно бўрдир?

— Биласиз-ку, бу дадамнинг истаклари. Фарзанд эрки волидининг қўлида экан, мен бу истакни бажаришга мажбурман.

Шамсибек буларни яхши билади. Шу боис укаси билан баҳслашмади.

Заргарнинг дастурхони атрофида Андижонга келиб турғун бўлиб қолган уч ҳамкишлоги бор эди. Заргар Мирзо Улуғбекнинг tengsiz иқтидори хусусиндаги сўзларини узиб, уларга куёвини таништирди. Шамсибек сўрашиб

ўтиргач, мәҳмонардан бири: «Уста, ҳандаса түғрисинда сўзлаб туриб эдингиз?» деб сухбатни давом эттиришга даъват қилди.

— Ҳа, воқеан шундай, азизларим. Ҳумоюн толелик ҳазрати шаҳриёrimизнинг ҳандаса илмидаги салоҳиятларига биз томонимиздан баҳо бермоқлик ғалат туюладир. Шу боис улуғлар байтидан эсласак, муродимиз ҳосил бўлур:

*Чун Улугбек мирзо дар илми ҳандаса,
Натован ёфт дар ҳазорон мадраса.*

— Дейилмоқчиким, ҳандаса илмида Улугбек мирзодек олимни минглаб мадрасадан ҳам излаб тополмассан...

Бу таърифдан сўнг заргар илмий сухбатни давом эттиришни лозим кўрмай, кундалик ташвишлар мавзуига кўчди. Шамсибек уларни яхши танимагани учун сухбатларига аралашмай жим ўтирди. Хуршидбек эса хизматда бўлди. Палов сузиб келиниб, энди уч-тўрт ошамдан олингнанда кўча эшиги тақиллади. Заргарнинг ўзи чаққон турди-да, эшик томон юрди. Бироздан сўнг оқ кигиз қалпокни бостириб кийиб олган бир кишини бошлаб қайтди. Қишлоқ аҳли «Бойбува» деб муомала қилувчи бу одамни Шамсибек қорачироқ ёруғида дарров таний олмади.

— Тоғдаги чорва билан овора эдим. Қайтсан, Шамсибек ўғлим келиб-кетибдилар. Кишининг юзи иссик бўлар экан, истаб-топиб келавердим. Омма, уста, шаҳарнинг киши билмас кўчасидан эшик олган экансиз. Оқшомдан бери излайвериб мадорим қуриб кетди.

Бойбува жойлашиб, гапларини айтиб бўлгунича Хуршидбек обдастада сув келтириб, унинг қўлига қўйди. Бойбува кўлинини ювиб, сочиққа артаётганда ўғлидан гап очди:

— Абдулваҳобни кўргандирсиз?
— Кўрдим, дуо деди.
— Ўзи дурустми? Мадрасадами ё...

Шамсибек овқат устида нохуш гапнинг қўзғалишини истамагани учун унинг сўзини бўлди:

— Бойбува, ошдан олсинлар...

Заргар күёвингин гапини куватлади:

– Аввал таом, баъд аз калом. Ош маҳтал бўлмасин. Олсинлар. Кеча узун, бафуржа гаплашаверами.

Шундан сўнг «олинг-олинг»дан бўлак сўз айтилмади. Дастурхондан товок олиниб, шукrona дуоси ўқилгач, қўлга яна сув берилди. Шамсибек чой қуйиб меҳмонларга бир-бир узатди. Бойбува пиёлани олди-ю, чойдан хўпламай, бетоқатланиб, яна ўғлидан сўз очди.

– Фарзанду аржумандингиз шаҳристон пойидаги хонакоҳдан бошпана килган экан, йўқлаб бордим, бир неча муддат гаплашган ҳам бўлдик, – деди Шамсибек босик овозда.

Бойбува бу гапдан кейин гангиг қолди. У ўғлининг қаландархонада эканини бошқа одамлардан эшигтан, лекин буни тухмат деб билиб, ишонмай юрган эди. Ҳақиқатнинг бу даврада очилиши унинг миясига чакиндай урилди.

– Хонакоҳда нима бор экан унга? Мадраса-чи?

– Англашимча... илмдан юз ўгириган кўринадир.

Ҳамма балога Шамсибекнинг ўзи сабабчидай, Бойбува унга ғазаб билан тикилди:

– Сабаб?

– Сабаби Абдулваҳобнинг ўзига-ю, Аллоҳ таолога маълум, холос.

– Сиз билан биргалашиб уйга қайтишга майл билдирамадими?

– Бу хусусда сўз бўлмади...

– Мударрисларини кўрдингизми? Улар нима дейишди?

– Бойбува, мени айситманг, бундай сўровларга каминада фурсат бўлмади.

– Унинг ўз майлича бундай килмоғи маҳол, қайсиdir иблиснинг васвасасига учган...

Шамсибекни бу ноҳуш сўроқдан кутқариш мақсадида меҳмонлардан бири сухбатга аралашди:

– Бунча куюнмасалар, ахир қаландарлик гуноҳ юмуш эмас-ку?

Бойбува сўз қотган кишига жаҳл билан қаради:

– Менинг ўғлим аҳли дониш даврасига муносиб йигит!
– деди қатый оҳангда.

Бойбува ғазабини яширмай, фотиҳага қўл очди. Қисқа дуодан сўнг мезбоннинг лутфига қарамай, «шу тонгдаёқ Самарқандга жўнайман, уни ўзим тўғри йўлга соламан», деб совуққина хайрлашганича чиқиб кетди.

Икки кундан сўнг Қамариддин Марғилондаги курашда саралаб олган пурдил йигитларни бошлаб қайтди. Андижонда тунаб, тонгда беш арава-ю, ўн тўрт отлик бир карвон бўлиб Самарқанд сари йўл олдилар. Шербек заргар билан Хуршидбек уларни анча жойгача кузатиб бордилар. Шербек заргар «Сиз туз ҳақини бажардингиз, илоҳи, фалакнинг айланиши сиз истаганча бўлгай», деб хайрли дуо қилиб қолди.

Бу кичик карвонга энди Фанимурод билан унинг қаллиғи қўшилмоғи лозим эди. Кундузи офтобнинг тиғида юриш, гарчи араваларга соябон тутилган бўлса-да, аёлларни қийнаб қўйди. Шу сабабли оқшом кўнмай работга кўнишди. Аёллар таом тайёрлашгунларича Фанимуродни хабарлайлик, деб Шамсибек билан Қамариддин қишлоққа кетишиди.

Фанимурод кўнган кўрғон хувиллаб қолгандай эди. Ташқари ҳовлида ҳеч ким кўринмади. Қамариддин қамчи дастаси билан эшикни иккинчи карра тақиллатганидан сўнг ичкаридан мўйсафиднинг «Ҳозир!» деган хаста овози келди. Лекин ҳадеганда чиқавермади.

Бир маҳал ичкаридан енгил шарпа эшитилди. Эшик очилди. Қамариддин ҳайратда қотди: Фанимуроднинг қаллиғи енгил кўйлакда, соchlари ёйик ҳолда кўзларини чақчайтирганича унга рўпара бўлган эди. Қамариддин киздан кўзларини олиб қочди. Қиз унга тикилиб қарай-қарай, бирдан чинқириб юборди-да, бетларини кафтлари билан тўсди. Кейин йигламсираганича тисарилди. Сўнг яна бир қичқирганича кўча томон отилди. Қамариддин ҳам Шамсибек ҳам ҳеч нимага тушунмай, бир-бирларига савол назарлари билан қараб қолишиди. Дам ўтмай қиз югуриб

кетган томондан унинг қаҳ-қаҳ отиб кулгани эшитилди. Шамсибек қизнинг ақлдан озганини англади, бирок «нима сабабдан?» деган саволига ўзи жавоб тополмади. Бу орада ичкарига олиб ўтувчи эшик оғзида хассага таянган қария кўринди. Шамсибек шошиб бориб уни қўлтиғидан олди. Эски кигиз тўшалган супага ўтиришди. Фотиҳадан сўнг қария бошини ҳам қилди.

– Тинчликми? – деб сўради Шамсибек хавотир оҳангидা.

Қария «кандай кунларга қолдик?» дегандай афсус билан бош чайкади.

– Юрагим сезган эди, – деди Қамариддин. – Ҳаромнамаклар томониндан бир фитна қилинган кўринадир.

– Ҳа, – деди қария, – аслида, сизлар билан кетаверишса бўларкан. Мен бу одамларда иймон бордир, деб ўйлабман. Ахир улар ҳам мусулмон бандалар-ку?! Нега Раббимдан кўркишмайди?!

Қария аламли савол беришга берди-ю, жавоб кутмади. Мехмонлар унинг қандай воқеа юз берганини айта бошлишини кутишди. Қария чуқур хўрсиниб кўйиб, гапини давом эттириди:

– Ахмадбойвачча йигитлари билан келиб шўримизни куритиб кетди. Ганимуродни Худо асрари. Лекин... ҳали ҳам хушига келганича йўқ. Иссиғи баланд, фақат алаҳсизайди. Ур-йиқитда нима бўлганини билолмадим. Оёғим лат еган кўринади, шу боис дарров чиколмай, сиз азизларни мунтазир қилиб кўйдим, айбга буюрмайсизлар.

– Арзга бормадиларингми? – деди Қамариддин.

– Кимга? Азозил қачон одамга раҳм қилибди экан?

– Қани, почангизни химаринг-чи, – Шамсибек шундай деб шишиб қолган оёқ бўғинларини ушлаб кўрди. Тўпикни ва тўпикдан бир қарич юкори суякни ушлаганида қария оғрикнинг зўридан инграб юборди.

– Этик билан тепишганга ўхшайди?

– Эҳтимол шундайдир, таксир, аёллар ётган уй остонасига йиқилганимни биламан.

– А? Аёллар хонасига ҳам киришдими? – Қамариддин-нинг ғазаб жоми қайнаб, тишларини ғижирлатганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Қария яна жимиб қолди. Кейин титроқ овозда давом этди:

– Қизнинг ахволини кўрдингиз... Ўшандан бери шундай: туз тотмайди, телбалик илашиб қолди бечорага.

– Астағфируulloҳ! Бундан бўлак шаҳкорлик ҳам бўладими?! Бокирани зўрламоқнинг жазоси – ўлимми? – Қамариддин Шамсибекдан тасдиқ ишорасини кутди.

– Худо хоҳласа, Раббимнинг ғазабига учрайдилар, – деди қария оғриқдан инграб. Лекин Қамариддин савонни Шамсибекка берган, жавобни ундан кутарди.

– Жазо бир – ражм! – деди Шамсибек, сўнг қатъий оҳангда кўшиб қўйди: – Тошбўрон қилиниши шарт!

Қамариддин тушундим дегандай ўрнидан турди.

– Работдагиларни олиб қайтаман. Келганимизни бошқалар билмай турсин.

Қамариддин кетгач, Шамсибек яна қариянинг қўлтиғига кирди. Уй эгаси овоз бериб, номаҳрам эркак кираётганидан хотинларни огоҳ қилгач, ичкарига қадам қўйдилар. Шамсибекнинг гапи билан мўйсафид кампирига от ёғи билан қўй пўстагини олиб келишни буюрди. Кейин Фанимурод ётган хонага киришди. Йигит чалқанча тушиб ётар, ярим очик кўзлари маъносиз бокарди. Шамсибек унинг билагини ушлаб, томир зарбларига диққат қилди. Кейин мижжасини қайириб кўрди. Сўнг бошини эҳтиётлик билан силади.

– Бошига қаттиқ нарса билан уришибди, – Шамсибек шундай деб полвон йигитни мук тушириб ётқизди-да, умуртқа суяги бўйлаб қўл юргизди. Белга келганда кафтини бир-икки енгил босиб кўрди.

– Бели лат ебдими? – деб сўради қария хавотир билан.

– Ҳа... – бел синганини айтишни лозим кўрмай, – бирозгина, – деб юмшатиб айтди-ю, қариянинг хавотирли нигоҳига қарашга ботинмади. Бу орада кампир буюрилган

от ёғи билан пўстакни оstonага қўйиб кетди. Шамсибек қарияни ётқизиб, оғини ёғ билан обдан силади-да, пўстакка ўраб қўйди.

— Энди камроқ юра турасиз. Пешинда бир муддат офтобга солиб, кун тиғга келганда кўчанинг кўпчиғига ботириб ўтирасиз. Шу тупроқ зарб захрини тортиб оладир. Йигитлардай чопқиллаб кетадиган бўлурсиз, — деди Шамсибек ҳазил оҳангига. — Кузнинг салқини тушгунча яланг оёқ юраверингиз. Шунда бод деган иллат яқинлашмайди.

— Илоҳи кам бўлманг, тақсир. Устозингиз барака топсин. Фанижонга ҳам дори-дармон қиласизми?

— Ҳа, албатта. Фанижон муолажага муҳтож, — Шамсибек шундай дегач, ташқи ҳовлига чиқиб супага ўтирди. Кўз олдига ўлимни бўйнига олиб, девор тагида мағрур ўтирган йигит, ҳарифини даст кўтариб ерга урмай, аста қўйган танти полвон келди. Аллоҳдан унга шифо тилади. Кўчада арава филдиракларининг ғижирлаши эшитилгач, ўрнидан турди. Аёллар аравада, Қамариддин билан икки полвон йигит отда келишди. Қолган йигитларни Қамариддин нечундир қишлоқ пойида қолдирибди.

Қамариддин совут кийган, елкасига чочий камон, белига қизил-чармдан тикилган садоқ ва муруссасъ ханжар осиб олган эди. У энди даврада кураш тушувчи полвонга ўхшамасди, афтидан, чинакам жангта шайланган эди. Полвонларнинг аёллари ичкари ҳовлига киришгач, кўшни қарияни чакириб, Фанимуроднинг дўстларини хабарлашга жўнатдилар. Шамсибек Қамариддин билан икки полвон йигитни бошлиб Фанимурод ётган уйга кирди.

— Жароҳати оғирми? — деди Қамариддин полвоннинг ҳаракатсиз ётишини кўриб.

— Хасталикка бундай ташхис қўйган ҳакимлар муолажани бенаф деб келгандар. Лекин... Аллоҳ ғайб хазинасидан шифо берар бўлса, ҳар қандай хасталик чекинади.

— Табобат ожизми?

— Аллоҳ шифо беражак бўлса, табобат бир сабабчи холос. Аллоҳ Фанижоннинг жонини сақлаб қолибди, шуни-

сига шукр, бу ёғига умид яна ёлғиз Раҳмон ва Раҳиймнинг ўзидан, – Шамсибек шундай деб енгларини шимарди.

Унинг сўзи билан бир йигит полвоннинг оёқларини, иккинчиси елкасини ушлаб турди. Шамсибек Ғанимуроднинг бўйнидан бошлаб, умуртқа бўйлаб аста-аста силаб-силаб тушди-да, белга келганда ҳаракатни секинлатди. Ниҳоятда авайлаб-авайлаб силай туриб, кутилмаганда бир зўр берди. «Қирс» этган товуш эшитилди. Полвон қаттиқ бакириб юборди-ю, дарров тинчиди. Пешанасидан совуқ тер чиқди.

Шамсибек муолажани тутатгунга қадар қишлоқ йигитлари йиғилишди. Уларга қишлоқ пойида қолган полвонлар ҳам қўшилишгач, Аҳмадбойваччанинг қўргони томон юрдилар. Қўргон атрофида ўн чоғли йигитни қолдириб, дарвозани қоқишиди. Дарвозани очган хизматчи отлиқ сипоҳ ва нотаниш йигитларни кўриб, тезда орқасига қайтди-да, бойваччани чақирди. Аҳмадбойвачча машъала ёруғида Қамариддин билан Шамсибекни дарров таниди. Шахриёрнинг муҳри босилган ёрлиқ билан юрувчи бу зотларни кўриб юраги ўйнаб кетди. Вужудини кўркув босиб, қочишни хаёл қилди-ю, лекин чорасиз ахволдалигини англаб сир бой бермади. Мехмонлар ташрифидан қувонгандай жилмайганича салом бериб, таъзим қўлганича уларни ичкарига таклиф этди. Қамариддин билан Шамсибек бир-бирларига «қани, арқонни узунроқ ташлайверайлик-чи, бунинг қандай найранглари бор экан?» дегандай бир-бирларига маънодор қараб олдилар-да, остона ҳатлаб ичкари қирдилар. Аҳмадбойвачча эса хизматчиларини чорлаб, шийпонга жой қилиш, дарҳол қора қўчкорни сўйиш ҳақида фармон берди. Қамариддин ҳовли ўртасида туриб олиб фармойишлар бераётган бойваччага нафрат билан қараб турди-да, «арқонни узун ташлаш»га тоқати етмай уни тўхтатди:

– Кўпам беҳаловат бўлмасинлар, бойвачча. Бизнинг вақтимиз зик. Қани, мундайроқ келинг. Сўрайдурган гапларимиз бор.

Совуқ оҳангда айтилган бу гаплардан кейин бойвачча яна қочишни хаёл қилиб атрофга жавдираб қаради. Булар-

нинг чангалидан кутулиб қолиши маҳол келганини англаб яна бўшаши.

– Бош устига, таксир, – деди жилмайишга харакат қилиб. Бу жилмайишда мамнунлик эмас, жазо арафасидаги талваса булутининг сояси бор эди.

– Фанипольвонникига кимлар билан бординг?

Юкори мартабали зотнинг совук оҳангда сенсирашга ўтиши яхшилик аломати эмаслигини сезган бойваччанинг баданига титроқ юурди:

– Қачон, таксир? – деди талмовсираб.

– Тулкилик қилма-да, номларини бирма-бир айт!

Аҳмадбойвачча унинг қаҳрли қарашидан чўчиб, озги на тарафдудланди-ю, кейин тақдирга тан бериб, бир қанча одамларнинг номларини айтди. Ташқарида қолган полвонлар кочишга уринган икки одамнинг қўлларини қайриб, ҳовлига кириб келдилар. Қамариддин полвонларга «яна қочириб юбормаларинг», дегандай им қоқиб, сўнг ғазабли нигоҳини бойваччага қадади:

– Муслимхўжанинг қизи сенга зўрлаб никоҳ қилинган экан. Қочмоқчи бўлганини эшлитиб уни талоқ қилган эдингми?

– Ҳа, таксир, шундай бўлиб эди. Мен шариат қоидала-ридан четга чиқмадим.

– Демак, сиз у қиз учун номаҳрамсиз, шундайми? – деб Шамсибек сўрокка қўшилди. – Номаҳрам бўла туриб бокира кизга тегиниш ҳам сиз билган шариат қоидаларига кирадими? Жавоб беринг! – Бойвачча бош эгганича индамай тураверди: – Биз билган шариатда сиз жазога лойиксиз. Қандай жазо эканини ўзингиз айтинг-чи!

Бойвачча бирдан тутқаноғи тутгандай ув тортиб Шамсибекнинг қаршисида тиз чўкди.

– Менда айб йўқ, таксир. Номус-оримни поймол қилгани учун полвондан ўчимни олишим керак эди, ичкарига кирмадим.

Қамариддин унинг талвасасига аҳамият бермай, баланд овозда, кескин оҳангда сўради:

– Бўлмаса кимлар?

Бойвачча яна ҳалиги исмларни қайтарди. Қамариддининг фармони билан йигитлар бойвачча тилга олган одамларни олиб кетгани кетишиди. Қўшни чол эса қозининг уйи сари йўл олди.

Тун яримлаганда гуноҳкорлар ҳам, қози ҳам олиб келинди. Ҳовлида чақирилмаган одамлар ҳам пайдо бўлишиди. Қамариддининг ҳайбати барчаларини саросимага солди.

– Таксир, аввал бир сўроғимга дини ислом номидан жавоб бергайсиз, – деб Қамариддин қозига юзланди. – бокиранинг номусини булғаган кимса қандай жазога лойик?

Қози бир Аҳадбойваччага, бир Қамариддинга қараб, худди воқеалардан бехабардай салмоқлаб гап бошлиди:

– Агар зинокор уйланмаган бўлса...

– Зинокорнинг иккита хотини бор, – деб унинг гапини кесди Қамариддин.

– У ҳолда... – қози ҳақиқатни айтса Аҳмадбойваччадан балога қолишдан, айтмаса Худонинг ғазабига учрашидан кўркиб чайналди. Сипоҳнинг қаҳрли нигоҳи тўғрисини айтмокқа мажбур қилди: – Бундай зинокорнинг жазоси бир – ўлим.

– Дуруст, таксири, у ҳолда нечун бу фасод дўзахилар ҳамон ҳаёт?

– Сўзингизни англамадим, таксири?

– Яхши англаб турибисиз, – деб шитоб билан давом этди Қамариддин. – Бу ҳаромнамакларнинг полвонни жароҳатлаб, яна номаъкул ишлар қилганини шу кишлоқда яшай туриб наҳот эшитмаган бўлсангиз? Агар бу воқеа узок шаҳристонда юз бериб, сиз хабарсиз қолсангиз, ажабланмаган бўлур эдим.

– Ўлимдан хабарим бор, омма бу гаплардан мутлақо хабарим йўқ, – деди қози қайсарлик билан.

– Бу қасамингизга мен ишона қолай. Ҳўп, аввал эшитмаган бўлсангиз, ана, хабар топдингиз. Булар айбларига иқрорлар. Сиз фатво беринг, хукм чиқаринг.

- Шу тобдами?
- Ха, айни шу тобда.
- Мен фатво беролмайман, тақсир.
- Нечун?
- Бундай фатвога қози ул-қузот ризолигини олмоғим даркор.
- Ганиполвонга ҳукм чикарганингизда ҳам ризолик олиб эдингизми?

Жавоб бұлмади. Ганиполвон у билан баҳслашиб үтирумай ўз ҳукмини әйлон қилди:

– Машъалалар ёқисин! Қишлоқ ахлини үйғотинг, ҳукмимизни барчага етказинг: мухтийларни ҳазрат шаҳриёр номлари ила қатл этгаймиз. Бокираға тегинганлар белига қадар ерга күмилиб, сұнг тошбүрөн қилинадир. Бегунох бандага азоб бериб жароҳат етказғанларға юз дарра, мухтийларнинг жаройимини беркитгандарға йигирма беш дарра...

Бу ҳукмни эшитиб қозининг күзлари олайиб кетди:

- Ҳуқукингиз йўқ! – деди у жонҳолатда.
- Ҳазрат шаҳриёрим ноҳақлик содир бўлган ерда ҳак ўрнатиш лозимлигини буткул лашкарларию уламоларига уқтирганлар. «Қозилар қўли шариат ҳукмлари ижросида бақувват бўлмоқлиги даркор», деган амри олийга буйин-сунмаганингиз учун сиз жаноб эллик даррага лойиксиз!

Қозининг лаблари пирпираб, бир неча нафас худди тилдан қолғандай бўлди. Кейин бирдан кўзлари ёниб, жазавага тушиб бақира кетди:

– Мусулмонлар, бу осийлар султон Улуғбек номи билан дини исломни поймол қилиб, шариат ҳукмларига тил теккизмоқдалар. Қараб турманглар, мусулмонлар. Худонинг ғазабидан кўркинглар! Ким осийни тўхтатмас экан, унинг ўзи ҳам осийдир!

Атрофда қозининг жазавасини қўллайдиганлар топилмади. У жазавани бемаврид бошлаганди. Унинг қуткусига учувчилар ҳали уйғонишмаган эди. Қамариддин унинг бақиришига парво килмай, «боғланг» деб буюрди. Дам ўтмай ногора овози янграб, қишлоқ үйғонди. Барча қишлоқ

четидаги ўша майдончага тўплангач, айборларни ҳайдаб боришиди.

– Ўртага гулхан ёкишсин, – деди Шамсибек.

– Нечун? – деб ажабланди Қамариддин. – Бу тўй эмас-ку!

– Тўй бўлмаса ҳам тўйга еткулик. Қишлоқ ножинслардан тозаланяпти.

Шамсибек айтгандай бўлди: гулхан ёкилди. Аввал даррага буюрилганлар насибасини олди. Кейин ўлимга хукм қилинганлар белларига қадар кўмилдилар. Шунда орага бирдан сукунат чўкди. Биринчи бўлиб тош отишга журъат килувчилар йўқдай эди. Сукунат узоқ чўзилмади. Тўпланганлар орасидан ўрта ёшли бир одам чикиб қўлига тош олди. Буни кузатиб турган бойвачча жон аччиғида ўкирди. Оломоннинг тинчлиги бузилиб отилаётган тошларнинг кети узилмади...

Хукм ижро бўлгач, тошни биринчи бўлиб отган кимса Қамариддин қаршисига келиб тиз чўкди.

– Тақсир, мен Муслимхўжаман. Мени ҳам ола кетинг.

– Касбингиз нима?

– Накқошман, ўймакорман, тақсир.

Қамариддин Шамсибекка қараб олди:

– Сизни олиб кетиш-ку бизга малол келмайди, – деди у иккиланиб, – қизингизнинг аҳволи...

– Бўлмаса нима қиласай? Қишлоқда бош кўтариб юролмайман. Эртага бу гап бутун музофотга тарқалади.

– Бир акллашиб кўрайлик-чи...

Одамлар тарқалишиди. Шамсибеклар ҳам қўнган уйларига қайтишиди. Кампир супага дастурхон тузаб қўйган эди. Чой дамланди. Лекин томокларидан ушок ҳам ўтмади. Бир пиёладан чой ичган бўлдилар.

– Фанимуродни нима қиласиз? – деб сўради Қамариддин.

– Олиб кетмоқ лозим. Йўқса, нобуд бўлади, бунда муолажа қила оловчи ҳозики табиб йўқдур.

– Қизни-чи?

– Туни билан шуни ўйладим. Бирон нима демокка фикрим ожиз. Агар Муслимхўжанинг кўчиш фикри қатъий бўлса, балки олиб кетармиз.

– Маъкул фикр...

Оқшом тушгунча шу ҳовлида дам олишди. Муслимхўжа сафар тадоригини бошлаб, кизини излади. Қиз ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ эди. Одамлар «кечаси кичқириб юриб эди-ку!» деб ажабланишар, чор атрофга юборилганлар ҳам куруқ қайтишарди. Шом намози ўкиб бўлинган дамда гузарда шовкин кўтарили:

– Муслимхўжанинг кизи топилди!

– Ўзини ҳовузга ташлаган экан...

– Шишибла кетибди, бечора...

Шамсибек билан Қамариддин то гузарга етиб боргунларига қадар шу гапларни эшишиб боришиди.

Қиз шундайгина ҳовуз лабида ётар, тўзғиган соchlари юзини тўсган, онаси унинг кўксига бош қўйиб дод соларди...

ДАВЛАТ АСОСИДЕК ПОЙДОР БИНО

Дафн маросимига бутун кишлок ахли тўпланди. Тобут сермавж сойда сузаётган қайик каби сўнгги манзилга сузив борди. Қабр устига чойшаб ёйилиб, мурда лаҳадга кўйилаётганда Муслимхўжа ҳушидан кетди. Ёлғиз қизининг қабрига бир ҳовуч тупрок ташлашга курби етмади. Тупрок тортилиб, «Таборак» ўқилётганда ҳам у нест бўлиб ўтиради. Дуодан сўнг суяб турғизиб, уйига бошладилар.

Шамсибекни ҳам, Қамариддинни ҳам полвоннинг такдири ташвишга соларди. Муслимхўжанинг кетиш, ё кетмаслиги ҳам улар учун мавҳум бўлиб колган эди. Эртасига Муслимхўжага бу хусусда сўз очганларида у бошини ҳам килганича «Ёлғизимни кандай ташлаб кетаман, хеч бўлмаса қабрида танҳо қолмасин», деб хўрсинди. Шундан сўнг улар оқшомда Ғаниполвонни олиб, йўлга чикиш қарорига келдилар...

Самарқандга етиб боришгач, барчалари карvonсаройга кўнишди. Фирдавсмонанд шаҳарнинг ғоят обод ва тўқ эканини кўриб, барчаларининг ҳайратлари ошди. Шамсибек шаҳар ҳақида билганларини айта туриб, «Маҳмуд Кошғарий бежиз «Семизкент» атамаганлар», деб кўйди.

Эртаси бомдоддан сўнг Қамариддин келиб, Шамсибекни Кўҳакка бошлиб кетди. Кўчаларда одам сийрак бўлгани учун отларини йўрттиридилар. Давлатпаноҳ суюрғоли бўлмиш кумуш камарли сипоҳни кўрганлар дарров четга чиқиб қуллуқ қилишарди.

Улар Чинний қасрга киришганида сарой аҳли таҳт мулизаматини бажо келтирмоққа шайланиб туарди. Ҳожиб чиқиб, онҳазрат хузурларига Шамсибек билан Қамариддинни чорлаётганини айтгач, уларнинг аксари соқолини силаб, «астағфируллоҳ!» деб кўйди.

Улар ичкари киришди. Таҳт ва унинг атрофи бўш. Улугбек саҳнадаги кичик фаввора ёнида беш ҷоғли одамлар орасида туриб сўз айтгаётган, давранинг ёши бўлмиш нависанда эса супага омонат ўтирганича нималарнидир қоғозга ёзар эди. Афтидан, давлатпаноҳ вазифасини ўташга киришмаган, унинг зар тўнсиз юриши ҳам бунга далолат эди. Мирзо Улугбек қуллуқ қилиб турган Қамариддин билан Шамсибекка қараб кўйди-ю, кейин яна нависандага ўғирилди.

– Кўриб турганингиз у йигит Афлотуну замоннинг¹⁴ набиралари, ҳазрат Шаҳриёрнинг қобилиятли шогирдлари Мирам Чалабий бўладилар, – деди Қамариддин шивирлаб. Шамсибек ниманидир сўрамокчи бўлиб гапга оғиз жуфтлаган эди, Чалабийнинг сўzlари хаёлини тортди.

– Курраи арзнинг Шамс атрофида айланажагини айтаман, деб эдингиз. Бу ҳодисани қандай тафсир этмоқ керак?

– Курраи арз шамс атрофида айланадир, деб тафсир этсан, гўримизга яна ғишт қалашармикин? – Улугбек шундай деб қулди. Унинг кимларни назарда тутганини англаш

¹⁴ Мирзо Улугбекнинг устозлари Қозизода Румийни шу сифат ила шарафлаганлар.

бошқалар ҳам жилмайишди. Улугбек бир неча нафас ўйланыб, Чалабийга юзланды: – Қадим юонон ва кейинги насаро алломалари коинотнинг маркази курра арз, деб тарихда хато баёнларни қолдиришган. Ўн саккиз минг оламни тўлиқ ҳикмати ила яратмиш Аллоҳ таоло ўзининг қаломида Шамснинг ўзи белгилаб берган йўналишда ҳаракатда эканини айтган бўлса-да, ақли қосирлар буни дуруст англамайдилар. Демакким, мундай деб тафсир этсан, у ақли ноқислар тушуниб етишмас, илм ахли англаб етар. Алқисса, шундай деб ёзгайсен: «Парвардигори олам яратган курраи арз мураккаб самовий ҳаракатлар учун таянч бўлгулик қулай нуқта бўлолмаса ҳам, ахли илм то ҳозирга қадар дунёнинг марказини шу деб билурлар...» Буларни ҳаттотларга элт. Оқшомга қадар окқа кўчирсинглар.

Улугбек фармойишларини бериб бўлгач, атрофидагилар таъзим билан чиқдилар. Шундан сўнггина Шамсибек билан Қамариддин султон томон таъзим билан яқинлашишга журъат этдилар.

– Қайтганларингни шомда эшитиб эдим. Бугун хордиқ чиқариб, эрта келарсизлар, деган ўйда эдим. Сафар бехатар ўтдими? – деб сўради Улугбек саломига алик олгач.

– Аллоҳга беҳисоб шукр. Ўзининг паноҳида, сизнинг марҳаматингиз соясида эсон-осон бориб-қайтдик. Фарғона аёлотининг пурдил йигитлари навкарликни ихтиёр қилиб, бизлар билан бирга келдилар. Карвонсаройга қўниб, амрингизга маҳтал бўлиб турибдирлар. Аёлот подшоҳи сизга нома юбормишлар, – Қамариддин шундай деб пойгирни таъзим ила узатди. Улугбек уни очиб, кўз югуртирди. Кейин Шамсибекка юзланди.

– Подшоҳ падари бузургворинг ва волидаи жаҳонингни паноҳига олажагини айтибди. Кўнглунг хотиржам бўлаверсин.

– Куллук, шахриёрим.

– Қамариддин, йигитларга бошпана тайёрла. Маош тайинла. Токи менинг паноҳимда муҳтоҗлик сезишимагилар. Жума куни майдонга чорлаяжакмиз.

– Ҳазрат шаҳриёrim, бир пурдил йигитимиз майдонга чиқа олмас, мажруҳ бўлиб қолгандир.

– Сабаб?

Шамсибек Ганимурод воқеасини қисқа тарзда баён қилди. Улуғбек унинг сўзларини диққат билан эшитиб, қошларини чимирди.

– Бу хасталик яна қанча ғавғоларни бошлар экан? Бунинг шифоси борми экан? – деди Улуғбек таҳт томон юрар экан.

Шамсибек Қамариддин билан кўз уриштириб олиб, сўнг сўрамоққа журъят этди:

– Қайси хасталикни айтасиз, олампаноҳ?

– Мутаассибликни айтаман. Ўлат сингари тарқаб раият тинчини бузяпти.

– Фикри ожизимча, бу хасталик айни авж палласига кўтарилди, ортга қайтмоғи анча мушкулмикин?

– Ҳақ гап... Мулла Шамсибек, сен айтган усулга риоя қилиб дорулшафақа учун ер танланмишлар. Меъмор ҳам саъй-ҳаракатини бошлабдур, бамаслаҳат иш юритилса, айни муддао бўлтур. Аёлотларга хабар юборилмиш, қаерда тиб илмiga иқтидори бўлган ҳаким бор экан, барчалари чорланур ва давлат ажниҳига олинур. Бу ер шунчаки дорулшафақа эмас, боҳтардин то баҳоварга қадарли донг таратгувчи дорулишифоия бўлсун. Бундайин савоб иш учун ганжина дариг тутулмас. Ҳузуримга истаган вақтингда қимтинмай кела беришинг мумкин.

Улуғбекнинг кейинги гапларини қайтиш учун жавоб деб англаб таъзим бажо қилганларича, тисарилишиди. Лекин Улуғбек уларни тўхтатди.

– Дарвоқе, мулла Шамсибек, – деди у, – келар оқшом сен донишманлар сұхбатидан баҳраманд бўлмоғинг даркор, буни унутма.

Шамсибек «бундай сұхбатдан баҳрамандлик мен учун улуғ бир саодатdir», деган маънода куллук қилиб саройдан чиқди: Чилстун яқинида уни меъмор кутиб турган эди. Меъмор ихчам кўк салла ўраган, калта соқолли, ўрта бўй-

ли киши эди. Шамсибек саломлашгач, «кўзим йўлингизда эди», деб изоҳ берди. У сал дудуқланиб гапирав, тили ҳам чучукроқ ғидди. Талаффузига қараганда у самарқандлик эмасди. Шамсибек унинг талаффузига диққат қилса ҳам, қайси музофотдан эканини аниқлай олмади, сўрашдан эса тийилди. Зотан, буни аниқлашга ҳеч бир ҳожат йўқ ғидди. Меъмор ўзини «уста Хидир» деб танишитирди.

– Жой қаердан танланди? – деб сўради Шамсибек.

– Осиб қўйилган гўштлар дастлаб шахристон ичкарисида бузилди. Энг сўнгиси шу ерда айниди. Шахриёр хийла этакроққа, Обираҳмат пойига қуришни амр этдилар. Худди расадхона сингари уч ошъёнлик қилиб тикламоқ ниятимиз бордир.

– Уч ошъёнлик дедингизми? Нечун бундай?

– Сабабики, у ҳам расадхона сингари савлат тўкиб турсин, шахристон чиройини очсун. Кўрганлар ҳайрат ила ёқа ушласунлар.

– Уста Хидир, сўраганимни айбга буюрмайсиз: бинони тикламоқдин мақсад недур?

– Сўровингиз ажабтур: буни мендин кўра жанобингиз дурустроқ билар? «Дорулшафақа» деб айтдилар менга. Шундайми?

– Айни шундай: бунга фуқаро ҳайратдан ёқа ушламоқ учун эмас, шифо умидида келадир. Меъморчилик илмига уқувим бўлмаса-да, бинонинг бир ошъёнлик бўлмоғи маъкул кўринадир.

– Уч ошъёнликда қандай қусур кўрмоқдасиз?

– Дорулшафақанинг бир ошъёнлик бўлмоғи хасталар учун ҳам, ҳакимлар учун ҳам айни муддаодир. Шунинг барабаринда атроф кенг боғ бўлмоғи ҳам зарурдир. Дараҳтлар гўёки шамсия бўлиб қуёшнинг ўтли нафасидан асрайди. Уч ошъёнлиқда хасталар иссиқ кунлари яна бир қадар азобланурлар. Улар учун тепага чиқиб-тушмоқлик ҳам маълодир.

– Бир ошъёнлик бино ажиж-мажиж кунлари хасталарни қийнаб қўйса-чи. Совуқнинг ҳам тепадан, ҳам остдан, ҳам

теразалардан кирмоғи бор. Уч ошъёниң бинонинг ўрта ошъёнида бирмунча исик бўладир. Совуқ факат теразадан кирмоғи мумкин.

– Доно фикр, бироқ, ажиж-мажиж кунлари қисқа, иссик кунлар эса узундир.

– Бу хусусда ўйлаб, мулоҳаза килмоғимиз жоиз экан.

– Ҳакимлар хасталар ётатургон хоналарнинг кенг ва шифти баланд бўлмоғин афзал биладирлар. Токи хасталар тоза ҳавога муҳтож бўлмасинлар.

– Фикрингиз ўринлидир, тақсир. Расадхонага ҳеч йўлингиз тушганми?

– Факат ташқари салобатини кўрдим ҳолос, ичкари кириш баҳти ҳали-ҳануз насиб этмади.

– Шу топда фурсатингиз бўлса, кўрсатар эдим. Кейин бамаслаҳат иш бошлар эрдик.

Бу фикр Шамсибекка маъқул келиб, улар боғнинг юқори томонига, савлат тўкиб турган уч ошъёниң тегарак иморат сари юрдилар. Мармар зиналардан кўтариilar эканлар, меъмор фаҳр билан: «Бино Қиёматда тоғлар сайр килгунига қадар йиқилишу нурашлардан омон бўлгай», деди. То ичкарига киргунларича у расадхонанинг афзалликларини гапириб борди. У «иморат давлат асосидек пойдор, пойdevори эса салтанат қоидасидек устивор қилиб мустаҳкамланган», деганида Шамсибек жилмайиб қўйди. У бу сўзларни жаннатмонанд шаҳристон сари йўл олганида қайнотасидан ҳам эшигтан эди.

Расадхонанинг юқори қисмига айланма зиналардан чиқдилар. Ҳар ошъёнда ўнлаб ҳужралар, ўртада эса издиҳом аҳли учун кенг хоналар барпо этилган эди. Тўккиз фалакнинг ҳайъатию тўккиз осмон шакллари – даражалар, дақиқалар, сониялардан тортиб, то ошираларгача шу деворларда акс этирилган эди. Юқори ошъён деворларида эса айланувчи фалаклар, саббаи сайёр, собита юлдузлар билан курраи арз ҳайъатию, иқлиmlар суратигача дилназир накшлару беназир ракамлар билан чизилган эди. Хоналардаги илми нужумга оид асбобларни Шамсибек илк

бор кўриши эди. Щу боис меъмор «Бу зот ул-самт, буниси зот ул-суқбатайн, наригиси зот ул-хадифа, анавиниси зот ул-ҳалқа, бу эса зот ул-шувбатайн», деб изоҳ берса-да, хеч нарсага тушуммади. Унинг диққатини хитойи хон устида турган китоб тортди: «Китоб фи жавомеъ илм ан-нужум ва усул ал-харакат ас-самовия». Бундан олти юз йил муқаддам ал Фарғоний томонидан битилмиш юлдузлар ҳақидағи илм билан осмон ёритгичлари ҳаракатининг асосини бир-бирига қўшувчи бу китоб таърифини қайнотасидан эшигтан эди.

– Бул каби китобларни ҳазрат шаҳриёр ўсмир ёшларидаёқ хатм қилганлар. Соҳибқирони акбар кутубхоналарини янада бойитиб, китоблар сонини юз эллик мингдан оширмешлар, – деди меъмор.

– Расадхона қуриш режаси шу китоблар мутолааси вактида туғилмиш эркан-да.

– Қисман шундай. Носириддин Тусий ҳазратларининг «Зижи жадиди элхоний» китобларидан хўб таъсиранлимиш эрканлар. Расадхона қуриш истаги Мароғага борган онларида уйғонгандир, дейдилар. Каминага бул воқеани Мирам Чалабий сўзладилар, унга батлимису замон ҳикоя килиб эрканлар. Қизикар бўлсангиз, сизга ҳам баён этмоғим мумкин.

– Мени бағоят хушнуд этган бўлур эдингиз.

– Чағоту нахрининг Урмия кўлига қуйилмиш ерига жойлашган Мароға шаҳри қадимда Озарбайжоннинг бошкенти эркан. Шаҳарнинг бир томонин баланд тоф ўрамиши эркан. Ҳазрати Соҳибқирони акбар бир куни Сароймулхоним ҳазрати олияларига дебдиларким:

– Мароға кўп баҳаво жойдур. Кўп қадим подшохлар қишини унда ўтказишни маъқул кўрмишлар. Шахзодалар билан биргаликда сиз ҳам наврӯз айёмига кадар ўша ерда бўлингиз.

– Бош устига олампаноҳ, – дебдилар ҳазрати олиялари,

– Табризга келганимиздан бери Улуғжон ул кўхна шаҳарни кўрайлик, деб қистайдир.

— Биламан, — дебдилар Соҳибқирони акбар, — менга ҳам айтибдири, Хулакухон курдирган расадхонани кўрмоқ истаги тинчини олмишдир. Борсин, кўрсин.

Ҳазрати соҳибқирон Ширвон ва Гуржистон сафарига бораётиб қартайиб қолган қиссаҳонни Мароғада қолдириб кетмиш эрканлар. Мароғага келгач, Сароймулхоним ҳазрати олиялари унга дебдиларким: «Бул шаҳарда осори атиқалар кўп эрмиш, Ҳамза ила Улуғжонни томошо қилдириб келингиз». «Амрингиз айни муддаодир, бегимпошша, Улуғжоннинг ўзлари ҳам кечадан бери қистаб, ҳоли жонимга қўймайдирлар», деб ул қиссаҳон шаҳзодани кўл томон бошлабдилар. Баланд бир тепаликка чикғонларида доира шаклинда қурилмиш бир бино харобаларига кўзлали тушмишдир. Қиссаҳон тушунтириш бермаса-да, Улуғбек мирзо бу харобалар ўрнида бундан икки юз муқаддам расадхона бўлғонин ўқимиш китоблари орқали билардилар. Бунда юздан ортиқ мунахжим событа юлдузлар ва ўзга осмон ёритгичларининг ҳолат ва ҳаракатларин кузатганлариндан, бунда ўн нафар мукаммал танжим асбоблари бўлганидан ҳам хабардор эрканлар. Бул асбоблар йигирма минг динор эвазига сотиб олингани ҳам ул зотга маълум эркан. Расадхонада бой кутубхона бўлгани, ундаги махтутотларнинг кўпи Бағдод ва Аламутдан келтирилганин Кўксаройдаги китоблар билан танишар чокларида билган эрканлар. Ҳатто бундаги мунахжимлар орасинда чин-мочинликлар ҳам бўлгони, алар эронлик ва туронлик мунахжимларга чинийлар тақвимини тузишда ҳамнафаслик қилғонликларин ҳам билганлар. Ҳазрати шаҳриёр бул харобаларни кўрган онларида кўзларида ёш ҳалқаланмиш эркан. Расадхона қурилмасидан илгари Носириддин Тусий ҳазратнинг йигирма йил давомида зинданда азоб чекканларини билганларида ҳам шу ҳолга тушган эрканлар. Аълоҳазрат, Тангри таоло анинг давлати ва салтанатини улуғласун, қиссаҳондан сўрабдиларки: «Шундай олам мўъжизаси не учун бул ахволга тушмишдир?» Қиссаҳон дебдирларки:

– «Нузхат ул-кулуб» китобининг муаллифи Хамдуллоҳ Қазнавий хижрийнинг етти юз киркинчи йили бил жойни бориб кўрган онларида расадхона вайроналикка юз тутмиш эркан. Ушбуга Султон Абу Саидхон фавт бўлғонидин сўнг эл-юртда бошланмиш ўзаро нифоклар сабаб бўлғондир. Ёинки... зилзилалар оқибатидир, валлохи аълам.

– Зилзила вайрон этганига гумоним бордир, – дебдилар ҳазрати шахриёр. – Битта расадхона нима экан, бутун миллатни вайрон кила оладир бул ўзаро нифок.

Меъмор баёнини нихоясига етказиб, «кандай таъсир этди экан?» деган маънода сухбатдошига қаради. Шамсибек бироз ўйга толиб тургач, унга қараб дедики:

– Нафсилар айтилар бўлса, ҳазрат шахриёрнинг бул гаплари тўлик хикматга йўғрилгандир. Иттифок йўқ эркан, миллат хорланур.

Меъмор бош ирғаб, бу фикрни тасдиқлагач, расадхона хусусиндаги гапини давом этди:

– Аълоҳазрат Мароға расадхонасиининг ҳаробасини кўрганлар, холос. Лекин китобларда ўқиганлари бўйича тархини фаразан тиклай олганлар. Аҳли илм дейдики, Самаркандда тикланмиш бул расадхона барча жиҳатлари бирлан аш-Шаммосиядаги, Касиёндаги, ҳаттоқи Мароғадагисидан кам эмасдир.

Меъмор фаҳр ила шундай деб Шамсибекни айвон томон бошлади. Айвонга чиқаверишдаги бир сурат Шамсибекнинг хаёлини олди. Фалак ва курраи арз тасвиirlари билан банд бўлган расадхона деворлари ичидаги суратнинг чиқиши уни ҳайратда қолдирди. Расмда жанг майдони, шаҳидлар ва мажрухлар тасвиirlangan эди. Олдинда мажрухланган шоҳона кийимли кимса. Унинг ёнида яна бир шоҳона кийимли одам.

Меъмор Шамсибекнинг ҳайратини фаҳмлаб, изох берди:

– Бу тасвир ҳазрат соҳибқирони акбарнинг улуг зафарларидан бирига ёдгорлик бўлиб турсун, деб шахриёрнинг фармонларига кўра туширилмишдир. Соҳибқироннинг ки-

ёфалари аслан эмас, мажоз услуби ила берилибдур. Буниси Эдирна подшохи, турклар «қаҳрамонлар қаҳрамони», деб шарафлаган Йилдирим Боязиднинг Анқара жангиде енгилib, асирга олинган онлари. Соҳибқирони акбар бу ҳоқон билан зўр муҳораба қилғанлари жанобингизга тарихдан маълумдир?

— Эшитганим бор.

— Соҳибқирони акбар муҳолифларининг бу кўйга тушганин билгач, ўzlари етиб келиб кўз ёши тўккан эрканлар.

— Нечун? — деб ажабланди Шамсибек.

— Ҳазрат соҳибқирони акбар дебдиларки: «Раббил оламинга минг қатла шукрким, нуқсонларимизга қарамай, бизни танлаш назари билан тақдирлади. Сизга бўлган ҳурматим бисёр эди. Сиздек соҳибқудратнинг бу аҳволга тушишидан Тангрининг ўзи асрасин», деб эрканлар. Холанки, Боязид соҳибқироннинг ҳурматига нолойиқ эрди. Муҳорабага ўзининг беодоблиги сабаб бўлмиш эрди. Боязид лашкарининг сардори соҳибқирони акбарга итоат этмай, исён қилгач, Озарбайжонга қадар таъқиб этиб бордилар. Исён барҳам топиб, ортларига қайтар маҳалларида Боязидни хасталик олиб кетди. Жон берар маҳалида ҳазрат соҳибқиронга мурожаат қилиб, ҳоқонлик тахтини ўз ўғлига васият қилди. Ҳазрат соҳибқирон, васиятга амал қилиб, шаҳзодани тахтга кўйиб қайтганлар. Бул султон хонадонига ҳам, раиятига ҳам ёмонлик соғинмагандирлар.

Бу хикоядан мутаассир бўлган Шамсибек кўзи олдида мусаввир қилқалами билан тасвири этилган тарих манзараси жонлангандай бўлиб кетди. Яна бироз тикилиб тургач, меъморнинг таклифи билан айвонга чиқди-да, чор атрофга назар ташлади. Бу ердан шаҳристон кафтдек кўриниб турарди. Улар шу ерда туришганида пешин намозига аzon чақирилди. Пастга тушиб, расадхона ахли билан намоз ўқидилар-да, шаҳристонга қайтдилар.

Қамариддин пурдил йигитларнинг оилаларини жойлаштириш билан банд эди. У Шамсибекка Шоҳизинда даҳасидаги бир уйни ҳозирлаб кўйганини, Ганимуродни

сарой хизматчиларидан бири панохига олганини айтди. Күчлар аравага ортиб қўйилгани учун карвонсаройда ортиқча тўхтадмадилар. Шамсибек ички-ташқилик чоғроқ ҳовлига жойлашди.

Янги уй Махфузага ёқинқирамаса ҳам, эрига индамади. Хоналар тор ва паст, ҳовли саҳни йигирма-ўттиз одамни баъзур сиғдира оладиган бу уйда унинг нафаси сиқилган-дек бўлди. Шамсибек завжасидаги бу ўзгаришни сезди. «Кўнишиб кетажакдир, – деб ўйлади ўзича. – Қишлоқда кенг уйга, чорбоққа ўрганиб қолган. Бу тор ҳовлидаги биргина дараҳт офтобда қовжираб турибдир. Қизик, Ҳақ таоло бандалари учун жаннатмонанд ерларни ато қилган. Бандалар эса шундайин жойларин ташлаб, тор, сиқиқ ерларда яшайверадилар. Шаҳристон оҳанрабоси бормикин? Бунда мен каби бир мажбурият ила кўчиб келганлар кўпмикин ёки ўз ихтиёрлари ила яшамоқни афзал билганларми? Булар банданинг эмас, Яратганинг хоҳиш-истаги билан бўлар бўлса, на илож...»

Махфуза ҳамон тугунлар олдида ўтирар, бошидаги рўмоли елкасига тушган, чарос кўзларида ҳорғинлик бор эди... Иссиқдан безовта бўлиб инжиқлик қилаётган ўғлининг бошини-силаб, рўмелининг уни билан елтириди.

– Ичкарига кирайлик, уй салқинроқ, – деди Шамсибек катта бир тугунни қўтариб. Махфуза боласини қўтариб, унга эргашди.

... Шербек заргар Бухоро мадрасасида таҳсил кўрган донишманд киши эди. Соҳибқирони акбар ҳаётлик чоғида бир неча муддат Самарқандда ҳам истиқомат қилган, ундан сўнг қўтарилган низолару тўс-тўпалонлардан безор бўлиб, Булоқбошига қайтган, шу ерда оила қурган эди. Исмоилбек заргар билан бирга улғайган, шу боис тўнғичи Шамсибекни унинг тарбиясига инониб топширган эди. Шамсибек ҳазрат шаҳриёрнинг назарига тушган барча фазилатларини шу устозидан олган эди. Абдулваҳобнинг хонадонидан совчилар келган дамларда Шамсибек билан Махфуза ширин орзуладан қанот қилиб, баҳтиёрлик са-

мосида учиб юрардилар. Эшикка совчилар қадами текканидан хабар топган қиз аждаҳо домига тушгандек оҳурди, «отамни адашишдан асра», деб Аллоҳга мунојотлар килди. Унинг бахтига биринчи сафар ҳам, иккинчи сафар ҳам заргар совчиларга рад жавобини бераверди. Биродари Исмоилбекнинг хонадонилан садо кутди. Бу кутлуғ хонадондан совчи келган куниёқ патир синдирилди. Қиз билан йигит чимилдиққа кириш онларини ҳам ширин кўркув, ҳам соғинч билан кутган эдилар...

Орадан уч йил ўтгач, энди тақдир уларни бегона бир ерга олиб келиб ташлади. Махфузга бунинг яхши ёки ёмон эканини билолмайди. Яхши деса, мусофирлик заҳматларидан чўчийди. Ёмон деса, умр йўлдоши султоннинг кутлуғ назарига тушиш бахтига мұяссар бўлган. Шунинг учун у нолиш ёки ношукр сўзлар айтиш билан эрининг кўнглини оғритиб кўйишини истамасди.

Улар бордон тўшалган уйга намат solaётганларида офтобда қорайган бир болакай эшик оғзида кўринди. Кўлида коса. У ичкарига киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмай иккиланганича турарди. Шамсибек ташқарига чиққанида бола ёшига ярашмаган дўриллаган овозда салом бериб косяни узатди:

- Энам бердилар, – деди
- Эшикларинг қайси? – деди Шамсибек, унинг кўлидаги чиннини олар экан.
- Қайси эшик? – Бола Шамсибекнинг сўзига тушунмай, ажабланди.

Шамсибек Андижонда «ҳовли-жой»нинг «эшик» деб аталиши бу ердагиларга тушунарсиз эканини англаб хатосини тузатди:

- Уйларингиз-да, – деди кулимсираб.
- Наригиси, – деб бола ўнг томондаги ҳовлини қўли билан кўрсатди.
- Раҳмат айтдилар, дегин, хўпми?

Бола «хўп», деб изига қайтди. Оқшомга яқин яна икки қўшнидан овқат чиқди. Шундан сўнг Махфузанинг кўнглига чироқ ёқилгандай бўлди.

– Күшнилардан ёлчисак, мусофирик тузи шүр ботмас, – деб күйди.

Шамсибек тонгда рўзғор ташвишида бозорга кетди. Пўлотий нондан, мева-чевадан олиб, уйига қайтишда Абдулваҳобни кўрди. Ёнида отаси...

– Бир ҳафтадан бери кўзларимиз йўлингизда, – деди Бойбува салом-алиқдан сўнг. Соч-соқоли олинган, кулоҳ-жанда ўрнига дўппи ва оқ яктак кийган Абдулваҳоб Шамсибек билан совуқроқ кўришди. Буни сезган бойбува ўғлига хўмрайди-ю, индамади. Кейин Шамсибекка жилмайиб қараганича деди:

– Кўлингиздагини уйга ташлаб чиқсангиз-да, сўнг бирга-бирга нонушта қиласак.

Шамсибек уларни уйга таклиф қилди. Бойбува «янги рўзғорсизлар», деб унамагач, қўлидагиларни ташлаб чиқди.

Улар карвонсарой этагидаги чойхонага боришли. Абдулваҳоб йўлда ҳам, келиб ўтиришганда ҳам оғиз очмади. Бойбува орадаги совуқ сукунти қувиш учун турли мавзуларда гап очар, Шамсибек эса жимгина тинглар, лозим бўлган тақдирдагина бир-икки жумла сўз айтиш билан чекланарди. У қаршисида тунд бўлиб ўтирган сабокдошига қараб ўйланарди: «Унда ўз бахтидан бўлак барча нарса муҳайё. Мол-дунё бандага бахтиёрлик қасрини қуриб беришдан ожиз экан-да? Илгари у варрак ясашни билмасди. Уқувсизроқ эди. Аммо қишлоқдаги энг яхши варракни бир бурда зоғора нон эвазига сотиб олиб кўз-кўз қиларди. Энг баландга кўтариладиган варрак Абдулваҳоб бойваччанини эди. Бахт варрак эмас экан. Уни сотиб олиб учириш ҳали ҳеч кимга мұяссар бўлмаган. Бойбува муддаосини айтишга истиҳола қиляпти. Сезиб турибман... Мен улар учун яланг-оёқ бир бола эдим... Ҳаёт катта шикорга, бандалар эса сайёдга ўхшар эканлар. Сайдни қувишда ким баъзан ўзади, ким ортда қолиб кетади. Кимнинг ўқи нишонга боради, кимники йўқ... Сайд ортидан қувишда қанча йўқотишлар бўлади... Абдулваҳоб қанча йўқотди? Яна қанча йўқотади? Мен-чи? Жавобга ҳисоб ожиздир... Аллоҳнинг ҳар бандада

си дақиқа сайнүүнүң йүүкотиб, ҳеч ким билмаган бошқа одамга айланиб боради. Фақат шакли-шамойили билан бир-бировини танийди. Узок йиллар күришмаса, танимай қолиши ҳам шубхасиздир. Шу тобда қайта танишмоқ лозим. Нечун? Яна йүүкотиш учунми? Абдулваҳобни, гарчи у мен учун азиз бўлмаса-да, икки марта йўюнотдим. Бойбува бугун бизни қайта топиштироқчилар... Йўқ... ҳаёт сайд ортидан қувишига нисабатан анча мушкулроқ...»

– Мулла Шамсибек, келишимизнинг боиси сизга аён бўйса, эҳтимол. Сиз ҳам ўғлим қатори ўғлимсиз. Оппоқ соқолим хурмати, айтар сўзларимни инобатга олурсиз...

Бойбува муддаога ўтаётгани учун Шамсибек хаёллари оғушидан қутулиб, унинг гапларига диққат қилди:

– Мирзо Улуғбек Кўрагон ҳукмдорлиги кунларида Мовароуннаҳр раияти зулм зулматидан адлу эҳсоннинг оби-ҳаёт чашмасига етишди. Ва барча ҳалойиқ омонлиқ бўстони ҳам фароғат чаманида ором олди. Бу Худога ҳам, бандасига ҳам маълум ва манзур. Ақли нокис дўстингиз бу марҳаматни кўзларига тўтиё қилмоқ ўрнига гумроҳлик йўлини аъло топган экан, мени ризо қилмаса, Худонинг ғазабига учрагай, астағфируллоҳ! Ўтган гуноҳлари учун узр сўраса, аввали ёлғиз Тангри таоло иродаси, қолаверса, давлатпаноҳнинг истаги билан яна итм олмоқ баҳтига етишурмикин?

Бойбува жим қолди. Шамсибек жавобга шошилмади. Бир неча нафасдан сўнг бойбува яна гапира бошлиди:

– Умрим афсонаси охирлаб қолди. Ажал шамоли умидим сомонини ҳам, умр донасини ҳам совуряпти. Кўзим очиқлигига орзу-ҳавасим ушалса, деган ёлғиз умид билан яшаяпман. Яхшилик ерда қолмайди, ўғлим. Бизга кўрсатган лутфу карамингиз, Худо хоҳласа, ўн чандон бўлиб ўзингизга қайтади.

– Бойбува, қандай лутфу карамни айтяпсиз, муддаони англамай турибман?

– Муддао шулки, – Абдулваҳоб сўз бошлиб, ижозат сўрагандай отасига қаради, «гапиравер» деган маънодаги кўз ишораси бўлгач, ланжроқ оҳангда давом этди. – Мадраса таҳсилига қайтмоғимга мударрислар рўйхуш бермамишлар.

Шаҳриёр ҳузурида ўзим узроҳлик қила олмайман. Орамизда воситачи бўлинг. Мен фарзанднинг бурчи – отанинг ҳиммат ва равишига яхши мutoибат қилиш эканлигини англашим. Буни амалга оширмоққа ёлғиз сиз кўмак бера оласиз.

– Агар олампаноҳ ҳузурларига кириш насиб этса, фурсат топиб, мадрасага қайтиш истагингизни етказарман. Ҳоланки, илм олмоқликка фақат истакнинг ўзигина кифоя килмас. Сиз бу хусусда ҳам фикр юритиб кўрдингизми?

Савол Абдулваҳобга карата берилган эди. Лекин унинг энсаси котиб, жавоб бергиси келмай юзини бурди. Орага соувклик тушиб қолишидан қўрқкан Бойбува гапга аралашди:

– Ўғлим, ҳақ сўзни айтдингиз. Лекин мадраса эшигидан ҳар вакт зукко ва алломалар чиқавермайди-ку! Абдулваҳоб биродарингиз хатми кутуб қилса бас, алломаликка даъвоимиз йўқдир бизларнинг.

– Узрларингизни ҳазрат шаҳриёрга етказиш ҳаракатидан бўйин товламасман. Бирок Абдулваҳобнинг мадраса таҳсилига қайтмоғи хусусида бир сўз дея олишга алҳол ожизман. Шу тобдаги ваъда даштда овланмаган оҳуни сизларга бағишлиш каби бўлиб коладир.

– Албатта, албатта. – Бойбува шундай деганича хуржундан халтacha чиқариб Шамсибекка узатди: – Ўғлим, бу тангаларни олиб қўйинг. Харажотларга яратарсиз...

– Шаҳриёр ҳузурида узроҳлик қилмоқликнинг қандай ҳаражоти бўлмоғи мумкин? – деди Шамсибек ранжиб.

– Сўзимни тўғри англамадингиз, ўғлим, Абдулваҳобнинг каму кўстидан хабар олиб турармикинсиз, деб эдим. Биродарингизни сизга инониб ташлаб кетажакман.

– Бойбува, Абдулваҳоб сағир эмасларки, мен бир васий бўлиб, унинг каму кўстидан боҳабар бўлиб турсам. Ўзларига колдираверинг. Камхаржликдан қийналсалар, у ҳолда хабардор бўлиб туришимиз ўринли.

Бойбува унга савол назари билан қараб тургач, халтачани яна хуржунга солиб қўйди.

– Агар карвон йўлга чиқса, эҳтимол, бугун Самарқандни тарқ этарман. Кузнинг нафаси келиб қолди. Сизга ишониб кетяпман.

Нонушта баҳонасида айтилмоқчи бўлган гаплар тугаб, ортиқча ўтиришга ҳожат қолмаган эди. Бойбува фотиҳага кўл очди.

Шамсибек уйга қайтгач, МахфузАбдулаҳобларнинг муддаосини сўради. Воқеани билгач, «Шундай қилмасангиз бўларди», деди хавотирли оҳангда.

– Эски гиналарни унутмаслик гунох, – деди Шамсибек, уларнинг совчи қўйғанларига шама қилиб.

– Менинг кин-кудуратим йўқ. Қишлоқнинг каттаю кичиги уларнинг биронта хайрли ишни эсламайди. Диллари тоза эмас-да, буни ўзингиз ҳам яхши биласиз-ку?

– Бу гапларга энди ҳожат йўқдир. У айбларига икрор.

Шу билан тонгти меҳмонлар хусусидаги гапга нуқта қўйилди. Шамсибек пешинда Бибихоним масжидига чиқиб, ундан сўнг Кўҳак сари юрди...

Пуштаи Кўҳак доманасига яқинлашганида Қамариддинга дуч келди.

– Ҳазрат шаҳриёр бу кеча базм қуриш ихтиёридалар. Пурдил йигитларни майдонга чақиурмиз, – деди Қамариддин омонлаша туриб.

– Мен ахли урфон мажлисга тўпланар деган хаёлда эдим, – деди Шамсибек афсус оҳангиди. Дарҳақиқат, у сulton зиёфатидан баҳраманд бўлишни ўйламаган эди.

– Бўлса бордир... Эҳтимол, базм мажлисдан сўнгдир, – деди Қамариддин мавҳум қилиб. Кейин шошиб турганлигини баҳона қилиб, отига енгил қамчи урди.

Қаср атрофида Шамсибек танимайдиган одамлар қўп эди. У ётсираб, четроқда турган эди, ихчам салла ўраган хушрўй йигит яқинлашиб, салом берди. Шамсибек кечаги куни олампаноҳга нависандалик қилган Мирам Чалабийни бир қараашдаёқ таниб, кўнгли чароғонлашди.

– Мен Маҳмуд ибн Муҳаммаддурман¹⁵, шайх-ул-уламо¹⁶ сизни кутиб олишни каминага топишириб эдилар. Узрким, ташрифингиздан бехабар қолибман.

¹⁵ Чалабийнинг асл исми.

¹⁶ Олимлар устози.

– Такаллуфингиздан бошим кўкка етибдир. Агар янглишмасам, хазрат шаҳриёр улуғ бир мажлис курмокни ихтиёр этган кўринадирлар.

– Айни рост, янглишмадингиз. Қани, марҳамат килсунлар...

Бу дамда бошқалар ҳам қаср томон йўл олдилар.

Қаср олдиаги майдончага бир доира қилиб гиламлар, гиламлар устига эса якандозлар ва дастурхонлар тўшалган, дастурхонлар усти шоҳона тарзда – ноз-неъматлар билан тўла эди.

Келганлар ўз иззатларига яраша жой танлаб, ўтирилар. Шамсибек пойгакдан жой олди. Мирам Чалабий уни бироз ёлғиз қолдирди. Кейин қайтиб келиб, унинг ёнига ўтириди. Қаср томонда Мирзо Улуғбек кўриниши ҳамон барчалари ўринларидан туриб, саломга шайландилар. Олампаноҳ саломларни қабул этгач, яна қайта ўтирилар. Ҳамма шаҳриёрнинг сўз айтмоғини кутиб, сукут саклади. Улуғбек жойига бориб ўтириди-да, даврага назар ташлаб, Али Қушчига кўзи тушмагач:

– Ўғлим Алоуддин Муҳаммад нечун кўринмайдир? – деб суради.

Мирам Чалабий илдам ўрнидан туриб қуллик қилди ва:

– Батлимуси даврон расадхонада андак тутилиб қолмишлар. Дақиқа ўтмай етиб келурлар, иншааллоҳ, – деди.

Улуғбек «яхши» дегандек бош иргаб, «дастурхонга марҳамат қилинсун», деб кўйди. Йиғилганлар гуруҳ-гурӯҳ бўлишиб паст овозда ўзаро гаплаша кетдилар. Шамсибек Али Қушчининг келишини алоҳида қизикиш ила кута бошлади. У хизматкорлик чоҳидан алломалик мартабасига кўтарилиган донишмандни кўз олдига келтирмоқчи бўлди. Шу аснода Али Қушчининг ташриф буюрганини сезмай қолди. Мирам Чалабий «Келдилар», деб шивирлагандан кейингина Мирзо Улуғбек каршисида таъзимда турган сипо кийинган, қораҷадан келган чайир кишининг Али Қушчи эканини фаҳмлади. Улуғбек алломанинг саломига

алик олгач, ёнидан жой кўрсатди. Ўзаро гаплашиб олгач, Мирзо ўрнидан турди. Унинг сўз айтмоққа шайланганини англаб, давра ахли гапларини бас қилди.

— Ҳазрати устоз, алломаи жаҳон, Афлотуну замон мавлоно Салоҳуддин Мусо Қозизодайи Румийнинг жаннат боғига риҳлат қилғонларига олти йил бўлди. Шайхул-ула́мо, малонойи аъзам, олам ҳакимларининг ифтихори Гиёсiddин Жамшид, аларни Тангри таоло раҳмат қилисун, ва-фотларидан сўнг илм арки кўп қашшоқлашди. «Инна лиллаҳи ва инина илайҳи рожиуъун» – бизнинг барчаларимиз Аллоҳнинг бандаларимиз ва Унинг ўзига қайтгумиздир. Бизлардан қолган осори атиқалар бизларнинг ким бўлганимиздан дарак бергувси. Алалхусус, бизлардан кейин қолғучи осори атиқаларга назар қилиш муддаосида сиз – ахли идрокни тўпламиш бўлдик. Амри аъло шулким, бу кундан эътиборан, дорус-салтанада Байтул-ҳикма¹⁷ жорий қилинсун. Ахли ирфоннинг Байтул-ҳикма атрофида бирлашуви Тангрининг соф ҳикматидан умид қилинур. Тупроғимиз улуг донишмандлар Абу Наср Фаробий, ал Хоразмий, ал Беруний, Ибн Сино қадамларидан мунаvvар бўлмиш эканлари тарих зарваракларига зарб этилмишdir. Тириклик таъмининг ўzlари учун ширин ва роҳатбахш бўлмоғин истаб, бутун олмни ўзларидин паст деб билмиш хоқонлар давронида улар ўз ота юртларига бегона бўлмишлар. Алалхусус, Тангри каромати или ёруғ дунёда кўз очмиш алломаларни тўпламоқ бурчимиздир. Алломалар кувғин ва алам сахросида саргашта юрмай, иззат-икром шоҳсупасида ўтироқлари лозимдир.

Улугбек сўздан тўхтади. Ўтирганлар баён этилмиш амрдан мамнун бўлишиб, ўзаро сўзга тутиндилар. Мирзо давра ахлига ўткир нигоҳини бир-бир қаратгач, жойига қайтди-да: «Байтул-ҳикма хусусида ким сўзламак истар?» – деб сўради. Бу савол бир мунча муддат жавобсиз қолди. Шунда у сукут сақлаб, ўйга толган Али Қушчиға қаради: – Бу хусусда ўғлим не дер экан?

¹⁷ Ҳикмат уйи. «Фанлар академияси» маъносида.

Али Күшчи ўнг қўлини кўксига қўйиб ўрнидан турди. Енгил таъзим қилганидан сунг сўз бошлади. У шахриёрга нисбатан тезроқ гапирар, сўзлаш чоғида нигоҳи бир жойда турмас эди.

— Дорус-салтанада Байтул-хикма қарор топса, нур алланур бўлур. Байтул-хикма халифа Маъмун¹⁸ фармони ила барпо этилмиш алломалар уюшмасига ўхшамай, илм аркининг норасидаларин ҳақ йўлга бошламиш бир даргоҳ бўлса.

— Маяқул, — деди Улуғбек мамнун бош иргаб. Бунга жавобан Али Күшчи таъзим қилди-да, сўзини давом этди:

— Тангри таолонинг қудрати билан ёруғ дунёга бизлардан илгари келмиш алломалар илм арки ҳазинасини ноёб фикрлар дурдоналари ила бойитмишларким, бизлар бу дурлардин ҳали-хануз баҳрамандурмиз. Аммо илм аркимизнинг норасидилари билмокликлари шартдурким, бу фикрлар қанчалар ноёб бўлмасин, мутлак эмасдур. Фалак айлангани сайин улар талкин, таҳлил ва таҳрирга муҳтоҷ бўлуб борурлар. Аллома ал-Хоразмийнинг «Китоб сурат ал-арз»¹⁹ деб аталмиш рисоласида Батлимус жуғрофиясига ўзгартишлар ва аниқликлар киритиши илм аркимиз норасидаларига ўrnak бўлмоғи даркордир. Юноннинг улуғ алломалари яратмиш нодир асарларни дадил таҳрир қилгани боис ал Хоразмий улардин катта ноаниқликлар топди ва Тангрининг хоҳишу истаги бирлан ёзилмиш «Ал-китоб ал-муҳтасар фи ҳисоб ал-жабр ва мукобала»²⁰ зар андар зар²¹ бўлмиш. Байтул-хикмада шулар четда қолмаса, деган умидларимиз бордир.

Али Күшчи Улуғбекка яна таъзим бажо келтиргач, сўзи ниҳоясига етганини маълум қилди. Мирзо унга «бўлак гапинг йўқми?» дегандай савол назари билан қаради-да,

¹⁸ 813–833-йилларда Бағдоддаги Байтул-хикmani ривожлантирган араб халифаси.

¹⁹ Ернинг сурати.

²⁰ Тиклаш ва қарши қўйиш ҳисобига оид мўъжаз китоб.

²¹ Зарларнинг зари.

кейин Мирам Чалабийни чақирди. Йигит илдам равища да ўрнидан тургач:

— Кулғум сенда, — деди.

— Сизнинг бул амрингиз биздай илм арки норасидала-рининг йўлларини офтоб янглиғ ёритгусидир. Устоднинг фикрлари ҳам кўп маъқулдир. Мен тавбалари қабул бўл-гур бобомнинг «Батлимусдан ўрган, аммо тақлид қилма», демиши ўйтларин тоабад ёдда тутурман. Истагим шулки, тенгқурларим ҳам насиҳатгўйликдан нари юрсалар. Яна бир истагим шулки, илм аркининг биз каби норасидалари ал-Фаробий, ар-Розий, ал-Беруний, ал-Хоразми, ал-Фарғоний каби шайхул-уламолар йўлига йўлланса, яъни аллома Тангри яратмиш илмларнинг барчасидин боҳабар бўлса. Фалакиёт, риёзиёт, ҳандаса, тиббиёт, жуғрофия, адабиёт илмидин хабар топсагина алломалик мартабасига лойиқ кўрилса.

— Маъқул. Яна кимнинг сўзлаш истаги бордир?

Қора соқол қўйиб, катта салла ўраган киши ўрнидан турди. Шамсибек унинг кимлигини билмасди. Мажлисга келар чоғида унга кўзи тушиб, сезиларли оқсаншига эътибор берган, ўзича «туғма оқсоқ экан», деб кўйган эди.

— Кулғум сенда, — деди Мирзо унга савол назари билан қараб.

— Байтул-ҳикма Сизнинг улуғ марҳаматингиз туфайли-дир. Шу боис, унга бўлак юртлардин алломалар жалб қилинmasa.

— Нечун? — Мирзо Улугбекка бу таклиф ёқмай, қошлини чимириди.

— Сизнинг марҳамат нурларингиздан баҳраманд бўла-ётган Мовароуннаҳр алломалари ҳам муддаога етмак йўлида кифоя қилурмикин, деган хаёлдамиз.

— Хаёлинг чакки! — деди Улугбек унинг сўзини кесиб.

— Байтул-ҳикма Ҳақ таолонинг истак ва хоҳиши билан бўлур, алалхусус, унга курраи арзнинг иқтидорли алломалари таклиф қилинур.

Байтул-ҳикма хусусида бўлак фикр айтувчилар чиқмади. Мирзонинг ишораси билан базм бошланди. Мирам Чалабий «Бу базм қарор топмиш Байтул-ҳикма шарафига-дир», деб изоҳ берди. Шамсибек бу кеч шахриёр сұхбатидан баҳраманд бўлолмаслигини англади.

Эртаси куни ҳам, икки кундан сўнг ҳам Мирзо ҳузурига кириш шарафига мұяссар бўлолмади.

Бир ҳафтадан кейин меъмор дорулшафақа иморатининг тарҳи тайёр бўлганини маълум қилгач, олампаноҳ даргоҳига юзлана олди. Бир ошъёнлик бино қуриш фикрини шахриёр маъқуллади. У атрофга мевали дарахтлар экишини таъкидлагач, меъморга деди:

- Янги ҳаммом учун нобоп жой танланибди.
- Бу жой кўпга маъқул бўлиб эди.
- Маъқул эмас. Тўрт кўчанинг боши беркилиб қолади.

Шаҳристонда боши берк кўчаларнинг мавжудлиги меъморнинг ноқобиллиги ва ҳукмдорнинг эътиборсизлиги оқибатидир. Шуни инобатга ол.

Улуғбек қайтишга рухсат берди. Шундан сўнг Шамсибек Абдулваҳбнинг узрини айтишга журъат этди.

– Воситачи бўлмоғингга сабаб недур? – деди Улуғбек унга норози нигоҳини қадаб.

- Сабаби ўзингизга маълум, сабоқдошмиз, бир қишлоқданмиз...
- Шугинами?
- Ҳа, шугина, холос.
- Илм олмок учун талаб этилғувчи иқтидорига кафилмисан?

Шамсибек бундай саволни кутмагани учун бошини этган ҳолда, айбдор одам овозида деди:

- Ожизман, ҳазрат шахриёрим.
- Балли. Шундайлиги менга ҳам маълум эди. У мадрасани тоат-ибодат учун эмас, ақли нокислиги учун тарк этган. Таассуфки, тасаввуф аҳли орасига шундайлар ҳам кириб олиб, авомни кўп малул қилур. Дори дардга сабаб экан, шифога қандай умид бўлиши мумкин?

Шамсибек жавобга ожиз эди, бошини күтара олмади. Унинг ночор ахволга тушганини сезган Мирзо саволига жавоб кутмай, давом этди:

– Фақатгина сабоқдош бўлгани учун илм аркига етаклаб киришга интилмоқлик масжидга эшак олиб кирмоқ билан баробардир. Шуни билки, бўлак сабаби билан эмас, балки ақли нокислиги учун илм даргоҳидан юз ўғириб, унга қаратса тош отмиш бўлганлар тубан ва жоҳилдурлар. Яна билки, кимки жоҳилга кўмак берар бўлса, Аллоҳ унинг устидин шул жоҳилни хукмон қилиб қўядир. Сабоқдошинг жарималари сахифасига авф ракамини тортмоққа нолойиқ. Бундан сўнг фикрингни бу қадар бемаъни ишлар ила банд этма.

Шамсибек қилган ишидан пушаймон еб, узр айта-айта чиқди.

Эртаси куни расадхона яқинида дорулшафақа биноси ни қуриш ҳаракати бошланди.

ФАЛАК

Биринчи кор тушганида бинонинг пойдевори қўйилиб, девор ердан одам бўйи кўтарилиган эди. Осмон ҳали жади буржидан оғмаган, совуқ бўш келмасдан тамом мавжудоду маҳлукотни какшатиб тургани сабабли иш сустлашди. Деярли ҳар куни кор ёғиб тизза бўйига чиқди. Томлардан куралган кор тор кўчаларни тўлдираёзди. Бу ҳам камлик қилгандай ўн кундан бери қуёш юз кўрсатмайди. Гўё замин совуқ лаҳадга тушиб қолгандай. Фақат одамларнинг ҳаракатигина ҳётнинг сўнмаганидан далолат беради.

Бино қурилиши бошланган кезлари Шамсибек хазинадаги олтин-кумушларни саралаб сифат беришга киришганди. У кун бўйи саройдаги дўкондан чиқмас, уйга кош қорайганда кайтарди. Завжаси сандал чўгини титиб қўйиб, ўзи бир чеккада чеварлик қилиб ўтирган, ўғилчаси эса ухлаб қолган бўларди. Шамсибек унинг нима тикаётганига аҳамият бермасди.

Самарқандга келган кунлари ёлғизлиқдан Маҳфузанинг дили хун бўлиб, турли ранг ипак олдирган, Булокбошидаги одатича дўппи, қийиклар тикиб ўзини овутарди.

... Шамсибек бугунга мўлжал қилган олтинларни қуиб бўлиб, кетишга чоғланганида ганжур уни ичкарига чорлади. Ихчам сандиклардан бирини очиб:

– Қаранг-чи, кеча Ҳиндистондан келтирдилар. Тилласи дурустмикан? – деди.

Шамсибек тилла безакларга ҳавас билан тикилиб қолди. Безаклар шу даражада нафислик ила ишланган эдики, тиллалиги учун эмас, нафислиги, гўзаллиги учун ҳам бебаҳо эди. Шамсибек тилладан шундай безак ишлай оладиган заргар бор, деб хаёлига ҳам келтирмаганди. У бир балдоқни олиб, машъала ёруғига тутди. Соч толаси йўғонлигидаги ҳалқачаларга мошнинг ярмича келадиган ёқут қадалган. Машъала ёруғида улар худди баргга қўнган шудринг томчисидай титрайди, ялтирайди.

– Бундан аълороқ санъат бўлмаса керак, – деди Шамсибек балдоқни жойига қўяр экан.

– Тилласи-чи? – деб сўради ганжур.

Шамсибек безакларни яна бир кўздан кечирди. Уларнинг юзаси сал хира тортган, тилласи пастрок навли эди. Агар шундай деса, шубҳасиз, буларни ҳам эритиши керак. Лекин бунга унинг қўли бормайди. У факат ўзи ишлай оладиган безак ёки буюмларнигина эритаётган эди. Шунинг учун ҳам у ганжурга ёлғон гапирди:

– Тилласи тоза, эритмокка ҳожат йўқдир.

– Мен ҳам айни шу фикрда эдим, – деди ганжур сандикни ёпиб, ташқарига йўл бошлар экан.

Шомдан кейин изғирин анча кучайган эди. Шамсибек телпагини бостириб кийиб, тез-тез юриб кетди. Дам ўтмай танаси қизиб, совук ҳам сезилмай колди.

Маҳфузга бугун ҳам одатдагидай сандалда ўтиради. Эри остоноада қўриниши билан чақкон туриб, уни қаршилади-да, ошхонага чиқди. Шамсибек сандал четида кўрпага ўраниб, ширингина ухлаб ётган ўғлининг бурнини чимдиб

үйғотмоқчи бўлди. Кичкинтой бир қимирлади-ю, лекин уйғонмади.

Махфузда дастурхон ёйди-да, бир чинни овқат билан иккита нон келтириб қўйиб, ўзи ҳам ўтирди.

– Фанимуроддан хабар олмадингизми? – деди Шамсибек.

– Бориб келдим, яна юролмаяпти эканлар. Оёқларида шиш бор эмиш.

– Бели-чи?

– Опоқбуви буни айтмадилар.

Шамсибек овқатни ичиб бўлиб, дастурхон устидаги нонлар олингач, юзига фотиха тортди-да, ўрнидан турди.

– Ўзим бориб хабар олайин-чи. Аввалги куни юзидан хийла қон қочган эди. Қарашларидан ҳам хавфим бор, – деди у. Махфузда «майлингиз», деб қозикдаги тўнни олиб тутди.

Фанимурод сандалда ёнбошлиб ётарди. Ўртада мойчироқ пилиги милтиллаб ёниб турибди. Сандалнинг бир томонини Қамариддин эгаллаган. Уй эгалари қўшни хонада эдилар. Шамсибек кириб бироз ўтиргач, Фанимуроднинг томирини ушлади. Кейин унинг шишган, кўкаринқираган оёгини кўрди-да, сохиби хонадонни чақирди:

– Бу кеч малҳам тайёрлаб, эртаматан ташлаб ўтаман. Кун бўйи беш маротаба оёқقا обдан суриб, яхшилаб силангиз. Илло, совуқ тегмасин, – Шамсибек шундай деб, кетишга чоғланди. Қамариддин ҳам турди. Полвон йигит билан хайрлашиб, олдинма-кейин кўчага чиқишиди.

– Оёгини кўриб машқингиз пасайди, тинчликми? – деди Қамариддин.

– Пайқадингизми? – деди Шамсибек. – Энди оғир дард бош кўтарибди, шундан хавотирда эдим. Илоҳим адашган бўлай, унга қорасон илашган кўринади.

– Давоси мушкулми?

– Тиб ахли бу саволга жавоб бермасликни маъқул кўрадир.

– Давоси йўқ, демоқчимисиз? Наҳот?

- Оёқни кесса, балки...
- Астағфируллоҳ!
- Бўлак шифо йўқ. Мен билганларимни ишлатиб бўлдим. Олдинга силжиш йўқ, бильъакс, суяқ ирий бошлаган кўринадир. Ташхисда адашмасам... табобат ожиз.
- Ё Раббим! Ўзинг меҳрибонсан-ку! Бедаво дардан ўзинг асра! — шундай деб муножот қилгач, хўрсиниб қўйиб Шамсибекка қаради: — Фаниполвонга ихлосим баланд эди. Бундайин пурдил онадан камдан-кам туғилади. Пешонасида баҳтсизлик бор экан-да... Наилож... Аллоҳга илтижо қилиб шифо тиламоқдан ўзга чорамиз йўқдир, бизларнинг. Асли баҳтсизлик ёпишган киши охир бир кун унинг шарбатидан тотади, дердилар. Фаниполвон бу шарбатдан хийла эрта тотиб қўйибди... аттанг...

Шамсибек индамади. Бироз юришгач, Қамариiddин яна сўз очди:

- Кеча анави қозини кўрдим, афти-ангори анча хароб.
- Қайси қозини?
- Андижон йўлидаги-чи.
- Сизни танидими?
- Танимай-чи! Шарт тескари қараб олди. Юришига қараб туриб, эртами ё индинми девоналарга қўшилар, деб тахмин қилдим. Шунақа аламзадалар бир юмалаб тақвдорга айланади-кўяди. Қаландарликка қайтган жўрангизга рўпара бўлса, дарров қанотига олади.
- Нега ундай деяпсиз?
- Фарғона аёлотидин бўнга келганлар тез топишиб олишлари сир эмас.
- Бошқалар ҳам шундай. Мусофириликда юз иссиқ бўлади-да.
- Нонкўр қаландар билан кўришиб турасизми?
- Ҳа... унда-бунда...
- У билан салом-алик ҳам қилманг. У нобакордан яхшилик чиқмайди. Назари совуқ.
- Шундай дейсиз-у, лекин у ҳам тирик жон. Худонинг бандаси. Мусулмон мусулмондан юз ўгирмаслиги жоиз.

Қамариддин индамади. Унинг бу сукути ризолик аломати эмас, аксинча эканини сезган Шамсибек ҳам бошқа гапирмади. Муюлишга етгач, уларнинг йўллари айри-айри бўлди. Шамсибек уйга қайтганида Махфуза ҳали ухламаган эди. Эри сандалга ўтириб, ёнбошлигач, bemornining ахволини суриштирди. Кейин эрининг хаёлга чўмганидан хавотирланиб аста сўради:

– Яқин орада Абдулаҳобни кўрмадингизми?

Шамсибек алҳол Қамариддиннинг гапларини ўйлаб ўтирган эди. Назарида завжасига бу ўй-хаёллари аён бўлган-дек туюлиб, қўққисдан берилмиш бу саводдан ажабланди.

– Нима эди? – деди ҳайронлигини яширолмай.

– Хавотирдаман. Кўпдан бери эшигимиз тагидан ўтиши ни одат қилган. Уч-тўрт мартамикин... кўплашиб ўтдилар. «Ё-ху!» деб қичқиргандарича нималарнидир айтдилар, мен англай олмадим. Кўнглига бирон шумлик ораламаганмикин?

– Биз нима гуноҳ қилибмизки, кўнглига ёмонлик оиласа, – Шамсибек шундай деб қулимсирамоқчи бўлди. Бу гапларни эътиборга олмасликка тиришса ҳам, барибир, завжасининг хавотири унга ҳам кўчди.

– Ҳазрат шаҳриёрнинг рад жавобларини сиздан кўрса-чи?

Шамсибек «йўқ», деб бош чайқади. Ўша узроҳликдан сўнг Абдулаҳобга олампаноҳнинг жавобини етказганида, у бирданига сенсирашга ўтиб: «Сен астойдил воситачилик қилмагансан, менинг илм олиб, баланд мартабага етишишм сенга ёқмайди, чунки сен қишлоқнинг ягона алломаси бўлишни истайсан. Кўнглунг қора!» қабилидаги хунук сўзларни айтган эди. Албатта, бу гаплардан Махфуза бехабар. Шамсибек унинг хавотири ошмасин, деб билдирмаган эди. Шунинг учун ҳам ҳозир хотиржам равишда, «бу юриш уларнинг одати, авҳомга²² берилманг», деб қўя қолди.

Махфуза эрининг мудраётганини кўриб қўлтиғига яна бир ёстиқ қўйди-да, «бир нарса кўрсатсан изза қилмайсизми?» деди.

²² Ваҳима

– Нима экан?

Махфузат токчада ўроғлиқ турган матони олиб очди..

– Қаранг-чи?

Шамсибек қаддини ростлаб, матога тикилди – занго-ри матога зарҳал ипакда ажид тасвирлар чизилган: ўртада кунгабоқарни эслатувчи доира. Атрофида доирачалар. Ипаклар тўлқинсимон қилиб тўқилгани учун доирачалар ёниқ юлдузлар каби жимиirlаб турибди. Матонинг четлари икки қаторли зарҳал ҳошия билан ўралган.

– Қаердадир кўрганман, – деди Шамсибек ўйчан тарзда.

– Расадхонада эмасми? – деди Махфузат кулимсираб.

– Ҳа, ўша ерда! Аммо... сиз бу манзарани қайда кўриб эдингиз?

– Мен кўрганимча йўқ, айтиб берган ҳикоянгизни эслаб туриб тикдим. Ўхшайдими?

Шамсибек катта доира атрофидаги доирачаларни санади: олтига. Расадхона деворида ҳам шундай тасвир бор эди. Ранглар ҳам айнан кўчибди. Шамсибек илк марта расадхонани кўрганида шу манзарани сўзлаб берган эди. Не ажабки, завжаси буни қулоғига илиб, матога ипак билан туширибди.

– Фақат биргинами?

– Ҳа... яна бирини бугун бошладим.

– Жума кунига қадар битиринг.

– Мунча шопшқич?

– Ҳазрат шаҳриёрга кўрсатаман.

Эрининг аҳдини эшигтан Махфузат чинакамига чўчиб тушди..

– Вой ўлайин! – деб, тиккани олампаноҳга намойиш этилишини тасаввур ҳам қилолмай довдираб қолди: – Вой ўлайин... нима деяпсиз? Шу... арзийдиган нарсами?

– Арзийди, – деди Шамсибек ишонч билан.

Эрталаб Шамсибек Абдулваҳоб бошпана топган хонақоҳга йўл олди. Унинг ҳамқишилоғига айтадиган сўзи кўп эмасди. Шу сабабли ташқарида, кимсасиз кўчада, тик турган ҳолда гаплашдилар.

– Абдулваҳоб, сўнгги кунлар ичи кўчамиздан бот-бот ўтишингизнинг боиси нима?

Саволни эшиитган Абдулваҳоб заҳарли кулди:

– Шаҳристонда Худонинг кўчалари кўп. Қай биридан ўтишим ўз хоҳишим ила бўлади. Сизга бунинг сира-сира дахли йўқдир.

– Машойихлар «Ҳар қандай қилмишнинг миёнаси хўб бўлур», демишлар. Оқибатни унутмаслик зарур.

– Оқибатни? Хусрави беокибатнинг²³ этагидан тутганингиз ҳолда бу ибратни тилга олмоғингиз ғоят таажжублидир.

– Туҳмат ботқоғига янада тўларок ботибсиз. Беисбот сўзлардан тийилмоғингиз лозим.

– Беисбот дейсизми? Аллоҳ ўз мағфиратига чўмдиргур ҳазрат хокони Сайид Мирзо Шоҳруҳга, яъни ўз падари бузургворларига сунқасд қилган шайх Қосим Анварни па-нохига олганига не деюрсиз?

– Ҳазрат хоконга Аҳмад Лур сунқасд қилган. Шайх беайб.

– Аҳмад Лурнинг шайхга мурид экани-чи? Ёинки ул шайхнинг динимизни поймол этувчи илм билан машғул бўлиши-чи?

– Муридлик хусусиндаги даъвоингиз мавҳум. Илм хусусиндаги сўзларингизда эса маъно йўқтур. Ҳак таоло Одам алайҳиссалом билан бирга илмларни ҳам яратган. Фалакиёт динни поймол этмай, бильякс, динимиз равнақи учун хизмат килғучи илмдир. Расад ахли фалакдаги ўзгаришларга қараб намоз вакти, рўзай рамазон дамлари, кун чикиш ва ботиш вакти, ният ва фарзлар муддатини, Куёш ё Қамарнинг тутилиши вое бўлса, унинг вақтини аниклаб берурлар. Куръони каримда зикр этилмиш тоғларнинг ерга қозик каби қоқиб қўйилиши, юлдузларнинг муайян тартиб ила сочилиши бир мўъжизадир. Илми нужум Аллоҳ мўъжизаларини ўрганиб, юлдузлар хикматини авомга етказурда бир василадир. Бунинг нимаси гуноҳ экан? Билингки, тушунишдан ожизликни эътироф этмок ҳам идроклиликтур.

²³ Оқибатни ўйламовчи подшоҳ.

– Шундайми? У ҳолда сиз ҳам билингки, севган нарсангиз ўзингиз учун қулфатдир. Жодугарликни илм дея англагомингиз идроқданми экан?

– Бағоят ибратли сўз айтдингиз. Назарингиз тушган Расулиллоҳнинг шарафли ҳадисларидағи: «Сиз бирор нарсани ёқтирмассиз-у, аммо сиз учун хайрлидур», деган хикматга эътибор қилганингиз маъқулроқ эди.

– Худованди каримнинг ўзи ҳақ-ноҳақни рўзи маҳшарда ажратиб олади. Менинг тавбаларим пули сиротда аскатади.

– Илоҳим аскатсин. Аммо, ўрмонга ўт кетар бўлса, хўлу куруқ баробар ёнажакдир.

Абдулваҳобнинг кўзларида ғазаб ёнди. У Шамсибекнинг шахриёр муборак номини ҳимоя қилаётгани учун ғазабда эмас, балки донишмандлик бобида ўзининг ҳамкишлопидан анча паст эканини ҳис қилганидан аламда эди. Сабоқдошлиар нохуш қайфиятда бир-бирларидан ажралдилар.

Жума намози олдидан Улугбек диёр акобирлари ва сохибқирони акбарнинг гўрига бориб, муҳтоjlарга дуюо садақалар улашди. Сўнг Бибихоним масжидига йўл олди. Шамсибек унинг ўнг қанотида, шогирдлари қаторида турди. Намоз тугагач, ҳазрат шахриёр мадраса томон юрди. Жума намозидан сўнг унинг мадрасага бориши янгилик эмас, шу боис талабалар ҳам, мударрислар ҳам бу ташрифдан ажабланмадилар ҳам, ҳаяжонда шошиб қолмадилар ҳам.

Дорус-салтанада Байтул-хикма қарор топганидан беригоҳ Улугбекнинг ўзи, гоҳ Али Қушчи алломалар билан ҳамжиҳатликда талабалардан бир гуруҳини фалакиёт илмидан боҳабар қиласар эдилар. Бу жума Улугбекнинг ўзи сабоқ берди. У фалакиёт хусусида жуда босик ва оҳиста оҳангда сўзлар, тингловчилар унинг ҳар бир фикрини осон уқиб олиш имконига эга эдилар. Улугбек устрлоб ва ундан фойдаланиш ҳақидаги сўзларини тутгатгач, зийж тузмоқ илмидан сўзлай кетди:

– Зийж тузмоқ илм оламида милоддан бир юз ўттиз тўрт йил муқаддам расм бўлган. Юнон алломаси Гупарху

Ақроб мажмуасини кузатар өфө бир ёруғ юлдузни тасодифан қўриб, ҳайрат денгизига чўммишdir. Сабабки, ул аллома бу юлдузни илгариги кузатувларида учратмаган эди. Гавҳари анжумда бир кўриниб, бир кўздан йўқолувчи фалак бошоқларини назардан қочирмаслик учун у зийж тузмокни расм қилди. У тузилмиш зийжига беш юз юлдузни жамлаб, ёруғлик даражаларини олтига бўлди. Шундан сўнг фалакиёт илмининг акобирлари бу зийжга қадам бақадам ўзгартишлар киритдилар. Батлимус, Носириддин Тусий, Мұхаммад ал Батоний, Абдураҳмон Сўфий каби алломалар зийж ганжига нодир гавҳарлар кўшдилар. Ҳикмат эгаси бўлмиш Носириддин Тусий офтоб ва бўлак сайёralарнинг тақвимини кузатиши оқибатида тузилмиш «Зийжи жадиди Элҳоний»даги ҳамда Абдураҳмон Сўфий рисоласидаги офтоб ва бўлак сайёralар тақвимида йўл қўйилган тафовутларни инобатга олиб, Аллоҳнинг ҳукми билан, биз ҳам зийж тузмоққа бел боғлаб, Тангрининг марҳамати илиа муддаога эришдик. Зийжда бир минг ўн саккиз юлдузнинг ўрнини белгиладик. Абдураҳмон Сўфий рисоласида баён қилинмиш саккиз юлдузни ҳамон изламоқдамиз. Ҳаракатларимиз то шу кунга қадар самара бермадиким, умидимизни узмадик. Мавлоно Сўфий бу юлдузларни ўзлари кўрмай, Батлимусдан олганлар. Иншааллоҳ, уларнинг ўринларини белгилаш бизларга насиб этажакдур.

Мирзо Улугбек мавзуни мухтасар тарзда яқунлаб, тала-балардан «англай олмаган фикрларни қайта сўрангиз» дегач, садо кутиб, сукут саклади. Сўровчилар чиқавермагач, мийигида кулиб қўйди-да, деди:

— У ҳолда мен савол сўрайдирман: қани, ахли толиби илм, айтинглар-чи, хижрий саккиз юз ўн саккизинчи йил ражаб ойининг уни чи ким? Уни бешинчиси ўргаси, тўққиз юз ўн саккизинчи йил ражаб ойининг ўнинчиси бирлан ўн бешинчиси ораси қайси айёмга тўғри келур?

Саволни эшитиб Шамсибек ҳам гангиг қолди. Саволга жавоб топмоқлик учун жуда кўп рақамларни ёдда сақла-моқ талаб этиларди. Шу онда Шамсибек ўқишини истама-

ган укасининг қарори тўғри эканига ишонди. Бундай масалаларни ечиш учун кучли идрок талаб этилади. Укасида эса бундай идрок ўти кўринмайдир. Айни чокда Абдулваҳобнинг мадрасани тарк этиши сабабини ҳам англади. Бу илм ёнғорини чақмоққа зеҳни ва тоқати етмагани сабабли қаландарликни касб қилгани ойдинлашди.

Мураккаб саволга жавоб бўлмагач, Мирзо Улуғбек кейинги жума кунига қадар муҳлат бериб, масалани уйга вазифа тарзида эканини таъкидлади-да, «яна бир масала бордир, диққат қилгайсиз. Масалани Абурайхон Берунийнинг «Қонуни масъудий» китобидан олажакмиз», деб Мирам Чалабийга юзланди. Йигит устознинг мақсадини англаб, қўлидаги китобнинг белгиланган саҳифасини очиб, ўқий бошлади. Шамсибек бу он ўзини талаба хис қилиб, диққат ила тинглади:

— «Батлимус Куёшнинг афижиюни ўрнини, яъни Куёшнинг Ердин энг йироқ бўлғондаги ўрнини аниқлафондир. Ул ўз амалини Куёш фалак ал-Бурж чоракларини ўтғон муддатидоғи афижиюнининг ўринларига биноан асослафондир. Сўнгра анинг фалак ал-Бурҷда топғон афижион ўрни айнингча, Хиппархнинг топқонига мувофиқ келғондир. Аларға тақлид қилиш ушбул фанда дуруст эрмаслиги жиҳатдин лоақал анинг баҳор муддатини тўқсон икки ярим кун топқони хусусинда айтгонининг тўғрилигини имтиҳон қилиши зарур. Чунки бунда иккиланиш бордир».

Чалабий белгиланмиш сатрларни ўқиб бўлгач, китобдан бош кўтариб устозга қаради. Талабчан мударрис тахтидаги Мирзо Улуғбек талabalарга синовчан тикилганича яна сўради:

— Хўш, улуғ бобомиз бу хусусда қандай йўл тутғондирлар, вақт тенгламаси ҳақида неларни ёзмиш эрканлар?

Жавобга журъат этувчи топилмагач, Мирзо Улуғбек бу масалани ҳам уйга вазифа деб белгилаб, қайтишга чоғланганида Шамсибек ўрнидан туриб қуллук қилди.

— Кулогим сенда, — деди Мирзо ундан савол кутиб.

— Ҳазрат шаҳриёрим каминада савол йўқтур. Сизнинг ҳукмнингизга бир нарсани кўрсатиш ниятида эрдим, — Шам-

сибек шундай деб матолардан бирини олди ва Улуғбекнинг оёғи остига қўйди.

– Нима бу? – деб ажабланди Улуғбек.

– Каминанинг ожизалари тўқиган эканлар, мақбул бўлармикин, деб олиб келдим.

Чаққонроқ икки мулозим уни олиб, шахриёр қарписида очиб, ёйдилар. Улуғбек аввал матога, кейин савол назарни билан Шамсибекка, сўнг яна матога тикилди.

– Ажаб! Бу фалак-ку! – деди у ҳайрат билан. – Бу расад деворига муҳр этилган фалакнинг тасвири-ку?! Кимнинг иши бу? Ожизамницидир, дедингми?

– Айни рост, ҳазрат шахриёрим.

– Шундайин мўъжизани яратмиш иқтидор эгасин «кожиза» демоққа тилинг қандай айланди? Машойихлар: «Онангдан бош товлама, ошмасин дарди, ҳаёт тожи эрур оёғин гарди!» демиш эканлар. Үқдингми?

– Гуноҳкорман, ҳазрат шахриёрим.

– Аёллар ҳам Аллоҳнинг бандаларидир. Расулуллоҳ, саллоллоҳу алайҳи васаллам, вадо хутбаларида «хотинларингиз Аллоҳнинг омонати», деб эканлар, биз нечун уларни камситмоғимиз керак? Сен каби иқтидор эгаларини туғиб, тарбия қиласар эканлар, нечун ўзлари «кожиза» ёинки ақли ноқис бўлсинлар?! Бу фалакка қарангиз, – Улуғбек энди атрофидагиларга мурожаат этди, – бу дибодаги шакллар шунчаки оддий морпеч эмас. Биз фалакдаги юлдузлар ўрнин топмок қасдида неча тунлар мижжа қоқмадик. Небахтким, фалакиёт илмини кулбахонадаги аёл чақиб кўрса... Муслималар ҳам «илм олмоқ ҳар бир муслим ва муслима учун фарздор» шарафли ҳадисига кўра илмдан хабар топсалар не шод бўлур эрди. Кураи арз айланади, дейилгандя «астағфируллоҳ!» деб ҳайрат ва ишончсизлик билан ёқа ушламасалар нур аланинур бўлур эрди... – Мирзо Улугбек яна Шамсибекка юзланди: – Завжантга расадхонани қачон кўрсатиб эдинг?

– Завжамиз кўрмаганлар... Кўрганларимни мен ҳикоя қилиб эдим.

– Нур аъло нур! Кўрмай-ки, шундай мўъжиза яратибдими, шараф унга. Бундай аёллар гардун қадар шарафланишга лойикдирлар. Сен кундузи уни олиб келиб расадхонани кўрсатгил. Сўнг чевар қизларни ёнига олиб, шундай фалак тасвиридан яна ва яна тиксин. Фармоним шул: расад ахли, сарой ахли, мадраса ахлига етиб маълум бўлинким, Шамсибек Исмоил ўғлиниң завжаси тиккан фалак тасвири барчанинг уйида бўлмоғи даркор. Расад ахли, сарой ахли, мадраса ахли бу фалакларни бозордан харид килмокқа мажбурдирлар. Фалакни раиятга кўрсатмоқ, танитмок мақсадида у фактат бозорга олиб чикилсун!

Улуғбек «гап тамом», дегандай ишора қилгач, талабалар таъзим билан хоналари томон тисланиши. Улуғбек Шамсибекни саройга олиб кетди. Дорулшафака қурилиши ва хазинадаги ишларни суришириб, кўнглига таскин берувчи жавобларни олгач, яна сўради:

– Билишимча, Байтул-ҳикма қанотига ўтган ой Хоразмдан келган ҳозики ҳаким ҳасталик таркатувчи инсузинс билан ўзини эмлаб бетобланибди.

– Айни рост, ҳазрат шахриёrim.

– Ўз-ўзин ҳаста қилмоқдин муддао недур?

– У ҳасталик бошланиши онлари, сўнг эса забтига олиш кунларини аниклаб, кейин шифога киришмоқлик усулини топмоқ истагида эркан.

– Шифога умид борми?

– Иншааллоҳким, яқин кунлар ичи оёкка турғуси. Дарди хатарли эмас.

– Шифо топгани ҳамон ҳузуримга келтуурсан. Бўлак ҳакимларга менинг фармонимни етказ: хоразмлик ҳаким сингари инсузинларни ўз баданида синааб кўрмоқлик жазо билан тақдирланур.

Шамсибек фармони олий бажо келтирилур, деган маънода таъзим қилгач, сўзлашга журъат этди:

– Ҳазрат шахриёrim, бир арзим бордир.

– Гапир.

– Дастрлаб сұхбатингизни тингламоқ шарафига етканимда фалакдаги ўзгаришлар курраи арзга таъсир күрсаттур, деб эдингиз.

– Ха, айнан шундай.

– Маълумингизки, Андижондин қайтар маҳалимиз Ганимурод исмли пурдил йигитни олиб келиб эрдик. Но жинслар уриб, майиб қилганини ҳам айтиб эрдик.

– Ёдимда бор. Қамариддин хўб таъриф бермиш эрди. Пурдилнинг шифо топиб, майдонга тушмоғини у интиқ кутмоқдами эркан?

– Ха... кутяптилар... Бироқ... афсусларким, пурдил майдонга туша олмагай.

– Сабаб?

– Сабаби... унга чанг солган хасталик олдида бугунги тиб илми ожиздир. Оёқни кесмоқлик или ҳаётини сақлаб қолиш мумкин. Шу кунларда хаёлимга бир фикр келиб эрди.

– Қандай фикр?

– Фалакда бўладиган катта ўзгаришларни билсан, шу куни хос дору тайёрлаб, муолажа қилсан.

– Кайси ўзгаришларни назарда тутурсан, фалакда ўзгаришлар мўлдир.

– Айтайлик... хусуф ёинки қуёш тутуладургон кун. Шу онларда ҳаво таркибида ўзгаришлар бўлмасмикин? Бўлар бўлса, дору таркибига таъсир ўтказмасми эркан?

– Фикрингда жон бор кўринадур. Бу кунлар уммонда тўфон кўтарилиши, заминнинг қай бир бўлагида бўрон кўтарилиши, бошқа ерда қаттиқ шамол эсиши, тоғларда сел келиши, ҳатто кучли зилзилалар бўлишини кўп китобларда зикр этмишлар. Ажаб эрмаским, Аллоҳ таборак ва таоло тиб илмига ҳам бу соҳада беназир қашфиётлар насиб этса. Ҳамалнинг ўн биринчи кечаси хусуф кунидир. Аммо... бу дамда сен тоат-ибодатда бўлмоғинг жоиз-ку!

– Раият учун менинг тоат-ибодатимдан кўра табобатдаги ишим кўпроқ наф берармикин? Қолаберса, курраи арз

айланади, дедингиз. Ҳамонки шундай экан, Ойнинг ёриши-моғи менинг ибодатимга муҳтож эмас кўринадир.

Улуғбек йигитнинг доно жавобини эшитиб мамнуният ила жилмайиб кўйди.

ҚОТИЛЛИК

Султон Улуғбекнинг фармонидан сўнг Маҳфуза беш-олти чевар қизларни қанотига олди. «Фалак»нинг харидорлари кўпайиб, нархи ҳам ошиб кетди. «Фалак» савдоси шахриёрнинг фармони ила бўлаётгани ва чиройли гиламдан қолишмаслиги сабабли, кимdir давлатпаноҳнинг кўзига яхши кўринмоқ, кимdir шу баҳонада уйини безатмоқ, яна кимdir қизининг сепига қўшмоқ учун бир эмас, бир нечталаб сотиб оларди. Шахриёр хаёл қилганича «фалак»нинг барча уйлардан жой олишига имкон йўқ эди. У аҳли манолдан ортмай қолди. Дастлаб шов-шув кўтариб, «Бу фалакнинг таёвири экан» деганлари унутилиб, уни оддийгина «Фалак» деб атайдиган бўлдилар.

«Фалак» талаш бўлган бозор қунларининг бирида Шамсибекнинг йўлини Абдулваҳоб тўсди. Салом-аликсиз, кўз уриштириш билан чекландилар.

– Мен пиrimнинг истаклари билан Бухорои шарифга кетяпман, – деди Абдулваҳоб унга ҳиссиз нигоҳини қадаб.

– Сиз уйингизга кетсангиз дурустроқ бўларми эрди, – деди Шамсибек. Унинг самимий оҳангига сабоқдоши таҳдид билан жавоб қайтарди:

– Бу гапни мен сизга айтмоқчи эдим.

– Мен бунга волидайн ризолиги ила келганман.

– Волидайн ризо демоқлик, Худо рози, деган гап эмас.

Шариат ҳукмларини назар-писанд қилмай, ножинслар этағини тутганингиз камлик қилиб, эндилиқда завжангиз ҳам коғир жинлар ила тиллашиб, иблис васавасига тушибдир. Бу йўлдан қайтмас экансиз, Аллоҳ таоло ғазабига учрамоғингиз аниқдир.

Абдулваҳоб шундай деб Шамсибекдан жавоб ҳам кутмай шарт бурилди-ю, нари кетди. Унинг изидан қараб колган Шамсибекнинг кўнглига ғашлик тушди. Йўқ, у Абдулваҳобнинг дағдағасидан чўчимади. Бильакс, ҳамқишлоғига ачинди.

Эртадан кейин хусуф куни – ярим кечаси Ой тўла тутилади. Шамсибек устодлари орзу қилган, бироқ амалга ошиrolмаган ишни – хос малҳам тайёрлаб, синааб кўриш ниятида.

... Кутилган кунга етдилар. Қамариддин Фанимуродни олиб келиб, ташқари ҳовлидаги меҳмонхонага ётқизиб кетди. Кош корайди. Шамсибек хуфтон намозини ўкиб бўлгач, Фанимурод билан сухбатлашиб ўтирди. Пурдил кўнгил ғашлигини фоний дунёни тарк этишига оз фурсат қолганидан дарак деб билгани учун очилиб гаплашмади. Шамсибек эса табобат тарихидан сўз очиб, бу тун улар учун саодат қуёши порлажагига ишонтиrmокчи бўларди. Тили гап билан банд, нигоҳи эса осмонда эди. Тўлин ой ҳовли тепасига келди. Енгил шабада эсди. Осмонга катта нурли чегара чизган Ойнинг мағриб томони қизара бошлагач, Шамсибек ҳовли ўртасига қалаб қўйилган ўтинларни ёкиб, малҳам тайёрлашга киришди. Ойнинг ярми қизарганида шаҳар ахли уйғонган, атрофдан тарақ-турук овозлари кела бошлаган эди. Ойни иблис чангалидан кутқариб олишга жазм қилган одамлар қўлларига нима илинса тарақлатиб ураддилар. Бироқ уларнинг бу жаҳдлари фойда бермади – кўп ўтмай, Ойнинг бутун сатхи конга бўялгандай тус олгач, дод-вой, нола, такбиру тасбех авж пардасига кўтарилиди. Самарқанд ахли жам бўлиб, дунёни киёмат қойимдан саклаб қолишга азм қилган эди. Ой бир неча фурсат тусини ўзгартирмай одамлар юрагидаги кўркувни оширгандан оширди. Шаҳарга ҳукмини ўтказаётган шовқин янада кучайди.

Бу даврда малҳамни тайёрлашга улгурган Шамсибек Фанимурод ётган сўрини гулханга яқинрок суриб муолажани бошлади. Эшик тирқишидан эрининг ҳаракатларини

кўрқибгина кузатиб турган Маҳфузга тинмай Аллоҳга нола қиласверди. Унинг пи chirlab ўқиётган дуоларини шаҳар шовқини босиб кетди.

Бир замон уларнинг кўчаларидағи шовқин кучайди. Шамсибек қандайдир хавотирни ҳис қилиб, ҳаракатдан тўхтади. Қаландарларнинг бор овоз билан бақиришларига кулоқ тутди. Кейин муолажани давом эттиришга киришганида эшигини кимдир тепиб тарақлатиб очди.

Шамсибек чўчиганича ўша томон қаради: гулхан ёруғида оғзидан кўпик сачратиб бақираётган Абдулваҳобни кўрди. Унинг кетидан яна бир таниш башара кўринди. Шамсибек таниди – у қаландар либосидаги қози эди.

Ховлига ёпирилиб кирган қаландарлар гулхан атрофидаги манзарани кўриб бир зум жимиб қолдилар. Кейин бир оқара бошлаган Ойга, бир Шамсибекка қараганларича аста бостириб кела бошладилар. Ичкари уйда боласини бағрига босиб кўркувдан дир-дир титраётган Маҳфузга, согайиб кетиш умидида гулхан ёнида ётган Фанимурод ва ҳатто Шамсибекнинг ўзи ҳам бу лаҳзада хавотирга тушган эдилар. Маҳфузани даҳшат, Фанимуродни иложсизлик афсуси чулғаган, Шамсибек эса нима қиласини билолмай гаранг эди. У гулхан атрофини ўраб олган қаландарлар орасидағи Абдулваҳобдан нигоҳини узмай эҳтиётан ҳимояга шай турарди.

Ҳамкишлоқ ва сабоқдошларнинг бири шу онда ночор, бири эса ғолиб кишининг яширин кувончига эга эди. Тўқнашган кўзлар бир лаҳзада буткул низоларга ҳукм чиқарди:

– Мен кўлингиздан шундай ярамаслик келар, деб ўйламаган эдим, – деди Шамсибекнинг кўзлари.

– Мен эсам қулай фурсатни узоқ кутдим, – деди Абдулваҳобнинг масрур кўзлари.

– Агар зулмдан қайтмас экансиз, гуноҳларга ботажаксиз. Маҳшар куни тавбаларингизнинг қабул бўлиши гумондир.

– Мен зулм қилгувчи эмасман. Шаккокларни Тангри таолонинг ўзи жазолайди.

– Жоҳиллик идрокдан устун бўлмаслиги лозим...

– Аммо идрок жоҳилликка барҳам беролмас...

Бир-бирига қадалган кўзларнинг лаҳзалик баҳси қозининг бакириғи билан узилди:

– Мусулмонлар! Бу гумраҳ иблислар билан тиллашиб, қиёматни чақирияпти!

– Иблис билан тиллашувчи жодугарга ўлим!

Шамсибек, бошига қаттиқ нарса урилиб гангиб қолди. Қаландарларга эргашиб кирган уч киши уни ўртага олиб, калтаклай бошлади. Бу томонга қўркув билан қараб турган Махфуза завжини куткариш мақсадида дод деганича отилиб чиқди. Лекин Шамсибекка яқинлаша олмади. Бостириб кирганлардан бири унинг йўлини тўсди. Махфуза уни ёнлаб ўтаман деганда нимагадир қокилиб йиқилди. Бошига қаттиқ нарса урилиб хушидан кетди. Ичкарида бола чинқириб йиғлай бошлади.

Бостириб кирганлар ўрнидан туришга интилаётган Шамсибекни аёвсиз калтаклашарди. Уларнинг назарида осмон фожиасига айнан шу одам айбдордай, гумрахнинг калтакланиши гўё қиёмат йўлини тўсадигандай эди. Қози ҳам, Абдулваҳоб ҳам ур калтак-сур калтакка аралашмай, четда туришар, аҳён-аҳёнда «Ҳак дўст, ё Аллоҳ!» деб бакириб қўйишарди. Иккови ҳам жазо чорасидан мамнун эди. Шамсибек ур-сур орасида ҳам улардан кўз узмас, қаддини куткариб, ҳамла килишни истагандай, ўша томон интиларди. Пешонасидан оққан кон кўзларига куйилиб, парда каби тўсди. Оёқларидан жон чиқиб кетгандай бўлди. Қозининг пурдил ётган сўрига яқинлашганини, Ғанимуродни гулханга итариб юборганини шу парда ортида кўрди. Пурдилни куткариб олмоқ илинжида ўша томон интилди-ю, лекин қўл-оёклари ўзига бўйсунмади. Димогига куйган эт иси урилди.

Коронғилик пардаси қопланган кўзлари олди бирдан ёришди: қўлида нон тутган волидаи жаҳони, остона туп-

роғини халтачага солиб берган волиди, құлчасини силкитиб югуратған дүмбоқ үғилчаси құринди...

Ниҳоятда қисқа хотима

Нозима Лондонга келган куниёқ бувиси совға қылған фалакдан тезроқ құтулиш чорасини излади. Құжна буюмларни баҳолайдиган мутахассисга учраб, уч-тұрт юз фунт-стерлингга бұлса ҳам беріб юбора қоламан, деб үйлаган эди. Мутахассис аввал матони ушлаб күрди, сұнг катталаштириб күрсатувлы қалин ойнак орқали син-циклаб тикилди. Ниҳоят, «бу антикварни баҳолаш учун маҳсус экспертиза үтказыш керак, истасаңғыз қолдириб кетинг, натижасини маълум қиласыз», деди. Нозима яна күтариб сарсон юраманми, деган фикрга келиб, фалакни ташлаб кетди. Йигирма кундан кейин уни чақырдилар. Экспертиза натижасини эшишиб, довдирағ қолди. Үн бешинчи асрға тегишли бу матонинг нархи у үйлагандай учтұрт юз эмас, балки миллионнинг нарёгидаги фунт стерлинг эди. «Узил-кесил нарх ким ошди савдосида белгиланади», дейишди.

Бир ойдан сұнг «Таймс» газетасида қисқа хабар босилди:

«Амир Темурнинг үн бешинчи асрда Мовароуннаұрда подшохлик қылған набираси Султон Улугбек саройига таалуқли деб тан олинған гобилен аукционга құйилди. Тарихий гобиленни германиялық миллиардер Генрих Бронштейн сотиб олди. Гобилен әгасининг истагига күра, унинг исми ва гобилен баҳоси эълон қилинмайды».

Фалакнинг ҳозирги тақдиди шундай. Лекин тарих шу билан яқун топмайды...

НОМУС

тарихдан ҳикоят

*Ота-оналари ва элнинг дуосини олиб яшаётган
покдамон сингилларимизга атадим.*

Муаллиф мақсади баёнида

Покликка интилғанлар кўнгилларини хайрли ниятлар ила бойитувчи, пок йўлдан адасиб юрганларнинг сўқир кўзларини очгуевчи ал Ҳодий, зул Жалоли вал Икром, ал Ботин, ас Сабур, Мехрибон ва Раҳмли Аллоҳ таборак ва таолонинг пок номини дилга жо қилиб сўз бошладик.

Бизга ҳамсуҳбат бўлмиши азизлар, бу воқеалар қаҷон ва қаерда содир бўлган, деган саволлар билан бошингизни оғритманг. Эҳтимол, минг йил олдин ровийлар нақл қилишгандир, балки ундан яқинроқда бўлгандир. Муҳими бу эмас. Муҳими – одамлар орасида номус аталмиши бебаҳо фазилат борлигида! Қаерда номус бўлса, унинг муқобилида номуссизлик ҳам мавжусуд. Фазилат ва иллат орасида мангу жсанг бор экан, фазилат тарбиясига муҳтојслик сезилади. Асрлар шамолини енгид ўтиб, бизларга қадар етиб келган ривоятлар асосида ёзилган мазкур ҳикоятдан мурод ҳам шу эзур. Аллоҳ таолодан умидимиз будир: ҳидоят йўлидан чекиниб, адасиб қолувимиздан ўзи асрасин!

БИР ТУШ БАЁНИДА

Күзлари ёниб турган илон судралиб келиб, унинг набирасига яқинлашганда тұхтади. Кулча бўлиб ўралиб, сўнг бошини кўтарди-да, ўлжага захар солмоқка шайлангандай, тилларини чиқарди. Шайхни кўркув титроғи босди. Ўрнидан туриб набирасини ҳимоя қиласай деса, вужуди ўзига бўйсунмайди, қўл-оёклари гўё шол бўлгандай. Ёрдамга чақирай деса, тили айланмайди... Факат... томирларида айланәтган қон зарбидан «Аллоҳ! Аллоҳ!» деган заиф сас тараплади. Кулча бўлиб олган илонни нимадир ушлаб тургандай, қизга заҳар солишга шошилмайди...

Шу он оstonада Абдукарим кўринди. Кафтида алангаси ўчай-ўчай деб турган олов. Унинг ортидан Маъсума ҳовлига кириб келиб, шайхнинг каршисида тұхтади.

– Бу одамни дуо қилинг, пиrim, менга теккизмаган қўлларига бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам дўзах ўтлари харом бўлғай.

– Сенинг дуоларинг ижобат бўлган-ку, қизим, – деди шайх.

Маъсума илон тажовузидан бехабар тарзда ширин уйқуда ётган бокира қизга яқинлашди. Абдукарим эса қўлидаги оловни илон устига сочди. Заҳар солмок қасдидаги илон бир нафасда куйиб кулга айланди. Шамол туриб, унинг кулини сурди-кетди. Шайхнинг вужудига жон қайтди. Ўрнидан туриб, набирасига яқинлашгач, дуо килди. Муножот якун топмай, шайх орка томонда вишиллаш овозини эшитиб, ҳадик билан ўгирилди: яна ўша илон, яна аввалгидай кулча бўлиб олган.

– Сен куйиб кул бўлиб эдинг-ку? – деди шайх ҳайрат ила.

– Мен қиёматгача йўқ бўлмайман. Зиммамга бокирапарни, ҳаё эгаларини таъкиб этиш вазифаси юкланиши экан, нечун йўқ бўлай?! Токи ору ҳаё ахли мавжуд экан, унинг зиддида мен ҳам борман. Уларга ҳар он заҳар пуркаб туражакман.

Илон шундай деб кизга даф килмоқчи бўлганда Шайх набирасига ўзи қалқон бўлди. Илоннинг тиши унинг кўкрагига ботди...

Шайх кўкрагида уйғонган каттиқ оғриқдан уйғониб кетди. Тушидаги кўркувдан терга ботган, баданида енгил титроқ ҳам бор эди. Шошилиб ўрнидан турган шайх кўшни хонага қараб, осойишта ором олаётган набирасини кўргач, Яратганга шукронга айтди. Кейин «бу не синоат бўлди?» деган ўйга банди бўлиб ўтирмай, тахорат олди. Кўшни ҳовлидаги ҳўрз безовталаниб, субҳи козиб дарагини берди. Шайх бир дона хурмо билан каноатланиб, нафл рўзага ният қилди.

Субҳи содикда набираси Мўмина ҳам туриб, бомдодни ўқигач, ҳовли ишларига қаради. Шайх унинг ҳар бир харакатини дикқат билан кузатиб, тушидаги сирнинг тагига етмокни истади. Унинг хаёlinи кўча эшиги нарёғидан бе-рилган овоз бўлди. Гарчи ўрнатилганидан бери бу эшикка зулфин урилмаган бўлса-да, зиёратчиларнинг ташкаридан овоз бериши одат бўлиб қолган эди. Номаҳрам товуш кулоғига урилиши билан Мўмина ҳовлидаги ишини йиғишириб ичкарига ўтди. Шундан сўнггина шайх ўрнидан туриб зиёратчига пешвоз чиқди. Пок бир рух ила жилмайганича салом берган Абдукаримга қараб, кўрган тушини эслади, ҳатто дарров алик олмади. Меҳмон «овозим эшитилмади шекилли», деган ўйда яна салом бериб оппоқ кафтларини кўришмок учун узатди. Шайх алик олиш баробарида уни дуо ҳам қилиб, дўзах ўти ҳаром этилган кафтларини қўйиб юборгиси келмагандай бироз ушлаб турди. Кейин ташқари ҳовлидаги сўрига бошлади. Айвон устунидаги қозикда илиғлик дастурхонга кўл узатганида меҳмон унамади.

– Ҳузурингизга дуо умидида келдим. Зоҳид биродарим ила ҳаж зиёратига отландик. Ахли аёлига олти ойга етгули рўзғор харажатини қилиб бердик. Иншааллоҳ, эрта субҳи содикда йўлга чиқажакмиз.

Узун дуодан сўнг меҳмон Шайх билан қучоқлашиб хайрлашди. Шайхнинг кўзларига нам келди. Хаёлига «дий-

дор Қиёматга қолмишми энди?» деган ўй урилди-ю, юраги бир қалқиб тушди.

Орадан кўп фурсат ўтмай, Зоҳид аҳли аёли билан келиб дуо олди. Кетар чоги юзини шайхнинг елкасига қўйиб, «Аҳли аёлим сиз учун қизингиз кабидир. Сиздайн отаси бор экан, кўнглим хотиржамлик қуёши нурида мунаvvардир», деди.

Улар чиқиб кетишгач, шайх ярим очиқ қолган эшикка қараб ўтиради. Эшикнинг очиқ қолгани унга бу одамларнинг яна қайтиб келишларига, яна дийдор кўришувига бир ишорадай туюлди. Бу оила билан ўтган Рамазон арафасида кўришган эди. Аёл овоз бермай, четда туриб эди. Оғир хасталик чангалидан қутулгани билан беҳоллик ихтиёридан чиқолмаган Зоҳид заиф овозда бошларига тушган кўргуликни сўзлагач, марҳаматли бир одамни дуо қилишни сўраган эди. Аллоҳ дўстларига берадиган каромат неъмати насиб этган Шайх Зоҳид сўзлаган воқеадан хабардор, унинг аҳли аёли томонидан қилинган муножотнинг қабул бўлгани ҳам унга аён этилган эди. Шунга қарамай, бу оилани ҳам, саховат эгасини ҳам дуо қилди.

ҚЎЛИ ОЛОВДА КУЙМАЙДИГАН КИШИ БАЁНИДА

... Ўтган йилги қаҳатчилик одамларнинг силласини қуритди. Йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган кунларда Зоҳид уйидаги супра ҳам қуриди. «Бой тебранмаса, оч тўймайди», деб бежиз айтмаганларким, бу шаҳарда қашшоқларга нон, тебраниб қўйиши лозим бўлган бойларга эса инсофетишимай қолган эди.

Очлик таъсириданми ёки бошқа сабабданми Зоҳидга бир хасталик илашиб, сомон тиқилган тўшагига михлади. Ўзи ҳам, завжаси ҳам Аллоҳнинг бу синовига шукр қилди, сабр этди. Аммо норасидаларининг кўзларидағи мунгга қараш оғир эди. Аввалига болалар ҳам сабр қилдилар. Кейин кўзлардаги мунг зорли инграшга айланди. Улар ота-онала-

рининг nocturne-ларини билганлари учун нон тиламасдилар. Бирок очлик азоби хуруж қилганда инграб юборишдан ўзларини тиёлмас ҳам эдилар. Бу хаста овозлар Зоҳид юрагини поралаб ташласа-да, туришга холи йўқ эди. Унсиз йиғламоқдан, Яратганга муножот қилмоқдан ўзга чораси йўқ эди. Бу азобларни у имтиҳон эканини билгани учун очлик зулматидан тўклиқ зиёсига етмоқликни умид қиласди. Маъсума ҳам болалари, ҳам эрининг ахволидан куярди. Куярди-ю, чора тополмай, у ҳам унсиз инграрди.

Бирон бир кимсанинг кўлида нон билан кириб келишига умиди қолмай, кўчага чиқишига аҳд қилди. Мехнат билан қадоқ бўлган кафтлар тиланиш учун очилганда уятдан ерга қаради. Унга эҳсон килувчи саховат эгаси топилмади. Умид чинниси синиб, энди қайтаман деганда бир киши яқинлашди.

– Корнинг очми? – деб сўради. Унинг саволида ачиниш хисси йўқ, овози қандайдир совук эди.

– Болаларим оч, – деди Маъсума синик овозда.

У киши аёлнинг юзига тикилиб қаради. Гарчи аёл очликдан озиб кетган бўлса-да, чиройини йўқотмаган эди.

– Яхши, мен оч болаларингга нон бераман, бунинг эвазига сен уйимга бориб, тушагимни гуллатиб берасан, – деди янада совук охангда.

Бу совук овоз момакалдирок каби гулдиради, осмонда яшин чақиб аёлни куйдириб ўтгандай бўлди. Маъсуманинг танасини покиза жон тарк этди гүё. Тилангани чикқанида бундай шармандали шарт кўйилишини сира-сира кутмаган эди. Бир бурда нон эвазига номуссизлик балчигига ботиш мумкинлиги етти ухлаб, бир тушига кирмаганди. Шунака бўлишини билганида... мажолсиз болалари ёнига ётиб, очлик ҳайдаб келувчи ўлимни биргаликда шодлик ила кутиб оларди...

Маъсуманинг жим қолишини ризолик аломати деб билган киши унинг билагига қўл юборди. Шунда аёлни кучли титрок босди. Нопок қўлни силтаб ташлади-да, югуриб кетди.

Болалари билан ўлимни кутиб олишга тайёр эди...

Лекин уларнинг инграшларига дош беролмай яна тиланишга чиқди. Саховат эгасини яна узоқ кутди. Бир киши яқинлашди, бироқ у мўмин эмас, кечагига ўхшаган афт-башараси одам эрса-да, асли ҳизбут-шайтон тоифасидан эди. Унинг шарти ҳам кечагидай эди: «Эй нозанин, агар танангни менга баҳш этсанг, сенга сўраганингни бе-турман»...

Маъсума яна чақмоқ ўтида куйди...

Кун ўтди... Энди болаларининг инграшлари янада хаста, янада зорли эди. Катталари чидашга уринишарди, кичигининг қуввати етмади, «нон» деб пичирлаб, кўзларини юмиб олди. Маъсума «боламнинг жони узилди», деб ўйлаб уни бағрига босди. Шукрларким, боласи тирик эди, яна бир марта «нон» деб пичирлади. Маъсума боласини аста ётқизди-да, жонҳолатда кўчага отилди.

Йўлда борар экан, эри айтиб берган, Робиаът ул-Адавийя ҳаётидан ривоят қилинувчи бир нақл қулоқлари остида жаранглади:

«... Робиаънинг отаси ва онаси ўлди. Етима қолди. Опалари ҳам тарқалиб кетишиди. Басра шаҳрида қаҳатчилик бўлди. Бир золим Робиаъни олти пулга сотди. Сотиб олган киши етимага иш буюрди. Робиаъ ишга борар экан, йиқилди. Кўлларини ерга тираб, юзини туфрокқа босди:

– Ё раббим Аллоҳ, ё Раҳмон, ё Раҳим! Отам йўқ, онам йўқ, мен асира бўлдим. Хўжайнинмнинг зулмига даъвом йўқ. Мен ёлғиз Сенинг ризолигингни истарман. Тилагим улдурки, Сен мендан рози бўлгил! – деди.

Азобли кунлар ўтаверди, оғир меҳнатдан толиқса ҳам ул ожиза муножотдан чарчамади ва бир куни эшитдики:

– Ё Робиаъ! Сен шундай мартабага етгайсанким, барча сенга ҳавас қилгай...»

Маъсума бу нақлни эслаб, Аллоҳнинг марҳаматига умид қилиб турганида яна кечагидай бир киши яқинлашиб, «қорнинг очми?» деб сўради. Аёл аламли овозда «болала-рим оч», деб пичирлади. У киши хилватта таклиф этди.

Нечундир бу сафар Маъсуманинг боши узра момакал-диrok гумбирламади, чакмок ўти уни куйдириб ўтмади. Кўз олдига мажолсиз боласи келди, гўдакнинг хаста овози қулоги остида «нон... нон... нон...» дея жарангладию, ихтиёrsиз равишда у кишига эргашиб хилват сари юрди. Хилватга ўтгани ҳамон аъзойи бадани титроқдан ларзага келди. Бир томонда ўлим шарбатига лаб юбораётган болаларининг тақдири, бошқа томондан Яратган ғазабига дуч келиш даҳшати аланга олиб, икки ўт орасида ковурилди. Бошлаб келган одам бундан ажабланиб, «Эй нозанин, нега титрајпсан?» деб сўради.

– Бу гунохни қилмакка Аллоҳдан қўркиб, вужудим ларзага кирди, – деди Маъсума.

Бу гапни эшитди-ю, у одамнинг виждони уйгониб, вужудини қизита бошлаган ҳирс бўғилди.

– Эй хотин, шунчалар факир бўлсанг ҳам сен Аллоҳ таборак таолодан қўркяпсан. Бас, менга бу қадар неъматлар берган Аллоҳдан нечун мен қўркмадим?! Энди ҳам ижтиnob этмайинми?! Алҳазар, бу аглаҳликдан алҳазар!

Бу одам Абдукарим эди. У гуноҳдан кайтди, Маъсуманинг хонадонига бориб кўп неъмат ҳадя этди. Маъсума «Ё Аллоҳ, бу банданг нафсини тийиб, қўлини баданимга етказмагани учун гуноҳларини кечир ва унинг қўлларини икки дунё оловларидан асра», деб илтижо қилганда, муножотнинг қабул этилгани Шайхга ажиб бир каромат или аён бўлган эди.

Алҳол хотирасини ёритиб ўтган бу воқеадан мутаассир ҳолда ўтирган шайх отлиқларнинг эшиги яқинида тўхтаганликларидан хушёр тортди. Келганлар овоз бериб чакирмадилар, улардан бири камчи дастаси билан эшикни каттиқ тақиллатди. Шайх бундан оғринса-да, ўрнидан туриб эшик сари юрди. Ташқарида вазир ва унинг икки аъёнини қўргач, ажабланиши баробаринда юрагида бир хавотир уйгонди. Келганлар отдан тушмай салом бердилар.

ШАҲАНШОҲНИНГ ТАЛАБИ БАЁНИДА

Худди шу вазир беш йил мукаддам келиб, шоҳ йўқлаётганини айтганда у «Олимларнинг ёмони – амирларни зиёрат қилгани, амирларнинг яхшиси – олимларни зиёрат этганидир. Факирнинг эшигига келган амир накадар хуш ва амирнинг эшигига борган факир накадар ноҳушдир», деган шарафли ҳадисга амал қилиб, шоҳ саройига боришдан бўйин товлаган эди. Вазир бу билан қаноатланмай, яна келганида Шайх таомланиб ўтирган эди. Дастурхон саҳобаларники каби: бир бурда котган нон билан кўкатлардан иборат эди. Буни кўрган вазир истеҳзо билан боқиб:

– Подшоҳларнинг хизматини қилишни ўрганганингизда бунақа гиёҳ еб ўтирмас эдингиз, – деган эди.

Бу гапга Шайх жилмайиб бундай жавоб қайтарганди:

– Агар сиз гиёҳ еб яшашига қаноат қилишни ўрганганингизда жонингизни хатарга қўйиб, подшоҳ хизматида юрмас эдингиз...

Шайхнинг гапидан вазир ранжиди, аммо Шайхга ғазаб ўқларини сочишдан ўзини тийди. Агар бир нима деганда Шайхнинг жавоби тайёр эди: «Вазири аъзам, мартабангиз улуғ, либосингиз кўркам, мингандан отингиз гўзал, аммо юрагингизда бир хатар борки, ўзингиз билурсиз, била туриб яширурсиз, бирор айтса тан олмассиз. Ҳикмат аҳли сиз кабиларни қишининг совуқ чилласида яланғоч ҳолда гулхан яқинида турган бечорага ўхшатмишлар. Ул бечораким, гулханга яқин келса – куяжак, нари турса – совукдан ўлаҗак...»

Вазир кейинги сафар «саройга бориб шахзодаларга илм бермогингиз лозим», деган талаб билан келди. Шайх «ким бўлса бўлсин, илмга келинади, илм ҳеч қачон бормас», деб жавобни муҳтасар қилди. Бу жавоб шоҳни ғазаб оловига итқитиб, оқибатда Шайх бир ҳафтани зиндонда ўtkазди. Шоҳ кечалари ухлай олмай, босинкираверганидан кейин вазирнинг маслаҳати билан шайхга эркинлик беришга мажбур бўлган эди.

Бу тонг вазир не ғавғони бошлаб келгани Шайхга маълум бўлса-да, саломларга алик олиб, «бемаврид йўқловдан муддао недир?» деган маънода бокди.

Вазир гапни узоқдан бошламай, муддаони айтиб қўя колди:

– Кулбангизда бир ажиб гул чирой очибдирким, яминуддавла ва аминулмилла шаҳаншоҳ бил гул ила ўз боғини ясатмоқ истайдир.

Қариб қуюлмаган, ачиб суюлмаган хукмдорнинг «давлатнинг кучи ва миллат ишончи» дея сифатланиши энсани қотирадиган бир ҳолат эканига шайх алҳол аҳамият бермади.

Бу ғалат совчиликда илтимос эмас, «гулни берсанг бердинг, йўқса, куч ила олиб кетурмиз ва бундай гул оёқлар остида топталгусидир», деган таҳдид оҳангни зоҳир эди. Шайх кўз олдида тушида кўргани – набирасига заҳар солмоққа шайланган илон гавдаланди. Туш таъбирини англаб оғринса-да, юрак фарёдини юзага чиқармай, вазирга мулојим боқди:

– Не баҳтки, гулимиз шаҳаншоҳ боғига маъқул кўри нибдур. Шаҳаншоҳ гул эмас, жонимизни сўрасинлар, берайлик. Ҳоланки, бу ҳам бир саодатдир. Гулни кўлингизга тутмоқдан олдин бир узримиз бордир: тадорик учун ўн кун муҳлат сўрайдурмизким, охирини Аллоҳ хайрли қилгай.

– Ўн кун ғоят узун муҳлатдир, сиз учун уч кун кифоядир. Эрта ўтиб индин тонг ҷоғи эшигингиз олдида маофа ҳозир бўлур, сизнинг ҳам ҳозир ўлмогингиз шартдир.

Вазир мулоҳазага ҳам, муҳқамага ҳам ўрин йўқ, дегандай отнинг бошини буриб, изига қайта бошлади. Ноиложликнинг тешик қайифига тушиб қолган Шайх турган жойида бир зум қотди. Қизи билан куёвини ўлат олиб кетгач, улардан қолган ёдгорликни гул каби эмас, кўз қорачиғи сингари авайлаётган эди.

Наҳот қорачиққа игна санчилса?

Шу фикрнинг ўзиёқ Шайх вужудини ларзага солиб, Аллоҳдан паноҳ сўради. Ҳаётдаги ҳар бир шодиёнаю, ҳар

бир аламда Аллоҳнинг ҳикмати борлигига ишонган Шайх, шоҳнинг бу талаби замираидан қандай ҳикмат бўлиши мумкин, деб ўйланди. Ўйи ниҳоясига етмади: шу томон юриб келаётган кампир хаёлини тўзитиб юборди. Кўлида асо, оёғида кавуш, елкасига хуржун ташлаб олган хотин ўттиздан салгина ошган бўлса-да, ҳаётнинг аёвсиз шамоллари туфайли қадди дол бўлиб, кампир кўринишини олган эди. Шайх уни танирди, биринчи марта ҳаж ибодатини ният қилиб йўлга чикқанида кимсасиз сахрода кўриб эди.

ПИЁДА ЙЎЛГА ЧИҚҚАН ҲОЖИ ХОТУН БАЁНИДА

Сафарининг еттинчи куни сахрода қуюн кўтарилди. Осмон билан ерни боғлаб олган қуюн саҳро юзасида неки бор, қиртишлаб, учира кетди. Гўё само ердан қарзини ундириб олиш қасдида қуюнни чопар килиб йўллаган эди. Чараклаб турган қуёш юзини тўзон коплади – тунми ё кунми, билиб бўлмай қолди. Отлар ўзларини ҳар ён уриб, жиловни узиб кочдилар. Йўловчилар бир-бирларини йўқотиб кўйдилар. Осмон ҳакини ундириб олиб, юзини очганда карвон пароканда бўлган эди. Ярим-ёрти омон қолган карвон тартибга келгунича қуёш мағрибга бош қўйди. Ана ўша дамда машриқ томондаги бархани ошиб ўтаётган одам қораси кўринди. Унинг яқинлашишини кутдилар. Елкасига хуржун ташлаган аёлни кўриб, ажабландилар. Маккаи мукаррама сари йўл тутганини эшитиб, якин атрофда пароканда бўлган яна бир карвон бор экан, деган хаёлга бориб, уни адашган йўловчи ўрнида қабул килдилар. Тонгда карвон тизилгач, туяга минишни таклиф этдилар. Аёл барчани ажаблантириб, бу таклифни рад килди. Шунда йўловчилардан бири: «Эй заифа, нима учун туяга минишни истамайсан? Агар тия кира қилишга пулинг етмаса, мен кафил бўлайин, бу машаққатли йўлда ёлғиз қолиб кетмагин», деб марҳамат килди. Аёл унга жавоб қайтариши учун сирини ошкор қилиши лозим эди. Нияти маҳфий бўлгани сабабли

жавобдан қийналди. Индамай қолиши ҳам мұмкін эмасди, шу боис ерга бокқанича заиф овозда дедики:

– Эй марҳаматли киши, мен ҳаж зиёратини ният қилиб йўлга чиқибдурман. Яна бир ниятим – пиёда бориб келмөқлиkdir...

Шу қисқа жавоб карвон ахлига кифоя қилди. Шайхга нимадир аён бўлгандай туюлди, лекин аёлнинг юзига бокишдан ўзини тииди. Аёлнинг гапи унга таъсир этиб, туяга минмай пиёда йўлга тушди. Тўпифигача қумга ботиб, йигирма қадамча юргач, ўзи ихтиёр этмаган ҳолда ортига ўғирилиб, нафл намозини ният қилган аёлнинг саждага бош қўйганини кўрди. Шу аснода Робиъат ул-Адавиййани эслади-да, пичирлаб дуо қилди: «Ё Аллоҳ, бу ожизангни ўз хифзи-ҳимоянгга ол. Ул маҳдумаи маҳзураи хос, ул мастураи ихлос, ул сўхтаи ишқу иштиёқ, ул ошифтаи қурбу ихтироқ, марями сонийи мақбул Робиъат ул-Адавиййа, раҳматуллоҳи алайҳо мартабасини бу ожизангга ҳам бер...»

Узоқ кунлар йўл юриб Мадинаи мунавараага етдилар. Сўнг Маккаи мұкаррама сари йўл олдилар-у, мийқотда покланиб, эхромга кирдилар. Зулхижжа ойи кўринмай туриб, Каъбатуллоҳни зиёрат қилиш неъматига етишдилар. Зулхижжанинг еттинчи куни, Каъбада хутбани тинглаб, саккизинчи куни йаум-ат-тарвийя бомдод намозини адо этишгач, муқаддас шаҳардан чиқиб – Мино водийсими макон тутдилар. Тўққизинчи куни бомдод намозидан сўнг Арафотда вуқуф бошланди. Кун ботгач, Муздалифага ўтиб, унда тунадилар. Йаум-ан-наҳр субҳи содикда бомдод намозини ўқидилар – Мино водийсига келиб, жамарат ал-ақабада шайтонга тош отишли. Сўнг курбонлик гўштини Шайхнинг ўзи камбағалларга улашди. Кейинги кунлари – жамарат ал-ақабада Муздалифадан олиб келган тошчаларни шайтонни лаънатлаган ҳолда отиб қайтаётганида бир қоя соясида беҳол ўлтирган аёлга кўзи тушди. Шу ерда унга аёлнинг нияти аён бўлди. Ҳожи хотиннинг аҳволи ночор бўлгани сабабли, ёлғиз ташлаб ўтиб кета олмади. Унга сув берди. Хотин ғоят очиқкан эди, таом ҳам берди. Кейин

уни аёллар чодирига бошлаб борди. Одати бўйича тунда таҳажжуд намозини ўқиши учун ўрнидан турганида чодирдан сал наридаги одам корасига кўзи тушди. Тўлишаётган ой ёруғида ҳожи хотинни таниди. Аёл бошини саждага қўйганича қимир этмасди. Гўё саждага бош қўйган онода бир сеҳр юз бериб, тошга айланиб қолгандай эди. Шайх тахорат олиб намозни адо этиб бўлгач, беихтиёр яна ҳожи хотин томон каради. У ҳали ҳам бошини саждадан кўтармаган эди. Шайх унга бошка қарамади. Юзини ўгириб, тасбех билан машғул бўлди.

Ҳаж амаллари адо этилиб, ортга қайтиш фурсати етганда барчаларининг юракларидан бир нима узилиб, бу муқаддас тупроқда қолаётгандай туюлди. Кўзларга ёш келди, видо ўқинчи юракларни вайрон этди. Қайтиш маҳали туяларнинг ҳам юргиси келмагандай, аста-аста, оғир-оғир кадам босдилар. Кунботарда туялар чўктирилиб, шом намози ўқилаётган дамда, карвон яқинида ҳожи хотин кўринди. У карвон даврасидан сал нарида тўхтаб, намозини ўқиб олди. Шайхнинг сўзи билан унга сув ва таом етказдилар.

Туннинг учдан бирида таҳажжуд намозини ўқиган шайх яна саждадаги хотинни кўрди. Хаёлига ҳазрати Робиа ҳаётларидан ривоят килинган бир нақл келди:

«... Робиа қундузи рўза тутар, хўжайнинг чўрилик қиласи, кечаси эса намоз билан банд бўлар эди. Бир кеча хожасининг қулоғига бир сас эшитилиб уйқудан уйғонди. Кўрдик, Робиа бошини саждага қўйган, Ҳак таолога муножот қиласди:

– Илоҳи! Мен қўнглимни Сенга берганман! Сен Холиксан! Нетайинки, мени маҳлукка қарам қилдинг. Агар иш менинг қўлимда бўлса, Сенга қуллик қилишдан бир соат ҳам холи бўлмагайман...

Робиаънинг тепасида бир чирок порлаб, уй ичини ёритди. Ҳожаси бундан кўркди. Ўз ўрнига қайтиб тонгга қадар фикрлаб ётди ва... уни озод қилди... Шундан сўнг Робиа ғафат ибодат билан машғул бўлди...»

Аёл саждадан бош күтарди. Шайх изига қайтмоқчи бўлганида унинг заиф овозини эшишиб тўхтади.

– Ҳазратим, сиздан Аллоҳ рози бўлсин, бир нафасга тўхтанг.

Шайх «бу аёлнинг арзи бордир», деган фикрда тўхтади. Аёл юриб келиб ундан икки қадам нарида тўхтади.

– Сахрова қуюн кўтарилиган қуни учрашганимиздан бери кўнглумни бир фикр тарқ қилмаётир, – деб бир неча нафас сукут сақлади. Шайх «гапиринг, гапираверинг», деб уни қистамай, яна сўзлашини кутди. Аёл бошини хам қилганича, айбдор одам овозида давом қилди: – Бу не сир, билмам, эҳтимол, бошимдан ўтганларни сиздан яширмай сўзламоғим ва сиздан дуо олмоғим зарурдир. – У яна жим қолди. Бир томондан сирни ошкор қилиш нияти йўқ эди, иккинчи томондан қандайдир куч юрагига кўмилган ғам чўғларини очмоқка ундарди. Бу кечинма Шайхга аён бўлаётгани учун уни ўз ҳолига қўйиб берди. Аёл хўрсиниб, дардли оҳангда давом этди:

– Кўрган кўргуликларимни сизга баён қилай, факат ўтинчим шулки, сиз мени номуссизликда айбламагайсиз, қарғамағайсиз, билъакс, ниятларимга етмоқ йўлида хайрли дуо қилғайсиз.

* * *

Бу қизни Аллоҳ гўзал бир суратда яратмиш эди. Бу чирой эгасини юз шоир кўрсами эди, барчаси ақлдан озарди. «Бўлуб жилвагар юз туман моҳваш, vale жилва ичра сукун бирла хаш» деб битилган сатрлар ҳам қамарваш юзидан таралувчи нур олдидা сўниб қоларми эди... Қиз дунёга келиб, кулоғига аzon айтилар маҳалда отаси «Моҳинур» деб исм қўйиб янгишилмаган эди. Илм аҳлидан бўлмиш отаси шогирдларга дарс ўтар ҷоғида у ҳам тингларди. Ёлғиз фарзанд бўлгани сабабли эркалиги ҳам бор эди. Қизалоқлик давридан ўтиб, қизлик сурури вужудига эгалик қила бошлаганида отаси эътиборсизлик қилибми, уни номаҳрамлардан

тўсишга аҳамият бермади. Отасининг талабалари орасида бир йигитча унинг қалбига ишқ ўтини ташлади. Ишқ ўтига шайтон алайхилаъна мой пуркаб, шунчалар аланга олдирдики, қизнинг кўзлари қамашиб, залолат ботқоғи қайдо-ю, ҳидоят гулшани қайдо ажрата олмай қолди. Соқол-мўйла-би сабза урган, латиф қоматли чирой сохиби унинг қалбини тамоман ром этган эди. Кўп кишилар Моҳинурни ўз никоҳларига олиш истагида совчи қўйдилар. Аммо барчалари қиз кўзига хунук кўринаверди. Отаси эса ёлғизининг раъийга қараб юраверди.

Моҳинур қалбини ром этган йигит бор эди! Отаси учун суюкли шогирд саналган йигит қиз учун ўзгача тарзда суюкли эди. Аммо бу хақда сўз очишга унда журъат йўқ эди. Ҳаё дейилмиш фазилат изҳори дил йўлин тўсиб турарди. Бироқ «Жаҳон айвонида унинг киби латиф бормикин», деб висол умидида яшаётган қиз хижрон туни ўтгач, васл айёми келарига ишонар эди. Кунлар ўта-ўта, ишонч унга вафо қилди: уйда ҳеч ким йўғида Моҳинур қалбини маҳв этган йигит кириб келди. Қиз уни кўрди-ю, қалбидаги ишқ ўти алангаси бутун вужудини қамраб олди.

Йигит бир китоб баҳонасида келиб эди. Йигит ҳар сафар бу уйга келганида ўғринча назарини Моҳинур томон қаратарди. Баҳор айёмида гул гашт этарга бир чаман бўлса, деганларидек, комрон кунлар олдинда эканига у ҳам ишонарди. Ёш қалбларга севги неъматини берувчи Зот ишқ мөвасини тенг иккига бўлиб, бу икки вужудга жойлаган эди гўё. Йигит остона ҳатлаб ичкари кирди, ўсма қўйиб ўлтурган қизга кўзи тушиши билан юраги қуш каби потирлаб, оёқлари ўзига бўйсунмади.

Моҳинур эса қоши томон кўтарилаётган кўлини манзилига етказа олмай қолди.

Йигит кўзларини пирпиратганича турар, тили сўзга келмас, юраги эса хитоб қиласарди:

*Юзингдин хиёсил қамар, лабингдин дого шакар,
Манга ҳар биридин ўт, санга қилмай ул асар...*

Йигитнинг назарида бу хитоб жаранглаб, ер юзини ўйғотиб юборган эди. Ҳатто тоғларни ҳам силкитиб юбора-ёзган бу хитобнинг қизга таъсир этмаганидан таажжубда эди. Кизнинг нозик бармоқларидан жон-қочиб, бўшаши – ўсма сувига тўйган пилик ўралган чўп тушиб кетди. Йигит буни кўриб, хитобим етиб борди, деб қувонди. Шу онда юрагидан яна бир хитоб учди:

*Моҳвашлар шоми зулғи не учун ошуфтадир,
Тутмамиши бўлса вафо аҳлига мотам, эй рафиқ...*

Яхши ҳамки, ишқнинг таржимони – юрак бор. Йўқса, тил бу туйғуларни баён этишга журъат этолмасди. Қиз ўрнидан туриб, «келинг», деди. Йигитдан «сизни соғиниб келдим» деган жонсўз кутди. Йигитда бу сўзни айтарга журъат йўқлигини билиб турса ҳам кутди.

– Устоз дедиларки... – йигит қиз кутган сўзни айтолмаганидан уялгандай кўзларини олиб қочиб, овозини пастлатди: – Токчада «Ал-ҳидоя» бор экан.

Қиз бу баҳонани эшитиб, энди йигитга айёrona жилмайиш билан боқди. Отаси мадрасага отланган чоғда айни шу китобни унинг ўзи токчадан олиб берган эди. Йигитнинг ёлғонини фош этиб шарманда қилмаслик учун у уйга кирди. Лекин токча сари юрмади ҳам, қарамади ҳам. Аксинча, ярим очиқ эшик панасига ўтиб йигитга ўғринча тикилди. Йигитнинг чўғ босиб олгандай туриши қизга ёқди. Ҳатто йигит оёғи остидаги чўғнинг аланга олишини, суюклиси ишқ оташида яна бироз куйиб туришини истади. Лекин уни кутдиришга ўзининг тоқати етмади. Димогига шайтоннинг нафаси урилиб бир энтиқди-да, оstonани босгани ҳолда мулойимлик билан деди:

– Кирингиз, ўзингиз қарангиз, нечукдир тополмадим...

Бундай демоқдан мақсад йигитни уйга чорлаш эди, холос. Киргач, нима бўлишини ўйлаб кўрмади. Шайтоннинг васваса олови икковини ҳам куйдириб, аклларни олмоғи мумкинлиги хаёлига ҳам келмади. Йигит қизни уйда ёлғиз

топмокни истаб келиб эди – топди! Ҳатто ичкарига таклиф ҳам этилди! Остонада туриб бўлса ҳам сўзлашмоқ баҳтига эришмоқни ният қилган йигитни ичкарига кириш таклифи ақлини тамоман олди. Оёкларидаги қалтироқни енгиб, аста-аста босиб ичкарига кирди. Шайтон олови баданларига югуриб ақлни ямлаб юта бошлаганида кўча эшигининг ғижирлагани, кейин уй соҳибининг қиска йўталиб қўйгани эшитилди. Йигит қўрқувдан сапчиб тушди. Қўзларидан даҳшат чўғлари сачраб, қизга «мени кутқаринг!» дегандай нажот назари ила боқди. Қизнинг қўрқуви униқидан кам эмасди. Қўрқув билан уят қоришиб, уни янада довдиратди. Кейин кўзи уй бурчагидаги катта хумга тушиб, йигитни ўша томон бошлади. Хум йигит кўзига нажот кемаси бўлиб қўринди-ю, ўйлаб ҳам ўтирумай ичига тушди. Қиз пастандаги қопқоқни олиб хум оғзини ёпишга улгурди. Остона ҳатлаб кирган отасига қараб кўзларини жавдиратганича жим туриб қолди. Ота қизининг бу ҳолатидан ажабланиб сўради:

– Ҳа, қизим, соғмисан, нима бўлди?

– Соғман, дадажон... кирганингизни сезмай қолибман.

Ота ҳовлига кириши билан томок кириб, ичкаридагиларни огоҳлантиришни одат қилган эди. Қизнинг гапидан ажабланди-ю, лекин «эҳтимол эшиitmай қолгандир», деган хулосага келди.

– Үзингиз соғмисиз, дадажон, барвақт келибсиз? – деди Моҳинур сал жонланиб.

– Этим сал учиб турибди, бироз хордиқ чиқарайин-чи.

– Аччик чой дамлайнми?

– Маъқул. Кечаги суюқ ошингни ҳам исит-чи, ичимда иллат бўлса, бир терлаш билан чиқиб кетар, иншааллоҳ! Сўнг Қумқишлоққа жўнайман. Жанозадан сўнг ҳатми куръонга қолишим эҳтимоли бор. Хуфтонга қайтмасам, холангни чакирарсан.

Қумқишлоқ бу ердан беш-олти фарсаҳлик йўл. Савобини мархумга бағиашлаш нияти ила ҳатми куръон бошланар бўлса, отасининг унда қолиши эҳтимол эмас, хақикатдир. Бу ҳолат қизга суюнчли туюлиб, энтиқди...

Кизнинг кўллари ишда, хаёли эса хум ичидаги йигитда бўлди. Отаси суюқ ошни ичиб олгач, пешин намозини ўқиди-ю, ўраниб ётди. Кун оға бошлаганда туриб, ўзини енгил ҳис-қилганини айтиб, Кумқишлоқ томон йўл олди. Отасини кузатиши билан қиз ичкарига шошиб кирди-да, хум қопқоғини очиб, «чиқаверингиз», деди. Хум ичидаги ракат сезилмади, овоз ҳам эшитилмади. Қиз хавотирланиб хум ичига қаради, букчайганича ҳаракатсиз ўтирган йигитни кўриб қўрқиб кетди. Калима қайтара-қайтара, қўркувни енгтан бўлиб, йигитнинг юзига қўл юборди. Иссиқ кафтини муздек юз териси чақиб олгандай бўлди. Ҳолсизланиб ўтириб қолди. Қўркув тўрларига ўралиб узок ўтириши мумкин эмасди. Йигит димиқиб ўлдими, ё қўркувдан жон таслим қилдими – буни аниқлаш ҳаёлига ҳам келмасди. У фақат бир нарсани – боши узра тўпланаётган бало булутидан қандай кутулишни ўйларди. У ўзини мажбурлаб ўрнидан турди. Ошхонага чиқиб теша олиб кирди. Хумнинг тепа қисмига урди. Тешанинг ожиз зарб билан урилиши хумни парчалай олмади, бўғиқ овоз чиқариш билан кифояланди. Шундан сўнг қиз телбаларча қичқириб юборди-да, хумдан аламини олмоқчи бўлгандай кетма-кет зарб бера бошлади. Хум парчаланиб, букчайиб ўтирган йигит жасади ёнбошга ағдарилди.

Жасадни уйда саклаши мумкин эмасди. Бировга айтиб кўмдириши ҳам имконсиз... Йигит билан ораларида ҳеч нима бўлмади, ҳатто бармоқ учлари бир-бирига теккани йўқ. Лекин бунга ким ишонади? Отаси балки ишонар... Лекин маҳалла аҳли-чи? Ивир-шивир гаплар селини тўсив бўларми экан? Ҳам «беҳаё», ҳам «қотил» деган шармандалик жандасини боши узра ёпиб қўя қолишмайдими? Ўла-ўлгунича шу жанда остида яшамайдими? Ўзи бу шармандаликка чидар, чидай олмаса ўзини осар ёки заҳар ичиб, бу дунё азобларидан кутулар. Отаси-чи? Фийбат аҳли тақвodor отасини ринд тоифага қўшиб қўяр бўлса, бу шармандаликка чидай оларми экан?

– Бу шундайин хизматки, унинг адo этилиши бир муштипарни шармандалик чохидан асраб қолгай. Шу боис, эшитганингиз, қўрганингизни маҳфий сакламоққа Аллоҳ номи ила қасам ичингиз.

Занжи «бу қанақа маҳфий хизмат экан?» деб ўйлаб ҳам ўтиrmай онт ичди. Онт ичиши қандай осон бўлса, қасамдан қайтиши унданда енгил эканини фикр қилмаган Моҳинур пастга тушди. Вужуди шайтон уфурган оловда куяётган занжи унга эргашди. Қиз хум парчалари устида ётган жасадни кўрсатиб деди:

– Бу йигит уйимга бостириб кириб, номусимга тажовуз қилмоқ истади ва шу ерда ўлим топди. Ишқингиз ҳақиқат бўлар бўлса, бу малъун сизнинг ҳам душманингиздир. Сиз буни йўқотмоғингиз керак.

Занжи жасадга қараб муддаосига етмоқ учун баҳона то-пилганини англади-ю, оҳ тортиб, деди:

– Мен асло бундай қилолмасман. Бу йигит хожазода-дур, хожамнинг фарзандидур! Бу бадфеъл шум толе қаер-дан келди?!

Томдаги қасамхўрликдан сўнг Моҳинур шартнинг осон бажарилишига ишонган эди. Занжи нола қила бошлагач, адашганини билиб муомаласини ўзгартирди – энди ялина бошлади. Занжи хожазодасига мотам тутгандай, вовайло-сини бошлаб қизнинг ёлборишиларига аҳамият бермади. Шунда Моҳинур тиз чўкиб, шармандаликдан кутқаришини сўради: Қиз ночорлик жари ёқасида куя бошлагач, занжи муддаосини айтди:

– Агар ўз танингни менга бағишиласанг, сени бу бало-дин кутқарурман. Бильякс, ҳозироқ шарманда бўлажаксан!

Яқингинада «юраги ишқ ўтида қовурилаётганини» баён қилган занжининг бу талаби қизни даҳшатга солди. Бир шармандалик етмагандай, иккинчисига ўз ихтиёри ила дучор бўлишдан кўра, ўлимга рўпара келиши аълороқ эди. У жонҳолатда гисланиб тешага қоқилди. Кейин энгашиб тешани қўлига олди-да, дастасини чангаллаб, ўзини ҳимоя қилишга ҷоғланди. Нафс бандасига айланиб бўлган занжи

Моҳинур хушини йўқотган, нима килаётганини ўзи ҳам билмасди. Маҳаллалари баланд-пастлиқда жойлашгани сабабли ундаги уйларнинг томлари бир-бирига қалишиб, зинапоя қўринишини олган эди. Яқинда отаси уйлари томини сувоқдан чиқартирган, қўшни деворига ёпиштириб, тандир курдирган эди. Моҳинур кунора томга чикиб, бир тандир нон ёпарди. Ота-болага тўрт-беш нон етарли, қолгани тала-баларга бериларди. Паст томонда бойнинг тужонаси бор эди. Туябонлар вакти-вакти билан дам олишга давра қурғанларида ундаги бир занжи йигит нон ёпиш учун томга чиккан Моҳинур томон караб-караб қўяр эди. Йигитнинг турки-автори ёқмаса ҳам хумор бокишиларидан киз завқланарди. Ҳозир нечукдир шуни эслади. Хумор боқувчи занжи унга нажоткор бўлиб туюлди. Томга чикиб тужона ҳовлисига умид билан қаради. Не баҳтки, занжи ҳам бу он шу томон хирс илинжи ила қараб турган эди. Моҳинур ўзини мажбуrlаб жилмайди, совукрок бўлса ҳам бир ишва килиб имлади. Занжига жон кирди, гўё канот чикарди-ю, бир-икки чаққон ҳаракати билан томга чикиб олди.

Занжи хумда жон берган йигитга ўхшамасди. Кизга қараб довдираф турмади. Гапираётганида лаблари титрамади. Бильакс, кизнинг чиройли қўзларига сук назари ила бокиб, изҳори дил қила бошлади. Севгиси инкор этилган тақдирда ўз жонига касд килажагини айта бошлаганида Моҳинур уни гапдан тўхтатди.

– Дил изҳори исботи билан кувватланса, ҳакикатга айланур, – деди ёлғон ишва билан.

– Айтинг, қандай исбот қиласай? Шу ханжар билан кўкрагимни ёрайинми, юрагимни юлиб олиб оёқларингиз остига ташлайнми?

– Агар бу юрагингиз ишқ оташида чиндан ёнар бўлса, арзимас бир юмушни бажариб берсангиз бас. Мен алҳол, хизматингизга ҳожатманнурман. Ҳожатимни раво қиласар бўлсангиз, зару жавохирдан истаганингизча беражакман.

– Зару жавохирга не ҳожат? – деди занжи. – Менга бир кулиб бокишингиз кифоядир.

теша күтартган нозик қўлдан чўчирмиди. У қизга ташлашиб, нозик билакни омбир орасига олган каби қаттиқ қисди. Оғриқча чидолмаган қиз бармоклари бўшаши – теша тушиб кетди. Кўйлаги пора-пора қилинди. Дод солиб, ёрдамга чақиришдан эса кўрқди...

Нафси ором олган занжи ваъдасидан қайтмади, жасадни кўрпага ўрагач, хум парчаларини тўплаб ташқарига олиб чиқиб ташлади.

– Мен сўзимга содикман, бу дардисарни даф қилурман. Аммо сен бир умрга меникидирсан, буни унутма. Қайсики пайт мўридан тошчалар ташлаб чақирап бўлсам, ҳаялламай чиқажаксан! – Занжи шундай деб ўлик ўралган кўрпани икки буклаб, хуржун каби елкасига ташлаганича чиқиб кетди.

Унинг ваъдасига вафо қилиши Моҳинур учун энди аҳамиятсиз бир нарса эди. Аввал шармандалик ботқогига тушиб қолишдан қўрқкан бўлса, энди номуссизлик балчиғига беланганидан азобланарди. Энди унинг учун ҳаётнинг барча нурли чироқлари ўчган эди. Энди у зулмат чодирига бутунлай чирмаб ташланганди. Атрофидаги барча умид юлдузлари сўнгач, ўзига ўлим тилай бошлади. Ўлим тиради-ю... айни онда ўлим даҳшатидан қўрқиб титрай бошлиди. Қанча вақт титроқ исканжасида ётганини билмайди. Шом қоронгулиги атрофга хукм ўтказишига ожизлик қилиб, ўрнини хуфтон зулматига бўшатганда титроғи босилди. Қаддини кўтариб курсига суюнди. Ўлим ҳақидаги ўйлари чекиниб, унинг ўрнини қасос аҳди эгаллади. Кўнгли қасос истарди, аммо бугунги даҳшатлар таъсирида ҳидалашган онги унга нажот йўлини кўрсатиб бера олмаётган эди. Мушкулини занжининг ўзи енгиллаштириди. Атроф тун сукунатига банди бўла бошлаган онда томга чиқиб мўридан тошчалар ташлаб, қизни чақирди. Қизнинг отаси уйда ётибди, деган ўйда бўлгани учун пастга тушишдан ўзини тийди. Моҳинур «у бадбахт яна бир балони бошламасин», деган ҳадикда ташқарига чиқди. Аммо томга кўтарилимай нарвоннинг ярмида тўхтади.

– Бу тун дўстларим майшат қилмоқни ихтиёр этдилар. Ҳар бирларининг ўз маъшуқалари бордир. Шароб ичиб, кўнгилларини хушламокни бошладилар. Мен билан юр, бу тун ёнимда бўлишинг шарт.

Бу амрни эшитган қиз чўчиб тушди.

– Йўқ... – деди титроқ овозда.

– Мен билан юрмасанг, сирингни ошкор этажакман! – деди занжи пўписа қилиб.

– Отам бетоблар... – деди Моҳинур йифламсираб.

– Айтганимга бўйсунмас бўлсанг, эрталаб сен учун шармандали тонг отажак! – деди занжи янада таҳдидли оҳангда.

Ана шунда Моҳинурнинг онги ёришиб қасос йўлини кўрсатиб берди, қасос учун фурсат келганини англади.

– Амрингизга бўйсунурман, – деди итоат билан. – Фақат... ювиниб, либосимни алмаштироғим учун бир неча лаҳза фурсат берингиз.

Занжи кўнди, томда кутажагини билдириди. Моҳинурга ғойибдан куч кирди. Баданидаги енгил титроқ ҳам босилди. Кишда отасининг белига бод келганда табиб малҳам тайёрлаб берган бир шишачани кўрсатиб, «Бунинг бир томчиси тарёк, икки томчиси захри мор. Уч томчиси тuya ичига кирап бўлса, жонивор ўкиришга ҳам улгурмай қулар. Бод кўзғар бўлса, яна малҳам тайёрлаб берурман, бу доруни эҳтиётлаб олиб қўйингиз», деб эди. Шишачани Моҳинурнинг ўзи қутига солиб қўйиб эди. Уйга шошиб кирди-ю, кутини очди. Шишачага кўзи тушиб, «Хайрият!» деб енгил тин олди. Сўнг йиртиқ кўйлаги ўрнига бошқасини кийиб, ташкарига чиқди. Ҳаялламагани учун занжи кувониб, уни тужона ҳовлисига олиб тушиб, гулхан атрофида давра курган дўстлари томон бошлади. Шаробга қўшилган ҳолда базм ахли ичига кириб олган шайтон уларни ўз хукмига тўла бўйсундиришга улгурган эди. Занжи даврага қўшилиб Моҳинурни «менинг маъшуқам», деб таништирганда қиз қалбини тилган уят тифи азобига чидолмайин додлаб юборай деди. Лекин ниятига етишмок учун куч топиб, ўзини

кувноқ күренишда тутишга мажбурлади. Маъшуқалардан бири уни таниб қолиб:

— Ие, сизмисиз? Дадангизнинг тақводорликлари-ю, иф-фат кайда, бу шармандалик туришингиз қайда? — деди лаб буриб.

Моҳинур бу пичингга чидашга ҳам мажбур бўлди. «Эй опажон, шармандалика айблашингиз дуруст эмасдир. Қиз бошига кулфат тушганда айбини ёпмоқлик муруватдандир», деб маҳзун кулимсираб қўйиш билан чекланди. Унга шароб тутдилар. Занжи «Ич!» деб амр қилди.

— Мен сира-сира шароб татиб кўрмаганман, — деди Моҳинур, — бу кеча маъзур тутинг, мен ичмайин, сизларга хизмат килайин. Шаробхўрликнинг тартиб-қоидасини ўрганиб олар бўлсам, майшат тотлирок бўлур.

Занжига бу гап ёқмади, лекин давра ахли қизнинг узрини қабул қилиб, соқийлик вазифасини топширди. Моҳинур шароб тўла сопол пиёлани энг аввал маъшуқлик тахтида керилиб ўтирган занжига узатди. Занжи бундан масрур бўлиб пиёлага кўл чўзганда, қиз нозли овозда бир байт айтди:

*Кетур, соқий, шароби ошиқона,
Ки бўлмишмен хирад бирла фасона.*

Буни эшитган занжи қувончини жиловлай олмай қий-кириб юборди. Кейинги пиёлани Моҳинур даврабоши бўлиб ўтирган кишиига узатиб, унга қаратса ҳам бир байт айтди:

*Кетур, соқий, шароби беҳудона,
Ки саъб иш солди олимга замона.*

Моҳинур лутфдан йирок, назокатдан бебаҳра туюбонлар ва ҳаёсиз маъшуқалар қўнгилларини шу тарзда бир байт айтиш ила хушлайверди. Маломат тошини отган жувонга караб: «Ичибон май қўнгул муроди била, санами моҳичехра ёди била», деб лутф қилганида у тун сирини

ошкор этмасликка қасам ичиб юборди. «Сирот кечмай қах-
қаҳ кулма», деган ҳикматдан бебаҳра боши бузуклар дав-
раси хунук қийқириклар билан Мохинурни олкишлайвер-
ди. Бундан фойдаланган қиз шишача қопқоғини очиб ша-
робга заҳар қуишига улгурди. Заҳарли шароб тұла пиёлани
занжига узатар маҳалида байтни пастроқ овозда айтди:

*Шароби фано жүйбори анинг,
Самуми бало лолазори анинг...*

Бадмастлик ҳукмiga тамоман бүйсунған занжи қизнинг
овозини эшитди, аммо үзининг дүзахдаги күйдиргувчи
оловли шамолга дучор бұлажагини тушуниб етмади. Касос
үтида ёнаётган Мохинур занжининг ўлими билан чеклан-
мади. «Бузукларнинг барчалари дүзахидурлар», деган
хукмда барчаларига заҳарли шароб тутди. Маишат ахли би-
рин-сирин күzlари олайиб жон бергач, қиз ўрнидан туриб
уйига чикиб кетди. Тунни бедор үтказди. Гарчи қасос они
үзи истагандай тез етиб келган бўлса-да, кўнгилдаги кир
тўкилмади. Аксинча, шармандалик билан қотиллик гунохи
коришиб кетиб, юрагини баттар сикувга олди. Тунни бедор
үтказди. Субҳи содикда кипригига бир неча нафасгагина
кўниб үтган уйқу чоғида туш кўрди: кафтдеккина ҳовлила-
ри ўртасини сой кесиб үтганмиш, сойнинг тип-тиник суви
тошдан тошга урилиб, айқириб оқаётганмиш. У сувга қўл
юбориб юзини ювмоқ истармиш, бирок қўл узатгани са-
йин сув ундан қочармиш. Ночорликда ўртана бошлаганида
оппоқ либосдаги онаси келиб уни қучоғига олди, сўнг сой-
нинг тиник сувида чўмилтирди-да, тоза қўйлак кийдиргач,
үзи ишидан кувониб, кула-кула кўздан йўқолди. Мохинур
онасига интила туриб уйғониб кетди. Бу тушнинг таъбири
нима экан, деб ўйланди. Кейин тип-тиник сувда ювиниб,
тоза қўйлак кийишини яхшилик аломатига йўйиб, кўнгли
пича равшанлашди. Ўрнидан туриб, ювинди, ҳовлига сув
сепиб, супурди. Кумғонда сув қайнатиб, томоғидан ушок
ҳам ўтмаслигини билса-да, нонушта тайёрлади. Отаси кун

ёйилганда келиб, шаҳар бўйлаб тарқалган дув-дув гапдан уни хабардор қилди:

– Ёнгинамиздаги тұяхонада беор бадбаҳтлар уя қуриб эканларким, бу тун Аллоҳ шармандаларнинг жазосини берибdir. Тонг сахар тұяхона хожаси келиб қарасаки, ҳовлида беш әркагу түрт хотуннинг үлуги сочилиб ётмуш экан. Барчалари күзлари олайған, тиллари тишлиланған холда жон берибдирлар. Күзларининг олайғани дүзах хабаридандир, валлохи аълам! Гуноҳлар ботқоғига қулоқлари қадар ботған бадбаҳт кимса үлаётганида унга дүзах манзараси күрсатилар эркан. Шу манзара қўрқунчидин күзлари олаюр эркан.

Моҳинур отасининг гапларини эътиборсиз тинглагандай бўлиб үтириди-да, беихтиёр «уларни ким үлдирибди экан?» – деб сўради.

– Ким үлдиргани ёлғиз Аллоҳга маълум. Бадбаҳтларнинг үзлари ҳам қотил кимлигини билмай кеттан кўрина-дирлар.

– Улар беорликлари учун жазо олган эрсалар, қотилнинг жазоси не бўлур?

Моҳинур шундай деб сўрашга сўради-ю, нигоҳини отасидан олиб қочди. Отаси буни сезмади, пича үйланиб, сўнг жавоб берди:

– Валлохи аълам, биссавоб, банда бу хусусда хукм чиқармоққа ожиз. Аллоҳ таборак ва таоло беорлар жазосини кимнингдир қўли ила берган экан, қотил жазоси ҳам Аллоҳнинг ихтиёридадир.

Отанинг үйчан тарзда айтмиш бу гаплари қизнинг кўнгил ярасига жон малҳами бўлди.

Орадан хафта үтмай, отаси яхши одамлар совчи бўлғанларини айтганида Моҳинур «ихтиёр үзингизда, ота фарзанд баҳтини үйлаб кайғурап экан, фарзанд нечун бўйин товласин», деб, кайсариликдан чекинганини маълум қилди. Бунинг суюнчисига отаси бир канизак олиб беражагини айтди. Моҳинур бу илтифотдан ғоят мамнун эканини билдириб, қул бозорига чикиб, канизакни үзи танлаб олиши-

га изн сўради. Ижозат теккач, бозорга борди-да, чўрилар орасидан қадди-қомати ўзига ўхшаган чиройли қизни танлаб сотиб олди. Ҳаммомга олиб бориб, ўзининг чиройли либослари билан ясантирди. Тўйга қадар опа-сингил каби яшадилар. Чўри қиз инсоф эгалари хонадонига келганидан бағоят баҳтиёр эди. Моҳинур эса тўй кунини ҳадик билан кутарди. Назарида, чимилдиқда уни кўркам либосли куёв эмас, шармандали ўлимнинг кафани кутаётгандек эди. Гарчи номуссизлик тўридан чиқиш чорасини ўйлаб, ишни пишишиб кўйган бўлса-да, оқибатдан кўнгли тўқ эмасди. Тўйга бир кун қолганида Моҳинур чўрига сирни ошкор қилиш фурсати етганини англади:

– Мен сени бир иш юзасидан сотиб олиб парвариш қилдим. Сендан яхшилик кўриш умидидаман. Агар умидими ни рўёбга чиқарап бўлсанг, озод қилурман ва ўла-ўлгунча опа-сингил бўлиб яшармиз. Сени ўз синглим деб билиб, энг яхши куёвга узатажакман.

Моҳинур чўридан жавоб кутар экан, «сиirimга шерик қилишим тўғрими, бундан бўлак чoram борми?» деб икки ўт орасида қоврилди. Чўри озодлик ваъдасидан кувониб, бекасига содиқ эканини, лозим бўлса жонини берарга тайёрлигини айтди. Бу онтни кўзлари ёнган ҳолда айтгани сабабли Моҳинур унга ишониб сўз бошлади:

– Билгинки, менинг бошимга оғир савдо тушган. Уйда ёлғиз қолганим кезда бир нобакор бадбаҳт бостириб кириб номусимни барбод этган. Бу хусусда гуноҳ менда бўлмаса ҳам, тўй кечаси шарманда қилурлар. Сенинг менга кўрсатадирган лутф-эхсонинг шундан иборатки, никоҳ кечаси эрим билан ёлғиз қолгач, унга шароб ичиргайман. Сархуш ҳолда ётгач, мен кўрпадан чиқгайман ва сенга кийимларими ни кийдиргайман. Сен эса менинг ўрнимга кўрпага киурсан. Эрим бокиралигинг хусусинда ишонч топгач, изингга қайтурсан ва мен ўз жойимни олгайман. То тирик эканман, сенинг марҳаматингни бир нафас ҳам унумтмагайман.

Канизак бекасини шармандаликдан кутқаришга қайта-қайта онт ичди. Никоҳ кечаси ҳам етди. Күёв шароб

ишиб кирган экан, нозли малагининг қўлидан ҳам ичгач, сархуш бўлди. Никоҳ базми бошланганида Моҳинур бир сабаб ила ташқарига чиқишини айтиб, ёниб турган мой-чирокни ўзи билан олди. Кийиму безакларини канизакка бериб, ичкарига йўллади. Ўзи оstonада ўғри мушук каби пусиб ўтирди. Куёв нафсини кондиргач, яна бир пиёла шароб ичдию, маст уйқуга кетди. Вакт ўтиб, субхи козибга оз фурсат қолаётган бўлса-да, канизак чиқавермади. Моҳинур хавотир қалтироғи билан ичкарига кириб уни ўриндан тортди.

– Вазифанг битди, мени лутфан куткардинг, чиқавер энди, – деди пичирлаб.

Канизак итоат этиш ўрнига бир силтанди. Мойчироқ нурида унинг кўзлари чакнаб дедики:

– Эй, уятсиз шарманда, ўз номусингни барбод бериб, энди баҳтиёрлик кўшкини алдов йўли билан эгалламок-чимисан? Мен бу йигитга ўзимни бағишладимми, энди у менинг эrimdir! Эrim ва хожамни икки кўллаб сенга топширап эканманми?! Кет бундан, йўқса, эл олдида шарман-дангни чикаурманд!

Пичирлаб айтилган сўзлар худди илон вишиллаши каби эштилди. Кўзлар ҳам илон кўзлари каби ёник эди. Моҳинур бир зум ўзини йўқотди. «Шармандалик ва расво-лик жандасини кийишинг энди рост бўлди!» деган жарангли овоз қулоклари остида жаранглаб, атрофга аланглади. Овоз ташқаридан келмаган, бу юракнинг ноласи эди. У на-жот истаб атрофига бир аланглаб олди. Нажот қайдан бўл-син! Нажот йўқ, шармандали ўлим эса накд эди! Ўлимдан кўркмасди, агар «яқин орада ўлатга дуч келиб ўлажаксан!» деган хабар келса, онаси билан дийдор яқинлашганидан кувониб, ўлимни шаходат калимаси ила қарши олаверарди. У ўлимдан эмас, беномуслик иснодидан кўркаётган эди. Ана шу кўркув уни итоаткорлик фазилатидан маҳрум килиб, бешафкат зулм кучи билан кувватлантирилди. Номус азо-бидан бир ихранди-ю, чўрининг кекирдагига чанг солди. Бундай хужумни кутмаган канизак ўзини ҳимоя қила олма-

ди. Нозик бармоклар гүё темир омбурга айланди – озодлик ва баҳтиёрлик булути устида сузаётган чўрининг жонини суғуриб олди. Сархуш кўёв уйғонмади. Бундан фойдаланган Моҳинур чўрининг жасадини судраб ўтинхонага олиб чиқди-да, мойчироқни ўтгинар орасига қўйиб изига-қайтди. Ўтинхонадан алнга тиллари кўрингандан ҳам кўрпайдан чиқмади, ухлагандай ётаверди. Одамлар уйғониб ўтни ўчиргунларича жасад куйиб кул бўлди. Моҳинурнинг сири шу кулга қўшилиб совурилган бўлса-да, кўнгли ёришмади. Ўз сирига банди бўлиб, сиқилган кўйи яшайверди.

Вақт ўтаверди. Аллоҳ унга фарзанд бермади. Моҳинур буни гуноҳлари учун берилмиш жазо деб билиб ўртанди. Отаси қайтиш қилгач, бу шаҳарга сифмай қолди. Эридан талоқ сўради. Туғмас хотин билан яшашдан безиб юрган эр талоқни ҳаяллатмади. Моҳинур шаҳарни тарк этмоқни истарди, бироқ қаерга боришни, тирикчилиги қандай бўлишни эса билмас эди. Қаерга бормасин, машъум хотиралари таъқиб этиб юришини, гуноҳлар тўрваси елкасидан тушмаслигини фаҳм эта туриб, қайларгадир бош олиб кетмоғи ғоят ажабланарли эди. Боши берк кўчада гангид юрган кезлари тушида онасини кўрди: ўша сой, ўша тиник сув... кўлларини сой томон узатади, сув эса ундан қочади. Нима қиларини билмай турганида оппоқ лиbosга ўралган онаси пайдо бўлди. Бу сафар уни ювинтирумади. Покланиш йўлини айтди-ю, ғойиб бўлди:

– Гуноҳлардан фориғ бўлишни истар экансан, аввали ўз зиммангдаги фарзни – ҳаж ибодатини бажаргайсан. Кейинги йилдан бошлаб эса, неча кишининг жонини олган экансан, ҳар бири учун алоҳида-алоҳида ҳаж қилгайсан. Ота уйидан йўлга чикиб, Каъбатуллоҳга пиёда боргайсан. Уловда юрмоқлигинг мумкин эрмас...

Моҳинур уйғонди-ю, чўчимади. Бу қандай ғаройиб туш бўлди, деган муаммони ечмоқ қасдига тушмади. Тушида онаси айтган гапларни хукм ўрнида қабул қилди. Ҳатто бир мисқол миқдоридаги яхшилик Тангри таоло ажридан, ҳатто бир мисқол миқдоридаги зулм Аллоҳнинг жазосидан

кутулиб қолмаслигини билган банда тавбаларининг қабул бўлиши учун ҳаж сафарига отланди...

* * *

Моҳинур бошдан кечган машъум воқеаларни Шайхга баён этиб бўлгач, чуқур хўрсинди-ю, жимиб қолди. Кўп йиллардан бери эзид келаётган дард юки пича енгиллашгандай туюлди. Шайх эса эшитганларига бир ишониб, бир ишонмай мутаассир ҳолда турди. Моҳинур бошини кўтаришга, унинг кўзларига қарашга ботина олмади. Янада паст овозда баёнига якун ясади:

— Ўшандан бери ҳар йили Каъбатуллоҳ сари отланаман. Ҳозирга қадар етовлон учун ҳаж қилдим. Агар умрим вафо қиласа, зиммамда яна тўрт марта ҳаж қилиш вазифаси турибди. Баёнимни эшитиб, «макр ва хийлада сенга тенглашадирган киши асло бўлмас», деб мени айбситмоққа ҳақлисиз. Мен эсам, «бу йўлга мени нафсим чорламади, номус кучидан бу гуноҳ ишларни қилмөққа мажбур эдим», деб ўзимни оқламоққа ҳақли эмасдирман... Сиз, муҳтарам зотдан дуо умидидадирман, ўзга илинжим йўқдир...

ЖАННАТ ГУЛИ БАЁНИДА

Вазирни нохуш кайфияда кузатиб қолган Шайх кўлида асо тутган, қадди дол хотинни кўриб, унинг яқинлашишини кутди. Ёши эндинига ўттиздан ошган бўлишига қарамай, кампир кўринишини олган хотин Моҳинур эди. Саҳродағи учрашувдан кейин ҳар сафар ҳаж сафарига отланганида ҳам, қайтганида ҳам Шайхни зиёрат қилиб, унинг дуосиини олар эди. Шайхнинг ҳисобига кўра, Моҳинур ўз фарзини адо этгач, қатл этилган ўн бир жон учун алоҳида-алоҳида ҳаж қилган эди. Бу йилги ҳаж сафари арафасида келиши Шайхни ажаблантирса-да, «Бошқа бирон юмуши бордир», деган хаёлда сабр қилди.

Моҳинур яқинлашиб салом бергач, ичкарига кириш таклифини рад этиб, сафар олдидан дуо талабида келганини билдириди. Шайхнинг савол назарида қараб қўйганини кўриб изоҳ берди:

— Аллоҳ-йиллар давомида мушқулимни осен қилди. Умримни зиёда қилди. Энди отам ва онам учун ҳаж қилиш нияти кўнглумга тушди... Яна... — Моҳинур давомини айтишга ийманиб бош эгди, — эримни алдаганим гуноҳи ҳам елкамда турибди...

— Аллоҳ, байтини яна тавоф этишини ихтиёр қилмиш экансан, боргил, аммо ёлғиз пиёда эмас, карвон ила бирга боргил. Бир мўминга никоҳланиб, танмаҳраминг ила борсанг дуруст бўлур эди.

— Ҳазратим, никоҳланишга фурсат бор, — деди Моҳинур кўзларини ерга тикиб. — Эрим учун ҳаж қилганимдан кейин мен учун никоҳланиш фурсати келган бўлади.

— Боши очиқ аёлга қачон никоҳланса бўлишини Аллоҳ белгилаб қўйган, банданинг истаги билан бўлмайди.

— Буни билурман, аммо на қилайнки, шундай аҳд ила кўнглумни боғлабдирман. Сиз айбситманг, Аллоҳ гуноҳкор этмасин.

Шайх «аҳдинг дуруст эмасдир», деган маънода бош чайқаб қўйди-ю, кўлларини дуога очди. Аллоҳга муножот қилди.

Моҳинур қайтиш олдидан бир гапни айтсамми, ё айтмасамми, дегандай иккиланиб турди. Шайх буни сезиб хайрлашишга шошилмади.

— Ҳазратим, — деди ниҳоят Моҳинур айтмоққа журъат этиб, — менга бирон бир ҳолатнинг олдиндан аён бўлмоғи маҳолдир. Бироқ... кўнглим бир хайрни сезмоқдадир: Аллоҳнинг марҳамати билан бу йил ҳам сиз ила Каъбатуллоҳда кўришмоқ бахти насиб этса не ажаб?

Шайхнинг сафар нияти йўқ эди, шу боис жавоб бермокқа тараффудланди.

— Иншааллоҳ! — дейиш билан кифояланди.

– Ҳазратим, боғингиздаги гулни эҳтиёт қилинг, латиф шохига қузғун қўнишига йўл берманг... Аллоҳнинг ўзи меҳрибондир...

Моҳинур шундай деб, Шайхни таажжуб тўрига ўраб кетди. Кейинги икки гапи икки жумбоқ бўлиб, Шайхнинг ўй-хаёлини ўғирлади. Моҳинур – ҳожи хотин огоҳлантири-маса ҳам, боғидаги гулга қузғун нима экан, ғубор қўнишига йўл қўймайди.

Шайх ҳовлига қайтди-ю, савол назари билан пешвоз чиққан набирасига тик қарамоққа журъати етмай, нигоҳини олиб қочди. Кўчадаги отлиқларга кўзи тушган Мўмина-нинг кўнгли бир шумликни сезиб, бобосини хавотир ила кутиб ўтирган эди. Гарчи кашта тикиб ўтиргандай бўлса-да, игна ҳаракатдан тўхтаганди. Шайх қизнинг савол беришини кутмай, вазирнинг гапидан огоҳ қилди. Мўмина ҳозирнинг ўзида шоҳ саройига жўнатилаётгандай кўркиб кетди. Нозик бармоқлар гўё жонсизланди, ҳаракатсиз турган игна сурилиб тушиб, сарғимтирипак ишга осилиб қолди. «Вой шўрим!» деб нола қилгиси келди-ю, тили айланмади. Бобосидан «такдиринг шу бўлса на илож, Аллоҳга таваккул», деган юпанч сўзларини кутиб, кўркув оралаган юраги баттар потирлади. Шуқрки, бобоси бундай демади.

– Жаннат боғчасида тарбия топиб, вояга етмиш қиз жаннат гулларини ҳидлашга ҳақлидир, инша Аллоҳ! Поки-за гулнинг балчиқда беланишидан Аллоҳнинг ўзи асррагай.

Шайх шундай дегач, ичкарига кирмай масжидга чиқиб кетди. Худди эътикофда ўтирган каби шомга қадарли хонақоҳдан жилмади. Шом намозига аzon чақирилгач, битта хурмо билан ифтор қилди. Намоздан сўнг ҳам хонақоҳни тарқ этмади. Хуфтон намозидан сўнг ҳам зикру тақбир ила машғул бўлди. Кечанинг ярми ўтганда таҳоратини янгилаб, таҳажҷуд ва витр намозларини ўқиди. Аллоҳга яна муножот этиб, азиз набирасининг баҳтини сўрагач, ташқарига чиқди. Лекин уйи томон юрмади. Хаёлига келган најот режасини амалга ошириш учун қўшни маҳалла масжидига йўл олди. Масжид кимсасиз эди. Шайх унда тўхтамай ке-

йингисига қараб юрди. Тўртинчи масжидга етиб, эшикдан ичкарига қараганида мойчироқнинг заиф нури кўринди. Шайх шарпа чиқармай остона ҳатлади. Мехроб қаршисида қаъдада ўтирган йигитга кўзи тушиб пойгакда тўхтади. Йигит кўлларини кўтарганича Аллоҳга илтижо қилаётган эди. Шайх дуонинг ниҳоясига етишини кутди. Йигит ўрнидан тургач, у ҳам кўзғалди. Йигит пойгакдаги шайхни кўриб, ажабланганича салом берди. Шайх унга тикилганича алик олди-да:

- Биродар, сиз кимсиз? – деб сўради.
- Мен Абдуллоҳдурман, бу шаҳарга мусофирман.
- Бунга не юмуш ила келиб эдингиз?
- Тирикчилик важҳидан.
- Уйланганимисиз? Оилангиз борми?
- Уйланмаганман. Ота юртимда онам ила иним қолган-дирлар.
- Аллоҳ кўнглумга солдики, масжидларнинг бирида иймон эгасига рўпара келажакман ва жаннатда ўстирган гулим унга насиб бўлғай. Уйланмоқ истагингиз бормидир?
- Истак-ку бор, аммо қўл калтадир, чўнтак эса ғоят камбағал.

Абдуллоҳ бу шаҳарга отланмасидан аввал кўрган тушида бир гўзалга етишмоғи аломати англатилган эди. Бу кеч муножот чоғида ҳам юраги ниманидир сёзди. Шайхнинг саволидан сўнг бу аломатлар бежиз эмаслигига амин бўлса-да, кечинмаларини фош этмади.

- Камбағал чўнталингизда қанча танга бор?
- Ўн тўрт динор, – деди Абдуллоҳ айбдор одам товушида.
- Бу берар маҳрингиз учун кифоядир. Ризолик бўлса, мен сизни куёв қилурман. Кўзимнинг оқу қораси набира қизимнинг уч қусури бор: бирламчиси – сўқирдур, иккиламчи – соқовдир, учламчи – оёқлари шолдир. Бу қусурларига қарамайин, никоҳингизга олар бўлсангиз, Аллоҳ сизга баҳт күшини насиб этгай.

Шайх шундай деб унга синов назари билан тикилди. Абдуллоҳ бу нигохга бас келолмай ерга қаради. Шайхнинг гаплари уни довдиратиб қўймади. Илм ахли учун маълум бўлган бу сифатлар нимага ишоралиги унга маълум эди. Қизнинг кўзлари ожизлиги – номаҳрам назаридан ўзни муҳофаза этгани, соковлиги – номаҳрам ила сўзлашмагани, шоллиги – ноўрин остона ҳатламаганидир. Шундай экан, бу нотаниш киши унга чиндан ҳам жаннат гулини ваъда этаётибди экан.

Абдуллоҳнинг сукути ризолик аломати бўлди. Шайх бундан қаноатланиб, гапини давом эттириди:

– Алҳол никоҳ ўқигумиз, сўнгра, бомдодни ўқигач, йўлга чиқиб ота юртингизга қараб юргайсиз. Завжангизнинг бу шаҳарга қайтмоғига, мени зиёрат этмоғига зинҳор-зинҳор ижозат бермагайсиз. Менинг набирамга уйланганингизни яқинларингизга ҳам ошкор этмагайсиз. Сўраганларга «бир етимчага савоб учун уйландим», десангиз кифоя, зеро бунда ёлғон йўқтур.

Шайх гапни муҳтасар қилиб масжиддан чиқди. Абдуллоҳ унга эргашди. Шайх уйга келиб Мўминага мақсадини аён килди. Қиз бу кутилмаган аҳддан довдираб колди, айниқса, бобосини ташлаб кетажаги юрагини тилкалаб ташлади. Йиғлаб, бобосига ялингиси келди. Кўзларига ёш қўйилди-ю, бирок корачик посбонлари бўлмиш кора киприклар йўлни тўсди. Юракда уйғонган дардли йиғи эса томоқда бўғилди. Ўқсик кўнглига даво топилмади. Подшоҳ истагини билган кизнинг тақдирга тан бериб, шаҳарни тарк этишдан ўзга чораси йўқ эди. Комрон кунлар олдинда эканига ишонмаслик, Аллоҳ марҳаматига умид қилмасликдан ўзини тийди.

Мўминанинг келинлик сарупоси бир кичик тугунга жойланди. Кечаги куни Шайх уйига қайтар маҳали сойнинг нариги бетидаги уйдан буркиб кўтарилаётган тутуни кўриб ўша томон юрди. Одамлар ёнаёган уйга сув сепишар, олов эса уларни писанд килмай сепилган сувларни гўё ямламай ютарди. «Уйда болаларим колган!» деб фарёд

урганича оташ томон талпинаётган ота ва онани уч киши маҳкам ушлаб туарди. Шайхнинг шошилганича яқинлашаётганини кўрган ота: «Ҳазратим, болаларимни кутқаринг!» деб илтижо қилди.

Шайх «күтқарувчи Аллоҳдир!» деди-ю, бошқа тагтайтмай олов кучоғидаги уйга қараб юрди. Одамлар кўркувдан котиб қолдилар. «Шайх ўлди», деб калима келтирганлар ҳам бўлди. Лекин орадан кўп вақт ўтмай Шайх икки гўдакни бағрига босганича олов кучоғидан чиқиб келди. Унинг бирон ери куймагани, ҳатто тилинмаганини кўрган одамлар энди ҳайратда қолиб калима келтирдилар. Ўз кўзларига ишонмаган ота ва она болаларини унинг қўлидан олишиди-ю, ялаб-юлқаб кетишиди. Кейин ота Шайхга бир халтacha узатди:

– Ҳазратим, бу олтин тангалар ҳаппа-ю ҳалол сизники,
– деди шукrona оҳангига.

Шайх халтачага қўл ҳам узатмади, унга норози қиёфада қараб:

– Агар ҳазратингиз бу тиллаларни олсами эди, оловдин тирик чиқмаган бўлур эди. Аллоҳга шукр қилингиз, ҳамд айтингиз-да, эҳсонингизни ҳожатманларга берингиз, – деб нари кетди.

Шайх хуфтон намозидан қайтганида ўша ота унга яна рўпара бўлди. Бу сафар икки халтача узатиб, «ҳожатманларни ўзингиз дуо қилиб, ўз қўлингиз билан берингиз», деб ялинди.

Набира қизини сафарга тайёрлаётган Шайх ўша халтачаларни олиб, «манзилга етгач, бирини қайнонангга, иккинчисини эрингта бергайсан», деб тайинлади. Қизнинг тугуни тугилгач, Маъсуманинг уйи томон юрдилар. Уларнинг гувоҳлигига никоҳ ўқилди. Тўй зиёфати суви қочган нону булоқ сувидан иборат бўлди.

Дуои фотиҳадан сўнг Абдуллоҳ хотинини уйига бошлаб борди. Мўмина оғилхонани эслатувчи пастак уйга шутарзда келин бўлиб тушиб, останани ёр-ёрсиз босиб ўтди. Абдуллоҳ мойчироқни ёқди. Ижарага олинган уй хона

соҳибининг курук чўнтағидан қолишмас эди. Чўнтақка эмас, юракдаги иймон бойлигига қараш лозимлигини билган қизга бу хароба қўрқинчли туюлмади. Аксинча, токчадаги яримта нонга кўзи тушгач, эрига ажабланиб қаради:

– Бу нимадир? – деди синик овозда.

– Бу нон... – деди Абдуллоҳ саволдан мақсад не эканини англамай. – Кеча хизмат ҳақимга бир нон бердилар, ярмини еб, қолганини эртагаликка олиб қолдим.

– Сизни такво ахлидан деб эдилар... – Мўмина енгил хўрсинди. – Аллоҳнинг эртанги куни ризқ бермоғига ишонмабсизда?

Бу танбех таъсир қилиб, Абдуллоҳ бирон нима деёлмай қолди. Гарчи уятдан өрга қараса-да, юраги қувончдан ҳапкирди. Шоирнинг бир байтини эслади:

*Агар ўн ишл уйида бўлмаса ун,
Уни чиқмас, ани айтурга бир кун...*

Шукрки, Аллоҳ унга ана шундай сабрли қизни насиб этибди.

*Сирин фош айламас, гар гамда бўлсун,
Агар танг бўлса, айтур: «Бўлса-бўлсун».*

Яхши хотин ўзи аламда бўлса ҳам эрнинг сирин ҳеч фош айламас. Аллоҳ унга шундай окила қизни насиб этибди. Агар бирор танглиқдан сўз очиб, бундай хотинга ачинса ҳам ношукрлик қилмас, билъакс, «бўлса бўлар, эртага Худо бериб қолар», деб Аллоҳнинг раззоқлигига ишонар. Абдуллоҳ хаёлидан шуларни кечириб Мўминага меҳр ва шукр билан боқди-да, беихтиёр пичирлади:

*Агар заннинг мунингдек бўлса хишити,
Ани дегил бу дунёнинг беҳишити...*

Шайх масжидда эканида никоҳдан сўз очган чоғи набирасини «жаннат гули» деб бежиз сифатламаган эди. Шуни эслаб Абдуллоҳ: «Бундай хотин чиндан ҳам фоний дунёнинг жаннатидир», деб кўйди.

Шайхнинг амрига итоат этиб, бомдод намозидан сўнг шаҳарни тарк этдилар. Мўминанинг сепи бир тугун, Абдуллохнинг юки эса унданда кам эди. Шу боис йўл ҳозирлиги учун фурсат талаб этилмади. Тонгда харакатга тушган карвонга қўшилиб, тўртинчи куни манзилга етдилар. Абдуллоҳнинг мусофириликдан пул билан қайтишини кутаётган онаси келиннинг саломига алик олди-ю, ўғлига норози қиёфада боқди. Унинг норизолиги ўғлининг ўзбошимчалигига эмас, аслида унинг уйланиши айни муддао, лекин уч қоринни тўйғизиш муаммо бўлиб турганда оиласа тўртинчи одамнинг қўшилиши анча ташвишли ҳол эди. Мўмина тугунидан бир халтачани чиқариб қайнонасига узатди. Халтачадаги тангалар жаранги қайнонанинг боши устидаги ташвиш булатини ҳайдашга кифоя қилди. Қайнонанинг чехраси очилиб, қариндошу қўшниларни тўйдастурхонига чорлаш харакатига тушди.

Мўмина қайнисини номаҳрам деб билгани сабабли унга кўриниш беришдан ўзини торгса-да, кичик ховлида бунинг иложи йўқ эди. Абдуллоҳ Мўмина берган маблағни тижорат ишига сарф этиб, рўзғорнинг эгик қаддини тиклаб олди. Укасига дўкон очиб бергач, онасининг ризолиги билан қўшни маҳалладан бир уй сотиб олиб кўчиб чиқди. Онаси хасталаниб, кенжасининг тўйини кўриб қолишни тилади. Кўзи очиқлигига Аллоҳ унга бу баҳтни ҳам берди.

Мўмина бобосини соғинса ҳам уни зиёрат қилиб келиш хусусида сўз очмади. Бобосининг подшоҳ қаҳрига учраган бўлиши эҳтимолини ўйлаганида ўксик кўнгли фарёд чекар, бироқ ноласи юзага чиқмас, муножот билан ўзини овутарди. Абдуллоҳ завжасининг аҳволини сезиб туради. Карвон йўлига чиқиб, Шайхнинг аҳволини дараклагандан унга хайрли хабар айтдилар: Шайхни Каъбатуллоҳда кўрибдилар, сўнг эса у Мадинаи мунавварага қўнибди. Бу хабардан сўнг Абдуллоҳнинг кўнглида Ҳаж фарзини адо этмоқлик нияти туғилди. Онасининг бетоблиги сабаб бўлиб сафарни ортга сурди.

Онасининг жанозасидан сўнг Абдуллоҳ Ҳаж ибодатига бормоқ тадоригини бошлади. Тайёргарлик ниҳоясига етгач, сафар куни арафасида хотинининг истаги билан қизикиди:

– Мен тўрт ойлик сафарни ният қилдим. Шу тўрт ойлик муддатта қанча нафақа истайсан?

– Тирик қолишинга еттулик нафақа қолдириинг, – деди Мўмина.

– Тириклигининг ва ўлиминг менинг қўлимда эмас, Ҳақ таолонинг измидадир.

– Ундан бўлса, менинг ризқим ҳам сизнинг қўлингизда эмас, жаноби Ҳақнинг измидадир, – деди Мўмина.

Абдуллоҳ бу жавобни хуш кўриб, аҳли аёлини дуо қилди. Мўмина эрини кузатгач, кўшни хотин келиб, «Эрингиздан нечун нафақа сўрамадингиз?» деб ажабланди. Мўмина жавобан дедиким: «Ул ҳам мен каби ризқ егувчиdir, бергувчи эмасдиr»...

БЕНОМУС ҚАЙИН УКА БАЁНИДА

Бир ота ва бир онадан туғилмиш фарзандларнинг фазилату нуқсонларида яқинлик кам бўлади. Чехраларидаги ўхшашлик феълу атворларига мос келавермайди. Абдуллоҳ билан унинг иниси орасидаги фарқ ҳам шундай эди. Акада мавжуд фазилатлар укада камроқ кўринарди. Акадаги иймон куввати укада йўқ эди. Акаси мусофирилардан қайтганида уканинг кувонгани рост. Янгасининг гўзал узорига кўзи тушиши билан ошиқ бўлиб қолгани ҳам рост. Мўминанинг ёноғига ярашган холига, чарос қўзларига йигитчанинг жон қуши осонгина сайд бўлди. Мўмина қайнисига табассум ҳадя этмаган, лекин эрига ёки қайнонасига жилмайиб қараган кезлари йигитчанинг юрагидаги иблис ғалажени авж оларди. Мўмина қайнисининг қарашидаги бузуклик учқунини сезгани учун ҳам, биринчи кунданоқ ундан ўзини олиб қоча бошлаган эди. Ука уйланганидан кейин ҳам янгасига бўлган ошиқлик кучи сусаймади. Иблиснинг

нафасини чин ишк деб фаҳмлаган нодон ука янгасига интилишини бас қила қолмади. Акаси сафарга жұнагач, нијатига етиш фурсати келганига ишониб, янгасининг висолига ошиқди. Байтда «Үзи бир тахт устида Жамшедваш, ёнида гулчехраи хуршедваш» дейилгани каби, янгасини күёш янглиғ гүзәл деб билгани баробаринда у нопок үзини муддаога етишган баҳтиёр подшоҳ мартабасида қўрарди. У акасиникига дарров бора қолмади. «Орадан пича фурсат ўтсин, эрни соғинсин, унинг висолида ўртансин, ана шунда мен кириб бораман, унинг қайноқ кучогига отиласман», деб режа қилди.

Мўмина эшик тақиллашидан хавотирга тушди. Ташқарида кайнисининг овозини эшигандан кейин ҳам хавотири босилмади. Аввалига эшикни очгиси келмади. Кейин «зарур юмуши бордир, ҳар ҳолда эримнинг укаси», деган ўйда иккиланди, сўнг эса «хожамдан бир мужда келган бўлса-чи?» деган умидда эшик зулфини туширди. Қайниси ичкарига қадам ташлаши билан атрофга ҳадик билан ола-зарак қаради. Бу қараш Мўминани сергаклантириди. Орқасига тисланди-ю, лекин уни уйга таклиф қилмади. Шарм-хаё фазилатидан узоклашган ука супага ўтириб, янгасига сук билан тикилди. Мўмина чой қўйиш баҳонасида ошхона сари юрмокчи эди, тўхтатди.

– Ёнимга ўлтиринг, зарур гапим бор, – деди титрок овозда.

Овоздаги титрок Мўминага хавотирли хабардан дарак бергандай бўлди. Овоз нафс хуружи оқибатида титроққа кирганини ўйлаб қўрмади. Қайнисининг ёнига эмас, супа четига омонат ўтирди.

– Овсиним саломатмилар? – деб сўради.

– Яхши юрибди, – деди ука беписандлик билан. – Карвонсаройга борувдим, хунук гапларни эшиздим.

Мўмина чўчиб тушди:

– Қандай гаплар?

– Карвон йўлларида қароқчи зоти кўпайгандан кўпайибди. Ҳамёнга қўшиб жон ҳам олаётган эмиш. Ҳаж сафарини ният қилиб бораётганларни ҳам аямас эмиш.

— «Лаббайка»ни айтиб йўлга чиққанларнинг барчалари-ни Аллоҳ сақласин, шулар қаторида акангизни ҳам ўз паноҳида асрасин.

Мўмина ёмон нафас қилган қайнисидан нафратланиб юзини бурди.

— Акам қароқчи чангалига тушмаган тақдирда ҳам энди юртга қайтмас. Мадинаи мунавварада қўним топиб қолмоқ ихтиёри борлигини менга билдирган. Яна деганки, сизнинг ихтиёргиз энди мендадир. Сизни никоҳимга олув ҳаки ҳам менга берилган.

Мўмина юзига совуқ сув сепилгандай сесканиб, қайнисига шарт ўгирилди:

— Тавба денг, бу гапларни зинҳор айтманг! — деди кескин оҳангда.

— Мен акамнинг гапларини айтдим, тавбага ҳожат йўқ, — деди ука сурбетлик никобига янада ўралиб.

— Акангизнинг бундай демаклари ақлларига ҳам, иймонларига ҳам хос эмасдир.

— Келмас бўлиб кетсалар ҳам кутмоқ аҳдидамисиз? — ука шундай деб янгаси томон бир қарич сурилди.

— Келмаслик нияти акангизга бегонадир, инша Аллоҳ соғ-омон қайтажаклар. Мен эсам, шариат хукмидан четга чиқмасман, қанча лозим бўлса, шунча йиллар кутажакман.

— Тўқсон йил кутмоқчимисиз? — деди қайнин ука масхара оҳангиди.

— Лозим экан, унданда кўп мухлат кутажакман. Менга Аллоҳнинг ўзи сабр беражак. Акангиз томонидан то талоқ берилмас экан, бева деганномдан узоқдирман, ўзга сўзларга ҳожат ҳам йўқтири! Сиз эса... кетингиз... — Мўмина шундай деб ўрнидан турди.

— Акамнинг уйидан ҳайдашга ҳақингиз йўқ, — ука шундай деб ўрнидан турди-да, янгаси томон қадам ташлади.

Мўмина унинг бу ҳаракатидан чўчиб ўзини ҳимоя қилиш чорасини излади.

— Номаҳрам бўлганингиз холда эри йўқ хонадонга қадам босмоғингиз жоиз эмасдир, Аллоҳнинг ғазабидин кўркингиз, кетингиз.

Юраги нафс кишанига банди бўлган кимса бу онда Ал-лоҳнинг ғазабидан қўрқиши ўйлармиди? Шайтон алайҳи-лаъна «ниятингга етишингга бир баҳя қолди, ҳозир муддао сари қадам қўймасанг, сўнг висолга хечам етолмайсан», деб висирлаб турганида ўзини тўхтата олармиди?

— Сизнинг уйимизга келиб, биринчи қарашингизнинг ўзиёқ қалбимга ишқ ўтини солган. Энди бу ўтга чора кўриш вақти етди. Сиз энди меникисиз, бошқа гап йўқ!

Мўмина атрофга аланглаб нажот излади. Нажот йўқ эди. Жонҳолатда югуриб уйга кирди-ю, эшикни ичкаридан танбалаб олди. Ука баҳт қушини қўлдан учирган ношуд каби бир зум туриб қолди. Кейин ичини куйдираётган кучга итоат этиб, эшикни бузиш қасдида тепа бошлади.

— Эй беҳаё, уялмайсизми?! Эй беномус, бу харакатларингиздан ор қилмайсизми? — деб бақирди Мўмина. — Айтган сўзларингиздан қайтингиз, жаҳдингизни тўхтатингиз! Ҳожатингизга мендин раво истамангизким, муродингиз ҳеч қачон мендин ҳосил бўлмас. Ҳаргиз зино қилмасман, номусимни барбод этмагайман ва ҳаётимнинг соф чашмасини бу жиноятнинг андуҳи билан ифлос қилмагайман!

— Яхшиликча эшикни очинг, — деди ука ҳансира. — Мен билан бирга бўлинг ва муродимни ҳосил қилинг. Агар талабимни бажармас экансиз, жонингизга қасд қилурман.

— Жондан кечсам кечаман, аммо бундай гуноҳ йўлга зинҳор қадам қўймасман! — деди Мўмина ғазабли овозда.

Бу тарзда муддаосига ета олмаслигига ақли етган ука эшикни тепишини бас қилди. Шовқинни эшитган қўшниларнинг кириб қолишлиридан қўрқиб, тезгина чиқиб кетди.

Мўмина дарчадан қўрқибгина мўралаб, унинг кеттаганига ишонч ҳосил қилган бўлса-да, ташқарига чиқишига журъат этолмади. Кўча эшиги қия очиқлигича қолаверди. Қайноаси фоний дунёдан умидини узган дамда уни ёнига чорлаб деб эдики: «Сиз келиним эмас, менинг қутлуғқадам қизимсиз. Кичик келинимга овсин эмас, опа мақомида бўлувингизни тилайман. Сиз томонларда «янга» аталса, бизда «келин ая» дерлар, қайин укангизни оналик меҳри

билан тарбия этмоғингизга иймоним комил»... Қайноаси васият қилмаган тақдирда ҳам, Мұмина улардан мәхрини аяmas эди. Лекин... хонадонига нопок қадам босиб кирган қайин үкага қандай мәхр күзи билан карасин?

Мұмина күнгли ғашланған дамларда құлиға Қуръони каримни оларди. Китобда бобосининг бармөк излари бор. Оятларга күз ташлаганида бобоси қироат билан үқиб берғандай бўлади. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Мұмина мусҳафнинг дуч келган сахифасини очди. Кўзлари ҳарфлар узра сузди. Қулоғи остида бобосининг овози жаранглади: «Қиёмат куни Парвардигор солих одамларнинг руҳларига хитоб килиб айтадики: «Эй Аллоҳнинг зикри билан ором олган хотиржам рух! Үзинг рози бўлган ҳолингда ва Раббинг ҳам сендан рози бўлган ҳолда Парвардигоринг ҳузурига кайт! Ҳар бирларингиз бандаларимнинг жасадларига киринглар ва жаннатимга дохил бўлинглар!»

Мұмина енгил сесканиб кўзларини юмди-ю, зикру тасбех билан банд бўлди. Руҳига бироз осойишталик киргач, ўрнидан турди-да, ҳовлига чиқиб кўча эшигини ёпди.

«Солих бандаларнинг руҳларига бу хитоб килинур экан, бадбаҳт гуноҳкорларнинг руҳига қандай амр бўлажаги маълум-ку... Нечун охириуз-замонни ўйламаслар, нечун кўркмаслар, нечун тийилмаслар?»

Мұмина бу саволларига жавоб топа олмади. Қайин укасининг шайтоний қилиғи учун уни қарғаса ҳам арзирди. Лекин қарғамади, тунни нафл намози билан ўтказиб, унга Аллоҳдан иймон қуввати ва инсоф тилаб чиқди.

Бу тун қайин ука ҳам ухламади. Йўқ, у қилмишидан орланиб, тавба билан ўтказмади бу тунни. Аксинча, янгасидан ўч олиш режасини пишитиб чиқди.

Эрталаб тўрт нафар йигитга пул бериб, ёлғон гувоҳликка ёллади. Кейин қозига бориб, янгасини зинода айблади. Ёлғон гувоҳлар шармандали ҳолни ўз кўзлари билан кўрганларини, нотаниш зинокор қочиб қолганини айтишди. Уларнинг гувоҳлигига тафовут зохир бўлган эса-да, кози кўп мулоҳаза килиб ўтирамади – Мұминани тошбўрон ки-

либ ўлдиришга хукм этди. Жабрдийданинг нолаларига қозихонадагилар ҳам, тошбўрон қилувчилар ҳам парво қилмадилар. «Сени жаҳаннам олови кутиб турибди!» дедилар. Мўмина бу тошбағирларнинг гапларини эшига туриб ўйланди: «Менга жаҳаннамнинг оловли гуллари насиб ўлаҗагини истовчилар ўзлари учун жаннатроҳатини тилаганлари афзал эмасми эди? Менинг жаҳаннам ўтида кўймоғим уларнинг на ҳукми, на-да дуоси ва на истаги ила бўлади, ўзлари жаннат боғларида сайр қилишлари учун адолатга йўғрилган хукм қилишлари лозимлигини билганларида бир баҳтга эришардилар. Бунчалар баҳтсиз экан булар?..»

Ҳукм ижросини ҳаяллатишмади. Мўминани қатл майдони ўртасига бошлишганида у Яратганга сўнгги марта муножот этди:

– Ё Аллоҳ, бегуноҳлигим ўзингга маълум. Бу бандала-рингга адолат ва шафқат бермаганингда ҳам бир ҳикмат бордир, аммо уни билмокқа менинг ақлим қосирдир. Тухмат тошлари остида ўлим топишим қайси гуноҳларим учун каффорат бўлар экан? Мен ўлимдан қўркаётганим йўқ. Со-лиҳ бандаларинг учун ўлим абадий ҳаёт эшиги экан, нечун қўрқайн? Мен дунёни ёмонотликлик ила ташлаб кетишдан орланяпман. Бундагилар мени узоқ вакт беномус деб хотирлашларидан кўнглим ғаш. Кўргулигим шу бўлса, на илож? Бу эҳтимол синовдир, сабр ва шукр синовидир... Ҳар кўргулик Ўзингдан, ҳатто азобингга ҳам шукр қилурман...

Муддаосига етолмай аламзада бўлган кайнинг ўзи тошбўронни бошлиб берди. Келин аясини ҳимоя қилиши лозим бўлган йигит отган тош жувоннинг орқа курагига тегиб, баданини жизиллатиб юборди. Шу биринчи тошғоят оғрикли бўлди, қолганларини сезмади ҳам.

Унга жазо тошлари эмас, синов тошлари отилаётган эди.

Ёрилган пешонасидан оқкан кон кўз олдини парда каби тўсди. Қип-кизил кон чўғ тошларига айланмади, билъакс, кўз олдида жаннат боғлари жилваланди...

Покдомон аёлнинг ноласини бандалар эшитишмаган эди, Аллоҳ эшиитди! Жонини саклаб қолди. Мўмина хушидан кетгач, унинг ҳаракатсиз қолганини кўрганлар ўлди, деб гумон қилиб, тош отишни тўхтатиб тарқалдилар. Одам кони исини олган кузғунлар осмонда пайдо бўлганда қатл майдони яқинидан бир савдогар ўтаётган эди. Аввалига кузғунларнинг ҳаракатидан ажабланди, кейин тошлар орасидан инграган товушни эшитиб тўхтади. У тошларни сурриб, жувоннинг юзидағи қонни артди, оғзига сув томизди. Мўмина яна инграб бир нола қилдики, ҳатто тошлар ҳам эриб кетай деди. Савдогар жабрдийдани кўтариб отга олмоқчи бўлганида кули унга ақл ўргатди:

– Хожам, кўринадирки, бу жувонни жазога бесабаб тортмаганлар. Унга ёрдам бермогингиз дуруст эмасдир, гунохига шерик бўлувдан кўркмайсизми? Уйимизга етгуннимизча яна икки кунлик йўл бор. Манзилимизга етолмай жон таслим қилиб қолуви ҳам мумкин.

– Билгувчи Аллоҳдир! – деди савдогар қулига танбех бериб. – Банданинг ҳукмида адашувлар кўп учрайди. Ҳукмда адолатсизлик бордирки, Аллоҳ бу бандасининг жонини саклаб қолибдир. Аллоҳ раҳм этган тирик жон бандани кузғунларга ташлаб кетмоқлик гуноҳ бўлур.

Савдогар чалажон жувонни уйига етказиб бориб, табиға кўрсатди. Табиб Мўминанинг томирини ушлаб кўриб, унинг жисми тошлар заҳмидан азоб чекаётганини билди. Жувоннинг руҳида тушунуксиз нола борлигини сезди-ю, сабабини билолмагани учун бу ҳақда савдогарга гапирамди.

Мўмина бегона юртда, бегона одамнинг уйида ҳам тан, ҳам руҳ азобида хушсиз ёта турсин, бобоси ҳазрат Шайхнинг ҳолидан эшитайлик.

Охирги учрашувда Ҳожи хотин «кўнглим бир хайрни сезмоқдадир: Аллоҳнинг марҳамати билан бу йил ҳам сиз ила Қаъбатуллоҳда кўришмок баҳти насиб этса не ажаб?» деганида Шайх сафар режасини ният қилган бўлмаса-да, «Аллоҳнинг чакирувидан умидим бор», деб эди. Наби-

расини куёвга узатгач, тушида пири муршидини кўрди. Мадинаи мунаавварадаги Масжидул набавияда, Пайғамбар алайҳиссалом минбарлари ёнида тасбех ўгириб ўтирган муршиди бош кўтариб унга қаради-да, «Кўзларим йўлингдадир», деди. Ўзга тап-айтмади. Шайх муршиддан яна сўз кутиб тураверди. Шунда қулоғига узоқда айтилган «лаббайка»нинг садоси урилиб сесканди. Шу сесканиш билан уйғонди. Сафар тадориги учун кўп фурсат талаб этилмади. Тонготарда йўлга тушган карвонга кўшилди.

Ҳожи хотин унинг насиҳатига амал қилиб пиёда эмас, карвон билан йўлга чиққан эди. Бирга кетишди. Мадинаи мунаавварага етиб боришгач, Масжидул набавияда Абдукарим билан Зоҳидни учратдилар. Сўнг Маккаи мукаррамага бирғаликда йўл олдилар. Ҳаж ибодати ниҳоясига етиб, хайрлашув тавоғига кирган онларида Шайхнинг вужудини титроқ қоплади. Ахволини биродарларига сездирмасликка ҳаракат қилиб ибодатни охирига етказди. Вужудига илашган иллатни яширишга урингани билан ранг-рўйи холини ошкор қилиб кўйди. Ҳамроҳлари унга қувват кишини кутиб бир неча кун қолдилар. Сўнг «Шайх ҳазратларининг бу аҳволда йўлга тушмоқлари дуруст эмасдир», деган қарорга келдилар. Мукаррам шаҳардаги биродарлар бу қарорни маъқуллашгач, Шайх қоладиган бўлди.

Шундан сўнг орадан яна бир ҳайит ўтди. Ҳожи хотин келиб Мўминанинг туриш-турмушидан хабар олганини айтиб, унинг кўнглини тинчитди. Йил ўтиб, зулқаъда оий кўринган кечаси Шайхнинг юраги аллақандай безовталашиб уйғониб кетди. Таҳажҷуд намозини ўқиганидан кейин ҳам кўнглидаги хирадлик тарқалмади. Набирасининг афто даҳол чехраси кўз олдидан кетмай қолди. Шундан сўнгти кунлари юрганида ҳам, турганида ҳам, ҳатто ухлаганида ҳам набирасининг аҳволига оид хавотир уни холи қўймади. Бутун вужуди ила Аллоҳга топиниб набирасини дуо қиласерди. Шайхнинг оёқларини қувват тарқ этиб, юролмай қолган эди. Зулҳижжа оий кўринганда у йиглади. Но товонлигидан эмас, балки Каъбатуллоҳ атрофини ўз оёқла

рида юриб айланиш баҳтидан узок бўлгани учун йиғлади. Муридлардан бири яқинлашиб оёқларини уқалай бошлага-нида «Бир маофа бўлганида эди», деб хўрсинди.

— Мен бор эканман, маофага на ҳожат? — деди мурид.
— Сиз азиз мухтарамни елкамда кўтариб юргайман. Сиз ту-файли ҳажжи мабурurga эришгайман, инша Аллоҳ!

Мурид аҳдга вафо қилгучилардан эди. Шайх зулҳижж-жанинг тўққизинчи куни Минода бомдодни ўқиб, тасбеҳга берилган онда унга Мўминанинг бошига тушган савдо аён бўлди. Нонушта ҳам қилмай йўлга отланди. Арафотга ет-гач, пешин намозини ўқиб, кўзларидан ёш тўкиб, набира-си ҳақига яна дуо қилди... Кўзларидаги ёш қуримай туриб рўпарасида қуёви. Абдуллоҳни кўрди-ю, Аллоҳга шукр-лар қилди. Бу тун Абдуллоҳнинг тушига завжаси кириб «ҳақимга дуо қилинг», деди. «Сўрамасангиз ҳам ҳар нафас дуодаман», деди у. Аммо Мўмина унинг гапини эшитма-гандай қайта ва қайта дуо сўрайверди. Бу туш таъсирида кўнгли хира тортган Абдуллоҳ қайнин бобосини Арафотда учратиб қувонди. Икковларининг кўнгиллари ғаш эса-да, аҳволларини бир-бирларига аён этмадилар.

ХАБИС ҚУЛ ВА НОМАРД ЙИГИТ БАЁНИДА

Мўмина ийд ал-аздҳо арафасида ҳушига келди. Ярим соатгина ухлаган соғлом одамдай қаддини тетик равиша кўтарди. Қаерга келиб қолганини билолмай, нест бўлиб ўтираверди. Эшиқдан кириб келган хонадон соҳибини кўриб, чўчиган ҳолида юзини рўмоли билан беркитди. «Кимсиз?» деб сўрашни истаса-да, овоз чиқармади. Жувоннинг аҳволини сезган савдогар бўлиб ўтган воқеаларни қисқа тарзда баён қилди. «Аллоҳим, ўзингта шукрки, ўлимдан сақлаб қолдинг, исноддан ҳам асрарингми экан?» — деган ўйга борган Мўминанинг синиқ кўнглига малҳам топилмади, дардли кўзларини ерга қадади. Зотан, синган пиёлага чега тушгани билан барибир изи қолади-ку?

Савдогар шундан сўнг бу хонага қадам босмади. Ҳафталар ўтиб, Мўмина қувватга кирди, чиройи ҳам қайтди. Кунлардан бир кун, иттифоқо, ҳовлидан ўтаётганида бошидаги рўмоли сирғалиб тушиб юзи очилди. Бу онда савдогарниңг кўзи унга тушди-ю, маҳлиё бўлиб қолди. Номаҳрамлик чегарасини тарқ этиб, бу гўзалга никоҳ иплари ила боғланмоқни истади. Фурсатни бой бермай унга совчи кўйди.

— Саховатли зотнинг марҳаматларидан ғоят миннатдорман, — деди Мўмина совчига. — Аммо талабларини бажо келтиролмайман. Сабабини ўзларига аён этгум.

Савдогар бу жавобдан ажабланиб хонага яқинлашди. Мўмина парда ортида туриб «Менинг бошим очиқ эмас, эрим бор», деб гап бошлаб, аҳволини қисқа тарзда баён этди. Савдогар жувонни чиндан севиб қолган эди. Унга етиша олмаслигини англаб афсус чекди. Лекин жувоннинг садоқати-ю иффатига тасанно айтиб, «Синглим йўқ эди, Аллоҳ менга иболи сингил ато этибдики, Ўзига шукрлар бўлсин. То эринг сафардан қайтгунича бу уйни ўз уйинг деб билгайсан. Сенга ҳеч бир кимса азият етказмас!» деди.

Мўмина уни дуо килди. Савдогар «сенга ҳеч бир кимса азият етказмас», дегани билан Мўминанинг бошига ёғила-диган тухмат тошлари ҳали тугамаган эди. Жувон яхшиликка еткурган Аллоҳга шукрлар қилиб, хушнуд кунларни ўтказар экан, ҳали синовлар ниҳоясига етмаганини тасаввур ҳам қила олмас эди.

Мўмина тошлар орасида чалажон ҳолда ётганида хожасига «бу жувонни жазога бесабаб тортмаганлар, унга ёрдам бермоғингиз дуруст эмасдир», деган қул ҳам унга ошиқ бўлиб қолган эди. Хожаси никоҳлаш фикридан қайтгани бўлса-да, бадкирдорлик ва беҳаёликни ўзига фан қилган қул гўзалга етишмок қасидан тийилмаган эди. Хожасининг уч кунлик сафарга кетганидан фойдаланиб, тунда ўғри мушук каби сирғалиб, хобгоҳга кирди. Мўмина сергак ётган эди. Сапчиб туриб кетди. Коронғида қулнинг кўзлари ёнди. Ҳирс зўрлиги туфайли хансираи бощлаган қул муддаосига етажагига ишонган эди.

— Яқинлашмангиз, Худодан кўрқингиз! — деди Мўмина.
— Сен энди меникисан! Сени бундан ўғирлаб қочажакман. Узокларга кетиб баҳтли бўлажакмиз! — деди қул унга кўл узатиб. Лекин кафтига ханжар учи санчилиб, «воҳ» деганича тортиб олди.

— Мен номуссизликдан кўра ўлимни афзал билурман!
— деди Мўмина ғазаб билан. — Ҳозироқ чиқиб кетмас экансиз, баҳтингизни узоклардан топиш ўрнига, бунда ўз ўлимингизни топажаксиз!

Жувоннинг овози қатъий ва таҳдидли эди. Қул тисарилди. Бироқ чиқиб кетишга шошилмади.

— Сен қўрқма, ҳеч ким билмайди, ҳамма эшикларни беркитганман.

— Сиз иймонингиз эшигини беркитибсиз. Мен эсам номус ва ҳаё эшикларини беркитмаганман. Ҳозироқ чиқингиз!

— Агар ҳожатимни право қилмас экансан, сендан ўч олурман. Шундай ўч олурманки, қатл майдонидаги тошбўронда ўлиб кетмаганингга минг-минг пушаймон ейсан.

Мўмина овозини баландлатиб таҳдид қилгач, қул қасос олажагини яна бир айтди-ю, ғазаб отига минганича чиқиб кетди.

Қасос вақтини ҳаяллатмади.

Савдогарнинг Худодан сўраб-сўраб олган ўғли бор эди. Ҳали ёшига етмаган ширинтойини у еру кўкка ишонмас эди. Қул шу боланинг бошини узди. Мўмина тоңгда таҳорат олаётганда ичкари кирди-да, жувоннинг тўшак устида қолган чопонига қон суртиб, қонли пичоқни унинг ёстиғи остига яшириб қўйди. Сафардан қайтган савдогарни машъум хабар билан қаршиладилар. Қул хожазоданинг ўлимидан ғоят куйганини кўрсатиш учун ўзини уриб-уриб йиғлади. Йиғи орасида Мўминадан гумони борлигини билдириди. Қон теккан чопон билан ёстиқ остидаги пичоқни кўрган савдогарга бошқа далилнинг кераги йўқ эди. Ваҳшат гирдобига тушиб жувонни ура кетди. Мўминанинг ўлишини истаган қул унга қўшилди. Мўмина яна тухмат тўрига туш-

танини фаҳмлади. Урувчиларга ялиниб омонлик тиламади. Уларнинг чангалидан жонҳолатда суғурилиб чиқди-да, кўлларини баланд кўтарганича Аллоҳга муножот қилди:

– Ё Аллоҳ! Қотил эмаслигим ўзингга аён. Ўзинг халос эт! Ўзинг ҳамма нарсани билгучисан! Додимга ет! Бу марҳаматли зот менга яхшилик қилиб савоб топган эди. Тухмат гапга учиб, гуноҳга қолишидан уни ўзинг аспа, ё Раббим!

Бу муножот қабул бўлди. Аллоҳ савдогарни ғазаб тўридан чиқарди, юрагидаги меҳр ўтини ёқди. Савдогар бошини чанглаб ўтириб қолди, сўнг қулни чиқариб юбориб деди:

– Эй Мўмина, саховатимни унутмаганинг ҳолда не учун менинг зурриётимга қасд қилдинг?

Мўмина «Мен ўлдирганим йўқ», деб қасам ичгач, қул воқеасини айтиб берди. Савдогар жувоннинг рост гапираётганига ишонди. Унинг кўлига тўрт юз дирҳам тутқизди-да:

– Уйимдан тезлик билан чиқиб кет. Мен сендан гумон қилмаганим билан, боланинг онасини ишонтириб бўлмас, ҳозироқ қочмас экансан, сўнг унинг қаҳридан қочиб қутулмоғинг имконсизdir, – деди.

– Менинг қочмоғим, қотиллигимга бир исботдур, алал-оқибат янгамни ҳақиқатга ишонтироқ мумкин бўлмай қолур.

– Жаноза кунлари ўтгач, ҳақиқат ўз ўрнини топур. Гуноҳкор мендан беркинса-да, Аллоҳнинг қаҳридан қочиб қутула олмас.

Бу гапдан сўнг Мўмина савдогарни дуо қила-қила уйини тарқ этди. Шаҳардан чиқиб бир қишлоққа етганида тўпланиб турган одамларни кўриб, ўша томон юрди. Олонинг яқинлашгач, майдонга тикилган дорни, дор остида чўк тушиб, бош эгиб ўтирган йигитни кўрди. Яна бир неча дақиқалардан сўнг йигит бошига сиртмоқ илинишини англаб, четда турган аёлдан гуноҳкорнинг айбини сўради.

— Шаҳримиз амирининг бир одати бор, — деди аёл, — кимда-ким хирож тўламас экан, аяб ўтираймай дорга остиради. Кўриб турганингиз йигит ҳам хирож тўламабди экан, ҳозир уни дорга осажаклар. Бу йигитнинг ўлим топиши бир баҳтсизлик, ҳоланки, бечора, бемор онасининг ҳимоясиз қолуви унданда баттар баҳти қароликдир.

— Хирожи тўланса омон қолдирапларми? — деб сўради Мўмина.

— Ҳақ рост, — деди аёл. — Шундай саховат эгасини бир муддат кутарлар. Ким тўрт юз дирҳам берар экан, йигитнинг жони омон қолур.

Бу гапни эшитиб Мўминада бир бечора жонни кутқариб қолиш истаги туғилди. «Менинг тўрт юз дирҳамим бор, — деб ўйлади у, — савоб учун бу йигитнинг қарзини бериб, уни ўлимдан халос қилайин. Менинг ризқимни Аллоҳнинг ўзи етказади...»

Аёл рост гапирган эди, олтин эвазига йигитнинг жони кутқариб қолинди. Йигит халоскори ким эканини билгач, Мўминага яқинлашиб миннатдорлик билдирида, деди:

— Бу ҳимматингиз эвазига бир умр қулингиз бўлиб, хизматингизни қилишга тайёрман.

— Мен қулхизматига муҳтож эмасман, — деди Мўмина.

— Онангиз хаста эмишлар, чиройли хизматингиз ила рози қиласар бўлсангиз кифоядир. Зотан, Расулуллоҳ, саллогоҳу алайҳи васаллам демишларки, «Жаннат оналар оёғин остидадир».

— Ҳамонки, онамнинг хасталиклиридан хабардор экансииз, зиёратингиз ила бир қувонтирангиз, беҳад сарафroz этган бўлурдингиз.

Мўмина бемор кўнглини хушнуд қилиши мумкин бўлган зиёрати эвазига эришажак савоби учун бу таклифга кўнди.

Ўғлидан айрилганига ишонган аёл ўз ҳаётининг шами ҳадемай учажагига амин бўлиб, дунёдан умидини узуб хушсиз ётган эди. Кулогига фарзандининг овози эштилагч, «Аллоҳ жонимни осон олди, боқий дунёга кўчдим, унда ўғлим билан топишгайман», деб ўйлади. «Онажоним,

жоним онам!» деган сўзлар қайта-қайта тақрорланди, бетларини ўғлиниң қадоқли дағал қўли силади. Юзига унинг иссиқ нафаси урилиб, сесканди-ю, кўзларини очди. Кўраётгани туш эмаслигига дарров ишона қолмади. Ўғил бўлиб ўтган воқеани қисқа тарзда баён қилгач, она Яратганга шукрлар айтди. Қаддини кўтарди, куличини ёйиб, худди ўз қизини кучоқлагандай халоскорни бағрига босди. Мўмина ҳам ўз онасининг юрак тафтини ҳис қилгандай бўлди.

– Азиз меҳмоннинг ҳурмати учун тия сўйсак ҳам камлик қиласар, не афсуским, имкон чўнтаклари тор, аммо меҳр бағримиз кенг, – деди бемор аёл.

Йигит оловга кумғонни қўйиб уйга қайтганда, Мўмина рўмолини ечиб ўтирган эди. Йигитга гўё уйида куёш порлаётгандай туюлди. Жувоннинг чиройини кўрди-ю, хушидан айрилди. Яқиндагина жон талвасасида бўлган юрак энди ишқ ўтида куя бошлади. Яқиндагина «Ё Раббим, золимлар кўлида ўлишимдан асра», деб фифон қилган кўнгилга энди «Шу гўзалга етиштир!» деган илтижо эгалик қилди. Мўмина унинг қарашидаги ўзгаришни сезди. Манзили йироқ эканини баҳона қилиб, кетишга ижозат сўради. Бемор «бир кеча минг кеча эмас, сиз хонадонимиздаги баҳт чироғин ёқдингиз, мен билан бир кеча қолиб, бу чироғни янада нурафшон қилиб кетинг», деб ялингач, уни инжитишни истамай ноилож кўнди.

Йигитнинг қарашларида, харакатларида бир шумлик сезган Мўмина ухламади. Вужуди ишқ эмас, ҳирс ўтида куяётган йигит ҳам мижжа қоқмади. Мўмина бемор ёнида ётгани сабабли ичкари кирмокқа журъат этолмади. Пайт пойлади. Бу шаҳарда таҳажҷуд намозига чорлаб, яrim кечада аzon чақириш одати бор эди. Йигитнинг пойлаб ўтирганини хаёлига ҳам келтирмаган Мўмина ташқарига чиқиб унга рўпара бўлди-ю, кўркув ҳамласида хушидан кетаёзди. Бундан фойдаланган йигит чайқалиб кетган жувоннинг белидан ушлаганича арзи ҳол қила кетди. Мўмина унинг қуҷогидан юлқиниб чиқишига эришди. Ортига қайтмоқчи эди, йигит йўлини тўсди. Висол талаб қилди. Мўмина иймон

вà номусдан сўз очса ҳам тийилмади. Шунда Мўмина бир хийла ишлатишгà мажбур бўлди. Йигит яна висол талаб этганида қаҳрли эмас, нозли оҳангда бироз сабр қилишини сўраб, «Тунги ибодатимизни қилиб олайлик»; деди.

– Ҳамонки гуноҳдан қайтмас эканмиз, икковимиз тунги ибодатимизни қилиб, Раббимиздан раҳм қилмоғини сўрайлик, токи бу ишимиз учун бизларни дўзах ўтида куйдирмасин.

Йигит ноилож кўнди. У таҳорат олаётганида Мўмина шарпасиз юриб ҳовлидан чиқди. Яқин атрофдан оқиб ўтувчи дарё соҳилида бандаргоҳ борлигини эшитган эди. Юлдузларга қараб йўлни чамалаб юраверди. Алданиб, ғазаб оловида куяётган йигит эса унинг изидан тушди. Тонготарда Мўмина бандаргоҳни топиб борди. Кема ахли эндинга уйқудаң уйғона бошлаган эди. Жувон дарғани чақириб аҳволини баён этишга улгурмай йигит етиб келди-ю, уни ҳақоратлай бошлади. Бу ҳам камлик қилиб ура кетди. Дарға жувонни калтаклар зарбидаң ҳимоя қилиб, йигитдан бу жазонинг сабабини сўради.

– Бу менинг канизагимдир, – деди йигит. – Пулларимни ўғирлаб қочиб кетаётган эди, изидан етиб келиб сизнинг гувоҳлигингизда тутдим.

Мўмина калтакланаётганида бошидаги рўмоли сирғалиб тушиб юзи очилиб қолган эди. Кема дарғасининг кўзи унга тушди-ю, бир нағасдаёқ ошиқ бўлиб қолди. Йигитнинг билагидан тутиб, «канизагингни менга сот», деб туриб олди. Мўмицанинг «мен канизак эмасман», деган фарёдига кулоқ ҳам солмади. Йигит тортиша-тортиша астойдил савдолашгач, Мўминани ўн минг дирҳамга сотиб, уйига кувонган ҳолда қайтиб кетди.

Кема дарғаси шу оннинг ўзида Мўминадан висол талаб қилди.

– Мен озод аёлман, менинг эрим бор, Худодан кўркингиз, – деди Мўмина тисарилиб.

Дарға унинг билагидан маҳкам ушлади:

уларнинг кўзларига карашдан уялди. Ҳамма унга «бено-муснинг эри», деб маломат килаётгандай бўлаверди.

Янгасининг бузуклигини кўз ёшлари билан айтган уканинг кўзлари ўша тун уйқуга юмилди-ю, эрта тонгда очилмади. Кўзларидан нур қочганини билиб фифон чекай деганда тилдан колгани ҳам аён бўлди. Укасининг бир кечада ҳам кўр, ҳам соков бўлиб қолгани Абдуллоҳ учун яна бир сир эди. «Худойимнинг бу синовида қандай хикмат бор экан», деб кўп ўйланди, бироқ жўяли жавоб топа олмади. Уйни тозалаб чиккан бўлса-да, ичкари қадам босиши билан юраги сикилаверди. Айникса, тунлари Мўминанинг аламли хўрсанини кулоклари остида жаранглайверди. Якинлари унга ачиниб, рух азобидан тезрок кутулишнинг ягона йўли уйланиш эканини такрор-такрор айтсалар-да, ҳозир энг муҳими укасини даволаш эканини баҳона қилиб, тақдирини бирон бир қиз билан боғлашга шошилмади. Укасини бу атрофдаги барча табибларга кўрсатди, шифодан умид бўлмади. Шунда қуйи дарё ёқасидаги бир ҳужрада яшаётган зоҳиднинг дуолари билан шифо топганларнинг хикояларини эшитиб, укаси билан ўша томон йўл олди.

Икки кунлик йўлдан сўнг бир шаҳарга кириб келишди. Кош корайиб қолган эди, кўчада учраган кишидан карвон-саройни сўраган эди у «кеча карвонсаройга ўт тушиб, барча мусофиirlар бошпанасиз қолганлар. Сиз яхши одамга ўхшайсиз, бу кеч меникида тунай қолинг, хайрли қадамингиз ила хонадонимизни нурафшон қилинг», деди. Абдуллоҳ саҳоват эгаси ҳақига дуо қилиб, унга эргашди. Мехмонларга мезбоннинг ўзи хизмат килди. Абдуллоҳ бундан ажабланиб, «кулингиз йўқми?» деб сўради.

– Кулим бор, хизматни яхши килгучи эди, бироқ бир кечада кўр бўлиб қолди. Ҳайдаб юбориш гуноҳ, унга ўзим қараб турибман. Тижоратдаги ишларимга Аллоҳ барака берса, бошқа бир кул сотиб олгайман, – деди мезбон.

Бу мезбон Мўминага меҳр кўрсатган савдогар эди. У айборни жанозадан сўнг аниқлашга ваъда қилиб эди. Лекин жаноза ўтган кечаси қули кўр бўлиб қолди. «Агар

айбдор бўлса, Худонинг жазоси шудир, мен томонимдан жазога энди ҳожат йўқдир», деб ўйлаб, уни қийин-қистовга олмади. Абдуллохнинг дуолари ижобат бўлаётган зоҳид ҳақидаги гапларини эшитгач, «Биз ҳам сизга йўлдош бўлурмиз, зора Аллоҳ шифо берса», деб кулни етаклаб, уларга қўшилди.

Куёш ботар чоғида йўллари қишлоққа тушди. Тупроғи кўпчиб ётган кўчадан борар эканлар, бир уйдан аёлнинг «Эй Худойим, берган дардингта шукр қилдим, сабр этдим, ёлғиз таянчим ўғлимнинг қандай гуноҳлари бор эдики, кўзларини кўр қилдинг?!» деган ноласини эшитиб тўхтадилар. Бу уйда дор остидан қутулган йигит яшарди, фиғони кўкка учайдиган аёл унинг онаси эди. Абдуллоҳ ичкари кириб, онанинг ҳасратини эшитди. Кўз ёшларини тиёлмаётган жабрдийдага яхшилик қилгиси келди. Кўр йигитни етаклаб сафига қўшди.

Йўл юра-юра зоҳид макон тутган хужрани топиб бордилар. Зоҳид ичкаридан туриб овоз берди:

– Тунни нафл намози билан ўtkазиб, беморлар истиғфор айтсинлар. Дардни бергувчи Аллоҳдир, шифо ҳам ёлғиз Ўзидандир. Бомдоддан сўнг шаҳар амири зиёратга келгач, дуони унинг хузурида қилурмиз.

Зоҳиднинг айтганини қилдилар. Тавбалар қабул бўлмади, кўрларда ўзгариш сезилмади. Бомдоддан сўнг шаҳар амири мулозимлари кузатувида етиб келгач, Абдуллоҳ эшик ўрнига тортиб қўйилган пардага яқинлашиб, яна муродини баён қилди. Зоҳид парда ортидан туриб жавоб қилди:

– Аллоҳ, ас-самиъ, ал-Басир, ал-Ҳакам, ал-Адл, ал-Қарим, ат-Таввоб, ал-Мунтақим ва ар-Рауфдир. Марҳаматидан умид қилмоқ керак. Агарчи астойдил тавба қилган бўлсалар, ҳозир ҳар бирлари гуноҳларини ўз оғизлари билан айтсинлар, токи барча эшитсин.

– Укам гапиролмайди, тилдан қолган, – деди Абдуллоҳ.
– Бу кеч Аллоҳ марҳамат қилиб укангизга тилни қайтарган, гапирсын.

Аллоҳ тилини қайтариб бергани билан уканинг гапиргиси келмади. Ака учинчи марта талаб қилганидан сўнг бўлган воқеаларни баён этди. Ундан сўнг кул килмишига икрор бўлди. Кейин йигитнинг кечмишини тингладилар. Уларнинг сўзларини эшитган амир ғазабланиб, «Худонинг бу берган жазоси сенларга кам. Асосий жазони менинг қиличим тиғидан олажаксанлар!» деб шу ернинг ўзидаёқ чопиб ташлашга шайланди. Парда ортидаги зоҳид хитоб қилиб уни тўхтатди:

– Шошилманг, улуғ амир! Аввал дуо қилайлик. Қирқ кеча-кундуз давомида булар тўхтовсиз истиғфор айтсинлар. Қирқ биринчи куни кўзлари очилмас бўлса, у холда жазо сизнинг ҳукмингиз ила бўлур.

Кунлар ва тунлар умид ва тавба ёшлари билан ўтди. Қирқ биринчи кун тонгида шаҳар амири келди. Шунда хужрадан барчани ҳайратга солиб зоҳид эмас, бир аёл чиқиб келди.

– Билингларки, исмим Мўминадир, бу киши – ҳожи Абдуллоҳ менинг эримдир. Бу акасига хиёнат қилган уқадир. Бу одам ҳожасининг фарзандини ўлдирган қотилдир. Бу йигит эса яхшиликни билмаган ношукурдир. Аллоҳ менга улуғ ажр берди. Гуноҳкорларни бир ерга тўплади. Улар тавба қилдилар. Мен сизларнинг гувоҳлигингида гуноҳларини кечирдим. Энди умид Аллоҳдан.

Шундай деб яна дуо қилди. Шу он қайин ука билан йигитнинг кўзлари очилди. Қул қўрлигича колаверди. Чунки савдогар қотилни кечирмаган эди. Буни англаган амир «Қотиллигинг учун жазо олажаксан!» деб шу ернинг ўзида унга қилич уриб бошини узди...

* * *

Кейинги йил ҳаж мавсуми арафасида Абдуллоҳ ниятига кўра, Мўмина билан йўлга чиқди. Мўмина оғироёқ эди. Икковлари ҳам Аллоҳга таваккул қилдилар. Мўмина бобоси билан кўришди, лекин бошидан ўтган савдоларни айт-

мади. Айтмаса-да, Шайх буларни биларди. Билса-да, билганини набирасига билдирмади. Абдуллоҳ қайнин бобосини опичиб олиб, ҳаж арконларини биргаликда адо этди.

Зулхижжанинг ўн бешинчи куни Мўмина билан Абдуллоҳга Аллоҳ киз фарзанд берди. Яхши ниятлар билан унга Робиаъ деб исм қўйдилар. Шайх Каъбатуллоҳ ёнида ўтириб, қизчанинг қулоғига аzon айтди. Аллоҳ бу оиласага яна уч киз-у тўрт ўғил берди. Ровийлар гувоҳлик беришларича, бу оиласинг барча зурриётлари ҳофизи куръону алломалар бўлиб етишибди ва бу хайрли анъана то Қиёматга қадар давом этар экан...

* * *

Ва ниҳоят... баён аввалида айтилганидек, бу воқеатар қачон ва қаерда содир бўлгани, кимлар ривоят қилгани номаълум. Биз эшиитганларимизни баён қилдик. Ривоятларни асрлар ва йиллар оша биз – авлодларга етказган ҳакимлар ҳақига дуо қиласиз. Одатда, афсона ёки эртаклар «хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг», деб якунланади. Биз ундан демаймиз. Чунки баёнимиз эртак ҳам, афсона ҳам эмас. Шу боис деймизки: «Ишонинг, покдомонларни Аллоҳ севишига ва ҳамиша ўз паноҳида асрашига, охиратда жаннат боғларидан жой бершига албатта ишонингда, уларнинг ибратларини азиз фарзандларингизни етказиб, уларни жаннат гуллари каби тарбия қилингиз», деймиз. Яқинда бир киши каминага шажараси ёзилган ҳужжатни кўрсатди. Ажоддолари қаторида Абдуллоҳ ва унинг завжаси Мўмина исмларини кўриб, бунда ҳам бир ҳикмат кўринадир, деган хаёлда қўлга қалам ва қоғоз олдим. Натижасини эса ўзингиз кўриб турибсиз. Раббимиз Аллоҳ оқибатни хайрли қилгай, омийн!

ТИРИКЛИК СУВИ

Хаёл қанотидаги ҳикоя

Тұлин ой тиккага келди. Аёллар қудуқнинг бир томонида, алломалар эса сал нарида құзилишиб, пинакка кетдилар. Ибн Сино бир түш күрди. Күз олдидә аввал хүшрүй қиз намоён бўлди. Сўнг қизни банди қилиб ҳайдадилар. Қора соқол, бадбашара бир одам қизни зўрлаб, қучогига олди. Кеийин саҳро... Ҳудудсиз саҳрода икки аёл. Бирни ўша хүшрүй қиз. Йўқ, энди у бокира қиз эмас, ҳомиладор жувон. Бирни ўрта ёш, елкадор хотин. Ҳомиладор жувондан тўлғоқ бошланиб, дод деганича қумга чўзилиб қолди. Минг азобда қўзи ёриди. Елкадор хотин уни тургизиб, нари бошлиди. Тугилган болани олиб, йўргакламади, аксинча қумда ёлғиз қолдирди. Жувон боласига талпинди. Аммо эркакиода елкадор хотиннинг бир зарби билан йиқилиб, хушидан кетди. Елкадор хотин бигиллаб йиглаётган чақалоқ устига қум сепиб, тириклайин қўма кетди...

Ҳарбий хизматдан қайтган Рустам икки ой бадалида ҳам бирор ишнинг кетидан тушмади. У ишни бундай деб, бунисини ундей деб, далада кетмон чопишга эса бўйни ёр бермай юрганида қишлоғига илон овловчилар қўноқ бўй

лишди. Шуларнинг юмуши унга бироз маъқул кўринди-ю, эртасигаёқ қумга чиқиб кетди.

Уч кун тентирашиб, илон деганинг тухумини ҳам учратишолмади. Тоза хуноблари ошиб, сўнгти барханни мўлжал қилиб юришди. Рўпараларида қўм-кўк майсага бурканган ялангликни кўриб, ҳайратдан донг қотишиди. Яланглик ўртасидаги қудукқа яқинлашганларида Рустам, «куриб қолган қудукларда илон кўп бўлади», деб қўйди.

— Ростдан-а, — деди оқ қалпоғини қийшайтириб кийиб олган паст бўйли, қалдирғоч мўйловли йигит уни мазах қишиб. — Бир тушиб чиқмайсанми бўлмаса?

Рустам унинг масхаралаганини фаҳмлаб, бургут қараш килди:

— Кўрқади, деб ўйлајпиз шекилли? Мен шу ерларда ўсганман. Арқонни беринг!

— Шошилманг, аввал дам олволайлик, — деди гурух боши.

— Мен чарчаганим йўқ, — деди Рустам ўжарлик билан.

Рустамнинг аҳди қатъий эканини билиб, унга керакли анжомларни беришди. У арқонга осилиб пастга туша бошлади. Чироқ нурини қудук тубига йўллаб, кулча бўлиб ётган илонни кўрди. «Айтмовдимми?! Акаларига дум бўлиб юрган шаҳарлик олифта нимани биларди! Ўзи умрида битта илон ушлаганмикин? Ҳозир шу илонни олиб чиқиб, башарасига отайнми? Иккинчи майна қиласмайдиган бўлади...» Рустам шу хаёл билан қудук тубига аста оёқ қўйди. Илон нимагадир қимиirlамади. Наҳотки шарпани сезмаган бўлса? Рустам энди илонга кўл юбораман, деганида кўзи тиниб, оёқ-кўлидан жон чиққандай бўлди. «Ҳавоси ёмон экан, кўнишиб қоламан», деб ўйлади у. Бироқ аҳволи яхшиланиш ўрнига баттар бўлади. Гўё кимдир қулоғи остида шивирлаб гапира бошлади. Нафаси қайтди. Арқонни тортиб ёрдам сўрашга ҳамроҳларидан уялди. Шивирлаш тиниб, бирдан қулоғи қаттиқ шангиллай бошлади. У ҳолсизланиб, деворга суюниб қолди...

... Ногаҳон кўтарилигган бўрон Гурганжни чанг – Хасга кўмай деди. «Худованди каримнинг бу қаҳри»дан талвасага тушай деган Хоразм аҳли оқшомга яқин яна бир оғатга рўпара бўлди – қора булат янглиғ чигиртка ёғди. Сўнгра кулранг булат осмонни буткул тўсиб, қилт этмай туриб олди. Гурганж аҳли ҳавонинг димлигидан бўғилаёзди.

Хусайн хафақон хасталигига мубтало бўлган зодагонга муолажа шартларини баён қиласар чоғида шоҳ Маъмундан чопар келди. Бевақт чорловнинг боисидан гарангсиган ҳаким саройда жам бўлган байтул-хикма аҳлини кўргач, янада ҳайратланди. Чорланганлар Хоразмшоҳнинг ҳукмига мунтазир турадилар. Давлатпаноҳ узоқмади. Тилларанг тўн кийиб, зарҳал салла ўраган шоҳ Маъмун оstonада кўрингани ҳамон барча саломга берилди. Шоҳ ҳеч кимни кўрмагандай нигоҳини ўзгартирмасдан тахт сари йўналди. Жойига ўрнашиб олгач, алик ишорасини билдириб, ўнг кафтини бироз кўтарди. Шундагина таъзимдагилар чўғдан ранг олган гиламлар устига чордана қурдилар. Давлатпаноҳнинг кўнгли синик, сўз айтмоққа хуши йўқ эди. У бароқ қошларини чимиргани ҳолда аҳли фазлу камолнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида боқди. Хоразмшоҳ бағрида нечукдир ташвиш бор эканини фозиллар пайқашган, шу боис вужудларини қулоққа айлантириб, бир-бирлари билан пинҳона, саволомуз нигоҳ уриштириб тоқат билан ўтирадилар.

Фозиллар Хоразм давлатининг паноҳи Абу Аббос Маъмуннинг бундай тушкун руҳиятидан ниҳоятда кам огоҳ бўлар эдилар. Аксар ҳолларда шоҳ эътибори ва донишлигини намоён этиб, риёзиёт бобидами ёинки илми нужум хусусидами сўз очиб, фузалони баҳсга чорлагучи эди. Бу сафар эса барчани ҳайрат ботқоғига ботириб, сўз айтмоққа шошилмай ўтирибди.

Ниҳоят, давлатпаноҳ томоқ қириб сўз бошлади, барчанинг нигоҳи тахт сари қадалди.

– Бу тонг Тангри таолонинг етук ҳикмати ила Ямийнуддавла ва Аминулмилла султон Маҳмуд Фазнавий ибн

Сабуқтагин номаси қўлимизга етуб келмишdir. Шу нома боис аҳли рисолатни йўллаб, сиз мўътабар донишларни чорлаб келтурдим. Аллоҳга ҳазор – Ҳазор шукрларким, давлатимнинг устворини мустаҳкам этди. Аҳли пархоннинг наърасидан ғанимлар титрайdir. Раиятнинг насибаси бутун. Раббимга шукрлар қилишдан ўзга юмушим ҳам йўқdir. Яна шукрларким, Аллоҳ аҳли айём, аҳли биниш, аҳли ботин, аҳли даврон, аҳли идрок, аҳли фунунни Хоразм давлатининг қаноти остида жамулжам этмишdir. Тангри таоло қудрати ва мадади ила Гурганжда байтул-ҳикма қарор топди. Фунуннинг кўп муаммолари Аллоҳ берган ақл-идрок ила ечилишга юз тутди. Аллоҳнинг инояти бирлан сиз муҳтарам донишларни қанотимизга жам қилмиш эрдик. Тангри таолонинг етук ҳикмати ва тўлик қудрати ила измингизни яна ўзингизга қайтарурмиз. Яминуддавла ва Аминулмилла султон Маҳмуд Ғазнавий ибн Сабуқтагин бир лутф ила бизларга нома битиб, аҳли фунун, аҳли донишни ўз паноҳларига чорламишлар. Инша Аллоҳким, алломай замонлар султон Маҳмуд қанотида ҳам ҳар бирлари ўз эътиборларига монанд мартабага лойиқ бўлгайлар. Чопарга хукмимни баён этмай туриб, сиз муҳтарам донишларни номадан огоҳ этмакни, алалхусус, инон-ихтиёрларингиз ўзингизда эканини англатмакни ихтиёр этдим. Эрта намозшомдан сўнг хузуримда яна жамулжам бўлишиб, ихтиёрларингиз баёнин билдирурсизлар.

Хоразмшоҳ шундай дегач, кутилмаганда шахт билан ўрнидан турди-да, тез-тез юрганича эшик сари йўналди. Сўзнинг бу қадар кескин узилишини кутмаган аҳли фунун иргиб туриб таъзимга шошилди. Сўнг бир-бирларига ортиқча сўз айтмай, саройни тарк этдилар. Чорсуда йўллари айри бўлган фозиллар турли кўчаларга бурилиб, саройдан йироқлашдилар. Хонадонлари бир даҳада Ҷекани сабаб бўлиб, Ҳусайн, Мухаммад ва Абу Саҳл ҳамроҳликда кетдилар. Йўлнинг қарийб ярмини юриб қўйсалар-да, хеч бирларидан садо чиқмади. Ҳусайн ўнг томонида бораётган Мухаммад Берунийнинг сўз очишини кутди. Абу Саҳл бу

икки алломай замоннинг қарорини билишга ошиқса-да, одоб юзасидан сабр қилишга мажбур эди. Мұхаммад Беруний уйига етгунига қадар ҳам оғиз очмади. Фақат хайрлаша туриб, Ҳусайннинг савол назарини үқди.

— Ҳусайн, азиз-иним, мендан алҳол жавоб кутманг. Бир нима демакликка ақлым қосирлик қилиб турибдир.

— Сиз буюк идрок эгаси бўлганингиз ҳолда наҳот бизни рақабга айлантириб қўйганларини фаҳмламадингиз? — деди Ҳусайн ҳаяжонини босолмай.

— Рақаб дедингизми? — Мұхаммад Беруний қўлини эшик ҳалқасидан олиб, ўйга толди. — Азизим иним, фикрингизда жон бордек. Бироқ Аллоҳ идрокни алломанинг ўзига, изнини эса давлатпаноҳ ихтиёрига топширган экан, чора надир?

— Чора йўқ денг?

— Биз давлатпаноҳнинг марҳамати билан идрокимизни рўё қила оламиз. Шундай экан, Гурганжда яшамоқ афзалими ёинки Ғазнада деган муаммо балки бекорчиидир?

— Фикрингизни қабул этолмаганим учун айбситманг.

— Ҳусайн шундай деб енгил таъзим билан хайрлашди-да, йўлига равона бўлди. Абу Саҳл унга эргашди.

Мұхаммад Беруний бу икки йигитнинг ҳаяжони ва хавотирини англаб, уларнинг изидан узоқ қараб қолди.

Ҳаяжонини босолмаётган Ҳусайн ёнида ҳамроҳи борлигини бир он унутиб, шахдам одимлади. Сўнг секинлаб, асабий равишда Абу Саҳлга ўтирилди.

— Нечун Аллоҳ таоло идрокдан қисмагани боис идрок-сизларга бир умр қуллукда ўтмоғимиз лозим экан? Ахир шамс қоронғуликнинг қули эмас, ёруғлик шаҳаншоҳи-ку?!

— Абу Райхон ҳақ гапни айтдилар. Қисматимизга шу ёзилмиш экан, иложимиз қанча?

— Сўзларингиз фикрингизни ошкор қиляпти. Демак, сиз ҳам Ғазнага бормоққа ризосиз?

Абу Саҳл мийифида кулиб, қўлини Ҳусайннинг елкаси-га ташлаб йўл бошлади.

– Сиз каби зукко ҳозиқи ҳаким бу қадар асабларга эрк беради, деса ҳеч ким инонмагайдир.

Хусайн ҳамроҳидан бесабаб ранжиганини англаб ҳижолат тортди.

– Бугунги чорловнинг сабабини дуруст англамабсиз, – деди Абу Саҳл босиқ оҳангда. – Давлатпаноҳ ҳам бизлардан воз кечмоқликни хуш кўрмаслар. Байтул-ҳикмага путур етса, давлатларидан нур кетишини дуруст фаҳмлайдирлар. Аммо ўзга иложлари йўқдур. Маҳмуд Ғазнавий истагига қарши боролмаслар. Аминулмилла беҳад қудрат соҳиби, истаги бажо келтирилмас экан, Хоразмга қўшин тортмоқликдан ҳам қайтмас. Шул баҳонада дарё-дарё бегуноҳ қонлар тўкилуви эҳтимоли ҳам бор.

– Ҳа, балли, султон чинданда қудратга эгадир. Бу ёруғ дунё устивори идрок эмас, қудрат экан! Қудрат мавжуд ерда аллома ҳам, донишу фузало ҳам бекадр бўлур. Фуқаро эса қадди дол ҳолида рўшинолик кўрмайдир. Мен Ҳак – Таолога муножот қилиб, бирорни бирордан кам қилмаслигини илтижо қилиб сўрайман. Инша Аллоҳким, осмон айлана-айлана бизларни шундай кунларга рўпара этажак.

— Инша Аллоҳ!

– Азиз биродарим, давлатпаноҳ ихтиёrimизни ўзимизга берганлари ҳолда Ғазнага жўнамоққа бизларни мажбур этувлари эҳтимоли аниқроқдир. Абу Райхон «Гурганжда макон топдик нима-ю, Ғазнада топдик нима?» дедилар, а? Менга қолса-да, фарқсиздир. Магар, мен инсон боласидурманки, одамийлик ғурурим бўйнимни ҳамиша эгик олиб юришимга йўл бермас. Туфроғимга эътиқодим осмон қадарлидир. Магар, ғурурим унданда улуг. Шу боис ўз юртимга сифмадим. Энди бу ер ҳам...

– Журжонияда одиллик хукмрон, деб эшитаман.

Хусайн Абу Саҳлнинг не мақсаддә бундай деганини англаб, ялт этиб унга қаради. Кулокларига бир дам инонмай турди. Чунки Абу Саҳл унга нисбатан Берунийга яқин юрар, кўп баҳсларда Берунийни ёқлар эди. Энди не учун-

дир Беруний фикрига зид равища Ғазнага бормокка хуши йўқ эканини шама қиляпти.

– Фикрим ожизлик қилмас...

Хусайннинг сўзи оғзида қолди. Абу Сахл фикрини ойдинлаштириди:

– Ҳа, айнан уқдингиз. Ит ким суюк ташласа кетаверади. Одамзот зинҳор ундей қилмас. Маслаҳатимни дуруст топсангиз, Гурганждан чиқайлик.

– Англадимки, заҳмат йўли сизга-да афзал кўринадир.

– Тун бўйи танангизга бир ўйлангиз. Маъқул топар бўлсангиз, субҳи содиқда каминанинг ҳужрасига ташриф буюргинг. Йўл тадоригин чўзмайлик...

* * *

... Намозшомдан сўнг Хоразмшоҳ ҳузурига кирган алломаларнинг аксари Ғазна сари отланмоққа ризо эканликларини англатдилар. Абу Райхон Беруний байтул-хикма ахли орасида Ибн Сино билан Абу Сахлнинг йўклигидан ажабланди. Саройдан чиқар маҳали эса бу икки алломани сипоҳлар куршовида кўриб ҳайрати янада ошди.

Сипоҳлар тутқунларни шоҳга рӯпара қилдилар. Давлатпаноҳ Ҳусайн ибн Синонинг қаттиқ-қаттиқ айтган гапларини токат билан эшилди. Ғазабдан ёнса-да, жазога ҳукм этмади. Ҳар икковини уйларига кадар узатиб қўймокликни амр этди. Алломалар бу одиллик боисидан гаранг бўлиб, хонадонларига қайтдилар.

Тун яримлаганда Ибн Сино эшигини кимдир аста тақилатди. Аллома қўлига шамдон олди-да, сарпойчан чиқиб эшикни қия очди. Нотаниш чехрани кўриб, ажабланди.

– Тақсир, мени олампаноҳ ихтиёрлари билан йўлла-мишлар. Тонг билан йўлга чиқиб, сизларни Журжонияга узатиб боражакман. Йўл жабдуклари тайёрглангандир. Ҳамроҳингизни ҳам огоҳ этмоғингиз лозим экан.

Ҳусайн тушимми-ўнгимми деб гарангсиб туриб қолди. Сўнг «Давлатпаноҳнинг сўз айтмагани замирида шу сир бор экан-да», деб кўйди кўнглида. Кейин нотаниш кимсанни

ичкари таклиф этиб, ўзи Абу Саҳлга хайрли хабарни етка-зиш тадоригини күрди.

... Күёш терак бўйи кўтарилиганда икки туюн уч отдан иборат кичик карвон Гурганждан анча илгарила, тобора сарҳадсиз қумлик бағрига кириб борарди. Ўзини Рўзимуҳаммад деб танитган роҳилкўш, камгап одам эди. Алломаларнинг сухбатига жимгина қулоқ тутиб, берилган саволларга қисқагина жавоб қилиб кўя қоларди.

«Ишимизни Аллоҳ осон ўнглади», деб қувонган алломалар ҳали йўл азоби борлигини тасаввур ҳам қилмадилар. Сафарнинг иккинчи куни сахрова тўсатдан қуюн кўтарилиди. Гўё еру осмон қўшилиб кетди. Отлар ўзларини ҳар ён уриб, жиловларини узиб қочдилар. Йўловчилар эса бир-бирларини йўқотиб кўйдилар. Қуюн шиддати туни билан тинмади. Тонгда эса ҳаммаёқ бирданига жимиб қолди. Гўё ҳеч нарса содир бўлмагандай қўёш чараклаб кўтарилди.

Кумга кўмилаёзган Ибн Сино қаддини тиклаб, уст-бoshини қоқди. Атрофга аланглаб, ҳамроҳларини излади. Тирик жон кўринмади. Овоз бермоқчи эди, овози чиқмади. Тишлари орасида қум ғижирлади. У тиз чўкканича тек қолди. У қай томонга боришини билмай гаранг эди. Кунчиқарни мўлжал қилиб кетаверишини ҳам, ҳамроҳларини излашни ҳам билмасди. Ибн Сино бир қарорга келмай, Аллоҳга таваккул қилиб, бархан тепасига кўтарила бошлади. Шундагина ўзидан ўттиз қадамлар нарида жон шарпасини сезди. Ўша томон югуриб борди-да, панжалари билан таталаб, кумни оча бошлади. Ҳолсиз гавдасини тиклашга уринаётган Абу Саҳлни бағрига босди. Офат балосидан омон сақлаган Тангри таолога шукрлар қилди.

Алломалар кун оғгунига қадар ҳам Рўзимуҳаммадни изладилар. Сўнг, ундан умидларини узиб, машриқ сари юра кетдилар. Шомга бориб, силлалари қуриб, бир-бирларига суюниб қолдилар. Ҳориган одамларга кеч салқини хуш ёқиб, қум юмшоқ тўشاқдай туюлиб, уйку ўз кудратини кўрсатди. Тонг қоронғусида уйғониб, бир-бирларини

суюганларича яна йўлга тушдилар. Биринчи барханга чиқдилар-у, тўхтаб ҳайратдан қотиб қолдилар: рўпараларида атрофи барханлар билан ўралган, ям-яшил майсага қопланган кафтдек текис яланглик ястаниб ётарди. Икковлон буни сароб деб ўйлаб, ҳатто қовоқларини уқалаб кўйиши. Кўраётганлари ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қилишгач, одимларини тезлатдилар.

Ялангликнинг қоқ маркази кудук...

Кудук ёнида икки аёл ётибди. Қадам шарпасини эшитган ёшроғи иргиб туриб, юзини яширишга уринди. Кексароқ аёл эса қимирламади.

– Бизлардан ҳайикманг, – деди Ибн Сино уларга яқинлашар экан. – Куон туфайли адашиб қолдик. Ҳаловатингизни бузмангиз. Чанқофимизни босгач, йўлимиздан қолмагаймиз.

Жувон кўзларини ерга қадаганича, қимир этмай тураверди.

– Волидангиз хастамилар? – деб сўради Абу Саҳл.

Жувон яна индамади.

Ибн Сино унинг феълидан ажабланиб, бироз қарабтургач, буқчайиб ётган кекса аёлга яқинлашди-да, чўнқайиб унинг билагига қўл юборди. Шу зайл бир неча фурсат ўтирди. Сўнг билақдан бармоқларини олиб ўрнидан турди.

– Юрак уриши бежо. Кўп аламларни ичига ютган чамамда, – деди Абу Саҳлга яқинлашиб.

Шундагина жувон тилга кирди.

– Биз чўрилариз, – деди-ю, яна лаб тишлаб, жимиди.

– Бу ерга қандай келиб қолдиларингиз? – деб ажабланди Абу Саҳл. – Ё ҳурлик истаб қочмоқликни хаёл қилдираингизми?

– Биз... мен... у киши... – жувон тушунтирумак учун сўз тополмай тараддулланди.

– Бу муштипарни сўроқламоққа фурсат йўқ. Муолажани ўйлайлик, – деди Ибн Сино жувоннинг оғирини енгил қилиб.

– Муолажа? – Абу Саҳл кулимсиради. – Бор-будимиздан ажраган бўлсак, хизриобимиз бормики...

– Йўқ бўлса, бор қилмоғимиз даркордир. Хастани бечора ҳолида ташлаб кета олмаймиз-ку? – Абу Саҳл эътиroz қилишга ургурмай, Ибн Сино жувонга мурожаат этди: – Бу яланглик мени таажжубга солди. Сизлар кўпдан бери шу ердамисизлар?

– Йўқ... куюн кўтарилимай туриб қўққисдан чиқиб қолдик.

– Бу ердан қуюн ўтмадими?

– Ажаб... Ажабтовур бўлди. Атрофда гирдиқапалак бўйлиб тўзон учди. Бу ерга эса ҳас ҳам кўнгани йўқ.

– Ажаб... Чиндан ҳам ажабтовур. – Ибн Сино ўйчан тарзда шундай деб қудук яқинига борди. Пастга қараб овоз берди – акс-садо чиқди. Чўк тушганича энгашиб, майсаларни ҳидлади. Сўнг бирини юлиб олиб, Абу Саҳлга яқинлашди. – Мана бу гиёҳ баланд тоғларда бўлгувчи эди. Бу ерда ўсаётгани таажжуб. Юрак хасталигига даво бу. Сиз айтган ихёйи авом – хизриобни шундан тайёрламоқ мумкин. Агар бирон илон тута олсак эди...

– Захри лозимми?

– Захридан кўра қони ила ёғи лозимдир. Терисига ҳам эҳтиёж бор. Аллоҳимнинг бандалари кўп асрлардан буёнтириклик сувини умид қиласидилар, бу хусусда ривоятлар тўқийдилар. Менинг наздимда, Раббимнинг инояти ила тириклик сувини мавжуд этмоқ мумкин. Бунинг учун табиатнинг оддий муҳити эмас, балки ғайриоддий, ҳаттоқи фавқулоддаги шароит лозим. Ҳозир дуч келган жойимиз менга айнан ғайри оддий туюляпти. Кеча қуюннинг бошлишига диққатингизни қаратдингизми? Олдиндан ҳеч бир ишорасиз, кутилмаганда, тўсатдан кўтарилиди, шундайми? Босилиши ҳам шундай. Қуюн бу майдонни босиб ўтолмабди. Нечун? Бунда қандайдир қудрат бор, одамзотнинг ақли бовар қила олмас синоат мавжуд. Кўнглим бир хайрни сеяптики, қуюнга дуч келганимизда бир ҳикмат бор. Иншаллоҳим, шу шароитда ниятимиз рўёб бўлса.

- Иншооллох!
- Мен қудукка тушайин.
- Нечун?
- Кудук тубида илон бўлгувчи эди.
- У ҳолда ижозатингиз ила камина тушайин. Ёшли-гимда кўп илон тутардим.

Хайриятки, қудук четида қайси бир доно қолдирган жун арқон бор эди. Абу Саҳл арқоннинг бир учини белига маҳкам боғлаб, пастга тушди. Кўп ўтмай қудук тубидан «Тортинг!» деган овози келди. Ибн Сино ҳолдан тойганини ҳам унутиб бор кучи билан арқонни торта бошлади.

Абу Саҳл уст-боши бир аҳволда, ўнг қўлида ярим кулочли илонни лапанглатганича чиқиб келди.

– Шукрким, ишимизни Худонинг ўзи ўнглади. Шунинг ўзи караҳт ётган экан, – деди илонни ҳакимга узатиб.

– Пича ушлаб тура туринг, – деди Ибн Сино, сўнг этигини чакқонлик билан ечиб, пичок учида тагчармини кўчирди. Сўнг кўнжини иккига бўлиб дастурхондай ёйди. Тагчармнинг ўртасини бир танга сигадиган айланада кавак қилди. Шундан кейингина илоннинг бошини кесдилар. Оккан қон чукурчани тўлдиргач, коринни ёрдилар. Ибн Сино гиёҳнинг илдизини кавлаб олиб майдалади-да, ивиб қолган қонга аралаштириди, сўнг ёққа булав, илон терисига ўраб қўйди.

– Оқшомга қадар офтобда тобланиб турсин.

Ибн Сино шундай дегач, яна кампирга яқинлашиб билагини ушлади.

Осмон мусаффо, куёш чараклаган бўлса-да, яланглик у қадар иссик эмасди. Улар ташналик азобидан кутулдилар. Оқшомда Ибн Сино илон пўстини очди. Тайёрлаган дориси заъфарон тусга кирган эди.

– Хизриоб деб эдингиз? – ажабланди Абу Саҳл уни қўриб.

– Ҳа, бироз куюклашди. Бизга арчазорнинг булоқ суви ҳам лозим эди. Умид улки, бу ҳам хизриобдан колишмас, – Ибн Сино шундай деб дорининг бир улушини пичок учига

илиб олиб, жувонга тутди. – Мана шуни ютсинлар, зарра ҳам қолдирмасинлар.

Уларнинг ҳаракатларини ҳам ажабланиш, ҳам қўркув билан кузатиб ўтирган жувон итоаткорлик билан келиб пи-чоқни дастасидан олди. Кампирга яқинлашгач, тиз чўкиб, бир қўли билан бошини кўтарди. Кампир ямлана-ямлана дорини ютди. Ибн Сино унга бироз тикилиб қараб тургач, дорининг қолганини яна илон пўстига ўраб кўйди.

Ялангликка ҳукмини ўтказа олмаган қуёш мағрибга бош қўйиб, барханлар учини куйдириб юбориши қасдида ўт уфурди. Аммо бу ўтли нафас ҳам ялангликка ўта олмади. Аксинча, роҳатбахш енгил шабада турди. Атрофга қоронғулик чўка бошлади. Тўлин ой кўтарилди. Шунда кампир ўз-ўзидан қаддини тиклади. Нотаниш кимсаларни кўргач, таажжубланиб жувонга қаради.

– Сизнинг жонингизни шу марҳаматли зотлар Худоимдан сўраб олишди, – деди жувон пичирлаб.

Кампирнинг хушига келганини кўриб алломалар унга яқинлашдилар-да, салом бердилар.

– Бу муҳтарам зотни дуо қилинг, – деди Абу Саҳл Ибн Синони кўрсатиб. – Сизга хизриоб берган одам шу кишидир. Ибн Сино деган ҳозиқи замонни эшитганингиз борми?

– Биз қўрғонимиздан ташқарига чиқмаганмиз, бандалар орасида фақат ўз тўрамизнигина биламиз. Бўлак зотлардан хабаримиз йўқдир, – деди кампир синик овозда.

Ибн Сино бу сафар билакни ушлаш учун ундан изн сўради. Томир уришига диққат қилиб ўтиргач, «ўзига шукр», деб мамнун ҳолда ўрнидан турди.

– Тахминимиз изжобат бўлди. Тириклик сувини айнан шу жойда тайёрламоқ мумкин, – деди у Абу Саҳлга. Кейин кампирга қараб сўради: – Билишимча, чўри экансиз?

– Аллоҳдан яширадиган сиримиз йўқ. Қочиб кетяпмиз... фақат... Худо хайрингизни берсин, сабабини сўраманг.

– Қай томон бормоқни ихтиёр қилгансиз?

– Аллоҳ насиб этган томонга.

– Тонготарда биз Журжония сари йўлга чиқажакмиз. Маъқул кўрсангиз, қанотимизга олармиз.

– Марҳаматларингизга шукр. Тақдир ёзуғимизни Худойим ёзган экан, борлиғимизни Унинг үзига топширганмиз. Яна не кўргулик бўлса чидармиз. Йўлларимиз эса бўлакдир.

Кампир бошқа сўз айтмади.

Тўлин ой тиккага келди. Аёллар кудукнинг бир томонида, алломалар эса сал нарида чўзилишиб, пинакка кетдилар. Ибн Сино бир туш кўрди. Кўз олдида аввал хушрўй қиз намоён бўлди. Сўнг қизни банди қилиб ҳайдадилар. Қора сокол, бадбашара бир одам қизни зўрлаб кучогига олди. Кейин сахро... Ҳудудсиз сахрова икки аёл. Бири ўша хушрўй қиз. Йўқ, эди у бокира қиз эмас, ҳомиладор жувон. Бири ўрта ёш, елкадор хотин. Ҳомиладор жувонда тўлғоқ бошланиб, дод деганича кумга чўзилиб қолди. Минг азобда кўзи ёриди. Елкадор хотин уни турғизиб нари бошлади. Туғилган болани олиб йўргакламади, аксинча, кумда ёлғиз қолдирди. Жувон боласига талпинди. Аммо навҳасига қулок осувчи меҳр эгаси йўқ эди. Елкадор хотин бигиллаб йиғлаётган чақалоқ устига қум сепиб, тириклайнин кўма кетди...

Куш уйқусидаги Ибн Синонинг юраги ҳапкириб, уйғонди. Калима келтириб, чап томонига караб тупуриб кўйди. Ўрнидан туриб атрофга аланглади. Кейин яна жойига чўзилди. Киприкларига куш уйқуси илиниб, яна туш кўрди.

Яна сахро...

Яна икки аёл...

Бири кампир... Ким у? Тириклик сувидан баҳра олиб шифо топган кампир-ку?! Ҳамроҳи... Ҳа, шу жувон... Ажаб! Нималар бўляпти? Жувон ҳомиладор... Ана, кўзи ёриди. Энди кампир гўдакни сахро кумига тириклайнин кўмадими?.. Эвоҳ!

Йўқ... Бундай бўлмади. Кампир чақалоқни қўлига олди. Суюб кўкрагига босди...

Кимдир ингради... Яна ингради... Ибн Сино бу товушдан уйғониб кетди. Инграётган Абу Саҳл экан. Нима бўл-

ди, хасталандимикин? Ибн Сино унинг билак томирини ушлади. Хайрият, хасталик ишораси сезилмади. Нохуш туш кўраётган бўлса эҳтимол. Ибн Синонинг уйқуси тамоман ўчиб ўрнидан турди.

– Уйқунгиз ўчдими, тўрам?

Ибн Сино кампирнинг хаста овозини эшишиб унга яқинлашди.

– Ҳа... Ўзингиз-чи, нимага ухламаяпсиз? Хасталик азоб беряптими?

– Йўқ, тўрам, танамга жон билан бирга қувват ҳам оқиб кирди.

– Унда бедорлигингиз сабаби недир?

– Худога шукр қилиб ётибман.

– Ўзгалардан сир яшириш Раббимизга хуш ёқмас, дейман? Нима учун саргардонликни маъқул топганингизни айтмадингиз.

– Бунинг Худога маълумлиги кифоядир. Бандалар биладиган сир эмас бу.

– Аммо... мен ҳаммасини биламан. Сиз улуғ гуноҳга кўл ургансиз. Гўдакларни тириклайин қумга кўмгансиз.

– Йўқ! Худо шоҳид, мен бундай қилмаганман! – кампирнинг юрагидан отилиб чиққан бу фарёдни атрофни ўраб турган қум барханлари ютди. – Сизга аён бўлган эса, валий экансиз... Сиримни билибсиз... Аммо мен сиз айтган қабиҳликни қилмадим. Мен... олти бола кўрдим. Олтловлони ҳам шу қумликларда қолган. Уларни қўлимга олиб, суюб, эркалаб, эмизиш бахти менга берилмаган. Мени бокиралик ҳолимда чўриликка сотишиб эди. Тўрам Худодан кўрқмас эди, чўрилар билан айш сураверар эди. Кимки ҳомиладор бўлар экан, туғиши учун сахрога бошлиб бориларди. Тўрамнинг ҳукми илиа чўрилардан зурриёт қолмаслиги керак эди. Ўзи зинокор бўлгани ҳолда «валадизинолар бу дунёда яшамаслиги керак», дерди. Менинг олтловлоним ҳам шу боис қумлар орасида. Ўзим ҳам қум бағрида қолишим керак, шунда зора болаларим билан топиша олсан... Мени шунда қолдириб, Заринани олиб кетинглар, тўрам. Валий экансиз,

бу жувоннинг дарди ичида, биринчи боласини Худойим кўп кўрди... Менинг олтovлоним кумда қолган... Қариганимда тўрам мени гунохга ботирмокчи бўлди. Болаларимизни кумга кўмиб келувчи ялмоғизни ўлим чақирган эди. Заринанинг ой-куни етгач, тўрам доялик илиа ялмоғизликни менга юклади. Эй Худойим, қайси гунохларим учун мени бу жазоларга мустахик этдинг?! Олтovлоним кумда колса-ю, яна мен бирорвнинг боласини тириклий қўмсан-а?! Ё Худойим, менга шуни раво кўрдингми, а?! Олтovлоним чақираётган эди, тўрам, нима учун менга хизриоб бердингиз, тўрам, валиуллоҳ экансиз...

Аёлнинг нолаларини тўхтатиб бўлмади. Тонгга қадар унинг кўз ёшлари ҳам оқиб куриди.

Саҳарда Абу Саҳл илон пўстига ўралган хизриоб – «тириклик суви»ни кудук тубига кўйиб чиқди.

Зарина «бизларнинг кисматимиз қайғу ҳалқалари илиа боғлангандир», деб кампирни ёлғиз ташлаб кетмокка унамади.

Ибн Сино ва Абу Саҳл Журжонияни қоралаб, йўлга тушдилар. Ўлар ҳолда бўлиб қолган алломаларни Журжония сарҳадига якин келган карvon ахли кутқариб қолди.

Журжония подшохи алломаларга лутфлар кўрсатди. Ибн Сино қувватга киргач, подшоҳ кўмагида кичик карvon тузиб, ажабтовур ўша яланглик томон юрди. Аммо қанча изламасин, на қудукни, на ялангликни топди. У кўп афсуслар билан изига қайтди. Тиб конунларига тартиб берар маҳалида ўша воқеа баёни бўлмиш сатрларни сахифадан нима учундир ўчириб ташлади.

Аллома саҳродағи мўъжизавий жонланишдан, ҳар уч юз йилда бир марта яланглик юз очишидан бехабар ўтди...

* * *

Илон овлаш максадида кудукка тушган Рустамнинг кулоғи шанғиллашдан тўхтаб бироз ўзига келди. Чирок нурини кулча бўлиб ётган илонга тутди. Илон кимир этмади. Рустам унинг бўйнига чакконлик билан чанг солиб, даст

күттарди. Шунда ҳам илонда тириклик белгиси сезилмади. Шу онда Рустамнинг кўзи илон кулча бўлиб ётган ердаги муштдай нарсага тушди. Илонни ўлик гумон қилиб ташлаб юборди-да, энгашиб қаради: илон пўстига нимадир ўраб кўйилибди. Рустам қизиқиб уни олмоқчи бўлди. Пўст ҳам, ичидаги нарса ҳам қуриб, кўйган қоғоз қуқунидай бўлиб қолган эди – кўли тегиши билан тўзиб кетди. Ҳафсаласи пир бўлган Рустам кафтини бир-бирига уриб, чангини қоқди-да, арқонга тирмашиб юқорига чиқа бошлади. Чиқар чоғида илоннинг қимиirlаганини, ҳозиргина тўзиган нарсага тилини теккизганини сезмади.

Юқорига чиқиб, давра қуриб ўтирган илон овловчиларга яқинлашди-да, лоқайдлик билан:

– Ҳеч нарса йўқ, фақат... битта илон ўлиб ётибди, – деб қўйди.

– Балки қаҳаҳтдир? – деди боя жиғига теккан олифта.

– Нима, мен ўлик илонни кўрмаганманми? – деди Рустам жеркиб. Аммо кудук тубида ўзидан кетай деганини айтмади. Унга бошқа гапиришмади. Шу ерга чодир тикишди. Кудук яқинида транзистор эшишиб ўтирган Рустам бақириб юборай деди. Ҳали тортиб олинмаган арқонга ўралиб чиқаётган илон эса унга бакрайиб қараб қолди...

ЮЛДУЗГА АЙЛАНГАН ҚИЗАЛОҚ

Хикоя

Сочлари жингалак, киприклари узун-узун, чарос кўз, бетлари лўппи, дўмбокқина, оппоққина бу қизалоқ бир ёшга тўлганида худди қўғирчоқقا ўхшарди. Чақалоқ туғилганида оиласда қанчалик шодиёна бўлса, бир ёшга тўлганида ундан-да кўпроқ қувонадилар. Гўдак ҳеч нарсага тушунмаса ҳам, унга ҳар турли совғалар берадилар, суйиб-суйиб эркалайдилар, ўпиб-ўпиб табриклиайдилар, Аллоҳга илтижолар қилиб, саодатли умр тилайдилар.

Мингларча оиласарда шодлик рухи кезади. Тўққиз қаватли уйнинг барча хонадонларига меҳмон бўлиб келиб ту-

рұвчи баҳт еттінчи қаватдаги иккі хонали үйни нечундир четлаб үтади. Ҳатто бир йил олдин шириң қизалоқ туғил-ганида баҳт мұралаб ҳам құймаган эди.

Сочлари жингалак, шириңдан шириң қизалоқ бир ёшга тұлған куны оиласа шодлық қақтахаси янграмади, хеч ким совға келтирмади, сүйиб-сүйиб әркаламади, үпіб-үпіб табрикламади, саодатли умр тиламади...

Бир құли үзилған, кирланиб кетган құғирчоғини силтаб-силтаб үйнаб үтираверди.

Кир құғирчоқни үйнаб зериккан асал қизалоқ хонтахта устига ёзилған дастурхонга тирмашиб туриб олди, онаси «хай!» дейишиша улгурмай, чой тұла пиёлага дұмбокқина, оппоққина панжасини урди. Чой тұқилиб, үша заҳоти дұмбокқина, оппоққина бетига онасининг қип-қызилға бүялған, узун-узун тирнокли панжаси тушди. Оппоққина, дұмбокқина бетда беражы онанинг бармоқлари изи қолди.

Иссик чойдан құли күйгани учун йиғладими, ё шириңгина бетига тушган аччик тарсакиданми, она фарқлай олмади. Чинқираёттан асал қизалоқни жаҳл билан четта олиб құяётганида кампирдан дақки эшитди:

– Болани урма, құлинг сингур.

– Үлар бўлсан үлиб бўлдим, энди бу итваччани эплай олмайман, етимхонага бераман, – деди шириң қизалоқнинг онаси.

– Бекор айтибсан! Етимхонага ғирт етимлар берилади. Бунинг отаси бор, онаси бор, – деди асал қизалоқнинг бувиси.

– Отасига керак эмас-ку!

– Отасига керак бўлмаса, онасига керак.

– Менга ҳам керакмас. Үша ҳўқизнинг сарқити деб мен ёш умримни хазон қилишим керакми?

– Болани «сарқит», дема, гуноҳига қоласан. Үша ҳўқизни ўзинг яхши қўриб колган эдинг.

– Унда ҳўқизлигини билмаганман. Буни етимхонага бераби, ўзим Туркиягами, Россиягами кетаман.

– Қайси гўрга кетсанг кетавер, лекин болани етимхонага бермайсан.

– Етимхонага бермасам, сиз олиб қоласизми, сиз боқасизми?

Бир ёшга тўлган ширин-ширин гўдакларнинг туғилган кунлари шодлик билан нишонланаётган дамда баҳт четлаб ўтаётган бу икки хонали хонадонда шундай можаро бўлиб ўтган эди.

Қўли куйганиданми, ё онасининг тарсакисиданми чинқираб йиғлаётган ширингина қизалоқ бу гапларни эшитганда ҳам маъносига тушуммаган бўларди. Бу шириндан шакар оппоққина бетларга бундан олдин ҳам тарсакилар тушиб турган, узун-узун киприкли бу чарос кўзлардан илгари ҳам шашқатор ёшлар тўкилган эди. Буниси охирги-си бўлди. Шундан сўнг у онасини бошқа кўрмади...

Оиласини бирон марта ҳам кўрмаган эди, онаси ҳам фойиб бўлди. Беш ойлигига кўкракдан чиққан эди, онасини эмишни қўмсамади. Лекин онасининг хидини соғинди, онасининг иссиққина, юмшоққина бағрида ором олишни истади. Бувисининг бағри ҳам иссиққина, юмшоққина эди, лекин онасиникига ўхшата олмади. Силталаб, калтаклаб турса ҳам онаси яхши эди...

Бувиси кўтарганида жавондаги суратга интиларди. Суратдаги жувон – унинг онаси. Бир куни бувиси унга суратни олиб берди. Ҳали иккига тўлмаган ширингина қизалоқ суратдаги bemexр чехрани суйиб-суйиб, соғиниб-соғиниб ўпа бошлаганда бувиси чидаб туролмади, аввал йиғлади, сўнг суратни она меҳрига зор қизалокнинг қўлидан юлиб олиб, йиртиб-йиртиб ташлади. Шундан сўнг бечорагина, дили яримта қизалоқ онасини мутлақо кўрмай қолди. Лекин тарсаки тушириб турадиган онасини унутмади, тушларида кўрганида қувона-қувона, маҳкам-маҳкам кучоқлади, суйиб-суйиб, тўйиб-тўйиб ўпди. Шириндан ширин бетларига, орқаларига тушган калтаклар, чимчилашлар азоби ёдидан кўтарилиди, аммо онасининг суйиб-суйиб бағрида эркалаб ўтирганларини унутмади. Уч ёшга тўлганида онасининг чехрасини кўз олдига келтира олмасди, лекин онасининг йўқлигидан юраги сиқиларди. «Ойим қанилар,

оийм қачон келадилар?» деб бувисидан кўп сўрарди, баъзан жавоб олмасди, баъзан «Яқинда келади» деган ишончсиз сўзларни эшитарди. Бувисининг хўрсиниб қўйиши сабабини эса англамасди.

Кунлар, ҳафталар, ойлар шу-зайлда ўтаверди.

Бу орада кимдир қўнғироқ қилиб: «Қизингиз оғир касалга чалиниб қолди, Москвадаги касалхонада ётибди, даволаш учун пул керак», деди.

Бувиси жавоб бермай гўшакни жойига қўйди. Сўнг хайкалга ўхшаб қотиб ўтири. Кечаси бувиси хўнграб-хўнграб йиғлаб, ширингина қизалоқни уйғотиб юборди. Чарос кўзли қизалоқ кўркиб кетди. Кейин бувисини қучоқлаб олиб, бор овози билан чинқириб йиғлай бошлади. Бувиси уни бағрига маҳкам босди. Йиғиси янада кучайди, ширингина қизчанинг лўппи юзи бувисининг кўз ёшларидан хўл бўлди.

Баҳорнинг инжиқликлари тугаб, иссиқ кунлар бошланганида яна кимдир қўнғироқ қилиб: «Қизингиз касалхонада ўлди. Ўлигини олиб кетасизми ёки Москвада кўмаверайликми? Бу ерда кўмиш учун қабристонга анча пул тўлаш керак. Олиб кетсангиз арzonроққа тушади. Ўликни ҳеч ким олмаса, крематорийда куйдириб ташлашлари мумкин», деди. Бувиси бу сафар ҳам индамади. Гўшакни қўйиб бу сафар ҳам ҳайкалдай қотиб ўтири. Онасини соғиниб яшаётган ширингина қизалоқ ярим кечада кўрқинчли туш кўриб чинқирганича уйғониб кетди. Бувиси ҳайкалдай қотиб ўтирган эди. У ҳам чўчиб тушди. Киприклари узун-узун, бетлари лўппи-лўппи қизалоқни тезгина бағрига олди. Қаттиқ қучоқлаб ўпа кетди, сўнг хўрсинди, сўнг хўнграб йиғлай бошлади.

Тонгта қадар йиғидан тинмади. Кўз ёшлари ҳам қуриб қолди. Нонушта пайти томоғидан бир хўплам чой ҳам ўтмади. Ширингина қизалоқнинг ҳам иштаҳаси йўқ эди, аммо бувисининг зўрлаши туфайли сарёғ сурилган бир бурда нонни еб, ярим пиёла чойни аранг ичди. Кўзлари қизариб, қовоқлари шишиб кетган буви чарос кўзлари нажот излаб

мўлтиллаётган ширингина қизалоқнинг дўмбок билагини маҳкам сиққанича етаклаб боғчасига ташлаб келди.

Ширингина қизалоқ боғчанинг ширин таомини ҳам емади, ўртоқлари билан кўғирчоқ ҳам ўйнамади, маъюсги на бўлиб ўтираверди. Кўғирчоққа ўхшаган жингалак сочили ширингина қизалоқни боғча опаси жуда яхши кўради. Унинг маъюслигидан хавотирланиб: «Касал бўлиб қолмадингми, асалим, иссиғинг йўқми?» – деб пешонасидан ушлади. Кейин бир пас қучоқлаб ўтирди. Боғча опасининг бағри ҳам иссиқина, юмшоққина эди... Аммо... онасиникига ўхшамасди...

Пешиндан кейин барча болалар ухлашди, ширингина қизалоқ эса чарос кўзларини шифтга тикиб қимирламай ётди. Боғча опаси икки марта келиб, пешонасига кафтини кўйди, бетларини мёҳр билан силади. Уйқудан сўнг ширин чой ичилгач, болалар уйга қайтишга тайёргарлик кўра бошлидилар. Бунаقا пайтда боғча опаси ҳам шошиб қолади:

- Диёрахон, бўла қол, аянг келдилар...
- Иброҳимжон, чойни уйингда ичарсан, ойинг келдилар...
- Робияхон қўғирчоқ талашма, ойижонинг келдилар...

Хамманинг онаси келиб, соғиниб-соғиниб қучоқлайди, суйиб-суйиб ўпади... Фақат ширингина қизалоқнинг онаси келмайди... соғиниб-соғиниб қучоқламайди, суйиб-суйиб ўпмайди...

Боғчанинг ширин чойи ичилиб, уйга қайтиш вақти келгандаги соchlари жингалак-жингалак, ширин-ширин қизалоқнинг юраги сикила бошлайди, узун-узун киприклари ҳимоясидаги чарос кўзларига маъюслик қўнади, ҳатто йиғлагиси келади...

Боғчада ҳаммадан каттароқ, ҳаммадан кўп гапирадиган бир қиз бор. Боғча опа уни нима учундир «Қайнона-қиз», деб атайди, гапларидан кулаверади. Бугун уйкуга ётишдан олдин ширингина қизалоқ расм чизиб ўтирганида «Қайнона-қиз» яқинлашиб:

- Вой-бў, бунча чиройли, бу ким? – деб сўради.

«Бунча чиройли» деган баҳодан асалгина қизалоқ қувониб кетди:

- Бу ойим, – деди фахр билан.
- Ойинг қаердалар?

«Қайнона-қиз»нинг бу саволи ширингина қизалоққа ёқмади, узун-узун киприклари пирпиради, жавоб бергиси келмади. Хирагина, ёпишқоққина «қайнона-қиз» эса нари кета қолмай, яна сўради:

- Ойингни нега мен кўрмаганман, қаердалар?

Ширингина қизалоқ юзини ўтириб, паст овозда: «Ойим узокдалар», деб хўрсинди. «Қайнона-қиз» бу жавобдан қаноатланмади, кўғирчоққа ўхшаган қизалоқни яна сикувга олди:

- Узокда деганинг қаерда?
- Жудаям-жудаям узокдалар, бу ерга келишлари қийин.
- Гапинг ғалати-я, жудам-жудаям узокда бўлсалар... – «қайнона-қиз» бироз ўйлангач, давом этди: – Унда юлдуздамилар? Энг узок жой юлдуз-ку?

«Қайнона-қиз»нинг бу гапидан ширингина қизалоқ қувониб кетди, шодликдан чараклаган чарос қўzlари билан унга боқиб:

– Ҳа, ҳа, юлдуздалар, жудаям узоқ юлдуздалар! – деб тасдиқлади-да, бу хира қизнинг навбатдаги саволидан чўчиб, кўғирчоқ ўйнаётган дугоналари томон югорди.

Боғчадан қайтганда: «Бувижон, юлдузлар қаерда?» – деб сўради.

– Юлдузлар осмонда, – деди бувиси унинг саволидан ажабланиб. – Кундузи кўринмайди, қоронғи тушганда қарасанг, кўпгина-кўпгина митти-митти чироқчаларга ўхшаб ёниб туради.

- Юлдузда одамлар яшашадими?

Бу савол бувини янада ажаблантирди. Умид билан тикилиб турган чарос қўzlарга қараб жилмайиб қўйди:

– Билмадим... балки яшашар. Катта бўлиб яхши ўқисанг, олима бўласан, юлдузларга учиб бориб ўзинг кўрассан.

Бувисининг бу гапи асалгина қизалоқнинг ширингина орзусига қанот бўлди: демак, юлдузлар осмонда, у ерда одамлар яшайди... уни соғинтираётган онажони ҳам ўша юлдузда... юлдузлар қоронғида кўринади, учиб бориб, она жонининг иссиқ бағрига етиш мумкин...

Бувижонига бошқа савол бермади. Чарос кўзларини деб раза томон тикиб қоронғи тушишини кутди.

Бу пайтда... етти қаватли уйдан мингларча чақирим узоқлиқда, баланд бинолари томига қизил юлдузлар кўндирилган шаҳарнинг бадбўй ўликхонасида йигирма беш ёшлардаги, келиб чиқиши Марказий Осиёдан бўлган, исми, – насаби номаълум жувоннинг мурдасини крематорийга жўнатишга тайёрлашаётган эди...

Қоронғи тушди. Кўшни уй деразаларидан чироқларнинг нурлари тарапиди.

– Нимага тикилиб қолдинг? – деб сўради бувижони.

– Ана, юлдузлар кўринди! – деди ширингина қизалоқ хаяжон билан.

– Булар юлдузлар эмас, уйлардаги чироқлар. Юлдузлар осмонда бўлади. Бу чироқлар ўчганида юлдузлар кўринади...

Бувижони бу кеч нима учундир телевизорни ёқмади. Дам-бадам хўрсиниб, дераза томон тикилиб ўтираверди.

– Бувижон, юлдузга бирга учиб бора қолайлик, – деди ширингина қизалоқ умид билан тикилиб.

– Ох... қани эди уча олсам...

Бувижони шундай дегач, пиқиллаб йиғлай бошлади. Дўмбокқина, оппоққина, ширингина набираси яқинлашган эди, уни қучоқлаб олиб узоқ йиғлади...

Йиғлаб-йиғлаб чарчаб, асалгина қизалоқни каравотига ётқизди. Чироқларни ўчириб ўзи ҳам ётди. Хўрсинишилари анчагача тинмади. Онажонини кўриш орзусидаги қизалоқ ухламади. Деразага қараб ётаверди. Рўпарадаги уйнинг чироқлари бирин-сирин ўча бошлади. Ташқари зулмат чодирига ўралгач, умидли қизалоқ секингина ўрнидан туриб деразага яқинлашди. Рўпарадаги баланд уй қоп-қора қутига ўхшаб қолган. Унинг тепасида милт – Милт қилиб ожиз

нур тарататытган юлдузлар күринди. Шириңгина қизалок бувижонини үйғотиб юбормаслик учун лиқиллаб қолган эски стулни асталик билан сурди. Сүнг стулга, ундан дераза токчасига чиқди. Энди юлдузлар янада күпроқ күринди. Улар орасыда биттаси ялтиллаб нур сочаётган эди. Юлдузлар орасыда онажонининг кулиб турган чиройли күзлари ни ҳам күрди.

— Ойижоним шу юлдуздалар, мени соғинганлар, мен ҳам соғинганман, күпгина-күпгина соғинганман... Ойижон, ухлаб қолманг, ҳозир учеби бораман...

Шу аҳд билан деразани очди. Юзига майин шабада урилди. Назаридә аяжонининг ёкимли, илиқ нафаси урилгандай бўлиб, энтикли. Юлдузга тикилганча бироз харатклиз турди. Фалакда яна онажонининг кулиб турган кўзлари кўрингач, юлдузлар сари қадам кўйди...

Ёши катта одам юқори қаватдан ўзини ташласа, кўркув туфайли ерга етиб келгунича жони узилар экан. Чиройли кўғирчоқка ўхшаган шириңгина қизалок кўркмади, аксинча, қувонди: у онаси томон учеби борар эди... Онажонига етиб боради, онажони билан юлдузда яшайди...

Худди шу онда крематорийнинг қайноқ нафаси йигирма беш ёшлардаги жувоннинг ўлигини куйдириб кул қилиб бўлган эди...

КИР ЎРА Ҳикоя

Умрини сабр билан ўтказаётган аёл бирдан йўқолиб қолди...

Кабир хотинини «Кампир», деб чакиргани билан Саломатхон ҳали қарилик ёшига етмаган эди. Бераҳм турмуш ташвишлари ўзининг изларини шу аёл юзида қолдириб, уни етмишдан ошган кампирга ўхшатиб кўйганди.

Қирқ йил муқаддам Саломатхон молия институтини битириб, шаҳардаги энг доврукли гастрономда ишлай бошлаганида шу ҳашаматли дўконнинг директорига ик-

кинчи хотин бўлиб тегарман, деб ўйламаган эди. Ўқиётган пайтида унга кўп йигитлар совчи қўйди. Лекин ўз чиройига маҳлиё бўлган, кибр тахтида талтайиб ўтирган қиз бечора йигитларниң умид чинниларини синдириб қўлига тутқазаверди. Йигитларниң унисини ўпок, бунисини сўпоқ демади, «Ўқишни битириб олмагунимча турмушга чиқмайман», деган баҳонасида қаттиқ туриб олди. Ўқишни битиргач, аввал отаси, бир йилдан сўнг эса акаси вафот этиб, эрга тегиш масаласи яна икки йилга сурилди. Ёши йигирма бешдан ошганда «қари қиз» деган номни олган Саломатхонга энди хотин қўйган эрлардан совчи келарди. Саломатхон бундан ўкинарди, ўкина туриб уларни рад этаверарди. Онасининг ялинишлари, нолаларига кулоқ солмасди. Хотинидан ажрашган гастроном директорининг хушомад қила бошлапи унга хуш ёқа бошлади. «Хотин қўйган одамга эрга тегаётган битта менманми?» деб ўзи ни «қайта тарбиялади»-ю, Кабирнинг совчиларига розилик билдирилди.

Тўйга тайёргарлик кунлари, тўйдан кейинги дастлабки ҳафталар «иккинчи хотин» ғоят баҳтли эди. Иккинчи эмас, учинчи хотин эканини билганда аламдан дод деб юборай деди. Йиғлайвериб ёстиқни хўл қилди. «Нега тўғриси ни айтмадингиз?» деб эридан ранжиган эди, у: «Иккинчи бўласанми, ё ўн иккинчими, энди нима фарқи бор? Уларни уч талоқ қўйиб юборганман. Сен билан биргаман, сени яхши кўраман, сен учун муҳими шу эмасми?» – деб овутди.

Орадан ярим йил ўтмай эрининг кўчадаги, ҳатто дўкондаги хушрўй аёлларга илакишаётганини, ўзи кўрмаган кундошлари, айниқса, иккинчиси шу туфайли ажрашгандарини билгач, жанжал кўтарди. Кабир унинг аламли гапларини, фарёдини хотиржам тинглади. Саломатхоннинг йигига кучи қолмагач, ўзини оқлашга ҳаракат ҳам қилмади, совуқ оҳангда мақсадини баён этди:

– Сени ростданам яхши кўраман. Олдинги хотинларим «Кетаман!» деб фалва қилишибди, кетавер, дедим. Сенга ундей дея олмайман, ўла-ўлгунимча сен билан бирга яшашни

истайман. Лекин хохишинг ўзингда. Олдингда иккита йўл бор: биттаси – ажрашасан, учтами, тўрттами хотин қўйган биронта лақмага тегиб оласан; иккинчиси – менинг қиликларимга чидаб яшайверасан. Тўғрисини айтаман: мен тузаладиган одам эмасман. Ҳозир тиз чўкиб тавба қилишим ҳам мумкин, энди бегоналарга қарамайман, деб касам ҳам ичишим мумкин, лекин сени алдашни истамайман...

Саломатхон нима қилсин, ўзи пиширган ош – айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ичишдан, «Факат... шалтоғингизни уйга бошлаб кирманг», деб шарт қўйишдан ўзга чораси йўқ эди.

Сабр билан яшади. Икки ўғил, бир кизни киприкларида авайлаб катта қилди. «Эримнинг гунохи болаларимга урмаса эди», деб кўркиб яшади.

Умрини кўркув билан ўтказаётган аёл бирдан йўқолиб қолди...

Бу оиланинг одати шунаقا: эрталаб ким қайси пайтда уйғонса, ўзи нонушта қилаверади. Оила аъзоларининг бир дастурхон атрофида ҳамжиҳат ўтириб нонушта қилишлари камёб ҳодиса. Оила бошлиғи кечки таом вақтида ҳам фарзандлари билан кам ўтирган. Беш-олти улфатнинг ҳали унисиникида «гап», ҳали бунисиникида туғилган кун... Эрталаб наҳорда эса тўй оши, маърака оши. Пешин чоғи уйида овқатланиш мумкинлиги хаёлига ҳам келмаган. Саломатхон оиланинг бу тартибиға ҳам кўнишиб кетган.

Кечаси билан эзib ёқкан ёмғир тиниб, парку булутли осмонни қуёш гўзал тарзда безаб бош кўтараётганда Кабир қўшниларига қўшилиб тўй ошига кетган, оиланинг бошқа аъзолари эса ширин уйқуда эди. Келинлар, ўсмир ёшига етган набира қизлар ҳам ёмғирли кечадан сўнг ҳовлини, айниқса, кўчани супуриб қўйишни ўйлашмасди. Саломатхон бир бурда нонни еб, термосда илиб қолган чойдан ичиб олгач, қўлига супурги олиб кўчага чиқди. Қўшнининг серғайрат келини уларнинг дарвозалари олдини ҳам супуриб, ёмғирли шамолда тўкилган баргларни четга тўплаб қўйган эди. Саломатхон қўчанинг қолган жойини супуриб, ахлатни челакка солиб уйга қайтганда ошхона остонасида

турган катта келини салом берди. Қайноасининг ҳали су-пуриши, ҳали идиш-товоқ ювишига кўнишиб қолгани учун уялиб ўтирмади. Болалар шошилганларича туришиб, шошилганларича нонушта қилиб, мактабларига жўнашди. Келин ҳам шошилганича ишга кетди.

Саломатхон уйда ёлғиз қолган эди.

Тўй ошидан кейин Кабир жўралари билан чойхонага кетди. Пешиндаги худойи ошини ёб, уйга қайтса; дарвона эшиги ланг очиқ, ичкарида эса ҳеч ким йўқ. Хотинини чакирди: жавоб бўлмади. Сўнг уй хоналарига, ҳатто келинларининг ётоқларига қадар кириб қаради – Саломатхон йўқ. Бирон жойга кетгандир; деса, айтмасдан ҳеч ерга бормасди. Кўшниларникига чиқиб суриштириди. Қизига «Онанг бордими?» деб телефон қилди – йўқ... Кўнгли ғашланиб, уйга сифмай қолди. Кичик ўғли хизмат юзасидан хориж сафарига кетган. Кичик келини эса бемор онасига қарап учун қолган эди. Кабир кудасини кўргани кетгандир, деган фикрда кичик келинига ҳам кўнғироқ қилди. Сўнг қариндошлари, танишларидан бир-бир суриштириди.

Ер юзидағи одамларнинг уятли қилмишларини кузатавериб исноддан қизарган қуёш уфқ ортига беркинди. Атрофни шом қоронғилиги бағрига олди. Кабирнинг юрагини эса ҳавотир зулмати ўрай бошлади. Қатта ўғлига кўнғироқ қилди: «Абонент ҳозир жавоб бера олмайди, истасангиз sms юборинг», деган овозни эшилди. Шошилганича ҳарфларни терди: «Онанг ҳеч ерда йўқ, уйга тез етиб кел». Бир дақиқадан сўнг қисқа жавоб келди: «Ҳозир мажлисдаман». Ичиди «Хе, мажлисингни...» деб сўкиниб қўйиб, қизига кўнғироқ қилди.

– Ойим ҳалиям келмадиларми? – деди Одинахон. – Милисага айтмадингизми?

Шу фикр хаёлига келмаган эди, дарров ички ишлар идораси рақамини терди, «Навбатчи капитан Турдиев», деган овозни эшилгач, дардини қандай билдиришни билмай иккиланди, «Гапиринг», деган овоздан кейин «Кеннойингиз йўқолиб қолувди», деди.

рилаётган күнгилсиз ёмон ўйларни қувишга уринса ҳам, «Ўзини ўлдирган бўлса-чи?» деган шум фикр ҳақиқатга айланা бошлагандай эди.

Бир марта ўзини осганида Худо қайтариб берган эди: —

Куни майшат билан ўтаётган гастроном директорининг тақдирида кетмас баҳт борлигини бирор кўрганмикин? Шайтон ёкиб кўйган шамчироқ нурини баҳт қуёши деганлар ўзларини қамоқда кўргач, «айбим нима эди?» деб Худо билан ҳақ талаша бошлайдилар. Кабирнинг тақдири шундай бўлди. У Худодан кўрқмас эди, милициянинг ОБХСС деган бўлимидан эса чўчирди. Чўчирди-ю, уларнинг ҳам нафси борлигини билгани учун «Чўнтағимдагини сочсан, ҳеч нима қилолмайди», деб ўзига далда берарди. Лекин у бирни сочса, гастрономга эгалик қилиш орзуидаги бошқа одам ўнни сочишини ҳисобга олмаган эди. Ҳисобдаги мана шу адашиш уни Сибирдаги қамоқхонага жўнатди. Саломатхон йилда икки марта эрини кўргани борарди. Кабир ойда икки марта «Офтобим, вафодорим...» деган сўзлар билан бошланувчи хатлари билан унинг кўнглини иситиб турарди. Саломатхон эрининг пушаймонларига ишонгай эди. Тўртинчи йили Кабир хулки яхши бўлгани учун шартли равишдаги эркинликка чиқарилиб, қамоқхона яқинидаги қишлоқ чўчқаҳонасида ишга тайинланди. Номи «эркин» бўлгани билан орган назоратида юришга мажбур бўлгандар қишлоқ хонадонларига кириб-чиқиши йўлини топишарди. Бошқалар юрган йўлдан Кабир юрмас эканмі? Эрини кўргани келган Саломатхон уни чўчқаҳонадан эмас, бир беванинг уйидан топди. Ўз уйида жанжал қилмаган хотин бегона жойда фарёд ўрармиди! Тўғри, қалби фарёд урди, вужудиний титроқ босди. Ҳеч бўлмаса: «Сиз мени «вафодорим», дер эдингиз, мен сизга вафо қилиб яшаяпман, сизчи?» — демади! Киприклари тўсизб турган ёш томчиларини рўмомлчаси уни билан артиб, бошини эгганича жим ўтираверди. У индамагани билан Кабир гапирган эди:

— Мени тушунгин, илгари абллаҳ эдим, тўғри, лекин бу ерда мажбурман, ахир мен эркакман-ку! Аввалгилари гуноҳ эди, бунисининг гуноҳи йўқ.

Бузуқликни кўра туриб жанжал қилмагани учунми, Саломатхон бевага ёқиб қолди. Уни яқин қариндошидай меҳмон қилмоқчи бўлиб, дастурхон ёзди. Лекин Саломатхон бир қултум чой ҳам ичмади, бир тишлам нон ҳам емади.

— Ҳазар қилишга ҳақинг бор, — деди бева. — Лекин сен кўп сиқилма, эркакларнинг ҳаммаси шунаقا. Шўрлик аёлларнинг чидашдан бошқа чоралари йўқ. Лекин эринг ёмон одам эмас, ундан қаттиқ нафрратланма. Сени яхши кўради. Менга сени кўп мақтаган. Бу ерга келиб туриши эртами-индинми тугайдиган кўнгилхушлик. Эрингни тортиб олмайман. Ундан бола ҳам тугмайман. Озодликка чиқсан куни уйингта учиб боради.

Кеч кириб қолган, атрофи қалин ўрмонзор билан ўралган қишлоқдан чиқиб кетишининг иложи йўқ эди. Кунда бир марта юрадиган автобус эрталаб йўлга чиқарди. Кабир ётадиган казармада меҳмонлар учун хона бор эди, лекин Саломатхон у ерга боришини истамади. Беваникida қолди. Мезбон оқ чойшабларни янгилааб берса ҳам ўринга ётмади. Дераза ёнида қотиб ўтираверди. Бёва унинг аҳволини яхши тушунгани учун гапга солишга кўп уринмади. Саволлари жавобсиз қолгач, қўшини хонага чиқиб ётди. У ўзини айбдор хис қилмаса-да, ухлаши қийин бўлди. Тонгта яқин кўзи илинган экан, даҳлизда нимадир тарақлаганидан чўчиб тушди. Даҳлизда осилганича типирчилаётган гавдани икки кўли билан қучоқлаб кўтариб, Саломатхонни сиртмоқдан куткариб қолган эди...

Ўшандада сабаб бор эди...

Ўшандада уйда қолған болалари ҳам кўзига кўринмаган эди.

Энди-чи?

Жонидан тўйишига нима сабаб бўлди?

Кабирнинг бу саволга жавоб топиши қийин эмасди. Ҳар бир жавоб унинг бўйнига гуноҳ сиртмоғини солаверди.

Энг охирги воқеа...

Ўтган куни Саломатхон опасиникига кетган эди. Кабирнинг дилида шумлик йўқ эди. Аксинча, белида оғриқ

сезиб буқчайиб ётганида катта келини кириб келди. Қайнотасига меҳрибонлик қилиб, белига, елкаларига малҳам суро бошлади. Кабир белига қадар ечиниб олган, келиннинг момик бармоқлари баданини эритиб юборай дерди. Баданни-ку эритмади, аммо шайтон васвасасини уйғотди. Келин шошилмай силарди, ҳатто бармоқлари белдан пастроққа, кўлтиқ томонларга ҳам сурилиб борди. Энгашганида нафаси қайнотасининг гарданига урилди.

– Кеча уйга борувдим, адам жуда ақлли иш қилиблар, – деди нозли оҳангда.

– Ақлли одам фақат ақли иш қилади-да, – деди Кабир энтикиб.

– Уйни катта акамнинг номига ўтқазиб қўйибдилар.

– Катта акангга? Нега?

– Ота-онасига ким яхши караса, уй ўшаники бўлади-да.

– Ўзбекларда уй кенжага қолади.

– Унақа замонлар ўтиб кетган. Кенжаларга икки хонали уй олиб берса ҳам бўлади.

Халоватли булут узра хузурланиб сузаётган Кабир келинининг мақсадини англали. Катта ўғли очик айтмаса ҳам аввал бир-икки шу масалага шама килган эди.

– Сиз ҳам ақлли одамсиз, уйни Зухур акамнинг номларига хатлаб берсангиз яхши бўларди...

Гапираётганда нафаси қайнотасининг бўйнига тегди. Кабирнинг назарида нафасигина эмас, қайноқ лаби ҳам теккандек туюлиб, бадани ҳузур билан жимиirlаб кетди. Ўзини тутиб туришга куч тополмади, аниқроғи, куч тошишга интилмади, шарт ўгирилди-да, келинининг оппок билагини ушлаб ўзига тортди:

– Бу қийин иш эмас, факат бунақа жойда ҳал қилинмайди, кечаси овсинингниги чиқкин, ўша ерда келишиб оламиз, – деди.

Келин нозланиб, сал ўзини тортгандай бўлди:

– Олдин уйни ўғлингизнинг номига ўтқазиб беринг, кейин бутунлай сизники бўламан.

Очиқ савдо шу тарзда бошланганида айвонда шарпа се-
зилиб, иккови чүчүб тушган, лекин уларнинг холати Сало-
матхоннинг назаридан четда колмаган эди...

Саломатхон ўша кеч ҳеч кимга, ҳатто набиралариға ҳам
гапирмади, овқат ҳам емади.

Умрини гумонлар билан ўтказаётган аёл икки кундан
сўнг бирдан йўқолиб колди...

Бу воқеани эслаган Кабир «Гуноҳни бошламаган эдим,
бундан хафа бўлишга ҳаки йўқ», деган хулоса чикарди.

Ажабки, қўшни хонада болаларининг кийимиға даз-
мол ураётган келин ҳам бу воқеани эслаган ва у ҳам айни
шу хулосага келган эди. Ҳозир у келин бўлиб тушганидан
бери қайнонаси билан неча марта жанжаллашгани, ҳатто
бир-икки туртиб юборганини эсламади, эслашга уринма-
ди. Ҳозир унинг фикру зикрини бир савол камраб олган:
«Агар қайнона топилмаса... ё... бир бало бўлган бўлса,
нима килишим керак?» Унга қолса, қайнонасининг йўқ бў-
либ кетгани яхши – қайнотаси билан бошлаган уй савдоси-
ни осонроқ битириб олади.

«Ойим биздан ранжиб кетиб қолдиларми?» деган са-
вол Зухурни даҳшатга солмаса ҳам безовта қиласарди. Хо-
тинини ёқлаб онасига қаттиқ гапириб юборгандарини у
айб деб ҳисобламайди. Саломатхон ҳали чилласи чиқма-
ган келинининг ёқимсиз қиликларидан сўз очганида Зухур
«Нима қилай, буни қўйиб юбораверайми, эртага бошқаси-
ни олиб берасизми? Бу ёқмаса индинга учинчисини олиб
берасизми?» – дегач, шикоят қилмай қўйган эди. Қайнона
арз қилмасди, тишини тишига қўярди. Келин эса Зухур иш-
дан қайтунича бир арава ғишава гапларни тўплаб қўярди.
Аввалига эрини олиб бошқа уйга қўчиб чикишни ўлар-
ди, кейинроқ режаси ўзгарди: шу уйда ёлғиз яшаш имкони
бўла туриб, бошқа жойга қўчиш нодонлик эмасми? Хоти-
нининг дилидагини билмаган Зухур унинг ғиди-бидилари-
дан безиб, баъзан онасини ранжитиб қўярди.

Зухур ҳозир шу қиликларининг охиргиларини эслаган-
дай бўлди, аммо ўзини айбламади: «Бунақа майда-чўйда

гаплар ҳамма уйда бор, шуни деб аразлаб кетиб қолиш шартми?»

Отаси, акаси ва келин аясидан фарқли ўлароқ Одинани онасининг аразлаб кетиши сабаби эмас, сандикдаги нарсалар кўпроқ ташвишга соларди. «Уйда қолаверсам бўларкан, ёмон хабар келса, ебтўймас кеннойим биринчи галда сандикни очади, боргунимча ҳеч нарсани қолдирмайди», деган ўй эрталабгача тинчитмади. Уйкудан уйғониши билан отасига қўнғироқ қилиб, «Янгилик борми?» – деб сўради. «Йўқ» деган қисқа жавобни эшитгач, ташвиши сал камайгандай бўлиб, ота уйига шошилди. Нонушта қилаётган отасининг ёноғидан ўпиб, ҳол-аҳвол сўрагач, онаси ётадиган уйга кириб сандикни очди. Сандик ичидаги нималар борлигини у яхши билади. Уч-тўрт ой аввал онасининг ўзи сандикни очиб, қизига маълум қилиб қўйган: маҳсус тикилган оқ халтачада иккита тилла билакузук, бир жуфт тилла зирақ, жавҳар кўзли тақинчоқ, набира қизларга аталган тилла занжирлар бор. Бир жуфт тилла зирақ онасининг қулоғида, «Ўлсам, ғассол ечиб олиб сенга беради, қизингга атаганман, бармоғимдаги узукни ўзинг тақиб юрасан», деган. Саломатхон тилла буюмлардан ташқари аёлларнинг жону дили бўлган турли матоларни алоҳида-алоҳида ажратиб, «Булари сенга, буниси катта келинимга, буниси кичигига, мендан кейин талашиб юрмаларинг, уят бўлади», деб тайинлаган эди. Одина талашиб юрмаслик учун буларнинг ҳаммасини битта тутунга тутиб, уйига олиб кетишишга тайёрлаб қўйган онда кўча эшиги очилиб, нотаниш бир йигит кўринди.

Чойини ичиб бўлган Кабир нотаниш одамнинг индамай кириб келаётганидан ғашланди. Йигит икки-уч қадам қўйиб киргач, тўхтаб ниманидир қидиргандай атрофга олазарак қаради. Кейин «Уйда ким бор?» деб овоз берди.

– Уйда ҳамма бор, – деди Кабир айвонга чиқиб. – Сенга ким керак, ўзинг кимсан? Эшикни кўрдингми, бу энангнинг уйими индамай кириб келаверадиган?

– Эшигингиз очиқ экан, қўнғироғингиз ишламаяпти шекилли. Қизиқ одам экансиз-ку, ўзингиз чақириб қўйиб, яна ўзингиз дағдаға қиласиз-а!

- Нима дединг? Ким чакирибди сени?
- Сиз. Кеннаим йўқолиб қолдиларми? Милицияга телефон қилдингизми?
- Милицияданмисан? Мен кеча чакирган эдим, энди етиб келдингми?
- Мен прокуратураданман, — йигит Кабирга яқинлашиб гувоҳномасини кўрсатди.
- Йўқолган одамларни энди прокуратура қидирадиган бўлиб қолганми?
- Кимнинг қидириши сизга барибир эмасми?

Кабирнинг осмондан келиши йигитнинг иззат нафсига тегди. «Одамнинг йўқолиши қотиллик билан боғлиқ бўлса, прокуратура шуғулланади», демоқчи бўлди-ю, «қотиллик» деган сўздан бу одамнинг юраги ёрилиб кетиши мумкинлигини англаб, гапни ҳазилга бура қолди:

- Милициянинг бугун иши кўпайиб кетибди, биздан илтимос қилишувди, биз пашша қўриб ўтирмай, савоб иш қила қолайлик деб сизникига келдик. Рухсат берсангиз, уйларингизни бўир-бир қараб чиқардим.
- Уйимни титмоқчимисан? Кеннаинг йўқолган, бу уйга беркиниб олмаган!

Агар «қотиллик билан боғлиқ бўлса», деганида Кабирнинг ҳозирги дағдағасига «Уйда қотиллик излари, масалан, қон бўлиши мумкин», деб унинг попугини пасайтириб кўярди. Энди бунинг иложи йўқ, ўзи танлаган ёнгил йўлдан юришга мажбур.

— Ҳозирча уйингизни тинтуб қилмайман, вазиятни тўлиқроқ тасаввур этишмим учун шунчаки кўздан кечираман. Кеннаимнинг суратларини берасиз, кейин оила аъзолари билан гаплашаман. Ана ундан кейин кўчадаги ишларимиз бошланади.

Прокуратурадан келган йигитнинг уйни қараб чиқмокчи бўлгани Одинага ёқмади. Тўплаганларини титиб қолишидан қўрқиб, тугунни қучоқлаганича ҳовлига чиқди. Йигит аввал унга, сўнг Кабирга ажабланиб қаради. Кабир бу қарашнинг маъносини тушуниб, қизига норози боққанича изоҳ берди:

– Бу менинг қизим, эрга берәйтганимда сепининг чаласи қолиб кетган экан, шуни олиб кетяпти.

Йигит отанинг гапидаги кесатиқ охангига парво қилмай, Однанинг йўлини тўсди. Унинг назарида тугунга чала қолған сеп-эмас; балки мархуманинг қон теккан кийимлари тугилгандай эди.

– Мен сепингизни кўришим керак.

– Нега кўраркансиз, ҳақингиз йўқ! – деди Одина тисарилиб.

– Уйга кир, кўраман деган нарсасини кўриши керак, – деди Кабир зардали охангда. Агар бегона йигит бўлмаганида қизига нима дейишни ўзи биларди. Катта келин қайнисинглисининг тугунни кучоқлаб олиб чиқаётганини кўрганидаёқ ғазабдан ранги оқариб кетган эди. Ҳозир унинг ортидан уйга кирмоқчи бўлганда Зухур билагидан ушлаб тўхтатди. У бир силтанди-ю, аммо эрига бўйсинишига мажбур бўлди. Прокуратурадан келган йигит тугундаги нарсаларнинг чиндан ҳам сеп эканига ишонч ҳосил қилиб, оила аъзоларини бир-бир сўроққа тутгач, дафтариға нималарнидир ёзид, «Кутинглар, Худо хоҳласа, топиладилар», деб чиқиб кетди.

Одина йигитниг саволларига жавоб бериб бўлиши билан тугунни кўтариб уйига кетган эди. Саволлардан кутулган Зухур «бирров ишга бориб келаман», деб жўнади.

Келинлар уй-уйларига кириб кетгач, Кабир яна ёлғиз қолди.

Бу уйда Саломатхоннинг ёлғиз қолган кезлари кўп бўлган.

Энди унинг ўзи ёлғиз.

Таралла бедод қилиб юрган кунлари «Уйда хотиним ёлғиз», деб ўйламаган эди.

Энди ёлғизликнинг нақадар улуғ фожиа эканини ҳис қила бошлиди.

Ёлғизлик азобидан юраклари зардобга тўлган аёл тўсатдан йўқолиб қолди...

Нима қилди: ёлғизликдан қочдими?

Кабир ҳозир буни ўйламайди. Эри, фарзандлари, набирадали билан яшаётган хотиннинг ёлғизлиқдан сиқилишини тасаввур ҳам қилолмайди.

Кичик келин уйда бўлгани сабабли катта келин ҳам ишга бормади: қайнотасини қизғанмади-ю, лекин овсинининг фурсатдан фойдаланиб уй савдосини бошлаб юборишидан кўркди. Кечаси ором ололмаган эди, тушликдан кейин уйку тортиб, уйига кириб кетди. Кичик келин эса, кечадан бери ивирисиб ётган ошхонани йиғиштиргач, кўлига супурги олиб ҳовлига чиқди. Кечаги ёмғирда тўқилган баргларни супуриб, ҳовлининг этак томонига яқинлашганида димогига ёмон ҳид урилиб кўнгли айниди. Бурчак томонда илгари кудук бўларди. Сув қувурлардан оқиб кела бошлагач, куудукнинг ярмига қадар катта-катта тошлар ташланиб, мағзава, ювинди ташланадиган «кир ўра»га айлантирилганди. Ўтган йили бу кўчадан ҳам канализация қувурлари ўтқазилгач, «кир ўра»га ҳам ҳожат қолмаган бўлса-да, кўмиб юборилмаган эди. Ювинди ташлашга мўлжалланган туйнук оғзи очилиб қолса ёмон ҳид тараларди. Кичик келин уйига кетмай туриб қараганида кесилган дараҳт шохлари шу ўра устига тўплаб кўйилган эди. Ҳозир қараганида щох-шабба сал-сурилгандай, ўра оғзи очилиб қолгандай туюлиб ўша томон юрди. Ўранинг оғзи катта очилиб қолганини кўриб ажабланганича тўхтатди. Кейин ўрадан чиқиб турган икки кўлни кўриб даҳшатдан қичқириб юборди...

Келинининг қичқиригини эшитган Кабир ҳовлига отилиб чиқди. Икки панжа уни ҳам даҳшатга солди. Битта бармокдаги узукни танигач, хушидан кетай деб ўтириб қолди. У деярли беҳуш ҳолда ўтирас, кичик келини уввос тортар эди. Дам ўтмай уйидан ҳовлиққанича югуриб чиқсан катта келин ҳам овсинига қўшилиб дод сола бошлади.

Вужудларини қамраб олгач даҳшат бироз чекингач, катта келин аввал эрига, сўнг қайнисинглисига хабар қилди. Вужудини қамраб олган кўркувни енгишга куч топган Кабир эса кичик келини ёрдамида марҳумани кир ўрадан тортиб чиқарди.

Одина ўзини жонсиз тана устига ташлаб дод солди, Зухур оёқ томонида ўтириб хўнг-хўнг йиғлади. Бошини чанглаб ўтирган Кабир эса энди нима қилишни ўйларди. Йиги-сигини эштиб, қўшнилар чиқиши мумкин, сал туриб қариндошлар йиғила бошлайди. Хотинининг бу аҳволда ётганини кўришса, «кир ўрага чўкиб ўлибди», деган ма-ломатга қолади...

Кабир ўғлининг ёрдамида Саломатхоннинг шишиб кетган ўлигини кўтариб, ҳаммомга олиб кирди. Ўзини сал тутиб олган Одина «Ойимни ўзим чўмилтираман», деб уларга эргашди. Икки келин унинг изидан юрди. Эркаклар чиқиб кетишгач, Одина биринчи галда қулокдаги зиракларни олиб, чўнтағига солаётганида катта келин аясининг кўзлари косасидан чиқиб кетай деди. Бармоқлар шишиб қолгани учун узукни чиқариш қийин бўлди.

– Оддин ювинтириб олайлик, кейин чиқарасиз, – деди катта келин зардасини яширмай.

Однага бу гап ёқмади. Келин аясига ўқрайиб қараб кескин оҳангда буюрди:

– Сиз катта уйга жой солинг, акамга айтинг, кўрпа олиб келсинлар, кўрпага ўраб олиб чиқамиз.

Бошқа ҳолат бўлганида катта келин буйруқни итоаткорлик билан бажармас эди, гапи ичидаги қолмасди, катта жанжални бошлашга арзийдиган нималарни дир айтарди. Ҳозир бир нима деса, шунчаки жанжал эмас, юмдалашиб бошланишини, бу жангда енгилиши аниқлигини англааб, пицирлаб қарғанганича ҳаммомдан чиқди.

Одина эса бармоқни эзib, узукни чиқариш харакатини давом эттириди. Ҳаёлига «Чикмаса, бармоқни кесиш керак бўладими?» деган нохуш гап келиб, келин аясига қараб олди.

– Одинахон, мен бир уриниб кўрайми? – деди кичик келин ялиниш оҳангиди.

Одина ўзини четга олгач, шишиб қолган бармоқни аста-аста силай бўшлади, шу тарзда узукни чиқариб қайинсинглисига узатди...

Зухур кўрпани синглисинг қўлига бериб отасининг ёнига қайтгач, «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилди.

– Дўхтиринг энди нима қилиб беради? – деди Кабир тўнғиллаб.

– Ўлим ҳақида қофоз қилиб бериши керак-ку!

«Тез ёрдам» чиндан ҳам тез етиб келди. Одина онасини чўмилтириб бўлмаган эди. Врач уйга кириб, «Беморингиз қани?» деб сўради.

– Ҳаммомда... чўмилтиришяпти... ҳозир олиб чиқамиз...

Зухур довдираган ҳолда узук-юлук гапириб, ҳаммом томон шошилди. Врач «Касал одамни ҳаммомга олиб бо-риб чўмилтириш шартмиди?» деган маънода Кабирга савол назари билан қаради. Кабир бу назарга жавоб берадиган ҳолда эмасди – тундлигича ўтираверди. Врач бу хонадонда нохуш воқеа содир бўлганини сезса ҳам айвонда сабр қилиб кутди. Ўн дақиқалардан сўнг кўрпанинг бош томонини Одина билан кичик келин, оёқ томонини Зухур билан катта келин кўтарганича ҳаммомдан чиқиб келишиди. Врач уларга эргашиб уйга кирди. Катта хона ўртасига тўшак тўшалганини қўриб bemor эмас, майит кўтариб келинганини англади. Ўликни тўшакка олиб, тепасига гулли-чойшаб-ёпгунларича уларнинг харакатларини жимгина кузатди. Кейин яқинлашиб тиз чўкди-да, чойшабнинг бош томонини очиб, жонсиз танага диққат билан разм солди. Бетларининг, елкаларининг шилинганига эътибор қилди.

– Бизни нега чақирдинглар, жон берганларига анча бў-либди-ку! – деди қаддини кўтариб.

– Қофоз қилиб берасизми?

– Биз қофоз қилиб бермаймиз. Касаллик билан ўлмаганга ўхшайдилар.

Врач шундай деб уларга бир-бир савол назари билан қаради. Ҳеч ким жавоб бермади. Бунинг ўрнига Кабир ўғлига қараб тўнғиллади:

– Мен сенга «поликлиникадаги дўхтирини чақир», девдим, маҳмадана!

– Поликлиникадаги дўхтири ҳам ёзиб бера олмайди. Аввал милицияга хабар бериш керак.

– Милициянг нима каромат күрсатади, тирилтириб берадими? – Кабир шундай деб захрини врачга сочди.

– Тирилтирмайди, лекин тиббий экспертиза ўлим сабабини ёзib беради.

– Экспертизанинг нима кераги бор, сабаби аник-ку? – деб гапга күшилди катта келин.

– Аник бўлса, айтинг.

– Кир ўра томонга борган эканлар, ўра ўпирлиб кетибди.

– Бу гапни терговчи сўрок қилганида айтасизлар. Тиббий экспертиза хулосаси бўлмаса, майитни кўма олмайсизлар. Туппа-тузук ўқиган одамларга ўҳшайсизлар, шу оддий тартиб-коидани билмайсизларми?

Врач шундай деб чўнтағидан телефонини олди-да, айвонга чиқиб милицияга кўнғироқ қилди. «Бахтсиз ҳодиса, олтмиш ёшлардаги аёл кир ўрага тушиб кетган», деб маълумот бергач, чиқиб кетиш ўрнига стулга бамайлихотир ўтириб олди. Кўп ўтмай милиция ходимлари бирин-сирин кириб келиб, аввал ўликни кўздан кечиришди, кейин кир ўра тилсимини ечмокчи бўлгандай узок тикилишди. Бу орада эрталаб келиб кетган прокуратура ходими пайдо бўлди. Азадорларга аҳамият бермай, тўғри уйга кириб гулчойшабни кўтариб майитга тикилди, юзнинг шилинган жойларига бармоғини теккизиб кўйгач, «Бу сирли ҳодисада бир криминал борлигини билувдим», деб кўйди. Сўнг ҳовлига чиқиб кир ўрани дикқат билан кўздан кечиргач, милиция ходимига қараб: «Ходачаларни экспертизага олинг, ўзи синганми, ё синдирилганми, аниқлаш шарт», деди. Азадорларни яна бир карра сўрокка тутмокчи бўлди-ю, уларнинг аҳволига қараб ўзини тутди. Экспертиза хулосаларидан кейин барчаларини сикувга олишни кўнглига тушиб кўйди. У: «Марҳума кир ўрага ўзи тушиб кетгандир, лекин бу ерга нима учун келди? Ўзи келдими, ё кимдир судраб келтирдими?» – деган саволга жавоб топиши шарт эди.

Ҳамма ўз юмуши билан кетгач, ёлғиз қолган Саломатхоннинг кўлига чўлтоқ супурги олиб ивирсив ётган ҳовли этаги томон борганини, шох-шаббаларни тартибга келти-

риб, атрофни супуриб, күланса ҳид тарататётган кир ўра оғзини тунука парчаси билан түсіб құймокчи бўлганини ҳеч ким кўрмаган бўлса, бу ҳақиқат тагига қандай етсин?

Ўтган куни ёмғир шаррос қуяётган пайтда Саломатхон ўғлига: «Кир ўрани тўлдириб қўя колмадинг-да, ёмғир суви тўлса яна сасиб кетади», деган эди. Отаси ёки онаси иш буюрганда «Хўп бўлади», деган одобга ўрганмаган Зухур ёмғир ёғаётган пайтда эслатилган вазифани бажарармиди.

— Уранинг оғзига қопқоғи ташлаб қўйилса, сасиб кетмайди, — деган жавобига онаси индамади-ю, аммо хотини бобиллаб берди:

— Керак бўлса, қопқоғини ўзингиз ташлаб қўйинг. Ўрага яқинлашсам лопиллаб турибди, ўпирилиб тушса, бир бало бўлади.

— Хотининг тўғри гапирияпти, — деган эди Кабир. — Ходачалар чириганга ўхшайди. Бир машина шағал тўқдирсанг, иккита мардикор билан битадиган иш. Пулинин мен бераман.

Бу кисқа можаро ҳам прокуратура ходимиға аён бўлмайди. Кабир, Зухур, катта келин ҳам у гапларни унуган дай бўлиб юраверишади.

Ҳозир эса... тиббий экспертизага олиб бориш учун маъйт замбилга солинаётган дамда кўзларидан ёш тўкиб, чорасиз бир ахволда туришибди.

Эри топиб келган ҳаром лукма билан умри ўтган аёлнинг ўлими сабабини аниклаш учун жонсиз танани олиб кетишиди. Патологоанатом аёл кир ўрада ўлим топган, ташқи таъсир бўлмаган, деган хулосани ёзиб берди. Ажабки, ҳеч қандай экспертиза бу аёлнинг умри кир ўрада ўтганини аниклаб беролмайди.

Азадан уч кун ўтгач, Кабир дарвоза яқинига бир машина шағал тўқтириб, иккита мардикорни ҳам ўзи бошлаб келди. Йигитлар ўрани тўлдириб, дарахтнинг қуриган шохларини калта-калта қилиб кесиб, тахлаб қўйишиди. Ивисиб ётган ховли этаги бинойи кўриниш олди. Мардикорлар кетишигач, кичик келин атрофни яхшилаб супурди. Ўра оғзи

текис кўмилган бўлса-да, катта келин яқинлашишга қўрқди. Кечаси уйқусидан ҳаловат қочди. Ўрадан чикиб турган кўллар кўз олдида муҳрланиб қолгандай эди. Ярим кечада чўчиб уйғониб, яна битта уйқу дори ичиш учун ўрнидан турди. Дераза орқали ҳовлига қараб қўрқиб кетди. Азанинг биринчи кечасидан бери ҳовлидаги барча чироқлар ёқиб қўйилаётган эди. Кўмиб ташланган кир ўра устида чўккалаб ўтирган қайнотасини қўриб, этлари жимиirlади. «Жинни бўлиб қолибди», деб ўйлаб, эрини уйғотди. Зухур отасига ҳам ҳайрат, ҳам хавотир билан қараб қолди.

– Олдиларига чиқинг, – деди хотини.

– Халақит қилмай қўя қолайлик...

«Агар эслари оғиб қолган бўлса, уй масаласини тезлаштириш керак», деб ўйлаган катта келин ҳовлида овсинини кўрди-ю, юраги ўйнаб кетди. Овсини ҳаракатсиз ўтирган қайнотаси томон юрганида эса талвасага тушаёзди. «Бу ер юттур нима қилмоқчи?» деган савол назари билан эрига қаради. Кичик келинни кўргандаёқ Зухурнинг юрагига шу савол ғулғула солган, лекин жавоб топа олмагани боис хотинининг савол назарига худди шундай қараш билан жавоб қилди. Кичик келин қайнотасига яқинлашиб энгашди, унинг елкасини силаган бўлиб, нималардир деди. Ана шунда катта келин ўзини тутолмай, ҳовлига отилиб чиқишига шайланганида эри ушлаб қолди.

– Бу шум ўлгур бир балони бошлайди, – деди катта келин бўғилиб.

– Жим бўл! – деди Зухур зарда билан.

Кичик келин елкани силашни бас қилиб, қайнотасининг тирсагидан ушлаб туришига ёрдамлашди. Кабир гандираклаганича уйи томон юрди. Кичик келин эҳтиёт юзасидан унинг тирсагидан маҳкам ушлаганича тиргак бўлиб ёнида юрди. Катта келиннинг назарida овсини қайнотасининг бошини айлантириб олган, ҳозир уйга киргач, нима қилса қилиб, уйни эрининг номига ҳужжатлаштириб оладигандай эди. Айвон зинасидан кўтарилигач, кичик келин тўхтади. Кабир оғир-оғир қадам босиб ичкари уйга кириб

кетди. Кичик келин қайнотаси изидан бироз қараб турғач, ўгирилиб, уйи томон юрди. Шундан кейин ҳам катта келин газабини боса олмади. Дераза токчасига тирсагини тираб олиб овсинининг эшигидан кўз узмай, тонгга қадар ўтириди. Шарқ томон бўзара бошлаганды кичик келин уйидан чиқди, айвон томон қараб-қараб кўйгач, кўлига супурги билан чепак олиб, кўчага чиқиб кетди. Катта келин шундан кейингина ўрнига ётди.

Катта келин безовталанаётган дамда Одина чўчиб уй-ғонган эди. Эрининг ширин уйқусини бузгудай бўлса сўкиш эшитишини билгани учун қимирламай ётаверди. Шу ётган ҳолида яхши воқеаларни ҳам эслади, ёмон гаплар ҳам ёдига тушди. Онасининг сандиқидаги нарсаларни вақтида уйига олиб келганидан мамнун бўлди. Сандиқдаги нарсалар бир тугундан жой олди, лекин ҳовли-жой битта тугунга сифмайди-ку, унга қандай эгалик қиласи? Уч кундан бери уни шу савол қийнаётган эди. Ярим кечада бу муаммо яна юрагини кемира бошлаб, тонгга қадар ухлатмади. «Адамни уйни сотишга қандай қилиб бўлса ҳам кўндираман. Акаларимга иккита икки хонали уй олиб бераман. Адам биз билан яшаб турадилар...» Кечаси уйқусини ўчиран саволга шундай жавоб толиб, тонг қоронғисида отаси-нинг уйига шопшилди...

КУРОРТ

Хикоя

Бундай воқеалар ҳозир іоз бермайды. Замонлар үзгариб кетген. Эхтимол, бунақа гаптарни унутыб юбориш маңқулдір? Балки яқын ўтмишдаги воқеаларни эслайдиганлар ҳам бордір? Шундай мұлоҳазалар билан юра-юра, ўтган асрнинг саксонинчи йилида содир бўлган воқеани баён этишига қарор қўлдим.

У раиснинг хонасидан чикиб, болаларга қанд-қурс олай, деб дўконга кирди. «Ҳа, Аҳмадбой, раис йўқлабдиларми?» «Йўқлабдилар, курортга юбораман, деяптилар». Бор гап шу. Тракторчи буни дўкон остонасида эшитди. Тракторининг мотори одатдагидек ўчирилмаган эди, ўтириди-ю, ғизиллатди. Уйига ҳаш-паш демай етиб борди. Янгиликни хотинига айтди. Бу гап кўчага югураттган ўғлиниң қулогига илинди. У кўчага чикиб, Самадга дуч келди. «Ҳей, Самад, отанг курортта бораркан», деди. Самад эса уйига қараб учди.

Ўғлиниң «отам курортга кетаяпти эканлар», деган гапини эшитган Назира жонхолатда «Вой, ўлмасам!» деб юборди. Унинг кўзига эри эшикдан иккита сатанг хотинни бошлиб келаётгандай кўриниб, юраги шув этиб кетган эди.

Отасининг курортга бориши болалар учун кутилмаган шодлик эди. Ахир курортнинг бошидан охиригача магазин бўларкан. Отаси у ердан қуруқ қайтмас. Район марказидан

белбоғини түлдириб майда-чуйда олиб келадиган одам курортдан бир дунё нарса билан қайтар. Фақат... каттарок жомадон беріб юбориш керак...

— Отам курортга кетяпти эканлар!..

Самаднинг бу ҳайқириғи бир пой калиши паст тушиб, бир пойи панжасига илиниб қолганича сўрида оёқларини осилтириб, оппоқ соқолли энгагини кўкрагига тираб мудраётган Матқобул бувани чўчитиб юборди. Бошини кўтариб, набирасини излади.

— Ҳой, нима дединг, қанисан ўзинг?

Самад югуриб келиб, бувасининг елкасига қўлларини кўйди-да, даҳанини чўзиб бақирди:

— Отам курортга...

— Ҳе, бақирма-е! Районга кетибдими?

— Курортга борар эканлар.

— А? — Матқобул буванинг юзидан қони қочди. Самад бу ўзгаришни сезмади. «Бувам эшитмадилар шекилли», деб яна овозини кўтарди.

— Ку-рорт-га!

— Бас! — Матқобул бува болани нари итарди. Бироз гангигиб ўтирди-да, ерга тушди. Шундагина бир оёғида калиш йўқлигини билиб, эгилди. Самад чақонлик қилиб унинг оёғига калишни илди.

— Ҳассамни олиб кел!

Самад бу амрдан ажабланди:

— Катта дада, кўлингизда-ку!

Матқобул бува чеварасига майна бўлишни истамай:

— Бунисини эмас, — деб танбех берди.

Самад гап қайтармай, анчадан бери тутилмагани сабабли катта сўри тагига ташлаб кўйилган эски ҳассани олиб берди.

Чол унга яна бир нима деб бақирмоқчи бўлди-ю, «Бунда нима гуноҳ, нимага захримни сочаман», деб инсофга келди. «Бу Аббоснинг иши. Болаларимга тикилган кўзларини ўйиб оламан», деб тўнғиллади-да, эски ҳассасини тўқиллатиб кўча томон юрди.

Кўчага чикиб, ўттиз қадам ҳам босмай неварасини кўриб тўхтади.

Аҳмад бригадир хали хеч нарсадан хабари йўқ, қўлида тўрхалта, пиджаги елкасига ташланган, дўпписи чапга бироз қийшайган ҳолда түя-юриш қилиб келарди. Чолнинг кўча ўртасида туриб олганини кўриб қадамини тезлатди.

– Ҳа, катта ота, тинчликми?

Чол неварасини энди кўраётгандай бошдан оёқ разм солиб, унинг кўзларига савол назари билан тикилди:

– Қаёққа кетяпсан?

– Уйга, – деди Аҳмад бригадир, чолнинг саволидан ажабланиб.

– Курорт-чи?

– Қанақа курорт?

– Кетаётган эмишсан-ку.

– Ҳа... дарров етиб келдими? – Аҳмад бригадир «катта отам «бемаслаҳат иш қипсан», деб ранжияптилар», деган хаёлга бориб, кулимсиради. – Ҳали хом гап бу, катта ота, сиздан бесўроқ бир ёққа борармидим.

– Раис борасан, деяптми?

– Ҳа, шунақа гап бўлди.

– Аббос, а?

– Раисимиз битта-ку, катта ота.

– Бормайсан!

– Хўп.

Неварасининг дарров кўна қолгани чолда шубҳа уйғотди.

– Бормайсан, деяпман! – бу сафар қатъийроқ гапирди.

– Хўп, дедим-ку... – бу сафар невара янада осонлик билан кўнди.

– Нари тур, – деди чол қўли билан ишора қилиб.

– Қаёққа бормоқчисиз?

Матқобул бува жавоб бермади. «Болаларимга тикилган кўзларини ўйиб оламан», деб ғўлдираб юриб кетди.

Вафот этган қариндошларини кунда, кунора тушида кўравериб, «ёғоч отдаги сафарига шайланиб қолган» чол-

нинг юрагида қирқ беш йилдан бери яшириниб ётган армонни бу хабар бехос туртиб, уйғотиб юборган эди. Чол бу армонини шу топгача бирорга билдирмаган, шунча йилдан бери ўз ёғига ўзи қовриларди.

* * *

Ўшанда келини шу Аҳмадга бошқоронғи эди.

Бир куни ўғли түнини елкасига ташлаб, хуфтон вакти ишшайиб кириб келди.

– Ҳа, лаб-лунжингній йиғиштиrolмай қопсан. Бевақт санқима, деб сенга айтудимми, ё бувингнинг такасигами?
– деди у астойдил аччиқланиб.

– Ота, идорада эдим, мажлис бўлди.

– Аббос ўзани мажлис билан тўйдиряптими, мунча йиғинларинг кўп?

– Битта одам курортга бориши керак экан, шуни муҳокама қилиб, мени лозим кўришди.

– Нима? – чол у пайтда курорт нималигини билмас эди. Муҳокама қилинган бўлса, ёмон жой шекилли, деган фикр миясига урилди. – Нима гуноҳ қилувдинг?

– Ие, ота, курортга гуноҳ қилганларни юборишмайди.
Курорт томоша қиладиган жой-ку?

– Ҳа... унда майли. Қаерда экан, шу райондами?

– Йў-ўқ, узокроқда. Поездда беш кунлик йўл дейишиди.

– А?! Э... сени лақиллатишибди, бола. Беш кунлик йўлга яхшиларни юборишмайди. Районга борсанг бир нави, ҳа, ана Кўқонга бор, томоша ўша томонда. Аббосдан чиқдими шу гап? Энасини Учқўргоннинг қайқисидан кўрсатиб кўярман. Менинг боламни беш кунлик йўлга жўнатадиган зўр ҳали туғилмаган!

– Ота, сиз тушунмадингиз, ўйнаб, дам олиб келгани юборишмоқчи.

– Жим бўл, бола!

Ўша куни раис билан сан-манга борди-ю, аммо устун келолмади. Ўғли икки кунда жўнаши лозим экан. Ўғлини

шартта күшни кишлоқка, опасиникига жұнатди. Икки кундан кейин раис յок машинасида келди.

– Матқобул, үғлинг қани? – деди этиги құнжига қамчи билан уриб қўйиб.

– Курортингга жұнаворди, – деди Матқобул сўридан тушмай.

– Ҳой эса йўқ, хукумат яхши ишлаганлар меҳнатининг роҳатини кўрсинг, деяпти, тушунсанг-чи!

– Унда үзинг боравер.

– Бултур бордим-ку.

– Бу йил ҳам бор, мен розиман.

– Жиғимга тегма!

– Үғлим бормайди.

– Боради. Қаердалигини айт. Қарорни бузишга ҳақинг йўқ.

Матқобул бу дағдағани сариқ чақага олмаслигини бир қўл силташ билан ифода этиб қўя қолди.

– Айтмасанг... қаматиб юбораман, билиб қўй.

– А?! – Матқобул энди ўрнидан туриб кетди. – Мени-я!?

Раис унга яқинлашиб, паст овозда деди:

– Мени биласан-а, жиғимга тегма. Кечаси ҳовлингга буғдой ташлатаман, аzonда тўртта гувоҳ билан келаман.

Матқобул серрайиб қолди.

– Ошначилигимизнинг оқибати шуми?

– Унда үғлингнинг қаердалигини айт.

– Аббос...

– Тез бўл. Э, галварс, одамлар у ерларга боришни орзу килишади. Каллангни ишлатгин. «Кимсан, Матқобулнинг ўғли курортга борибди!» дейдиган гапдан кувонсанг-чи!

Ошна бўлгани билан Аббоснинг раис деган мартабаси бор. Калласига нима келса қиласверишдан тап тортмайди.

– Ростданам үзинг борганимисан?

– Э, носковоқни сенга ўша ердан олиб келганман-ку!

Аббос алдади: ошнасига совға олмаганидан хижолат чекиб, йўл-йўлакай Қўқон бозоридан чиройли носковоқ харид килган эди. Матқобул совғани эслаб, ўйланиб қолди: «Ҳа, курортдан олиб келдим, девди-я. Носковоғига кара-гандга үзимизнинг жойларга ўхшаркан...»

- Ўғлинг қаерда? Бўл тез, бугун поездга чиқиши керак.
- Сенам беш кун йўл юрганмисан?
- Юрса нима?
- Йў-ўқ, бўлмайди ошна. Хотининг ой-куни яқин.
- Ўзиники-чи?
- Нима «ўзиники»?

– Ўзининг ой-куни яқин эмасми? Йўл-пўлда туғиб қўяди, деб қўркяпсанми? Бўпти, айтмасанг, айтма, ўзим топиб оламан, – раис шундай деб қўчага чиқди-да, ҳайдовчига нимадир тайинлаб изига қайтди. Юк машинаси кўчани чангитиб юриб кетди.

– Ўғлинг ҳозир келади. Келинингга айт, йўлга у-бу тайёрлаб қўйсин.

- Мошин қаёқقا кетди?
- Опангникига.

Матқобул довдираб қолди: қаёқдан билади? У раиснинг икки кун ичи бу хонадонга яқинлиги бор уйларни дараклаганидан бехабар. Раис ошнаси билан гаплаша туриб бирдан унинг опаси эсига тушиб қолди. Матқобулнинг ака-укалари йўқ, ёлғизгина бир опаси бор. Ўғлини ўша ерга яширмай қаёқقا яширади? Ҳозир Матқобулнинг ташвишга тушганини кўриб, тахмини тўғри чиққанини билди.

«Гуноҳкор» ярим соатда уйда бўлди. Хотини тайёрлаб қўйган тугунни олди-ю, хайр-хўшлашиб жўнади...

Матқобулнинг армони шу – ўғлини олиб қолишга курби етмади. Раис «қаматвораман», деб пўписа қилса, кўрқиб ўтирибди.

Олиб қолиши керак эди.

Олиб қолиши шарт эди...

Чунки... ўн кундан кейин уруш бошланди. Ўғли ўшанақаси урушга жўнабди. Икки йилгача хат келиб турди... Аҳмад отасини кўрмай ўсади.

Аббос раис энди уни ҳам курортга юбормоқчи...

Қирқ беш йил аввал «курорт» деган сўзни эшитиб, ёмон жойдир, деб ўйлаган Матқобулнинг кўзига ўшандан бери уруш майдони бўлиб қўринади...

Аббос раис қиёматли ошнасининг ҳассасини дўқиллатиб кириб келишини билса-да, хабарнинг тез тарқалиш тезлигини ҳисобга олмагани учун уни эртага келса керак, деб ўйлаган эди. Матқобулни идора ёнидаги самоворхонада кутиб олиб сўрига бошлади. Ҳол-аҳвол сўради.

– Икки оёқда юриб, тил билан гапиряпман, ҳали бу дунёдан умидим бор, – деди Матқобул. – Нимага келганимни билиб турибсан-а?

– Ҳа.

– Битта ўғлим етмаганмиди сенга?

– Бу гапингни кўй, ошна. Уруш кўпга келган тўй эди. Ўғлинг шу ердан ҳам кетарди-да.

– Ҳеч бўлмаса рози-ризолик тилашб қолардим-ку, ўғлини кўриб кетарди-ку!

– Мен билибманми... – раис шундай деб четга қаради.

– Энди Аҳмадга осиляпсанми? Уни нимага юбормокчисан?

– Баҳорда нима бўлгани эсингдан чиқдими? Далада юрагини чанглаб ётиб қолдими? Силласи қуриб кетган бола пақирнинг. Дўхтирлар «дам олиши шарт», деб менга қайта-қайта айтишди. Шу пайтгача курортга борсин, девдими? Э, ишлаганидан кейин дам олишни ҳам ўргансин-да!

– Ўзинг ўрганавер.

– Мен ҳар йили бораман. Шунинг учун ҳам сенга ўхшаб ҳассага таяниб қалтилаб қолмаганман. Мендан уч ойлик кичиксан. Аҳволингни қара!

– Аҳмад бормайди.

– Бекор айтибсан.

– Қаматворсанг ҳам юбормайман.

– Боланинг жонига жавр қилма. Биламан, аламинг бор. Лекин ҳозир замон яхши. У даврлар бошқа эди. Илгари беш кун йўл юрган бўлса, энди уч соатда боради, уч соатда келади. Билиб қўй: юрагини даволатмаса... бунингдан ҳам ажраб қоласан, билиб қўй, дарди ёмон, боланинг умрига зомин бўласан!

– Кўқонлик дўхтурларга бора колса-чи?

– Бўлмайди. У денгиз бўйида даволаниши шарт. Ўша кўқонлик дўхтурлар шунаقا дейишиди.

– Рост айтяпсанми?

– Касали бўлмаганида юбормас эдим. Дардингга мен шерик бўлмасам яна ким шерик бўлади. Сени ташвишга кўйиш менга лозимми? Мен ҳам қаридим. Колхозни бу йил топшираман. Эллик йил тебратибман, етар. Ўрнимга келадиган одам Аҳмаднинг ҳолидан хабар оладими, йўқми... Ҳозир курорт отлиқлардан ортмай қолган. Аҳмадга курортнинг қоғозини оламан, деб эна сутим оғзимга келди. Сен қайсарлик қилма.

Матқобул лакқа тушганини ўзи ҳам билмай қолди. Икки ошна сўрида ёнбошлаб чойхўрлик билан кунни хуфтон қилишди.

* * *

– Дадаси, у ерларда...

– Айтавер гапингни, бунча чайналиб қолдинг?

– Йўқ, кўйинг, айтадиган гап эмас.

– Энди кўнгилни хижил қилма, айт.

— Бир-гап-эшитдим... У ерларда ҳалигидақа... хотинлар бўлармиш...

– Ҳе, эси йўқ! Ҳе, бетамиз!

– Аччиғингиз чиқмасин. Эшитганимни айтяпман-да.

– Бунақа гапларни эшитадиган қулоқнинг кар бўлгани яхши!

– Кўйинг, яхши нафас қилинг. Кўрганлар айтди-да. Эр-как одам уйдан узоклашса...

– Юм оғзингни! Минг лаънат сендақа лакмага! Отам юрган ерларда шунаقا иш қиласманми!?

Шундай деб тескари ўтирилиб ётиб олган эди. Шу гап баҳона бўлиб йўлга чиқар олдидан хотинини суйиб эркаламади.

Ҳозир, самолёт тоғдай булутлар уюми орасидан чиқиб, титроғи босилганидан кейин кўзлари мудроқ ихтиёрига

берилган дамда ўша қисқа, аммо ўзини лов этиб ёндириб юборган сұхбатни эслади-ю, афсусланди.

Соддалик ҳам хотин кишининг хұснига киради. Бирор шу гапни айтибди, у ишонибди. Эрини азбаройи яхши күрганидан қызганибди. Э, ҳом сут эмган банда! Шундай хотиннинг қадрига етмади, етмади-я!

Юраги санчиб, уйқуси кочди. Врачнинг ўғитини эслаб, чүнтагини пайпаслади. Волидол олиб, тилининг тагига ташлади. Уйқуси ўчган бўлса ҳам, барибир, кўзларини юмди.

Гапнинг ўғил боласи – Қора денгиз бўйига бориб дам олиши аник бўлганидан кейин бунақа гапларни ўзи ҳам эшилди. Тўғрироги, илгари бир-икки қулоғига чалингану, унча аҳамият бермаган эди. Бу сафар бир эмас, уч-тўрт киши айтди. Уларнинг таърифидан кейин юрагининг бир четида ғалати майл уйғонди. Аввал денгиз бўйида юриб даволаниб қайтишни ўйлаётган бўлса, энди соҳил кўз олдига келганида бир-икки оғатижонлар ҳам «учрай» бошлади. Ўзи бошқаларнинг гапига лакқа тушиб, яна хотинини лакма, деб койиб, аразлаб ётибди-я!

Унинг тўсатдан ловиллаб кетишига бу бир баҳона, холос. Асл сабабини билса ҳам, тан олгиси келмайди.

«Пулинг бўлса халтада – боравергин Ялтага».

«Мен Ялтага кетмаяпман-ку!»

«Бу бир гап – Да, Аҳмадбой. Пулинг бўлса бор. Қад-қоматдан Худо сени қисмаган. Қирчиллама ёшдасан. Дўхтири-пўхтири деб юрма. Юракнинг давоси – нозаниннинг биргина нозли карашмаси. Бирор сўзамол йигит билан улфат бўлгин-у, орқа олдингга қарама – полний вперёд! Йигирма тўрт кун ичида йигирма тўрттасини татиб кўрмасанг хисобмас».

Шунақа «насиҳат»лардан кейин хаёлида бир йигит билан дўст тутинди. У икки қизни бошлаб келди... Хаёлидаги бу кўнгил изҳори кўпга чўзилмасди. Фикри тиниқлашиб, ўзига келиши билан чиндан ҳам «чап»га юргандай сескашиб кетарди. Ҳатто хотинининг кўзларига қарай олмаган

вактлари хам бўларди. Хотини ўша тун гумонини айтганини да, у аввалига «сири» фош бўлгандай қалкиб тушди. Аччиқланиш учун шунинг ўзи кифоя эди.

«Сен унақа ҳар кимнинг гапларига кулок солаверман Раис бувами ёки райком бувами айтсалар ишон. Улар ўш томонларда кўп бўлишган. Сен айтгандака жой бўлсан мени юборишармиди? Ўзинг ўйлаб кўр-чи, гўза шонаги кираман, деб турган маҳалда қайси бригадирнинг дам олишига рухсат беришган!?»

Хайрлашар пайтидаги гапларини эслаб, кўнгли таскини топди: «шуни яхши айтдим...»

Аҳмаднинг тўнғичи бу йил мактабни тугатди. Кўз очи кўргани Назираси билан сира сан-манга бормаган. Бошқабиронга қараш етти ухлаб бир тушига кирмаган. Эркак зотининг ҳам минг бир тури бор. Юрган йўлида бегоналарни кўмсадиганларни Аҳмад кўрган. Уйда гулдай хотини болалари туриб, чакки қадам оловчи танишларидан ҳамиша нафратланиб, аникроғи, ҳазар қилиб келган. Бундайласар гузаштларини кўпирниб ҳикоя килаётганларида Аҳмаднинг хаёли қочмаган, шайтон васваса қилмаган, дейилса ёлғонга йўл берилган бўлади. Аммо бу ҳис яшинсимон вутичинчи бўлиб, уни кўп тобе кила олмаган.

Мана энди, уйидан узоклашар маҳалида, ғалати ҳислар гирдобига тушиб, гангиг юрибди.

Максад – даволаниш. Уват бўйига йиқилиб қолмаганини да бу ҳам йўқ эди. Авваллари юраги санчиб-санчиб кўйсан ҳам эътибор қилмасди. Юрак билан ўйнашиб бўлмас экан. Касалхонада ётганида хотини «Худо сизни болаларингизга қайтариб берди», деди. Энди батамом тузалиш учун кетяпти. Аммо баъзан орага шайтон оралаб, ҳислари жиловини бўшатиб қўяди. Ўзи хоҳламаса ҳам хаёли бошқатомонларга чорлайверади.

Ёнида икки жувон ўтирибди. Кўхликкина. Назаридиккови ҳам унга ўғринча қараб кўйяпти. Гапни эркак киши бошлиши керак. Нима дейди? «Қачон етаркинмиз?» деб сўраса-чи? Э, йўқ, хозиргина сув олиб келган кузатувчи

қиз анигини айтиб кетди. «Дам олгани боряпсизларми, қаерга?» десинми? «Сизга нима!» деб қайириб ташласа-чи?» Гап билмаганидан кейин индамай кетгани маъкул. Агар бирор илинжлари бўлса, ўзлари гап бошлашар...

Йўқ, иккала жувон ҳам унга қарамади.

Аҳмад самолётдан бир ўзи шўппайиб тушди. Юкларини олиб, кенг майдонга чиқди. Биров-бировга қарамайди. Бировнинг бирор билан иши йўқ. «Самолётдан тушишим билан нозанинлар ўртасида талаш бўлиб кетаман», деган ўйга ҳам борган эди. Атрофига қараб, хафсаласи пир бўлди. Чиройли қиз-жувонлар оз эмас. Лекин бирори унга қиё боқаман демайди. Уларга гап отувчи лаб-даҳан эса унда йўқ.

Бу ҳолдан мамнун ҳам бўлди – шайтон васвасасидан кутулди. Айни пайтда бекорчи хисларга берилгани учун ўзидан ўзи нафратланди.

«Овози раста бўлган бола ҳам менчалик бефаросатмасдир. Нималарни хаёл қилиб юрибман?!»

* * *

Аҳмад қабулхонада хўшрўй йигитга рўпара бўлди. Қошлари худди териб қўйилгандай текис, қирра бурун, узунчоқ оқ юзли бу йигит пича уриниб қолган жомадонли Аҳмадни жилмайиб қарши олди. Аҳмад юкини бир четга қўймай туриб, йигит унга бошдан-оёқ разм солишга ултурди. Аҳмад буни сезди. Жилмайшининг сохталигини, хизмат юзасидангина шундай қилишга одатланиб қолганини фаҳмлади. Бу ерга келишдан олдин «Мева-чеваларни ўртага қўйиб, тузукроқ жой сўрайман», деб ўйлаган эди. Йигитнинг димоғини кўрди-ю, феъли айниди. Йигит ўзини «навбатчи врач» деб таништириб қоғозларни тўлдириди. Босимни ўлчаган бўлди.

– Даволаймиз! – деди қоғозларни четга суриб. Кейин Аҳмаднинг кўзларига тикилди. – Касалингиз хавфли эмас. Сизни икки нарса даволайди. Биринчиси – ҳаво ва сув. Иккинчиси... хўш, нима?

Аҳмад йигитнинг айёrona бoқaётган кўзларига қaрай олмади, елка қисди.

— Иккинчиси... — йигит кулди, — аввалига ҳамма ўзини билмаганга солади. Ҳай. Майли, билмасангиз билиб оларсиз: иккинчиси шўхлик! Шўхлик ва яна шўхлик!

Аҳмад йигитнинг нимага шама қилаётганини тушунди. Аввалига хижолат тортди. Кейин йўлга чиқиш арафасида хотинидан шунга ўхшаш гап эшитиб, қандай ғазабга минган бўлса, шундай ҳолга тушди.

— Менга қара, бола; — деди дабдурустдан сенсираб, — бу ерга мен ишларимни ташлаб келганман. Болаларимнинг ризқидан чегириб пул сарфлаганман. Сен нима деб юрибсан?! Бузуклик қиладиган бўлсам, шундан шунга ахмоқ бўлиб келаманми? Ҳе, сени бу ерга ўтқизиб кўйганни...

Йигит унинг важоҳатидан чўчиб, ўрнидан туриб кетди.

— Ие, ие, асаблар чатоқ-ку! Ҳазилни ўзингизга олманг. Ҳазиллашдим, ахир.

— Бориб энанг билан ҳазиллаш!

«Ҳазилкаш» врач Аҳмадни овутган бўлди-ю, аммо эртасидан бошлаб уни кўрса ҳам кўрмаганга олиб ўтишни одат қилди.

Курорт деганлари Аҳмадга ёқмади. Хотинлар дўконма-дўкон изғишдан, эркаклар улфатчиликдан бўшамайди. Аҳмад бошқа ҳамқишлоқлари каби умрида бирон бир кунни бундай бекорчилик билан ўтказмаган. Одам кун бўйи бўш ўтириши мумкин, деган ҳақиқатни танасига сингдиролмас эди. Раис: «Аҳмадбой, ишни дўндиридинг, бир ой рухсат сенга, дамингни олвол», деса ҳам уйданми, устаҳонаданми бир юмуш чиқариб, ивирсеб кунини ўтказарди. Бу ерда бутунлай бўш бўлиб гангиди... Йўл яқинроқ бўлганида машина кира қилиб бўлса ҳам жўнаворарди. Нима қилсин, самолёт паттаси чўнтагида туриби — йигирма тўрт кунни шу азобда ўтказишга мажбур.

Бир-икки кун ён-атрофни сайр қилди. Назарида, дадаси худди шу оромгоҳда ётган, шу сўқмоқларда юрган, шу соҳилда уйдагиларини соғиниб ўтирган... Дадасининг кай-

си курорт шаҳрида бўлганини билмайди. Раис ҳам унтурвонган. Катта отасига бир нарсагина маълум: ўғли курортга деб кетган ўшанда. Аҳмад «Отам шу ерда бўлганлар», деб ўзини ишонтириб, гўё дадасининг изларини зиёрат қилгандай юрди. Вужудида қарор топган мана шу хис йўлга чиқиб, то шу ерга келгунича бот-бот уйғониб, бесаранжом қилаётган шаҳвоний майлларини бўғиб ташлади.

Тўрт кундан кейин ҳамхонаси кетиб, ўрнига бошқаси келди. Буниси аввалига унга маъқул тушди. Ўзини Дониёр деб таништирган думалоққина бу йигит саккиз яшар ўғлини бирга олиб келибди.

«Эҳ, калла! Саматимни ёнимга олволсам бўлмасмиди! Би-ир яйраб кетарди-я! Ўн иккига кириб даладан бошқа нарсани кўрмади. Хотиннинг ҳам калласи ишламайди-да. «Ўғлингиз ҳам биргалашиб борсин», демайдими? Э... у бечора қаерданам билсин... Дониёрнинг эси бор экан. Ҳам ўзи яйрайди, ҳам боласи...»

Йўқ, эртасидан бошлаб Дониёрдан кўнгли қола бошлади. «Онаси менга қоровул қилиб юборди, дейдими? Вой, даюс-е, гапи қизик-ку, бунинг. Ўғлини олиб келганидан пушаймон шекилли...»

Дониёрдан «Қоровулни ухлатиб келдим», «Қоровул кинода, бир ярим соат вақтим бор», деган гапларни эшигани сайн ундан нафратлана бошлади. Дониёр ўғлининг кўзини шамғалат қилишга уринган дамларда Аҳмад уйидагиларни эслаб эзилаверди. Бирорта боласини олиб келмаганидан афсус чекаверди.

Дониёр Аҳмаднинг тобора совуқроқ муомала қилаётганига эътибор бермади. Табиати шунаقا тўнг бўлса керак, деб ўйлади. Аҳмадни ҳоли-жонига қўймай ҳали кинога судрайди (буниси майли), ҳали танцага (кошки Аҳмад танца тушса), ҳали юзта-юзтага таклиф қиласди (жини суймаган одам билан ичгунча бошини кундага қўйишга ҳам рози). Бир хонада тургандан кейин ҳаммасига чидар экансан. Хотин бўлса экан – қўйиб қутулсанг, қўшни бўлса экан – ҳовлингни сотиб қутулсанг. Бор-йўғи уч ҳафталик ҳамхона.

Уч ҳафта уч йил эмас, деб ўзига таскин беріб юраверди. Кутылмаган воқеа содир бўлмаганида балки муддат туга-гунга қадар ҳам у билан бир хонада яшайверарди. Аммо ўша воқеа юз берди-ю...

Аҳмад соҳилда офтобда тобланиб ўтирган эди. Бир кўлида майда-чуйдага тўла халта, бир кўлида магнитофон кўтарган Дониёр лопиллаб келиб қолди.

– Э, Аҳмад ака, туринг ҳезроқ, – деди у, тўрхалтани кумга кўйиб. – Бофимизга иккитагина қушча учиб келди. Эндијам чиқмасангиз қаттиқ ранжийман, ака. «Қоровул»ни теплоход сайрига юбордим. Икки соат вақтим бор.

– Кўйинг, Дониёржон, бунақага юрмайман, биласиз-ку.

– Вой, акагинам, курортга қиз келиб, қиз кетмоқчими-сиз, туринг-е, эшигтганлар уят қилмайдими!

Хуллас, Аҳмад у деса Дониёр бу деди, охири қалтисроқ бир гап айтди-ю, боришга кўндириди. Орият кучлилик қилди.

Дониёр шу кунга қадар ҳам Аҳмадсиз ишини дўндириб юрган эди. Бугун (аксига олади-да!) пичоқقا илинадиган шерик топилмай қолди. Йўқдан кўра бор, деб Аҳмадга осилди. Аҳмад эса буни тушунмади.

Улар юкори томондаги дарахтзорга кўтарилишди. Чоғроқ ялангликда, буталар панасида икки қиз ўтирас эди.

– Новчаси сизга, қорачаси менга, – деб шипшиштиди Дониёр.

Аҳмад тиззасини қучоқлаб ўтирган қизнинг ёнидан жой олди. Дониёр тўрхалтани бўшатди. У тинмай гапирав, қизларга ҳазил қилар, ҳазили совуқроқ бўлса ҳам қизлар қиқирлашдан тўхташмасди.

Озгина ичишди. Дониёр магнитофонни қўйди. Қорачадан келган қизни кўлидан тортиб турғазди.

– Бир хил дориларга «ичишдан олдин чайқатиб олинг», деб ёзиб қўйилади. Танца ҳам шунақа – чайқатиб олиш кепрак; – деди у Аҳмадни ҳам туришга ундаёт.

Аҳмад жойидан жилмади. Қиз ҳам унга ер остидан қараб-қараб қўйди-ю, куйга монанд равища тебраниб ўтираверди. Аҳмад қизнинг юзига тик қарашга ботинмади. Қиз

ёш, чиройли эди. Аҳмад шундай чиройли қизнинг бегона эркак билан бемалол ўтиришини ҳеч ҳазм қила олмади. Ногоҳ унинг оёқларига қаради: болдири бўлиқ, тирноқлари бўялган.

Хотинини эслади. Назиранинг қомати чакки эмас. Шунака кийинтириб қўйсанг, ҳеч ким уни олти бола туққан хотин демайди. Фақат қўлининг суяклари йўғонрок. Кўп кетмон чопганидан шунака бўлганмикин... Оёқлари... тово ни кўп ёриларди. Оғриса ҳам эрига айтмасди. Пишиқ ғиштга ишқалаб ювиб, кечаси ёғ суриб ётарди. Кўп азоб чекарди бечора, бироқ ғиринг демасди. Оёғининг тирнокларини бўяш хаёлига ҳам келмас...

Яна озгинадан ичишгач, орадан шарм пардаси бутунлай кўтарилди.

– Маиший хизмат нималигини биласизми? – деди До ниёр Аҳмадга кўз қисиб, кейин қизни қўлтиқлаб, буталар орасига кириб кетди...

* * *

– Тўпори одам экансан, – деди қиз.

Аҳмад унга қарамади:

– Шу юришингни онанг биладими?

Даҳанини тиззасига тираб ўтирган қиз унга ажабланиб қарадиу, жавоб бермади.

– Эрга тегсанг бўлмайдими?

Қиз чимирилди.

– Эр чиқмаяпти.

– Нимага?

– Ишинг бўлмасин.

Аҳмад «Юришинг шу бўлса сенга эр гўрда чиқармиди», демоқчи бўлди-ю, гап таъсир қиласлигини англаб тилини тия қолди. Бошқа гаплашишмади. Аҳмадни тер босди. Ўзидан ўзи ирганди. Бутун вужуди булғангандек, ҳатто томирларида иркит қон оқаётгандек эди.

У Дониёрнинг қайтишини кутмади.

Қизга хайр демади.

Киз ҳам индамай қолди.

Хонасига кириб душга тушди. Күнгил хижиллиги ёзилмади. Баданида қитмир чумолилар галаси юргандай туюла-верди. Устидан атир қуиди. Бўлмади. Дониёрнинг ароғини олиб ярмини устидан қуиди, қолган ярмини бир кўтаришда бўшатди. Ана шундан кейин сал ҳовури босилгандай бўлиб каравотига чўзилди.

Курортга кела-келгунича ўйлаганига, сирли бир гир-добга тушишига бир баҳя қолган эди. Кўлини узатса – бас! Нимага узатмади? Ҳайикдими? Йўқ. Аммо вужудида шундай ишларга йўл бермовчи ғойибона куч борлигини сезди. Ана шу куч бир имласа бағрига сингиб кетишга тайёр турган қизга қўл юборишдан тийди. Ҳатто қизнинг кўлини ҳам ушламаган бўлса-да (балки бир стакандан ароқ ичганидандир), вужуди кирланиб кетгандек туюлди. Аҳмад ғойибона бу кучнинг оддийгина «поклик» деб аталишини билмасди.

Арақ таъсир қилди. Вужуди бўшашибди. Соғинч ҳисси уйғонди. Болалари хаёлида бир-бир гавдаланди. Қайтиб борган маҳали улар билан кўришишнинг юз хил турини қўз олдига келтиради. Дам катта қизининг пешонасидан ўпарди (ахир, у эсли-қиз бўлиб қолган, отасидан уялади), дам кенжасини осмонга отади (аввал ўпармикин, ё осмонга ирғитиб эркалармикин?), фақат хотини билан қандай кўришишни билмас эди (одамларнинг нигоҳи уларда бўлади-да!).

Энди на хотини, на болалари кўришишни исташади...
Аҳмад йиғлаб юборай деди.

Эшик шашт билан очилиб Дониёрнинг пишиллаши эшитилди:

– Хол қўйибсиз-ку, акам, бизни шарманди қилибсиз!
Унақа эмас-да, энди...

Аҳмад ётган жойидан жилмади. Ҳамхонасига қарамади. Унга ҳолатини тушунтира олмасди. Шу сабабли индамади. Эртасига ҳам, индинига ҳам чурқэтмади.

Дониёр бош врачни авраб, бўлак хонага чиқиб кетди.
Аҳмад ёлғиз қолди...

Самолётда уйига қайта туриб, буларни яна бир карпа мулоҳаза қилди, ўзини айблашга асос топмади.

Самолёт бир маромда гувиллайди. Аҳмаднинг икки ёнида икки жувон. (Худди атайин уюштирилгандай бо-ришда ҳам, келишда ҳам жувонлар билан учяпти-я!) Би-рининг икки яшар ўғилчаси хархашасини бас қилиб ухлаб қолди. Жувон боласининг майин сочига юзини оҳиста қўйиб, мудраяпти. Тинимсиз сақич чайнаётган чап ёнидаги жувон эса китобдан бош кўтартмайди. Аҳмад худди икки ёнида икки жувон эмас, икки соқчи ўтиргандай қимиirlашга ҳам журъат этолмади, бошини ўриндиқقا тираб ўй суради:

«Аҳмад полвон, мазза қилиб ҳордиқ чиқардингми?»

«Узокқа бориш бизга тўғри келмас экан, раис бува, ичикиб қоларканман».

«Бе, ёш боламисан ичикиб, давронинг келибди, ўйна, кул...»

«Кетаётганимда ҳам шундай девдингиз. Бола-чақани ташлаб...»

«Олиб кетгин эди».

«Шунга ақлим етмабди. Роса ичим ачишди. Раис бува, бир нарсани хаёл қилдим ўша ерда».

«Нимани?»

«Қакраб ётган адирни оқсоқолларимиз обод қилиб беришди, сиз ҳовуз қазитдингиз. Қаранг: ғир-ғир шабада. Ўша ерни курорт қилсак-чи?»

«Колхознинг меҳмонхонасини айтяпсанми?»

«Биз далада ишлаганда хотин, бола-чақа ўша ерда яйраб дам олса. Оқсоқолларимиз чиқишишса... Мехмоннингиз кунда келмайди. Меҳмон келгудай бўлса, четга чиқиб турмиз. Пастроққа бир бостирма қилиб, иккитагина сигир боқиб қўйсак, болаларга сут-қатик...»

«Илгари ҳам айтувдинг, яхши гап».

«Айттолмовдим, раис бува, жижолат бўлувдим. Бошқа одамдан эшитгандирсиз?»

Самолёт қалқиб, хаёли тўзиди. Чап томондаги жувоннинг кўзи китобда, ўнгдагиси мудраяпти...

Уйига пешинга яқин кириб келган бўлса, то оқшомга қадар йўқловчилардан бўшамади. Хотини билан уч-тўрт кўз уриштириди-ю, айбдор одамдай нигоҳини олиб қочаверди.

Хотини билан ҳали сўрашгани йўқ. Ҳали кеч кирсин, болалар ухласин...

Катта отаси билан ҳам дурустроқ гаплашолмади. «Катта ота, уринмаяпсизми?» «Эсон-омон бориб келдингми?» – шундан нарига ўтишмади. Оқшомда дастурхон йиғилгач, жомадон очилди. Аҳмад иссиқ нимчани катта отасига узатди.

– Ўзинг кий, совуқда далада дайдийсан. Мен уйда ўтирадиган одамман.

– Олаверинг, катта ота, мозорбосди-да, курортдан совға.

– Совға дегин, нима, менга бирор курортдан совға келтирмабдими? Ана, раисинг носқовоқ олиб келган. Сен кичиклигингда босиб синдиргансан. Аммо жуда бол носқовоқ эди.

Аҳмад кулиб нимчани чолнинг тиззасига қўйди. У носқовоқ воқеасини биларди – раис айтган.

– Сен менга қара, бола, курортда отангни суриштирамдингми?

– У ерда уруш бўлмаган, катта ота.

– Э, содда бола-е, суриштиравермайсанми, ошна-оғайниси чиқиб қолармиди...

Аҳмад бошини куйи эгди. Ўнлаб курорт шаҳарлари борлигини, уларда одам қайнаб ётганини, қирқ беш йил илгари оддий бир деҳқоннинг келиб-кетиши уммонга томчи тушгандай бир гап эканини унга қандай тушунтиурсин.

Матқобул бува неварасини койишга койиди-ю, уни ранжитганидан афсусланди. Нимчани олиб дуо қилди-да, ўрнидан туриб уйига кириб кетди. Ҳар куни ўрик остидаги сўрида ётарди. Бугун дим бўлса ҳам уйига кирди.

Совғалардан бошлари күкка етган болалари суюна-суюна бириң-кетин ухлашди.

Аҳмад чалқанча ётганича хотинига бир гап айтишни ўйлади. Суйганига хиёнат қилмаган бўлса-да, ўзини айбодор ҳис-қилади. Хотини ҳам индамайди. Назира бетайин бир гумон билан қолган эди. Шу гумон қозонида қоврилиб, бўладигани бўлди. Ҳар туни тусида эрини кўрарди. Ҳар сафар... бирор билан... Ҳозир эрининг индамай ётишидан яна ташвишга тушди, бирор суюқоёқ кўнглини ундан со-вутдими?.. Сўрай деса, тили бормайди.

Аҳмад хотинининг ёмон фикрда қолганини унугани йўқ. Энди, поклигича қайтгач, шуни маълум қилиб қўйиши лозим эди. Дабдурустдан айтса, ишонмайдигина эмас, «нимага ўзини оқлаяпти», деб баттар шубҳаси ортади. Аҳмад кўп ўйлади, аммо айтиш йўлини тополмади...

... Галати туш кўрибди: раис унга ўдағайлаётганмиш: «Болаларни нимага чопикка чиқардинг?! Ўзинг яйраб келдинг; болалар офтобда қовжираб юрсинми? Ҳовузни томошага қазитибманми, чиқар ҳаммасини даладан, мазза қилиб чўмилишсин...»

Аҳмад қараса, кичкина ҳовуз, ростмана денгиздай шо-вуллаётганмиш. Суви тип-тиник, офтоби йўлида ғуборлар йўқ эмиш...

ҚАСОС Хикоя

*Номуссизлик гар илаиса никоҳ итига
Аёл қалби шу қадар қонсирагайки,
Тополмайсиз Ер юзидан бунақасини...*

Еврипид. «Медея»

Дугонаси хушхабар айтиб суюнчи сүради.

Латифа буни эшитиб қувониши лозим эди. Чунки шу ҳол юз беришини истаб, Худога неча бор муножот этди. Аллоҳга илтижоларим етиб борармикин, ниятимга етмай ўлиб кетмасмикинман, деб қўрқиб юрган кезлари ҳам бўлди. Нихоят... охлари Яратганга етиб борибди. Шу ҳол юз берса армоним қолмайди, қувончларим дунёга сиғмай кетади, деб ўйларди...

Хушхабарни эшитиб нимага қувонмади? Вужудига нима учун афсус тўр ёя бошлади? Кўнгилга шодлик бахш этиши лозим бўлган янгиликни етказган дугонасига нима учун жавоб қайтармай, жимиб қолди? Бу ҳолати суюнчи-лаб телефон қилган дугонасигагина эмас, ҳатто ўзига ҳам номаълум эди.

— Латиф, эшитяпсанми? — дугонаси гўшакнинг гаранг қулоғини очмоқчи бўлгандек, бир-икки қаттиқ пуллади.

— Эшитяпман, — деди Латифа синик овозда.

— Эринг кўл-оёқсиз, шол бўлиб қолибди. Тили ҳам айланмасмиш. Хотини уйига олиб келмай, касалхонадан тўп-

па-тўғри қариялар уйига олиб бориб ташлабди. Вой тавба-я! Ўттиз беш ёшли йигитни ҳам қариялар уйига олаверишар эканда-а? Эшитяпсанми?

Латифа эшитар, аммо дугонасининг сўзларини дуруст англамас эди. Гўшакни аста жойига қўйди. Бармоклари титраётганини ўзи сезмади – деразага орқа қилиб ўтирувчи Маъсума сезди. Тўғрида ўтирадиган, Латифага тез-тез ўғринча қараб қўядиган Содикжон ҳам сезди. Латифа хайкал ҳолига кирган эди. Ўзига дам-бадам қараб қўяётган нигоҳларни сезмасди. Уни чукур ўйга ботди, деб ҳам бўлмайди. У ҳеч нимани ўйламас, боши ғовлаб, бўшаб колгандай эди. Содикжон «Ахволини сўраб билсангиз-чи?» деган маънода Маъсумага кўз тикди. Маъсума бу қарааш замираид қандай мақсад яширинганини сезса-да, сезмагандай ўтирди. У бегамлиги учун семирганми, ё семириб сўнг бегам бўлиб колганми – буниси Яратганга маълум, ҳар ҳолда ҳеч бир ишда шошилмайди. Мана шу одати баъзан кулгига сабаб бўларди, баъзан эса ҳамхоналарининг юраклари тарс ёрилиб кетай дерди. Содикжон ҳозир шу ҳолга тушди. Томогини қириб, яна унга қараб қўйди. Маъсума қоғозларини титиб, нимадир кидирди. Шундан сўнггина Латифага қаради:

– Латифа, олдинги ойнинг ҳисоботидан сизда қолмаганми? Куриб кеттурни каёкка қўйганимни билолмаяпман.

Бу савол Латифани карахтлик домидан озод қилди. Лекин Маъсуманинг гапини дарров англай олмади. Маъсума эса унинг ахволини сезмагандек гапираверди:

– Бугун мудиrimиз чап ёни билан турганми, эрталабдан бери менга минғирлайди. Ўтган ой ҳисоботини қайта кўриб чикинг, дейди. Бир нусҳасини сизга бермабидим?

Латифа энди унга ажабланиб қаради – эрталаб ҳам шуни сўровди. «Эси оғиб колганми, нима бало?» деб ўлади-да, кисқа қилиб: «йўқ», деди. Маъсума Содикжонга қаради. Унинг бегам бокувчи кўзларидан: «Фаросатингиз борми, чикиб турсангиз-чи», деган маънони уккан Содикжон кў-

лига илинган бир варақ қоғозни олиб, ўрнидан турди. У чиқиб кетиши билан Маъсума Латифани саволга тутди:

— Тинчликми, Латифа, ёмон гап эшитмадингизми, ишқилиб?

Латифа унга ялт этиб қаради. «Қандай сезди, бу бегам? Бирдан ўзгариб кетдимми?»

— Тинчлик... дугонам сал ҳовлиқмароқ... Бир танишим касал экан... шунга...

— Ҳа-а... Энди иссиқ жон, бир касал бўлади, бир тўзалиди. Чойнакни қўйиб юборинг, чой ичадиган вақт бўлди.

Электр улагич китоб жавонининг панасида, Латифанинг шундайгина ён томонида эди. Шу сабабли хонада чойхоначилик вазифасини ҳаммавақт беминнат бажарса-да, бу сафар малол келди. Чойнакни токка улаб, ўрнидан турди-ю, дахлизга чиқди. Маъсума унинг изидан маънодор қараб қолди.

Даҳлиздаги дераза олдида Содиқжон бир варақ қоғозни буклаб ушлаган ҳолда туради. Латифанинг чиқишини кутмагани учун нима дейишини билмай, тараддулланди.

Содиқжон билан Латифа тенгдош, институтда бирга ўқишган. Талабалик йилларидаёқ бир-бирларига майлари бўлган, лекин тақдир йўриғи дегандек, турмуш йўллари айри-айри тушди. Улар бир-бирларини ёқтирас эдилар. Аммо бу ёқтириш ота-она истагига қарши исён кўтара олувчи қудратга, аникроқ айтилса — муҳаббат даржасига етмаган эди. Олдинма-кейин бўлиб ўтган тўйларидан сўнг, айниқса, оиласарида нохушликлар юзага келган дамларда бир-бирларини қўмсадилар. Бироқ бу қўмсаш капалак умри мисол узоққа етмас эди. Ҳар иккovi бир-бирига бўлган муносабатни кўп ўйлашарди: «Уни ёқтирганим ҳолда нима учун ҳамма нарсадан шартта воз кечиб, у билан бирга бўла колмайман?» деган унча мураккаб бўлмаган саволга қариб ўн йилдан бери жавоб топиша олмас эдилар. Ёшлик хислари аста сўниб, турмуш номли дарахтнинг аччиқ меваларидан тўйиб-тўйиб егач, бу савол чигали бош-

ланади. Ораларидаги түйғу түшакка етакловчи муҳаббат эмас, балки турмушнинг тиканли йўлларида мадад бергувчи меҳр эканини англаб етадилар. Унга қадар эса бу түйғу нима эканини билмай қийналадилар, атрофдагилар эса уларнинг муносабатларини бошқача талқин қиласверадилар. Тўғри, Латифа эри билан ажралишгач, Содикжон уни бир-икки марта кинога таклиф қилди. Латифа ўн уч ёшли қизалоқ эмаски, бу таклифларнинг маъносини англаб етмаса. Аввал гапни ҳазилга бурди. Таклиф такрорланавергач:

– Сиз мени эрсираган шалоқ хотин деб ўйлаяпсизми? – деб дангал айтди.

Содикжон бу жавобни эшитиб довдиради. Тўғри кўнгилда эканини айтиб ўзини оқламоқчи бўлди. Шуниси ортиқча эди. Чунки жувоннинг жавоби таклифга яраша бўлган эди. Содикжон шундан сўнг ўзини тийди. Лекин: «Рўпарангга қара, бу маҳлиқонинг эри йўқ, ўзи ёшгина бўлса, эрсиз қийналади. Сенга ўша гапини бир айтди-кўйди-да. Унга қараб-қараб, кўзингни узма. Кўзларинг билан уни ўзингга ром қилиб ол!» деб васвасага солувчи шайтонни ҳайдаб юбора олмас эди. Баъзан эса ўйга толарди: «Шунча пайтдан бери эрсиз юриб кўникдими ё битта-яримта билан пинҳона дон олишиб юрганмикин?» Шу фикр ўйғонган дамдаёқ томоғига ғазаб ўти бостириб келади. Хаёлидаги ўша мавҳум хушторни бўғиб ўлдиргиси келади. Ўзича «Ким бўлиши мумкин у мараз?» деб, танишларини бир-бир кўз олдига келтиради. Латифа жилмайиб гаплашиб турган эркакларни шубҳа остига олаверади. Хуллас, Латифа эридан ажралишганидан кейин неча йил ўтган бўлса, шунча йил Содикжон шу ҳолда куяди. Ҳозир даҳлизга чиқиб турганида ҳам хаёли шу томонга бир оғди. Латифага гапиролмай қолгани ҳам шундан. Латифа унинг нима учун чиқиб турганини билса ҳам, ўзини билмаганга олди:

– Чой қўйдим, – деди хотиржам овозда.

– Ёмон хабар эшиздингизми? – деди Содикжон, унинг кўзига тик қараб.

«Ёмон хабармиди? – деб ўзига ўзи савол берди Латифа.
– Чиндан ҳам нима бу – ёмон гапми, ё хушхабарми? Нима
учун ўзгариб кетдим. Ўзгарганимни булар ҳам сезишиб-
ди...»

– Нимага ёмон хабар? Шунчаки бир гап, – деди Латифа
осойишта оҳангга кўчиб.

– Бирдан ғалати... бўлиб қолдингиз?

– Бошим оғрияпти. Магнит бўрони куни эмасми бугун?
Мен кета қолай, чойга ўзингиз қаарарсиз.

Латифа шундай деб ичкари кирди-да, столи устини
ийғиширишга ҳам тоқат қилмай, Маъсума билан хайрла-
шиб, сумкасини олиб чиқди.

Хонага қайтиб кирган Содиқжонни Маъсуманинг маъ-
нодор қарashi қарши олди.

Латифа хаёлинини чалғитиши учун бироз пиёда юрмоқчи
бўлди. Харид қилиш нияти бўлмаса-да, йўлида учраган
дўконларга ҳам кириб чиқди. Ёнма-ён юрган эр-хотинни
кўрди дегунча, кўз олдидা эри гавдаланиб, юраги сикила-
верди. Бундай нохуш ҳолатдан чиқишининг бирдан бир чо-
раси-уйга бориш эди.

Кўшни иморатларга нисбатан кўркамроқ қилиб солин-
ган, болалиги ўтган, баҳт илинжида «ёр-ёр» билан тарк
этиб, сўнг икки ўғил билан қайтиб келган уй бу онда кўзига
шумшук бўлиб кўринди. Акаси куёвнинг ҳаром-хариш-
дан қайтмас одам эканини билиб, уни шарманда ҳолида ўз
кўзи билан кўргач, Латифани ўша куниёқ кўчириб келган
эди. Ўғлининг каттаси эндиғина атак-чечак қилаётган эди.
Кичиги туғилиб, туғруқхонадан уйга кетиш учун изжозат
теккан кун эди. Куёв бўлмиш Толиб уларни анча куттир-
ди. Келавермагач, акаси, янгаси Латифани уйга бошлаб бо-
ришди. Боришди-ю... Толибнинг майшати устидан чиқиши-
ди. Латифа остона ҳатлаб ичкари кирмади. Ажрашаётган
пайтда суд уч хонали уйнинг икки хонасини унга ҳатлаб
берганда ҳам ҳақидан воз кечди. Аниқроғи, акаси олдир-
мади. «Наҳс босган уй ўзига буюрсин», деди. Ана ўшандан

бери Латифа шу уйда. Ўғиллари тоғасини «опокдада» дейишилади. Латифанинг бахтига «адам қанилар?» деб сўрашмайди. Отадан олиши керак бўлган меҳрни тоғадан олгани сабабли сўрамасалар керак. Баъзан Латифа «нега сўрашмайди?» деб аччиқланади. Ҳозир бўлмаса ҳам кейинроқ бориб сўрашларини билади. Орадан йиллар ўтиб сўрашганида нима деб жавоб беради? «Отанг хотинбоз эди, шалоқ эди, шунинг учун ажрашиб кетганмиз» дейдими? Латифа келажакда содир бўлажак мана шу манзарадан кўркади. Ота-онанинг қилмишига фарзанд бир кунмас бир кун хукм чиқаради. Қандай бўлади бу хукм? Ким айбдор деб топилади? Эр-хотин ажралишиб кетаверишади. Униси бошқага уйланади, буниси бошқаси билан турмуш қуради. Бола эса ўзича улғаяверади. Бола улғайиб ким бўлиб етишганидан қатъи назар, хукмни ўқийди. Худо ўз жазосини ана шу фарзанд хукмига жо қиласди. Латифа шу жазодан кўркади.

Кўркишига эса сабаб бор. Уларнинг идорасида Зеби кампир деган фаррош бўларди. Четдан қараган киши супургини кўтаролмай йиқилиб тушса керак, деб ўйларди. Зеби кампир қорни очлиги учун эмас, уйдан нарироқ – одамлар орасида юриш учун ҳам ишларди. Бошқа фаррошлар ишларини барвақт бажариб кетишарди. Зеби кампир эса кечгача идорада бўларди. Бир куни Зеби кампир Латифага хасрат дастурхонини очган эди. Унинг биринчи эри мамлакатда қулоқларга қарши кураш бошланганида болла-чақам сарсон бўлмасин менга қўшилиб, деган мақсадда хотинига талоқ хати берган эди. Зеби икки ўғли билан қолган эди ўшанда. Эри дом-дараксиз кетди. Ўлдими ёки бошқа оила қурдими, ҳеч ким билмайди. Бу орада очарчилик бошланди. Зеби икки гўдагини боколмас эди. Очликдан ўлиб қолишмасин, деб уларни етимхонага берди. Сўнг инсофли бир одам билан турмуш қургач, ўғиллари ни етимхонадан қайтариб олди. Иккинчи эри болаларига ўгайлик қилмади. То урушга кетгунига қадар уларга ола қарамади. Тақдир экан. У ҳам урушда изсиз кетди. Зеби

бошқа турмуш қурмади. Аммо «сен бизни етимхонага топширгансан», деган лаънат тамғаси бир умр кўкрагига урилди. Бу тамға шу кунгача кетмайди. Ўғиллари набира кўришган бўлишса-да, онанинг ўша қилмишини кечиришмайди. Зеби кампирнинг набиралари ҳам унга нисбатан бемехр бўлиб улгайиши.

Кампир шундан куяр эди. У ҳасрат қиласди, аммо ўғилларини айбламасди. Ҳамма айбни ўзига оларди. «Ўшанда аҳмоқлик қилганман. Болаларимнинг ризқини Худонинг ўзи берарди!» – деб ўзига лаънат ўқийди. Зеби кампир та мом кучдан қолгач, идора аҳли бамаслаҳат ҳолда уни қариялар уйига олиб бориши. Кампирнинг ўғиллари бу тадбирга монелик қилмадилар. Ўтган йили Зеби кампирнинг қазоси етганида уни идора аҳли дафн этди. Ўғилларига хабар беришни лозим топишмади.

Латифа Зеби кампирни кўп эслайди. Эслаганда юраги ғалати бўлиб кетади. Дугонаси: «Шундай юраверасанми, ўғилларингни аканг боқмаса, болалар уйига бергину, бошқа эрга тег!» деганида танасидан жони чиқиб кетай деди. Бир неча кун давомида юрса ҳам, турса ҳам Зеби кампирнинг мунгли нигоҳи уни таъқиб қилди. Ростдан ҳам болаларини етимхонага топширгандай, ўғиллари чирқиллаб йиғлаётгандай туюлаверди. Тушларига Зеби кампир кириб: «Мен нима учун сенга ўз дардимни айтган эдим? Менинг тақдиримдан ибрат олмадингми?» – деб саволга тутаверади.

Хозир уйи остонасига қадам қўяётганида нима учундир яна ўша ҳолни эслади.

Дарвоза очиқ, аммо ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Латифа ҳовли этагидаги олди пешайвон уйга қараб юрди. У эри билан ажralишгач, ота-онамнинг жонлари узилган жой, деб шу уйда яшаш истагини билдирган эди.

Остона ҳатлаб ичкари кириши билан сал енгилроқ тортгандай бўлди. Кийимини алмаштиргмаган ҳолда тахмон пойига тўшалган кўрпачага ёнбошлади. «Менга нима бўлди ўзи? – деб ўйлади у. – Унга ачиндимми? У ким мен-

га? Шилтаси чиқиб юра-юра шу тақдирни топибди. Баттар бўлмайдими? Нега ғалати бўлиб кетдим?»

Латифа бу саволининг жавобини яхши биларди. Билса-да, тилга чиқариш у ёқда турсин, хаёлига келтиришни ҳам истамасди.

Иккинчи ўғлига бошқоронги бўлиб юрган кезлари эри билан ғижиллашиб, «уйимга кетаман», деб пўписа қилганида, Толиб: «кетсанг кетавер», деб осонгина жавоб берганди. Латифа тўнғичини олиб уйига келди. Эрини икки кун кутди. Аразлаб келганини акасидан яширди. «Куёвингиз сафардалар», деб алдади. Учинчи куни уйига борса, Толиб биттаси билан ҳиринглашиб ўтирибди. «Ўзинг кетдинг, нима, мен пенсионер чолманми индамай ўтираверадиган», деб айбни Латифанинг ўзига ағдариб қўя қолди.

Латифа аламини йиғидан олди. Дардини совуқ деворларга айтди. Уйига ўт қўйгиси келди. Бироз овунгач, улар ётган ўрин-кўрпани йиғиштирди. Кўллари нажасга теккан-дек ирганди. Бу кўрпани онаси раҳматли ўз қўллари билан қавиб берган эди. Шуни булғанишига сира чидай олмади. Ярим тунда кўрпа, чойшаб, ёстикларни олиб, тўрт қаватли уй этагидаги ахлатхонага олиб бориб, ёқиб юборди. Назарида ўт бутун ифлосликларни куйдириб юборгандай бўлди. Афсуски, ҳатто оловнинг ҳам бунга курби етмас экан.

Ана ўшанда дилида бир алам вулқони портлаган эди. Ана ўшанда илк марта Яратганга ялинган эди: «Э Худойим, ҳаромдан қайтмаган бу балойингнинг кўл-оёқларини шол қилиб қўйгин. Ана ўшанда мен бир эркакни бошлаб кела-йин-да, унинг шундайгина кўз ўнгидагуноҳларга ботайин. Бу гуноҳим учун кейин қандай жазо берсанг ҳам розиман!» деб эди. Алам устида хаёлига келган бу нидони эслаганида баъзан ўзидан ўзи уялади, баъзан эса нафратланади. «У паст кетса, мен ҳам паст кетайинми?» деб ўйлайди. Лекин бу қасос нидосидан бутунлай воз кечкиси ҳам келмайди.

Мана, ниҳоят, у шол бўлибди. Энди нима қиласди? Ка-самини амалга оширадими?

Шу фикр хаёлига урилиб, вужуди кирланиб кетгандай бўлди. Худди ўша ўрин-кўрпани йигаётганда иргангандай ўзидан ўзи ирганди. Қаддини кўтариб ўтириб олди. Куллоқлари шангиллади. Икки чаккасига кафтларини босиб, кўзларини юмди.

— Латифагинам, сенга нима бўлди?

Овозни эшитиши билан юраги қинидан чиқиб кетай деди. Кўзларини шарт очиб, деразага тақаб қўйилган каравотга қаради. Онаси то жони узилгунига қадар ўша ерда ётарди. Бу каравот ҳозир Латифанинг ётар жойи. Онаси уни эркалаганида «Латифагинам» дерди. Латифа ота уйига қайтиб келганидан бери онаси билан тез-тез гаплашади. Хаёлан бўладиган бу суҳбатлар баъзан тонготаргача давом этади. Бу суҳбат мазмуни фақат ўзига-ю, Яратганга аён. Баъзан тўнғич ўғли уйғониб қолганида ўзи ерда ўтириб, бошини каравотдаги ёстиққа қўйиб олган онасига ажабланиб қараб туради. Бир-икки марта чўчибгина «ойижон», деб чақирганида Латифа индамагач, «шунаقا ўтириб ухлашни яхши кўрадилар», деган тўхтамга келиб, эътибор бермай қўйган.

— Латифагинам, сенга нима бўлди?

Латифа беихтиёр равишда каравот сари сурилиб келди. Бошини ёстиққа астагина қўйди худди онасининг юзларига юзини қўйгандай бўлди. Дераза дарчасидан уфурган ел соchlарига урилди – худди онаси соchlарини силагандай бўлди.

— Нима бўлганини ўзим ҳам билмайман. Анавини... қарғаган эдим... қарғишим урибди – шол бўлиб қолибди.

Латифа шундай деб пичирлади-да, жим бўлди.

— Юрагингдаги гапни айтмаяпсан?

— Юрагимдагини... Мен қасам ичганман, биласиз. Энди қасос олишим керак.

— «Ал қасосул минал Ҳақ!» Қасос – Ҳақдандир. Худо уриб қўйибди-ку! Шунинг ўзи кифоя унга.

– Йўқ, етмайди, ойижон. Ҳозир унинг жисми оғриқда. Руҳи-чи? Қилган ишларидан пушаймон еяптими? Емайди. Тавба қилишга унинг фаҳми етмайди. Фаҳми етганида болалари туғилган уйга ифлосларни бошлаб келмас эди. Мен унинг руҳига ханжар санчишим керак. Ойижон, қийналиб кетдим. Агар шундай килмасам ё жинни бўламан, ё юрагим ёрилиб ўламан.

– Нима қилмоқчисан?

– Олдига бораман.

– Кейин-чи?

– Содикжон билан бирга бораман. У мени яхши кўради.

Нима десам шуни қилади.

– Содикжоннинг оиласини бузмоқчимисан? Ўзингнинг етимларинг камми? Йўқ, болам, мени тинч ётсин десанг...

– Оиласини бузмайман. Фақат бир марта. Кейин ишдан бўшаб кетаман. У билан умуман кўришмай қўяман. Содикжон билан бирга бўлганимни у кўрсин. Аламдан ёнсин, куйсин. Кўриб туриб ўлиб қолса ҳам майли. Ойижон, буни фақат уч киши билади: мен, Содикжон ва у...

– Худо-чи?

– Худо ялинишимни бажарди, мен учун уни шу холга солди, энди бу ишимни ҳам кечиради.

– Кечирмайди, болам, кечирмайди.

– Жон ойи, йўлимни тўсманг. Ҳаётимда бир мартагина ўзим учун қасос олай. Кейин одамга ўхшаб яшай...

Онаси жавоб бермади. Оғир хўрсинди. Латифанинг на зарида тепасида қора булут тўпланаштандай туюлди. Булут уни аста бағрига ола бошлади...

«Ҳозироқ Содикжонга телефон киламан. Қариялар уйига бориб турсин. Кейин бирга кирамиз унинг олдига...» деб ўйлади.

... булут уни гирдобига чирмайверди, чирмайверди...

Агар ҳозир телефон қилмаса аҳдидан қайтиб колиши мумкин эди. Иши ўнгидан келди – телефонни Содикжоннинг ўз кўтарди. «Ҳозирнинг ўзида қариялар уйига кела

оласизми?» деб сўради. Содикжон «хўп», деди, «нимага?» деб ланжлик қилмади. Унинг шу одати яхши. Латифа нима деса кўнади.

Латифа енгиз ҳарир кўйлагини кийди. Лабларини бўяди. Кўзларига сурма тортди. Кам ишлатадиган ўткир ҳидли атирни сепди. Ўзини оёғи енгил аёл кепатасига келтиришга ҳаракат қилди. Тошойнага қараб, ўзидан ўзи нафратланди. Сўнг: «Шундай бўлгани яхши. У ҳам мени кўриб нафратлансин, ёнсин, куйсин!» деб ўзига ўзи тасалли берди.

Содикжон уни танимагандай, ажабланиб кутиб олди.

– Мендан ҳеч нарса сўраманг. Ёрдам беринг менга. Кейин сўз беринг, йўқ, қасам ичинг: бугунги ишни дарров унутасиз. Худди туш кўргандай бўласиз.

– Озгина бўлса ҳам тушунтиинг.

– Тушунтира олмайман. Мен нима десам шуни қиласиз. Биз... эр-хотин бўлишимиз керак... Факат бир одам гувоҳ бўлади бунга.

– Тушунмадим?

– Тушунмасангиз ҳам сабабини сўраманг. Яна сўрайдиган бўлсангиз... кета колинг...

Содикжон «иложим қанча» дегандай елка қисди. Латифа уни қўлтиғидан олиб қариялар уйига бошлади. Толибни дарров топиши: бир кишилик хонада экан – айни мудда! Бош томони кўтариб қўйилган каравотда Толиб шифтга тикилиб ётибди. Эшикнинг ғижирлашини эшитдими, ё Латифадан тараляётган атир хиди димоғига урилдими, бошини буриб қарашга ҳаракат қилди.

Латифа Содикжоннинг қўлидан ушлаб унинг рўпарасига ўтди. Уларни кўргач, Толибнинг кўзлари пирпиради. Сўнг мижжаларидан ёш сизиб чиқди. Нимадир демокчи бўлди – тили айланмади. Унга Латифанинг раҳми келди. Қасос олишдан воз кечиб чиқиб кетмоқчи ҳам бўлди. Аммо қандайдир куч уни ушлаб қолди. Толибга тикилиб туриб бошини Содикжоннинг елкасига кўйди. Кейин уни иягидан оҳистагина ўпди-да, «Мени кучоқланг», деб шивирлади.

Содиқжон уни күчишга кўпдан бери орзуманд бўлса-да, бу амри бажаришга дарров журъат эта олмади. Буни сезган Латифа: «Ишни бузиб қўймаса эди», деган ўйда унинг пинжига кириб, лабига лаб қўйди. Толиб ўкириққа ўхшаш бир овоз чиқарди. Латифа сумкасидан рўмолчасини чиқариб, Содиқжоннинг лаббўёқдан қизарган лабини артди...

... Толиб худди бўғизланаётган буқадек ўкира бошлиди...

... мана шу ўкириқ Латифани чирмаб турган қора булутни ҳайдади.

Латифа гаранг ҳолда бошини кўтарди: қўшни ҳовлида оч қолган буқа яна ўкирди.

«Ухладимми? Туш кўрдимми?» деб ажабланди Латифа. Сўнг ўрнидан туриб, беихтиёр телефон ёнига келди. Бармоқлар таниш рақамларни терди. Гўшакдан Мაъсуманинг «алё» деган беғам овози келди. Латифа гўшакни жойига кўйиб, уф тортди.

Кечки овқат пайтида акаси унга савол назари билан қараб-қараб қўйди. Болалар телевизор кўргани меҳмонхонага кириб кетишгач: «Сенга нима бўлди?» деб сўради. Латифа яшириб ўтиrmади: Толибга нима бўлганини айтди.

– Баттар бўлсин, – деди акаси. – Қариялар уйидан ҳам чиқарип тацлаш керак. Ахлатхоналарда ётиб, итдек хароб бўлиб, ўлиб кетишлари керак бунақалар...

– Вой, қўйинг адаси, – деди янга. – Бирорга бунақа ўлим тиламанг. У ҳам Худонинг бир бечора бандаси...

– Сен гапирма! Бунақа бандага минг лаънат бўлсин! – Акаси шундай деди-да, аччиқланиб ўрнидан туриб кетди. Латифа ҳам ўрнидан туриб уйига чиқди. Дам ўтмай изидан акаси кирди. Янгаси қисқа муддатли одоб дарсини ўтганми, ҳар ҳолда акасининг шашти бир мунча паст эди.

– Изтироб чекаётганингга қараганда, уни бориб кўрмоқчига ўхшайсан. Ўзингни тут. Сенга маслаҳатим – борма. Энди нима кўргилиги бўлса кўраверади. Нимани эккан бўлса, ўшани ўриб олаверсин...

Латифа тунда ухлай олмади. Гүё катта гулханнинг сўниб улгурмаган чўғлари узра оёқяланг зир юргургандек бўлди. Эрталаб болаларини акаси боғчага олиб кетди. Кейин янгаси эшикни қия очиб ичкарига қаради:

– Латифа, мен кетяпман, гапингиз йўқми?

Янга Латифага ғоят меҳрибон бўлса-да, бундай дейиш одати йўқ эди. Латифа ҳозир уни янада яхши кўриб кетди:

– Кеннаи... бориб келмасам бўлмайди. Ҳар ҳолда... шу болаларнинг отаси...

– Майли, боринг, кейин армон бўлиб қолмасин.

– Бирга борайлик... – деди Латифа ялингани оҳангда.

Янгаси кўнди. У қайнисинглисинг одатини яхши билгани учун ҳам ишга кетишдан аввал уйига мўралаган эди.

Улар қариялар уйига бориб, кўп асабийлашганидан юзларини ажин босиб, тиришиб кетган эллик беш ёшлардаги бошлиқка рўпара бўлишди.

– Унинг ҳеч кими йўқ, дейишган эди-ку, – деди бошлиқ, тажанглик билан.

– Ҳа, шунақароқ, – деди янга.

– «Шунақароқ» деганингиз нимаси?

– Шунақароқ деганимки... қариндошлари билан борди-кељдини узиб юборган.

– Сиз кимисиз унда?

– Бу синглим унинг биринчи хотини бўладилар.

Бошлиқ «ҳм» деб Латифага қовоқ уйиб қаради.

– Ташлашга ташлаб кетиб, энди эсларига келдими?

Бу гап Латифанинг бошига гурзи бўлиб урилиб, кўз олди қоронғилашиб кетди. Яхшиямки янгаси билан бирга келгани, бўлмаса, ҳоли нима кечарди – номаълум.

– Бу нима деганингиз, сал ўйлаброқ гапиринг гапингизни. Ким кимни ташлаганини аввал билинг. Одамгарчиликнинг кўчасидан ўтганмисиз ўзингиз?

Бошлиқ стол устига шапатилаб уриб қўйди.

– Бўпти, бораверинглар. Ўн еттинчи хонада у. Олиб кетмоқчи бўлсангиз яна ўзимга учрашарсиз.

Хонадан чиқиши пайтида янга орқасига ўгирилди:

– Раҳмат, хайр, сизга учрашадиган бошқа ишимиз йўқ.

– Сиз бирпас-қолинг, тапим бор, деди бошлиқ ўни тўхтатиб. Латифа нари кетгач, ўрнидан турди-да, янгага яқинлашиб паст овозда деди: – Олиб кетганингиз яхши. Врач узоқ яшамайди, деяпти.

Янга унга жавоб бермади.

Латифа «бошлиқ нима деди?» деб сўрамади.

У қариялар уйига уч ой қатнади.

Сўнг... қора кийди.

ХОТИРА

Хикоя

1

Зухрани қарғашди. Султонни лаънатлашди. Икковлари ғам ғазаб тошлари билан тошбўрон қилиндилар. Миш-миш гаплар тупроғига кўмилдилар.

— Улар аввалдан дон олишиб юришар экан, қочиб кетишганмиш...

— Вой ўлмасам, қочиб кетишганмиш-а...

— Ҳа, қочиб кетишиби...

... Ким билади, балки тўғридир...

— Ўлиб қўяқолсин, жувон ўлгур, боласини ташлаб кетмай қёра ерга кирсин. Битта эр камлик қилибдими?

— Ўлиб қўяқолсин, жувон ўлгур...

— Битта эр камлик қилибдими...

— Болаларини ташлаб ўйнаши билан қочибдими, а?

— Ким билади, балки тўғридир..

— Корнида бола бўлиб қолган экан, эриданмас, Султонданмиш...

— Султонданмиш...

— Боласини олдирмоқчи эканми?

... Ким билади, балки тўғридир...

Бу гаплар қичкина ишхона доирасидан чиқиб, шаҳарчага тарқалди. Танишлар учраб қолганда сухбатлари шу «янгилик» билан бошланиб, қўшимча маълумотлар билан тўлдирилган ҳолда якунланарди. Бир ҳафтача шундай бўлди. Эзилиб ёқсан ёмғир тинди. Булатлар тарқалди. Куёш

ернинг ҳовурини кўтариб киздириб юборди. Одамлар сухбатининг мавзуи ўзгарди.

2

Туман идорасидан вилоят бошқармасига ишга ўтган Султон Зухрани биринчи марта кўрганидаёк унга маҳлиё бўлиб қолган эди. Оппокқина, дўмбокқина, чарос кўз бўлмаса ҳам жонни олгудай қарashi бор... Ёз кечасидаги осмон хусни ҳилолни эслатувчи қоши қоп-қора... қизга сукланиб қараб турган Султоннинг кўзи бармоғидаги никоҳ узугига тушди-ю, афсусдан нафаси қайтди. Бир хонада ишлагандан кейин истайсанми-истамайсанми кўз-кўзга тушиб турди. Султонга шайтон «Эри бўлса нима бўпти, эҳтимол, ота-онаси зўрлаб узатгандир, балки эрига кўнгли йўқдир», деб васваса ҳам қилиб турди. Лекин Зухранинг она ҳам эканини билгач, унга сукланиб қарашдан ўзини тийди. Фойибона ошик бўлиб юраверди. Жувонни ҳар кўрганида шайтон васвасасини бошларди-ю, лекин уни мағлуб этишга ожизлик киласди. Султон енгилтак хаёллари учун ўзини ўзи койиб бошлаганда эса шайтон шайтонлаб қоларди.

Кейинги кунлар ичи ҳавонинг авзойи айниди. Бир ёмғир куяди, бир шамол туриб одамни учирив юборай деди. Баъзан эса офтоб кўриниб одамни ланж қилиб юборади.

Бугун эрталаб ҳаво очиқ эди. Энди майдалаб ёмғир ёғяпти. Бунака пайтда хонада қофоз титиб ўтирган ҳам дуруст эди. Укасининг кўнгироғидан сўнг Султон йўлга отланишга мажбур бўлди. Ташкарига чикиб, машина пешой-насига сараган лойни артаётганида қўшни бино томондан келаётган Зухрага кўзи тушди. Елкасига рўмол ташлаб олган Зухра унинг ёнидан ўта туриб бир нафасга тўхтади:

- Кетяпсизми? – деб сўради.
- Хўжайн йўғидан фойдаланиб Мирзабодга бориб келай, – деди Султон.
- Мирзабодгами? – Шундай деб Зухра ўйланиб қолди. – Менам бориб келишим керак эди-я. Дугонам бир ҳафтадан бери касалхонда экан, уйдан ортиб боролмаяпман, уят бў-

либ кетди. Битта дори сўратувди, топиб қўювдим. Ишингиз кўп бўлмаса дорини ташлаб ўта оласизми?

— Ташлаб ўтишнинг менга оғирлиги йўқ. Лекин дугонангизни кўргингиз келаётган бўлса, бирга бориб кела қолинг.

— Борсам яхши бўларди-ю, лекин... хўжайинимдан сўрамаганман.

— Юр avering. Иш вақти тугагунча қайтиб келамиз. Бориб-келишга кўпи билан икки соат вақт кетади. Ярим соат дугонангиз билан ҳасратлашиб олишга етадими? Унгача тен уйга кириб укамнинг топшириғини бажариб чиқаман.

— Қанақа топшириқ?

— Физикадан тест саволларининг ечимини ишлаб қўювим. Укам бу йил ўқишга кириши керак. Имтиҳонга тайёрлаш вазифаси менинг елкамда.

Зухра бироз иккиланиб турди, Султон таклифни яна акорлагач, ичкари кириб палтосини кийиб чиқди.

3

Зухранинг дугонаси деразадан ташқарига тикилиб турган эди. Унинг машинадан тушиб келганини кўриб «ким уйигит, хушторингми?» деб ҳазиллашиб сўради. Зухра жилмайиб, ҳазилга ҳазил билан жавоб берди: «сенга ёқдими, хушторликка арзийдими?»

Йигит ҳақида бошқа гаплашишмади. Зухранинг йўқолгани маълум бўлиб миш-мишлар тарқалгач, дугонаси ўша гапни эслади. «Ҳазиллашмаган эканда...» деб ўқинди. Аммо дардини бировга билдирамади.

Султон укасига саволларни умумий тарзда тез-тез тушунтириди. Укаси унинг ҳаяжонини сезди.

«Ака, шошиляпсизми?» – деб сўради.

«Шошиляпман», – деб жавоб берди Султон.

«Қаёқقا?»

«Бир қизнинг олдига», шундай деб жилмайди. Укаси буни ҳазил деб ўйлаб, у ҳам жилмайди.

«Бұлажак янгамизмилар?»

«Балки...»

Укаси унинг шундай деб хұрсаниб қўйганига аҳамият бермаган эди. Акаси йўқолиб, у ҳақда турли миш-мишлар тўқилган кезлари ёдига олди. Аммо дардини биронга билдирамади.

4

Қайтишда аввал баллон тешилиб қолди. Фидиракни алмаштиргунча Султон адабини еди. Кейин мотор ҳадеганда ўт олавермади. Султон автомашинани ҳайдашнигина биларди, унинг «касали»га эса акли етмасди. Жувонга сир бой бермаслик учун ўзича моторни титган бўлди. Кейин ёрдам сўраб йўловчи машиналарга қўл кўтара бошлади. Бунақа ҳавода тўхтаб, биронга кўмак беришни истовчи инсоф эгасининг топилиши осон бўлмайди.

Машина шом коронғисида йўлга тушди. Ҳавотир чодирига ўралган Зухра мик этмай ўтиради, айбига иқрор Султон ҳам жим эди. Фақат «кэтта йўлга чиқиб олсан, бир пасда етамиз», деб овунтирмоқчи бўлди. Лекин катта йўлга чиқишганда куюқ туман бағрига кириб, тезлашишнинг имкони бўлмай қолди.

Шахарга борадиган кенг йўлда қатнов сийраклашган. Султоннинг юраги дук-дук уради. Негадир хансираиди. Ичини нимадир ёндираётгандай бўлади. Машинани йўл четига олиб чиқиб тўхтатгиси келади-ю, шайтонга яна бўйин бермайди.

Султон йўлдан кўз узмайди. «Анҳор якин қолди. Ҳозир кўприк келади. Йўл чапрокка бурилади...»

Султон мўлжалда адашди: кўприкка канча борлигини билолмай каловланди.

Жувонга қарашига ботинмайди. Караса, худди даҳшат ичиди колиб кетадигандай туюлади. Зухра ҳамон жим. Бошини ойнакка тираб олган: уйга боргач, бўладиган савол-жавобни ўйлаётгандир эҳтимол...

Султон машина тезлигини оширди. Шу имиллаб юриши бўлса ўзини тутолмай қолиши мумкин. Иродаси чидаш бера олмайди. Ўнг оёғи ўзига бўйсунмайди, нукул тормоз педалини босмоқчи бўлаверади...

Тезликни яна оширди.

Машина бирдан пастликка шўнғиди.

«... оббо, кўприк томонга бурмабман-ку?!»

Султоннинг хаёлига шу фикргина келди... Тормоз ишламади. Машина қаттиқ-қаттиқ силкинди.

5

Ўша куни Зухраларнинг уйида чирок ўчмади. Жажжигина Нафиса «аяжон-аяжон» деб йиғлайвериб ухламади.

Эртасига миш-миш тарқалди.

Шаҳардагилар бу воқеани аста унута бошлишди. Баҳор келинчаклик либосини ечиб, ўрнини ёзга бўшатиб берди. Ёз ҳам ўтди. «Қочоқ»ларнинг дараги чиқавермади. Куёшнинг тафти кесилиб, шамол қорнинг исини олиб келди. Ана шунда дехқонлар анҳорни тозалагани ҳашарга чиқишиди. Сувни тўхтатишиди. Кимдир кўприк яқинида тепаси лой босган бир нарсани кўриб қолди. Қарашса — автомашина. Ҳамма ўша ерга йиғилди. Ичини очишиди. Машинанинг ичидаги одамга ўхшаш, лекин таниб бўлмайдиган икки жасад бор эди.

Машинанинг рақамига қараб, эгаси Султон эканлиги аниқланди.

6

Шаҳарчада яна миш-миш тарқалди:

— Ўликлари анҳордан чиқиби...

— Қочиб кетишаётганда тушиб кетишганмикин?

— Ким билади...

— Бечоралар...

БЕКАТ

Икки ҳикоя

Бу ерда кимлар бўлмаган...

Қора мойга беланган шпаллар нималарни эшитмаган...

Оҳ-фарёд, ҳайқириқ, қувонч билан айтилган ҳар бир сўз худди қора мой сингари ана шу йўл, ана шу кўхна бино бағрига сингиб кетган. Йўл ҳам, бино ҳам жонсиз. Аммо у кўп воқеаларнинг гувоҳи. Даҳшати кишини ларзага келтирувчи ҳар қандай воқеа ҳам улар учун паровоз кичқириғидай оддий бир нарса бўлиб қолган.

Шунинг учун ҳам бу мунғайган бино, қорамойга беланган йўл жим...

БИРИНЧИ ҲИКОЯ: 1942 ЙИЛ

Аскархўжаникида тўй тарқаси билан Нафиса ўғлига аза очди. «Қўшнимнинг тўйига зомин бўлмайин», деб коҳахатни яшириб, ёниб-куйиб юрган она қалбида йиғилиб қолган дардини энди йиғи билан чиқаарди.

Хозиргина тўйхонадан чиққанлар энди қўшни эшикка азага кирдилар...

Полвон тоға фотиҳага келганларни ўзи кутди. Муборак ҳам Нафисага далда бериб ўтириб, қош кораймай уйига қайтди. Үнг қўшникидаги тўй, чап қўшникидаги аза ташвишлари охирига етди. Шом азони ҳамма нарсага барҳам берди. Одамларнинг қувончлари ҳам киприкдаги ёшдай омонат бўлиб қолган эди. Хурсандчилик ҳеч ерга ўз хукмини мутлақ ўтказа олмас, изма-из қувиб юрган ғамга жойини бўшатиб кетишга мажбур бўларди.

— Дунёнинг ишлари шу эканда... ишқилиб, Аллоҳим кўпнинг қаторида Нарзимни ҳам ўз паноҳида асрасин, — деб кўйда Полвон тоға.

— Айтганингиз келсин, — деди Муборак. Кейин кўча эшик томон тикилди: — Қаранг-чи, кимдир турганга ўхшашяпти.

Полвон тоға бир йўталиб олиб: «Кимсиз, келовринг», деб кўйди. Эшик томондан қиз боланинг «мемман, Полвон тоға», деган синиқ овозини эшишиб, «ўзинг қарай қоласанми?» деган мъянода аёлига савол назари билан бокди.

— Келовринг, қизим, тортинманг, — деди Муборак ўрнидан туратиб.

Киз супага яқинлашиб салом берди-да, кўрпачанинг четига омонатгина ўтиради. Бир вақтлар у Полвон тоғадан ҳайиқарди. Нарзи «Дадам кўриб қолмасинлар», деб ҳадиксирагани ҳадиксираган эди. Фақат бир марта... Нарзи урушга жўнаётгани куни Нозик кўркмади. Билишса билишар, деб Нарзининг ёнига келди. Келишга келди-ю, лекин уятдан юzlари ёниб ерга қараб олди. Кариндошлари билан хайллаштаётган Нарзи Нозикдан бир нарса кутгандай унга умидвор кўз билан тез-тез қараб кўйган эди.

— Нозик Полвон тоғага ўшандан бери рўпара бўлгани йўқ. «Полвон тоға ўшанда мени кўрганмидилар?... Балки... эсларидан чиқиб кетгандирман...» Нозик шу хаёлда бошини куйи эгиб ўтиради.

— Қизим, тинчликми? — деб сўради Полвон тоға, аёли билан кўз уриштириб олгач.

Бир дақиқагина хаёл оғушига шўнғиган Нозик чўчиб тоғага қаради. Гапни нимадан бошлишни билмай тараддудланди.

— Тинчлик, тоға... Ҳм... ҳалиги... ўғлингиздан... Назрulla акамдан хат келмадими?

Дабдурустдан берилган бу саволдан ажабланган эр-хотин бир-бирларига қараб олишиди.

— Бир ҳафта бўлди шекилли, а, Нарзи? — деб сўради Полвон тоға хотинидан.

- Бир ҳафтадан ошди, саккиз ярим кун бўлди, – деб аниқлик кирилди Муборак.
- Нимага сўраяпсиз, қизим, тинчликми?
- Бизга хат келмай қолди.
- Кимдан, Нарзиданми?
- Йўқ... акамдан. Улар урушга бир кунда кетишган эди...

Сабр қилинглар, келиб колар. Нарзимдан бир ойча хат олмадик. Ўғлимни Худойим асрабди, қўлини ўқ таталаб ўтганмиш. Айтиб туриб бирорвга ёздирибди. Хати бошқа бўлса ҳам, гаплари ўша-ўша.

– Ҳа, менинг ўғлим қизиқ гапларни топишга уста, – Муборак бу чиройли қиз олдидаги ўғлининг мақтовини келтириб, ошхона томон юрди.

Аёли нари кетиши билан Полвон тоға кизга синовчани тикилди:

– Қизим, хавотирингизни кўзингиз айтиб турибди. Яширманг. Бугун айтольмасангиз, эртами- индинми, барига бир айтасиз. Нарзи омонми? Холангиз йўғида тўғрисини айтовринг, омма у эшитмасин, юраги чатоқ.

Нозик Полвон тоғага бир караб олди-да, сўнг нигохини узумзорга тикиб тез-тез гапира бошлади:

- Менга хат ёзибдилар... «Уйга бормайман...» дебдилар.
- Нозикнинг овози титради. Полвон тоға унга ҳайрат билан тикилди:
 - Нега?
 - Кўзлари... кўзлари кўрмаётганмиш...
 - Ё, курдатингдан!

Полвон тоға паст овозда бир нималар деди, лекин Нозик эшитмади. Полвон тоға бошини эгиб бир пас жим колди.

- Мен эртага кетяпман, – деди Нозик.
- Қаёққа?
- Бокуга. Ўша ердаги госпиталда эканлар. Олиб кела-ман.

Муборак бир чинни косада таом кўтариб қайтди:

– Қизим, тўйдан насиба, олинг.
– Раҳмат холажон, қорним тўқ...
– Бир чимдим бўлса ҳам олинг. Насиба-да, Худойим ҳаммани тўйга етказсин.

... Бурилишда пишқириб паровоз кўринди. Орқадан таниш овоз эшишилди:

– Қизим...

Нозик ўгирилди. Полвон тоға унга тугунча узатди:

– Ўғлимни сизга, сизни Худога топширдим. Нарзига айтинг: кўнгли чўқмасин. Омон қайтса Худога шукурлар қиласиз. Бор баҳтимиз ҳам ўша. Бекорчи хаёлларга бориб биз бедаволарни бебаҳт қиласин.

Поезд бу бекатда икки дакиқагина тўхтади. Кейин чукур «уф» тортиб жўнаб кетди.

«Шундай қиз яхши кўраркан, Нарзи мендан нега яширеди? Айтганида урушга кетмай туриб уйлантириб қўярдим-а... Бошимизга баҳт қуши кўниб турган экан-у... билмапмиз. Ажаб... Худойим, ўзинг меҳрибонсан, энди бу қушни учирив юбормагин... Нотавон бандаларингга раҳминг келсин...»

... Назруллага зулукдай от беришди. Худди ўзининг қорабайирига ўхшайди. Манаман деган чавандозлар ҳам унинг шу отига тан беришган эди. Мана ўша оти. Йўқ, бу эмас, бунинг пешонасида оқ қашқаси йўқ. Оёғи ҳам унча ингичка эмас, аравага қўшилганга ўхшайди, яхши чополмайди. На илож, урушда яххисини танлашга вақт йўқ. Назрулла чаққонлик билан эгарга ўтириди-ю, отга қамчи босди. Жонивор елдек учди.

– Яхши чопаркан, – деб ўйлади Назрулла. – Лекин совутиш керак. Нима бу? Жарликми? Дирр!

От ҳам Назрулла ҳам пастилкка шўнғиди...

Унинг юзларини таниш қўл силади.

– Ким бу?

– Менман...

– Нозик?!

Бу бекат Полвон тоға билан Муборак холани бошқа кўрмади. Нозик билан Назруллани ҳар йили кузатади, ке-

йин кутиб олади. Аввал улар икки киши эдилар, кейин учта бўлишди, сўнг эса тўртта...

ИККИНЧИ ҲИКОЯ: 1961 ЙИЛ

Бекатдаги сув дўкони икки кундан бери очилмайди. Учинчи куни хизматчилар орасида шивир-шивир тарқалди:

– Лолаҳон ўлиб қолибди...

– Қачон?

– Икки кун бўлибди...

Бу гап-сўзларга биргина фаррош эътибор бермади.

– Аллоҳнинг куррати, – деб қўйди.

Пешинга яқин бекат кўчасидан ўн-ўн беш киши тобут кўтариб ўтди. Фаррош оқсоқланиб бориб, тобутнинг бир томонини кўтарди. Пичирлаб дуо ўқиди, кейин тобутни бошқа киши елкасига олгач, сафдан чикиб юзига фотиха тортди-да, бекат томон юрди.

Тепасига паранжи ташланган тобут ичида ким ётганини у билади.

Ўша йиллари ҳам у фаррош эди. Бекат биноси қад кўтартганидан бери шу хизматда.

Дастлаб сув дўкони очилиб, дуркунгина қиз Лолаҳон ишга келганида уни кўриб, кўп йигитлар катори унинг ҳам юраги «жиз» этиб қўйган эди. Лекин... «биздек чўлокка йўл бўлсин», деб кизга яқин йўламас, шилқимлик қилмасди. Аввал Сарварга ҳasad билан қараб юрди. Бу йигитнинг бекатда ҳар куни ўралашиб юриши бежиз эмаслигини билди. Бир куни баҳор офтобида мудраб ўтирганида Сарвар унга салом берди. Ёнида ясаниб олган дўсти. Иккови ҳам бир хилдаги икки саман отни миниб олишган.

– Мансур ака, тўйга айтиб келдим, бирга бўлинг. Якшанба куни эрталабдан бораверасиз.

Мансур унга бўлган ҳасадини яширишга уриниб, базўр жилмайганича қутлади. От устида мағрур ўтирган елкадор бу йигитга қараб: «Бахти кулган экан, бошига дўппи, бе-

лига белбоғ ярашаркан», деб қўйди. Келин боланинг кимлигини сўрамади. Сарварнинг Лолаҳонга уйланаётганига амин эди. Янглишмади.

Шундан сўнг бу бекатда Сарварни яна икки марта кўрди. У Сарварни авваллари кўп маротаба кўрган бўлса-да, уч учрашув хотирасига муҳрланиб қолган эди. Шулардан бири – от устида кулимсираб ўтирган Сарвар.

Иккинчиси...

Ёзда уруш бошланди.

Кузда Сарвар билан учрашди. Ёнида Лолаҳон. Кўзлари қизарган. Бошини Сарвар акасининг елкасига қўйиб хомуш турарди. Сарвар Мансурни кўриб негадир жилмайди. Бу от устида ўтириб тўйга айтган йигитнинг жилмайши эмасди.

Ҳамма ўзи билан ўзи овора эди. Мансур секингина ўзини четга олди. Унинг вазифаси йигитларни кузатиш эмас, одамлар тарқалганидан кейин супуриб-тозалаш.

Поезд ўрнидан жилди. Уфқда қуёш – гўё қип-қизил баркаш, осмон этагига омонатгина осилиб турарди. Поезд қуёшни мўлжалга олгандай тўғри ўша томон юрди. Бора-бора қуёш бағрига кириб кетди – кўринмай қолди. Мансур шунча йил бекатда ишлаб, бундай манзарага эътибор бермаган экан.

«Тавба, қуёш ютиб юбордими?», – деб қўйди у ўзича.

Мансур билан Лолаҳон ўртасида салом-аликдан бошқа алоқа йўқ эди. Фаррош индамай юргани билан аёлни зимдан кузатарди. Шунинг учун ҳам китель кийган, бақбақаси осилган, беўхшов қорин қўйган кишининг сув дўкони атрофида айланишиб юрганини дарров сезди. Лолаҳон кўзга яқин, кўркамгина жувон бўлган эди. Унинг ҳаёти, хусни айни баҳор палласини бошдан кечираётган эди. Мансурнинг наздида у ўзини асрай олмади: нобоп шамолга учради. Сув дўкони атофида юрган беўхшов семиз киши лобар аёл баҳорини хазон қилгувчи аямажуз эди.

Орадан бир ярим йилча вақт ўтган эди...

Тушга яқин поезд келиб тўхтади. Ҳарбий кийимдаги бир киз Мансурни чақирди:

– Ҳой амаки! Амаки, дейман, бу ёкка келинг, карашиб юборинг.

Замбилдаги одам Мансурга таниш кўрипди. Юзидаги чандикларни хисобга олмаганда Сарварнинг ўзи эди.

– Мансур ака, ассалому алайкум, танимаяпсизми? Сарварман...

– Сарварбек! Омонмисиз, биродар?..

Мансурнинг кўришмок учун узатган қўли ҳавода муаллақ қолди. Сарвар ҳазин жилмайди. Унинг бу жилмайишида қандайдир алам, ўкинч бор эди. Мансур буни сезди. Этлари жимирашиб кетди.

– Шунаقا бўлиб қолди, Мансур ака. Қўл-оёқларни Стлинградга ташлаб келяпмиз.

– Ё алҳазар! Ишқилиб, бошингиз омон экан, шунисига шукур! Мен ҳозир, биродар... ҳозир...

Мансур шундай деб, шох ташлаганича югуриб сув дўконга борди:

– Лолаҳон, синглим, суюнчи беринг: Сарварбек келдилар!

Лолаҳон бу хушхабарга ишонқирамай сўради:

– Ким дедингиз?

– Сарварбек, ўртоғингиз...

Сарвар замбилда ётганича, ўша аламли жилмайиш билан хотинини қарши олди. Лолаҳон бир нарсадан чўчиғандай замбил яқинида тўхтади.

– Сарвар ака?

– Лолаҳон... мана...

Лолаҳон аста тиз чўқди. Чойшабнинг бир учини аввалига чўчиғина кўтарди. Кейин қандайдир куч уни мажбур килгандай, чойшабни буткул очиб юборди-да, даҳшат билан қичкириб, ўрнидан турди. Орқага тисарилди.

– Йўқ, йўқ! – у шундай деб нидо қилганича ҳарбий кийимдаги ҳамширага юзланди: – Эримни қандай олиб кетган бўлсаларинг менга шундай қайтарасанлар! Йўқ, йўқ! Энди у одам бўлмайди. Э, Худойим, пешонам шунчалар ҳам шўр бўладими, а?!

У ўкраб-ўкраб йиғларди. Мансур ҳам, ҳамшира ҳам унинг овунишини кутиб жим туришарди. Сарвар лабини тишлаб олган, кўз ёшларини тия олмасди. Лола овунмади: шашт билан бурилиб, югуриб кетди. Унинг бу йиғиси Сарвар урушга кетаётгандаги йиғисига сира ўхшамас эди.

Сарварни тиббий машинада қаергадир олиб кетишиди.

Мансур уни бошка кўрмади.

Сув дўкони атрофида турли-туман эркаклар кўп айланишадиган бўлишди.

Мансур Лолаҳон билан салом-аликни йиғиштириди.

Ўшандан кейин неча марта баҳор келди. Мансурнинг сочига оқ оралади. Соғ оёғидан ҳам қувват кетди. Ишини яримламай туриб оёғи санчиб оғрий бошлади. Супургисини судраб бориб, бекатга кираверишдаги ўриндикқа ўтириди. Шу ерда ўтирган киши унга бир қараб олиб салом берди.

– Танимадингиз, а? – деб сўради.

– Кўзимга иссиқ кўриняпсиз-у, эслолмаяпман, қариличикда, биродар...

– Уруш бошланган йили дўстим билан шу ерга келиб сизни тўйга айтган эдик.

– Ким билан?

– Сарвар билан. Келин сув дўконида ишларди, эсладингизми?

– Ҳа, ҳа. ёдимга тушди. Икковинглар саман отда эдинглар. Хўп ярашган эди-я!

– Қойилман, хотирангиз зўр экан.

– Сарварбек... омонмилар? Ҳозир қаердалар?

– Тошкентда. Ҳозир унинг олдига кетяпман. Эртага диссертация ёклайди.

– А, лаббай?

– Олим бўляпти ошнам.

– Бир ўзига кийиндир?

– Нега бир ўзи бўлади, оиласи бор. Ўғли ҳам катта йигит бўлиб колган. Биринчи хотини ҳалиям шу ерда ишлайдими?

– Каерга ҳам борарди...

... Ана шу Лолахон икки кун илгари ўлибди. Мурда икки кун қаровсиз қолибди. Кейин савобталаб қўшнилар уни қабрга кўйиб келишди. Ҳассакаш ҳам йўқ, уйда аза очувчи ҳам йўқ.

Бу воқеага бир одам гўё фарксиздай...

... бекат биноси ҳам миш-мишларга парво қилмайди. У аввалгидаи мунғайиб турибди...

* * *

Кўп сирларни бағрига сингдирган бекат ҳамон ўз ўрнида.

Соғинган юраклар уни кўрганда шодликдан ёнади.

Кимларгадир эса бегона...

М У Н Д А Р И Ж А

Фалак	3
Номус	110
Тириклик суви	166
Курорт	208
Қасос	227
Хотира	241
Бекат	246

34000

адабий-бадиий нашр

ТОҲИР МАЛИК

ТИРИКЛИК СУВИ

Қисса ва ҳикоялар

Мухаррир

Бадиий мухаррир

Саҳифаловчи

Техник мухаррир

Муҳайё Рихсибекова

Насиба Эргашева

Шаҳбоз Сироҷиддинов

Жавоҳир Неъматов

Лицензия раками: АI № 213, 26.03.2012

Босишга 24.04.2019 да руҳсат этилди

Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$

Босма табоғи 10,2. Шартли босма табоғи 13,4.

Гарнитура «Times». Офсет қоғози

Адади 5000 нусха. (1-завод 3000) Буюртма № 61

Оригинал макет «DAVR PRESS»

нашириёт-матбаа уйида тайёрланди.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор тумани,
20-А мавзе, 42-үй.

«SPECTRUM MEDIA GROUP» МЧЖ

босмахонасида оғсет усулида чоп этилди.

Манзил: Тошкент ш., Күшбеги кўчаси, 6.

Тел.: (+99897) 155-11-47, (+99871) 216-90-14

Link: [@smgprint](http://smgprint)

Маркетинг бўлими: (+99894) 665-83-06

Web: www.davrpress.uz, www.kitoblar.com

e-mail: davr-press@mail.ru




Токайр Малик

«...Кизнинг құллари ишда, хаёли эса хум ичидаги йигитда бўлди. Отаси суюқ ошни ичиб олгач, пешин намозини ўқиди-ю, ўраниб ётди. Кун оға бошлаганды туреб, ўзини енгил ҳис қылғанини айтуб, Кумқишилоқ томон йўл олди. Отасини кузатиши билан қиз ичкарига шошиб кирди, хум қопқогини очиб, «чикаверингиз», деди. Хум ичидა ҳаракат сезилмади, овоз ҳам эшигилмади. Қиз хавотирланиб, хум ичига қаради, буқчайганича ҳаракатсиз ўтирган йигитни кўриб қўрқиб кетди. Калима қайтара-қайтара, қўрқувни енгган бўлиб йигитнинг юзига қўл юборди. Иссиқ кафтини муздек юз териси чақиб олгандай бўлди. Ҳолсизланиб ўтириб қолди. Қўрқув тўрларига ўралиб, узоқ ўтириши мумкин эмасди. Йигит димиқиб ўлдими ёки қўрқувдан жон таслим қилдими – буни аниқлаша хаёлига ҳам келмасди. У фақат бир нарсани – боши узра тўпланаётган бало булутидан қандай қутулишини ўйларди...»



ISBN: 978-9943-5555-4-9



9 789943 555549